

Э. Бегматов

Исмларнинг
сирли олами

Э. Бематов

Усмларнинг
сирли олами

639

ALISHER NAVOIY HOMIDAGI

ToshDO TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»

2014

УЎК 392.91
КБК 81.2Ў36
Б-45

Тақризчилар:

Н. Ҳусанов — филология фанлари доктори,
А. Отажонов — филология фанлари номзоди

Бегматов Э.

Б-45 Исмларнинг сирли олами / Э. Бегматов. — Тошкент:
«Ўзбекистон», 2013. — 176 б.

ISBN 978-9943-01-992-8

Исмлар, болага исм бериш, бу билан боғлиқ урф-одатлар, тушунча ва тасаввурлар, ҳар бир исмнинг маъноси, унинг заминини ташкил қиладиган ҳолатлар халқимизнинг қадимий қадриятларидандир. Аслида бесабаб, бирор асосга эга бўлмаган ёки «ёмон», «хунук» деб баҳолаш мумкин бўлган исм йўқ. Ҳар бир исмнинг моҳиятида исм берувчиларнинг болага аталган эзгу ниятлари, орзу-армонлари мавжуд. Китобда ушбу масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

УЎК 392.91
КБК 81.2Ў36

ISBN 978-9943-01-992-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2014.

СЎЗБОШИ

Инсон туғилиб, кейин умрининг охиригача бир-бири билан мулоқотда бўладиган тил табиат томонидан инсонга инъом этилган буюк, бетакрор неъмат ва улўф мўъжизадир. Тил қуидалик фикрлашув, сўзлашув воситасигина бўлиб қолмасдан, унинг жамиятда адо этадиган вазифаси кўпқиррали ҳисобланади.

Тил инсонларнинг кундалик орттирган тажрибалари, хулосалари, фикрлаш, мушоҳада юритиш, ижод қилиш, маданият, маънавият соҳасида эришган фалсафий, руҳий тушунчаларини ўзида ифодалаб, номлаб, мужассам қилиб авлоддан-авлодга олиб ўтадиган восита ҳамдир. Демак, тил шунчаки ўзаро фикрлашув, сўзлашув қуроли эмас, балки жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик, маданият ва маънавият соҳаларидаги ютуқларини ифода этувчи, ўз бағрида асрайдиган тарихий мероси бўлиб хизмат қилади. Мана шу хусусият, айниқса, тил луғавий бойлигининг таркибий қисми бўлган киши атоқли от (антропоним)ларида ёрқин намоён бўлади.

Исмларнинг асосий лисоний-коммуникатив вазифаси ҳар бир шахсни яққалаб аташ орқали уни бошқа шахслардан фарқлаш, ажратишга хизмат қилишдан иборат. Эътибор бериб қаралса, ҳеч бир исм шунчаки танланиб болага қўйилмайди. Ҳар қандай исм берилиши замирида ота-оналарнинг бирор мақсад, орзу-умидлари, фарзандининг соғлиги, келажаги, истиқболини кўзлаган эзгу ниятлар ётади. Мана шу ниятлар болага исм танлаш ва бериш учун асос (мотив) вазифасини ўтайди.

Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда болага исм қўйиш жараёни қадимдан турли-туман халқона эътиқод, ишонч ва хилма-хил удумларни адо этиш билан боғлиқ бўлган. Чунки ўтмиш аجدодларимиз боланинг дунёга келиши, турли касалликларга чалиниши, нобуд бўлиши унга берилган исм билан алоқадор деб ҳисоблаб, исм инсоннинг тақдири ва истиқболига таъсир қилади деб ишонишган. Шунингдек, инсон исмининг қандайдир сеҳрли кучга эгаллиги туғрисида қадимий тушунчалар мавжуд.

Мана шундай жараёнлар туғайли исмлар болага ном қўйишнинг моҳияти ва мазмунини ўзида ифода қилувчи хилма-

хил қадимий эътиқодлар, диний-фалсафий фикрлар, маданий ва этник расм-русумлар, удумлар, миллий хусусиятларни ўзида мужассам қилган ҳолда авлоддан-авлодга ўтган ва ҳозирда ҳам сақланиб қолган.

Исм ва исм бериш билан алоқадор қадимий анъана ҳамда эътиқодларнинг моҳияти ва юзага келиш сабаблари ҳаммага ҳам бирдек тушунарли эмас. Шу боис исмни танлаш ва исм бериш жараёни, исм билан боғлиқ эътиқодларнинг қадимий илдизлари, тарихий-этнографик, фалсафий-тафаккурий сир-асрорларини билиш жуда қизиқарлидир.

Китобда муаллифнинг деярли 50 йил давомида ўзбек исмлари ҳақидаги материалларни тўплаш жараёнида кишилар билан олиб борган суҳбатлари, ўзбек халқининг қадимий эътиқоди, удумларига оид асарлардаги тарихий-этнографик, илмий маълумотлар, жаҳондаги бошқа халқлар ва туркий халқлардаги исмларни тадқиқ қилишга бағишланган асарлардаги мавзуга оид маълумотлардан фойдаланилди.

Муаллиф бирор исмнинг мотиватив хусусияти ва у билан боғлиқ удумлар ҳақида сўз юритар экан, *шу исмни болага қўйинг, шу удумга амал қилинг, деган фикрдан йироқ*. Болага исм танлаш ҳар бир ота-она (оила аъзолари)нинг ихтиёрий иши. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмон исм танламайди, баъзи маъно ва шаклга кўра эриш ва хунукроқ туюлган исмлар замирида энг эзгу ният — боланинг турли бало-қазолардан холи бўлиб улғайиши орзуси ётади. Шундай экан, тилимизда ҳеч қандай хунук исм йўқ, бундай исмларнинг ўзига хос сабаблари, қадимий илдизлари мавжуд, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Китобда исмларнинг болага қўйилиши мотивлари, бу билан боғлиқ халқ удумлари муаллифга маълум бўлган маълумотлар асосида изоҳланди. Аслида ўзбек исмлари миқдор жиҳатидан кўп бўлиб, у ёки бу номнинг бошқачароқ талқинлари мавжуд бўлиши мумкин.

Муаллиф қўлёзма билан танишиб, қимматли фикрлар билдирган филология фанлари доктори, профессор М.Жўраевга, шунингдек, китобни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган М. Одилова ва Ў. Исломовларга самимий миннатдорчилик билдиради.

АТОҚЛИ ОТЛАР ОЛАМИ

Тил табиат инсонга инъом этган мислсиз, бетакрор муъжизадир. Тил инсоннинг фикрлашига, оламдаги мавжуд нарсалар ҳақида тушунча ва тасаввурларни ифодалашга, уларга сўзловчининг ўз ижобий ва салбий муносабатини билдиришга имкон беради. Тилнинг икки бекиёс вазифаси уни буюк даражага кўтаради: биринчиси, тил одамларнинг ўзаро фикрлашув, мулоқот қуроли, иккинчиси, тил борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги маълумотни, инсон тафаккури маҳсули хисобланган барча тушунча ва тасаввурларни ўзида ифодалайди ва умумлаштириб, авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдиради. Тилни бирон-бир восита билан ман қилиб йўқотиб бўлмайди. Туғри, тилнинг ёзма шакли бўлмиш қўлёзмаларни шафқатсиз равишда йўқ қилиш мумкин, аммо тил халқнинг оғзаки тили сифатида яшайверади, равнақ топади. Тил инсониятни ҳайвонот олаמידан ажратиб турувчи буюк восита, ўзаро фикрлашув қурolidир.

Тилнинг пайдо бўлиши ҳақида кўпгина ривоятлар, афсоналар, ҳикматли ҳикоятлар, диний, мифологик ва илоҳий қарашлар мавжуд. Тилнинг хосияти, вазифаси, тилга муносабат, тилга ғамхўрлик қилиш, уни эъозлаш, асраб-авайлаш, бойитиш ҳақида деярли барча буюк мутафаккирлар ўз фикрларини билдиришган. Буюк бобомиз Алишер Навоий тилни қуёш нури каби битмас-туганмас хазинага, сўзларни эса дур ва жавоҳирларга қиёс қилган:

*Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлағайму хуришд.¹*

*Кунгул дуржи ичра гуҳар — сўздурур,
Башар гулшанида самар — сўздурур.²*

¹ *Алишер Навоий*. Мукаммал асарлар тўплами. IX жилд. Лайли ва Мажнун, 30-бет.

² Ўша асар, VIII жилд. Фарход ва Ширин, 72-бет.

Юқорида қайд этилган хусусиятлар кишиларда она тилига бўлган ўзига хос муносабатни — она тилини кадрлаш, уни авайлаш, турли хуружлардан сақлаш, ўз Ватани, тану жонидек эъозлаш ҳиссини шакллантирган. Мана шу маънода маърифат-парвар адиб Абдулла Авлонийнинг «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи хаёти тил ва адабиётдир. Миллат тилини йўқотмок миллатнинг руҳини йўқотмакдур», деган фикрлари¹ ҳаққонийдир.

Тил кишилар ўртасидаги мулоқот курули сифатидаги вазифасини ўзида мавжуд бўлган турли лисоний имконият ва воситалар орқали амалга оширади. Булар, маълумки, товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар, сўз, сўзшакллар ҳосил қилувчи турли кўшимчалар, талаффуз, оҳанг ва бошқалардир. Тил учун буларнинг барчаси бирдек лозим ва ўз ўрнида муҳимдир. Шунга қарамасдан, амалий нутқий жараёнда сўз (лексема)нинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тилда асрлар давомида мужассам бўлиб, сақланиб келаётган барча реал ҳамда хаёлий тушунча ва тасавурлар сўзда ўз тажассумини топади. Шу сабабли сўз кўп ҳолларда тил, нутқ, матн маъноси билан ҳам қўлланилади.

Ҳозирги тилшуносликда сўзнинг икки ҳолатини, яъни тил бирлиги бўлган сўзни **лексема**, нутқ бирлиги бўлган сўзни **сўз** деб номлаш орқали фарқлаш удум бўлган. Аммо сўз тушунчаси ниҳоятда мураккаб бўлиб, у тил ва нутқ бирлиги бўлган сўзни, фикрни ифодаладиган гапни, жумлани, нутқини, сўзлаш ва ўзаро мулоқотни, бадий асарни, ҳикматли сўз ва ибораларни, халқ мақолларини ифодалайди.

Сўз қанчалик серқирра, ҳажман улкан, сермаъно бўлмасин, у тилшуносликда, аввало, икки катта гуруҳга тасниф қилган ҳолда ўрганилади: **турдош отлар ва атоқли отлар**. Ушбу таснифда фақат от категорияси ҳисобга олинган. Ҳолбуки, атоқли от фақатгина отлардан эмас, сифат, сон, феъллардан ҳам ясалади. Демак, сўзни аслида икки катта гуруҳга бўлиш мумкин — **турдош сўзлар ва атоқли отлар**.

Мана шу иккита катта гуруҳ сўзларда инсон тафаккурининг яна бир улкан маҳсули намоён бўлади. Бу — борликда нарса ва ҳодисаларни муайян гуруҳларга бўлган, таснифлаган ҳолда умумлаштириб аташ ва аксинча **якка тартибда, доналаб** аташ

¹ *Абдулла Авлоний*. Тошкент тонги. — Т.: 1979. 14-бет.

имконини беради. Масалан, дунёдаги барча **дарёлар** ўзбек тилида **дарё** деб юритилади. Демак, ушбу сув объекти ҳақидаги тушунчага эга барча объектлар дарё деб аталади. Аммо инсон қадимдан сувнинг ҳаракатланишига восита бўладиган бошқа нарсаларга ҳам дуч келган ва уларни **сой**, **ўзан**, **ирмоқ** деб номлаган. Бу ерда ҳам объектларни умумлаштириб аташ бор. Оламдаги барча сой, ўзан, ирмоқлар ўзбек тилида қадимий даврлардан ана шу сўзлар орқали ифодаланади ва бу сўзлар ўша битта турга кирувчи сув объектларининг умумлашма, турдош номларидир. Тилнинг мана шу хусусияти бўлмаганида нарса ва ходисаларнинг ҳар бири учун янги сўз ясалганида (бу аслида мумкин ҳам эмас) тилнинг лугат бойлиги чексиз, миқдоран эгаллаб бўлмайдиган даражада кенгайган бўларди. Борликдаги нарсаларни умумлаштириб номлаш тилни мана шундай хавфдан қутқарган. Бу яхши, аммо жуда қадимда яшаган кишилар ўз ҳудудларида бирдан ортиқ дарёлар, сойлар, ирмоқлар, тоғлар, қирларга дуч келганлар. Бундай физикавий, географик объектлар уларнинг қадами етган барча ҳудудларда учрашига гувоҳ бўлишган. Ўша пайтдаги табиий шароит, кундалик яшаш эҳтиёжи ушбу объектларни бир-биридан ажрата олиш, адашиб қолмаслик учун мўлжал тарзида уларни бир-биридан фарқлаш, ажратиш эҳтиёжини туғдирган. Натижада қадимда яшаган одамлар атрофида мавжуд бўлган дарёлар (сой, тоғ ва бошқалар)га алоҳида (махсус) ном беришган. Ҳозирда **атоқли отлар** деб юритилувчи номлар мана шундай пайдо бўлган, яъни ўтмиш аجدодларимиз ўлкамиздаги дарёларни Амударё, Сирдарё, Чирчик, Қорадарё; сойларни Жарсой, Булоқсой, Илонсой, Ертошсой; ирмоқларни Оқсув, Мойлисув, Окбўра; тоғларни Қоратоғ, Етимтоғ, Оқтоғ, Бештоғ, Заргартоғ, Оқбелтоғи деб аташган. Фанда одамлар нарса ва ходисаларга берган илк ном атоқли от бўлган, чунки бу сўзлар якка, битта объектни номлаган, яъни ҳозирда турдош деб ҳисобланувчи **тоғ**, **тепа**, **дарё**, **кўл** сўзлари асли атоқли от бўлган деган қарашлар ҳам мавжуд, чунки у вақтда инсон тафаккури нарсалар ҳақида тушунчаларни умумлаштиришга ожизлик қиларди.

Булардан қатъи назар, ҳар қандай тилда турдош от ва атоқли от деб юритилувчи сўзлар мавжуд ва ҳар иккаласи инсон тафаккурининг ноёб махсули сифатида ўтмиш аجدодларимиз бизга меърос қилиб қолдирган бекиёс лисоний, маънавий бойликдир.

Улуғ мутафаккир Ибн Сино мантиқ ҳақида гапирар экан, умумий ва жузъий тушунчаларга тўхталиб, умумий тушунчалар

ўз ичига барча (кўп) нарсани олишини, жузъий тушунчалар эса ўз ичига фақат битта нарсани олишини айтади. Масалан, Зайд жузъий тушунча англатадиган атоқли от эканини ёзади¹.

Ўзбек тили атоқли отларга нихоятда бой тиллардан бири хисобланади. Ўзбек номшунослари ҳозиргача республика ҳудудида тўплаган жой иомлари (топонимлар) миқдори 50.000 дан ошиқ. Ушбу сатрлар муаллифи тўплашга муваффақ бўлган ўзбек исмлари миқдори 20.000 дан ортиқдир. Шунга қарамадан, ҳозирда ўзбек тилига бағишлаб ёзилган дарслик ва қўлланмаларда атоқли отларнинг беш, олти тури тилга олинади, холос. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда, атоқли отлар оламини ташкил қилувчи номларнинг асосий типлари ҳақида мухтасар фикр юритамиз. Улар куйидагилар.

Киши исмлари: **Турсун, Турсуной, Эргаш, Фулчехра, Гулюз ва бошқалар.**

Лақаблар: **Аҳмад полвон, Қулмад чўлоқ, Отажон манқа, Эрмат эзма, Лайли лақма ва бошқалар.**

Фамилиялар ва исмлари: **Исломов Ўткир, Қодирова Дилнавоз, Бегматова Муҳаббат, Ойдиной Пўлатовна каби.**

Кишини аташнинг бошқа хил усуллари: «ўғли», «қизи» деган сўзлар ёрдамида ясалган **антропонимлар**: кичик Муқимнинг қизи Моҳчучук, Шукурнинг ўғли Аннакелди ва бошқалар.

Тахаллуслар: Навоий, Шавқий, Завқий, Саккокий, Файратий (Абдурахим Абдуллаев), Шухрат (Фулом Алиев) ва бошқалар.

Кишини номлашнинг келтирилган кўринишлари номшунослик (ономастика)да антропонимлар (antro — одам, onum — ном, атоқли от) деб юритилади.

Теонимлар (teos — Аллоҳ+ onum — атоқли от). Аллоҳ ва унинг атрибутлари номи: Аллоҳ, Аллоҳи таоло, Тангри, Ўгон, Ҳақ таоло, Худой, Худойи таоло, Яратган ва бошқалар. **Аллоҳнинг сифатлари (атрибутлари)**: ал-Раҳмон, ал-Қуддус, ас-Салом, ал-Жаббор, ал-Фаффор, ал-Ваҳҳоб ва бошқалар. Ислом динига оид адабиётларда Аллоҳнинг 99 та сифатини ифода этувчи номлар келтирилади ва изоҳланади. Ушбу исмларга китобнинг охириги бобида кенгроқ гўхталамиз.

Муқаддас деб хисобланувчи ва уларга сифинилувчи **қабрлар, авлиёлар зиёратгоҳлари** ва бошқа атоқли отлар: Сиёвуш қабри,

¹ *Ибн Сино.* Донишнома. — Тожикистон давлат нашриёти, 1957. 90-бет.

Аллам ота, Бургут бобо, Кук тунли бува; Хизр, Лукмони хахим, Чупон ота. Мана шу гурухга кирадиган ва кишилар муқаддас деб билувчи баъзи нарсалар қурол-анжомлар, дарахт ва ўсимликлар, ишшоотлар ва бошқаларнинг атоқли отлари ҳам киради: **қабр ва даҳмалар:** Мўмин Саккокий қабри, Туман оқо даҳмаси; **мозорлар:** Соёликота мазори, Бандохотин мазори; **мақбаралар:** Руҳобод мақбараси, Шамсиддин кулол мақбараси, **зиёратгоҳлар номи:** Оташхона, Ийдгоҳ, Учтерак, Мингчинор, Кўли Куббон, Обираҳмат ва бошқалар.

Афсонавий шахслар, жонзотлар: Хоруд, Моруд, Гулдурмомо, **фаришталар:** Азроил, Жаброил, Исрофил, Микоил, Мункар, Накир номлари.

Хайвонлар ва турли хил жонзотларга берилган махсус **лақаб-номлар:** зотли отлар номи (Фирқук, Қоратулпор, Тулик, Қўшқанот, Олмақўз), Тайфун, **сигирлар номи** (Қизил, Олабош), **туя номи** (Барқувват), эчки ва қўйлар номи (Лолақизғалдоқ, Серкабобо, Булбул, Хамиртуруш); **итлар номи** (Олғир, Қутоек, Қутлуғоек, Олапар); **қуш ва нарандалар номи** (Анко, Оққуш, Сумбулқуш, Семурғ) каби.

Тилда майда жонзотлар: хашаротлар, илонлар, тошбақа ва қуёнларнинг биттасига қўйилган атоқли отлар ҳам учрайди. Атоқли отларнинг келтирилган типлари номшуносликда **зоонимлар (хайвонлар номи)** ва **орнитонимлар (қушлар номи)** деб юритилади.

Ер юзасидаги қуруқликда жойлашган физикавий-географик объектларнинг атоқли отлари: Ер юзаси рельефидаги бўртиб, қўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жой номи. Булар: **тоғлар номи:** Қоратоғ, Қурама тоғлари, Нурота тоғи, Тўнғизлитов, Ёмонтов; **қирлар номи:** Дўлталитов қири, Дўдаганқир, Узунер қири; **тепалар, дўнгликлар номи:** Шоштепа, Кўктепа, Оқтепа, Юмалоқтепа, Учтепа, Қўштепа; қоя ва чўққилар номи: Қирққиз қояси, Қўшқўққи, Тепакал қояси; доvon, қўтак, бел, сангирлар номи: Ўзбекқўтак, Музбел, Бургутли доvони, Такали доvони ва бошқалар. Келтирилган атоқли от типлари номшунослик илмида умумлаштирилган ҳолда **оронимлар** (огос – тоғ, опота – ном, атоқли от) деб юритилади.

Ер юзасида сув билан боғлиқ бўлган табиий ва сунъий объектлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга ҳам тилда махсус номлар берилган. Масалан, **денгизлар** (Орол денгизи, Қора ден-

гиз); **кўллар**, **сув ҳавзалари** (Думалоқкўл, Иссиқкўл, Шўркўл, Сантобкўл); **дарёлар** (Оқдарё, Қорадарё, Куксув, Майлисув, Сирдарё, Чирчик, Туполондарё), **сойлар**, **ирмоқлар ва жилгалар** (Косонсой, Чодаксой, Жилғасой, Оксув (Кашқадарё ирмоғи), Оқдарё, (Зарафшон ирмоғи), **сув омборлари** (Жарқўрғон сув омбори, Чорвоқ сув омбори, Косонсой сув омбори), **қудуқлар** (Узунқудуқ, Отқудуқ, Калтақудуқ, Тешабойқудуқ), **ховузлар** (Сассикховуз, Қувондиқ ҳовузи, Каттаховуз), **булоқ**, **чашмалар** (Иссиқбулоқ, Мойбулоқ, Тошбулоқ, Сарчашма), **коризлар**, **Боискориз**, **Султонкориз**, **Халфакориз**), **ариқ ва каналлар** (Бўзсув канали, Нарпай канали; Туроб ариғи, Дўрмон ариғи, Керайит ариғи ва б.).

Номшуносликда океан ва денгизлар тагида жойлашган табиий объектларни **батионим** (boti — чуқурлик), ботқоқликларни **гелоним** (gelos — ботқоқ), музликлар номи **гляционим** (glyacios — музлик), ҳар қандай оролларни **инсулоним** (insula — орол), кўл ва сув ҳавзалари номини **лимнионим** (limen — кўл), океан ва денгизлар ҳамда уларнинг қисмларини — **океаноним** (oceanos — илоҳ океан, чексиз денгиз), дарёлари **потамоним** (potamos — дарё) деб ҳам юритишади. Сув билан боғлиқ бўлган барча объектларнинг атоқли отлари ономастикада **гидроним** (худрос, гидрос — сув) дейилади.

Одамлар жуда қадим замоналардаёқ муайян тураржойлар, аҳоли яшовчи масканларни барпо этишган ҳамда шаҳарлар, қишлоқ ва овулларни бир-биридан фарқлаш учун уларнинг ҳар бирига ном беришган. Бу номларнинг кўпчилиги жуда қадимий бўлиб, хаттоки, шаҳарлар, қишлоқ, овулларнинг баъзилари турли сабабларга кўра эндиликда харобаларга, тепаликларга айланган бўлса-да, уларнинг номлари сақланиб қолган. Аҳоли масканларига берилган номлар қандай объектнинг атоқли оти эканига кўра фанда муайян терминлар билан юритилади. Номшуносликда шаҳарлар атоқли оти **астионимлар** (astios — шаҳар, опота — ном), қишлоқ, овул номлари **комоним** (komos — қишлоқ, опота — ном) дейилади. Маълумки, ҳар қандай шаҳар ичида турли хил объектлар: даҳалар, мавзелар, гузарлар, майдонлар, хиёбонлар, бинолар ва бошқалар мавжуд. Булар ҳам ўз атоқли отларига эга бўлиб, бирор объектни бошқаларидан фарқлашга хизмат қилади. Ономастикада майдон, хиёбонлар номи **агороним** (агора — майдон, бозор, опит — ном), кўчалар номи **годоним**

ёки дромоним (dromos — йўл), бино ва турли иншоотлар номи **ойкодомоним** (oikos — бино, иншоот, opoma — ном) деб аталади. Келтирилган ном қўринишлари умумий тарзда **ойконим** (oikos — маскан, opoma — ном) ҳамда шаҳар ичидаги турли хил объектлар номи **урбанонимлар** деб юритилади.

Шулар қаторига дала ва экинзорлар атоқли оти бўлмиш **агропимларни** (agros — дала, экинзор, opoma — ном), дарахтзорлар, ўрмон ва боғлар номи **дримоним** (drimos — дарахтзор, ўрмон, opum — ном)ларни қўшиш мумкин.

Маълумки, инсоният қадимдан осмон жисмлари сирлари билан қизиқиб келган ва ўзи аниқлаб белгилашга муваффақ бўлган фазовий жисмларга махсус номлар берган. Юлдузлар, сайёралар, Ой ва бошқа хил объектлар юзасида жойлашган кратерлар, тоғлар, пасттекистиклар, денгизларнинг атоқли оти ана шундай пайдо бўлган. Ушбу атоқли отлар фанда умумий тарзда **космонимлар** (xosmos — олам, коинот, opoma — ном) деб юритилади. Барча фазовий объектлар, жисмларга қўйилган атоқли отлар космонимларга киради. Инсоният фазони ўрганиш бўйича эришган ютуқлар Марс, Венера, Ой, Меркурий юзасида мавжуд бўлган кўпгина объектларни ўрганишга имкон берди. Натижада мана шу объектларнинг ҳар бирига берилган атоқли отлар пайдо бўлди. Бу номлар эндиликда **венесуоним** (Venus — венус, opoma — ном) Венера сайёраси юзасидаги ҳар қандай табиий — физикавий объектлар атоқли оти, **меркуроним** (**Merkurins** + opoma — ном) — ушбу сайёра юзасидаги объектлар атоқли оти, **марсионим** (**Mars**+opoma — ном) — Марс юзасида ҳар қандай табиий объектлар атоқли оти деб юритилмоқда.

Юқорида биз атоқли отларнинг баъзи қўринишларига тўхталдик. Холбуки, тил атоқли отларга ғоятда бойдир. Келтирилганлардан ташқари алоҳида дарахт ёки ўсимлик навларининг ҳар бирига берилган атоқли отлар (**фитонимлар**), шамол, бўрон, циклон ва тайфунлар номи (**анемонимлар**), ҳар қандай ёзма асарлар (бадий, тарихий, илмий, сиёсий ва б.) номи (**иб-лионимлар**), матбуот органлари номи (**гемеронимлар**), давлат рамзлари атоқли отлари (**политонимлар**), турли хил байрамлар, фестиваллар, хотира кунлари ва бошқа хил маросимлар номи (**геортонимлар**), санъат асарлари атоқли оти (**артионимлар**), халқ тарихи учун алоҳида аҳамиятли бўлган баъзи асарлар, ҳужжатлар номи (**идеонимлар**), шунингдек, тарихий-маданий аҳамиятга молик баъзи нодир қурол

ва асбоблар номи (**ктематонимлар**), сувда ҳаракатланувчи кемаларнинг ҳар бирининг атоқли оти (**наутонимлар**), орден, медаллар, кўкрак нишонлари номи (**фалеронимлар**), ўлка, мамлакат ва ҳар қандай ҳудудга қўйилган атоқли отлар (**хоронимлар**), баъзи тарихий даврлар, босқичларнинг атоқли отлари (**хрононимлар**), афсонавий объектлар, воқеа-ходисалар номи (**мифонимлар**) ва бошқалар ҳам маълум.

Келтирилган атоқли от типларининг ҳар бири танланиш сабаблари, тарихи, қадимийлиги ёки янгилиги ва бошқа жиҳатларига оид ўз сир-асрорларига эга. Бу номларда ўтмишда яшagan аждодларимизнинг орзу-умидлари, илмий, диний-фалсафий қарашлари, ўтмишдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданияти ва маънавиятига оид дараклар, хилма-хил расму удумлари, мифологияси, энг мухими, нарсаларни номлашдаги топқирлиги, моҳирлиги ўз ифодасини топган.

ИСМИМИЗ ВА ЖИСМИМИЗ

Барчамизнинг исмишимиз бор: ота-онамиз, опа ва акамиз, сингил ва укамиз, ҳамма-ҳаммамиз, бир-биримизга ўша исмни айтиб мурожаат қиламиз. Отанг ким ёки онанг ким деб сўрасалар, исмини айтамиз. Мактаб ва муассасаларда, куча-қўйда исми-мизни айтиб сўрашамиз, исмни айтиб бир-биримиз билан танишамиз ва ушбу исмни ёдда сақлаймиз. Ҳар бир исм ортида бутун бир инсон турибди ва исм эгаси шу орқали кўз олдимизда гавдаланади. Инсон учун бобоси ва бувисининг, ота-онасининг, ака-укаларининг, опа ва сингилларининг исмидан азиз исм йўқ. Қариндошлар исми ҳам шундай қадрли. Севишганлар учун оламдаги энг гўзал исм — севгилисининг исмидир. У бу исмни эслаганида юрагини ҳаяжон босади, энтикади. Биз ўз исми-мизга кўникиб кетганмиз, кўп ҳолда унга эътибор ҳам қилмаймиз. Қўйдаги мисраларда мана шу ички улуғвор, покиза туйғу ўз ифодасини топган:

*Сочимни юваман, оро бераман,
Чиқиб кунгурага сазо бераман.
Айтаверманг шу боланинг отини,
Эшитгудай бўлсам ёна бераман!*

¹ Хоразм халқ кўшиқлари. — Т.: «Фан», 1965. 23-бет.

Кишининг исми — у билан бир умр бирга яшайдиган, қадрдон йўлдоши! Тилимизда исмларнинг тайёр бой жамғармаси бор. Биз шундан фойдаланиб эндигина дунёга келган фарзандларимизга исм қўямиз. Кейинчалик шу исмни айтиб уни эркалаймиз, суямиз, улғайтирамиз. Аммо кўп ҳолда бу исмни ўтмиш аждодларимиз асрлар давомида ижод қилишганига эътибор қилавермаймиз. Бу исмларда ўтмишда яшаган аждодларимизнинг, оддий деҳқондан тортиб то улуғ мутафаккирларимизнинг, хуллас, улуғ халқимизнинг ўтмиши, тарихи, орзу-умидлари, хилма-хил қадимий эътиқодлари, диний-фалсафий ўйлари, расм-русумлари, оғнинг муҳими — ўз фарзандининг соғ-омон ўсиши, омадли, бахтли, мард ва жасур, юртсевар, меҳнаткаш ва меҳрибон инсон бўлиб етишиши билан боғлиқ эзгу мақсадлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топган ҳамда бизгача етиб келган. Шу сабабли бемалол айтиш мумкинки, киши исмлари бу — халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятининг, этнографияси, фалсафаси, менталитети, руҳияти, миллийлиги ҳамда ўзлигини англаш билан боғлиқ тушунчалар мужассам бўлган бекиёс, улуғ манбадир. Баъзи ҳолларда матбуотда босилган мақолаларда, радиоэшиттириш ва телевидениедаги кўрсатувларда «яхши исм», «замонавий исм», «чиройли исм», «хунук исм» каби мулоҳазалар учраб қолади. Бундай муҳокама юритиш исмларимиз захирасига беписандлик билан қараш, ҳар бир исмнинг пайдо бўлиш моҳияти ва сирларини тушунмаслик натижасидир. Тилда сабабсиз пайдо бўлган, бирор маъно ташимайдиган, ўз ўтмишига эга бўлмаган исм йўқ. Ҳар бир исмнинг генезиси, биз ҳозирда «чиройли эмас», «замонавий эмас», деб ҳисоблаётган исмлар халқимизнинг ўтмишда амал қилган расм-русумлари, маросим ва эътиқодлари, орзу-умидлари, турмуш тарзи, дунёқарашига оид маълумотларни ташийди. Агар диққат қилинса, бу маълумотларнинг барчасида битта улуғ мақсад — дунёга келган боланинг соғ-омон улғайиши, бахтли бўлиши мужассамдир.

Халқимиз қадимдан мана шу улуғ мақсадга эришишнинг йўллари билан бири чақалоққа муносиб, мос исм қўйиш деб билишган. Аждодларимиз исмни инсонни турли бало-қазолардан, бахтсизлик ва омадсизликлардан, турли касалликлардан ҳимоя қилувчи ишончли, қудратли восита деб билишган. Ушбу эътиқод ва ишонч замирида исм қандайдир мўъжизавий кучга, сеҳрға эга деган тушунча ётади. Мана шу тушунча ниҳоятда қадимий

тарихга эга ҳодиса бўлиб, одамлар турли усуллар билан бунга амал қилишган, ундан фарзандларини ўлим чангалидан олиб қолишга ҳаракат қилишган. Шу сабабли ота-оналар чақалоққа муносиб исм танлашга катта эътибор беришган ва буни ўта масъулиятли иш деб билишган.

Бирор нарса, табиий объект ва ҳодисалар билан исм қўйиш ўртасида қандайдир муносабат, боғланиш мавжуд, шу сабабли нарсанинг номи унга ижобий ёки салбий таъсир ўтказиши мумкин, дея фикрловчи фалсафачилар, этнографлар, дин намояндalари ҳамда тилшунослар ўртасида хилма-хил мунозаралар қадимдан давом этиб келади. Чунончи, юнон олими Эпикур шахснинг номидан унинг табиатига хос белги-хусусиятларни ахтарган эди¹. Қадимда яшаган мутафаккир тилшунос Дионисий Фракиец атоқли отлар алоҳида якка шахснинг моҳиятини ифодалайди деб тушунган. Мана шунга ўхшаш фикрлар Сукрот ва Афлотун томонидан ҳам айтилган. Масалан, Афлотуннинг фикрича, нарсанинг номи унинг моҳиятини ўрганиш, илмий текшириш учун гоят муҳимдир².

Қадимги юнонлар ва юнон олимлари инсон, нарса ва ҳодисалар номини ҳамда унинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш ўша нарса моҳиятининг яширин сирларини билиб олишга имкон беради, деб ҳисоблашган. Шу сабабли ҳам улар атоқли отларни, жумладан, исмларни ўрганишга алоҳида эътибор беришган. Аммо ушбу олимларнинг исмларнинг маъно ва этимологиясига оид илмий текширишлари, қўп ҳолда афсоналарга, яъни мифологияга доир маълумотларга асосланган эди. Маълумки, мифологик нуқтаи назарга кўра: 1) нарса билан унинг номи чамбарчас боғлиқдир; 2) ном ўзи ифодалаётган нарсанинг моҳиятини англатади; 3) шунга кўра, нарсанинг номини билиб олиш йўли билан, ўша нарсанинг моҳиятига етиш мумкин бўлади, бу эса ушбу нарсани эгаллаш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради, деб билишган. Мана шу каби нуқтаи назарлар қадимги Миср ва бошқа мамлакатларда бўлган³.

Исмнинг сеҳрли кучига ишониш билан боғлиқ қадимий тасаввурлар, айниқса, кишиларнинг болага исм беришга оид расм-

¹ Из истории античного языкознания, том 3. — Л.: 1936. — С. 25.

² Античные теории языка и стиля, том 3, — М. — Л.: 1936. — С. 121.

³ *Топоров В.Н.* Из области теоретической топонимистики // Вопросы языкознания, 1962. №6, — С. 3.

русумларида, чакалокқа исм таиладда, танланган исмни қандайдир кучга, кудратга эга деб билишда, қўйилган исм кишини бахтли ёки бахтсиз қилиши мумкин, деган ишончда ёрқин ифодаланган. Бундай тасаввурларнинг асосида одам билан унинг исми орасида қандайдир боғлиқлик бўлади, исм ўз эгасининг тақдирига таъсир ўтказа оладиган сеҳрли кучга эга, деган ишонч ётади. Шу сабабли ҳам қадимда яшаган кишилар болага исм танлаш ишига жуда ҳам масъулият билан ёндашишган. Аввало, улар чакалокнинг дунёга келишини қандайдир табиий кучнинг, кўп ҳолда Тангрининг иродасига боғлашган ва болани ота-она учун берилган тенгсиз гуҳфа деб билишган. Шу сабабли ҳам кўпгина қадимий исмлар Тангри номи билан боғлиқ бўлган. Ўзбек тилидаги Тангриберган, Тангриберди, Тангрикул каби исмлар ана шундан дарак беради. Бундай эътиқод арманларда ҳам бўлган, уларнинг энг қадимий исмлари улар худо деб сифиладиган объектлар номи билан боғлиқдир: Гайк — олий илоҳнинг, арманлар бобокалонининг исми, Ара — қуёшнинг, баҳор илоҳининг исми, Анаит — ҳосилдорлик ва муҳаббат илоҳи номи, Ваагн — момақалдиروق ва чақмоқ илоҳи исми ва б. (Система имён. 9—60 стр.). Ўрта Осиёда яшаган кишилар қадимда заратуштра динига амал қилган ва икки ибтидога — сув ва оловга сифинишган. Страбоннинг маълумотига кўра, массагетлар Қуёшга сифинишган (Древние авторы. 21, 143 стр.). Аждодларимиз қолдирган қўлёзмалар саҳифасида ҳамда шевалари ва фольклорида сақланиб, бизгача етиб келган бир қатор киши исмлари туркий халқлар қадимда Қуёш, Ой, турли юлдуз ва сайёраларни муқаддас билиб сифингаи ва болага исмни ўша объектлар номидан танлаганидан дарак беради. Чунончи, академик А.А. Радлов тўнлаган материаллар асосида туркий исмларнинг Н.О. Катанов тузган кўрсаткичида шундай исмлар бор: Ой ариғ (Нурли Ой), Ойдан ёруғ, Ойкун (Ойдин), Оймерган¹.

«Ўғузнома» асаридаги маълумотларга қараганда, ўтмишда эркаклар ибтидоси — қуёш култи, аёллар ибтидоси ер-сув култи бўлган ва улар Кук Тангри осмон илоҳи, Кун Тангри (Қуёш — Илох, Ой Тангри (Ой Илох), Тонг Тангри (Тонг Илох) га сифингаи². Мана шунга кўра «Ўғузнома»да учрайдиган исмлар ўшанга мосдир: Кун, Ой, Юлдуз, Кўк, Тоғ, Денгиз ва б.

¹ Катанов Н.О. Алфавитный указатель собственных имен..., Петербург, 1888. — С. 2—15.

² Щербак А.М. Огузنامه, Мухаббатنامه. — М.: ИВЛ. 1959. — С. 70.

Жумладан, «Кутадғу билиг» қахрамонларининг номлари — Кунтуғди, Ойтўлди исмларини, ўзбек халқ фольклорига учрайдиган Ойсулув, Ойгул, Кунхон, Ойхон, Ойпарча, Кунтуғмиш исмларини ҳам келтириш мумкин. Ушбу исмларда икки эътиқод мавжуд: биринчидан, болани ўзлари муқаддас деб сифинувчи осмон жисмларига бағишлаш, бола уларнинг иродаси билан дунёга келганини эътироф қилиш, иккинчидан, улар болани турли офатлардан ҳимоя қилади деб умидланиш. Шу нарса характерлики, келтирилган исмларнинг намуналари ҳозирги ўзбек тилида ҳозирда ҳам сақланиб турибди ва анъанавий исм сифатида чақалоқларга берилмоқда: Кунбой, Ойбой, Кунибек, Ойбаланд, Ойхон, Ойжон, Юлдузхон, Қуёшбек, Тўлғоний, Ойсанам, Юлдуз, Кунсулув, Ойқиз, Ойбону, Қуёшхон, Чўлпон, Ойбуви, Ойбўлсин, Ойдаи, Ойманглай, Ойпарча ва кейинчалик бу исмлардан ўзлашган исмлар қўшиб ҳосил қилинган Офтоб, Шамсирўй, Шамсия, Ҳулкар, Ситора, Сайёра, Сурайё, Хуршида, Моҳбуви, Моҳижамол, Моҳинур, Кавкаббой ва бошқалар.

Албатта, бу исмларнинг қадимий эътиқодлар билан боғлиқ генетик маънолари ҳозирда маълум даражада унутилган, масалан, Ойхон исмида эндиликда қадимий эътиқоддан ташқари чиройлилик, гўзаллик тушунчаси мавжуд.


Қадимда яшаган кишилар тасаввурида анимистик қарашлар (лот. — рух. жон) ҳам кенг тарқалган эди. Бунга кўра ҳар қандай нарса ва мавжудотни рух (жон) бошқаради. Инсон вафот этгандан кейин ҳам унинг руҳи яшайди, деб ишонишган. Мана шу тушунчага кўра, ибтидоий одамларда марҳумнинг жони, у орқали унинг хусусиятлари янги туғиладиган чақалоққа ўтади, дейилган ишонч бўлган. Шу сабабли дунёдаги кўпчилик халқларда чақалоққа вафот этган бобо ёки бувисининг, ота ёки онасининг, бошқа қариндошларнинг исмини бериш одати мавжуд. Бу одат вьетнамлар, марийлар, аканлар ва банту тилида сўзлашувчиларда, шунингдек, деярли барча туркий халқларда учрайди (Система имён. 21, 66, 97, 205, 233 стр.). Ушбу анъанада икки нарса кўзда тутилади, биринчидан, ўтмиш авлодларни ҳурматлаш, улар руҳи болани қўллайди, бола узоқ умр кўради деб ишониш, иккинчидан, исм оламдан ўтган бобо, буви ёки отани эслатиб турсин, улар исми унутилмасин, деган ният. Масалан, озарбайжонлар бобо ёки буви исмини чақалоққа бериш орқали уларни эслаб юришни кўзда тутса, (Система имён. 17 стр.),

америкаликлар аждодлар исми истеъмождан чиқиб кетмасин (Система имён. 31 стр.) деган ниятда шундай қилишади. Банту тилида сўзловчилар овулда бирор машхур киши вафот этса, унинг исмини боласига беради ва унинг аввалги исми унутилади. Борди-ю, овчининг овда омади юришмаса, у буни ўз исмидан деб билади ва ўз исмини бошқаси билан алмаштиради, венгерларда туғилган болага отасининг, қизга онасининг исмини бериш одати бор. Натижа ҳар 4 та венгер ўғил ота номини, ҳар 10 та венгер қиз она номини олган (Система имён. 92 стр.). Ўғилни ота исми билан, қизни она исми билан номлаш одати юнонларда ҳам бўлиб, уларда биринчи ўғил отасининг отаси (бобо) номи билан, иккинчи ўғил она томонидан бобо номи билан, кейинги ўғил отасининг акаси номи билан, биринчи қиз ота томонидан буви номи билан, иккинчи қиз она томонидан буви номи билан, учинчи қиз бувининг онаси номи билан исмланиши қатъий анъана бўлиб ҳисобланган (Система имён. 102 стр.). Ўғилга бобоси исмини, қизга бувиси исмини бериш удуми скандинавияликларда ҳам бор. Кейинги фарзандлар ҳам шу тарзда номланади. Мархум бобо, буви, ака, опа ва бошқа яқин қариндошлар номини янги чақалоққа исм сифатида бериш ўзбекларда қадимдан мавжуд. Масалан, Гулбадан Бегим «Хумоюннома» асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хотинларидан бири Маъсума Султон Бегим қиз туққани ... ўзи эса туғиш вақтида вафот этгани ва онасининг отини қизига қўйганлари ҳақида ёзган¹.

Баъзи халқларнинг исм бериш одатлари орасида келтирилган удумнинг акси учрайди. Карагаслар вафот этган киши исмини болага қўймайди². Африка континентида яшовчи банту тилида сўзлашувчи халқларда «Болага исм қўйилмагунча уни одам (шахс) деб ҳисоблашмайди» (Система имён. 66 стр.). Жанубий Африкада яшайдиган фульбелар чақалоққа бирор исм қўйилмагунча, у қандайдир жонсиз нарса деб билишади ва унга олмошлар оркали мурожаат қилишади (Система имён. 321 стр.). Бу одатларда шахс исмини унинг ҳаёти, жони билан боғлиқ деб тушуниш ёрқин ифодаланadi. Шу сабабли улар вафот этганлар исмини болага беришмайди. Улар эътиқодича, бола исми ҳаёт бўлган ота исмига ҳам ўхшамаслиги керак. Чунки отдошлик

¹ Гулбадан Бегим. Хумоюннома. Т.: ЎзФА нашриёти, 1959, 28-бет.

² Васильев В.Н. Краткий очерк быта карагов // Этнографическое обозрение, № 1-4, 1910, - С. 56.



отага бахтсизлик келтириши мумкин (Система имён. 323 стр.). Вьетнамликларда бундан ҳам кизикрок одат бор, улар вафот этган одамга бошқа исм қўйишади, унинг ҳақиқий исмини эшлаш гуноҳ деб ҳисоблашади (Система имён. 100 стр.).

Инсон исми унинг жони, руҳи билан алоқадор деб тушуниш, исм бериш маросимида исм берувчининг ўз қўлини боланинг бошига қўйиб туриб, қулоғига туфлаш ҳамда «ана, исм чақалокнинг бошига жойлашди», деб ҳисоблаш одатида ҳам ёрқин кўринади (Система имён. 94 стр.). Мусулмон халқларда боланинг қулоғига азон айтиб исм бериш шарт ҳисобланади.

Одамнинг руҳи, унинг яхши ва ёмон хусусиятлари исм орқали бошқага ўтади, деган ишонч чақалокқа исми ижобий фазилатли кишиларнинг номидан танлаш, салбий фазилатли, бадхулқ одамлар номини болага бермаслик ҳолларида ҳам ёрқин ифодаланган. Туркий халқларнинг кўпчилигида ўтган аждодлар исмини янги туғилган болага бериш одати мавжуд. Масалан, ўзбеклар, қирғизлар, шунингдек, доғистонликлар бу русумга амал қилишади, чақалоқ улғайиб, исми болага берилётган бобоси, бувиси ёки бошқа қариндошлар каби узоқ яшасин, бой-бадавлат бўлсин, яхши инсон бўлиб етишсин деб орзу қилишади. Бунда исм мана шу эзгу мақсадлар учун восита бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонишади. Аммо бир қатор халқлар, жумладан, карагаслар вафот этган кишиларнинг исмини болага беришмайди, чунки ўлган кишининг исми орқали ажал болага ўтиши мумкин ёки марҳум аччиқланиб қолиш эҳтимоли бор, деб ўйлашади¹. Шунингдек, белоруслар ўзлари яшаётган жойдаги баъзи жинни, арақхўр кишилар исмига ўхшаш исми боласига қўймайди. Мана шу каби одат гольдларда ҳам бор. Улар болага исми яхши фазилатли кишилар исмидан танлашади, ёмон кишилар номи хосиятсиз бўлади, деб ўйлашади. Шу сабабли гольд ўзига юртдош бўлган, отдош, яъни адаш бўлган бирор киши оғир касалга чалинса, бирор кўнгилсиз ҳодисага дучор бўлса ёки вафот этса, дарров ўз исмини бошқа исм билан алмаштиришга интилади².

Арманлар ҳаёт бўлган қариндошлари исмини боласига қўймайди, чунки бундай қилинса, тирик қариндош умри қисқариб қолади,

¹ *Васильев В.В.* Краткий очерк быта карагасов // Этнографическое обозрение, №1—4, 1910. — С. 56.

² *Шимкевич П.П.* Некоторые моменты из жизни гольдов и связанные с нею суеверия // Этнографическое обозрение, № 3, 1897, — С. 7.

деб билишади¹. Хаёт бўлган қариндошлар номини чақалокқа бермаслик одати ўзбекларда ҳам бор. Бу анъанага амал қилмаган қариндошлар ўртасига совуқлик тушади, хатто, улар аразлашиб, танлашмай қўйишган ҳоллар бўлган. Чунки буни ҳали тирик қариндошга нисбатан ҳурматсизлик деб тушунишади. Марҳумлар руҳининг болага ўтишига ишониш ҳиндларда ҳам бор: улар ўлган қариндош руҳи чақалокқа ўтади деб ишонишади. Шунинг учун улар бирор киши ўлса, мурдага бирор белги қўйиб, унинг исмини олган чақалок баданидан ахтаришади. Хаттоки, ҳиндлар ўлган ҳайвонлар жони ҳам инсонга ўтади деб ишонишади².

Шахс билан унинг исми орасида қандайдир сирли муносабат, алоқа бор, дейилган эътиқод бора-бора кишининг исми унга зарар етказиши, уни бало-офатларга дучор қилиш мумкин деган тасаввурни туғдирган. Натижада ота-оналар ўз болаларининг, катталар эса ўзларининг исmlарини яширишган. Масалан, Сенгалда яшовчи волофлар чақалокқа бир ҳафтадан кейин исм беришади, аммо мўлжаллаб қўйилган исм махфий тутилади ва уни исм бериш маросими пайтида эълон қилинади (Система имён, 94 стр.) ёки чақалок касал бўлиб қолса, унга унинг исмини айтиб мурожаат қилишмайди, балки уни «ҳай бола» каби иборалар билан қақришади (Система, имён 296 стр.). Шарқий Сибирь, Охот денгизи сохилларида яшайдиган эвенлар (эвенлар) ўзларининг ва ўзгаларнинг исmlарини яширишади. Агар эвенкидан исми сўралса (хатто расмий равишда), ҳақиқий исмини яшириб, бошқа номни айтади (Система имён, 345 стр.).

Исмни яшириш одати исм шахснинг моҳиятини ифодалайди, инсоннинг тақдири, яъни унинг бахтли-бахтсиз бўлиши исмида аввалдан белгилаб қўйилган деган тасаввурларга боғлиқ. Ота-оналарнинг болага исми атоқли ва машҳур шахслар — қадимда уруғ-қабила бошлиқлари, жасур лашкарбошилар, забардаст паҳлавонлар, таниқли подшоҳлар, халқ қаҳрамонлари, улуғ мутафаккирлар, бадий адабиёт ва фольклорнинг машҳур қаҳрамонлари, мардлик, ақллилик, гўзаллик ва нафосат рамзи бўлган аёллар номидан танлаши ҳам бежиз эмас. Уларга хос фазилатлар исм орқали болага ўтади, бола ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол инсон бўлиб ўсади деб ишонилган.

¹ Лаянц Е.А. Быт и этнография кавказского народа // Сборник материалов кавказских народов, 1920, — С. 82.

² Этнографическое обозрение, № 1—2, 1913. — С. 46.

Умуман, киши исмининг сеҳрли ва сирли кучга, муъжизага ва жаҳонлигига ишониш юқорида қайд қилинганлардан ташқари, ўтмишида аждодларимизнинг бола касалликка кўп чалинаверганида, фарзандлари турмасдан ҳадеб ўлаверганида, чақалоқ бадаидаги баъзи ғайритабиий белгилар, ҳолатларга гувоҳ бўлганларида, тирноқка зор бўлиб, бепуштликдан қутулиш учун чора ахтарганликларида, оилада ҳадеб қиз туғилаверганида, ўғилни орзу қилишганида, қўйилган исм болага оғирлик қилади деб ўйлашганида, айниқса, фарзандига узоқ умр, бахт-саодат тилаб қўйган кўп сонли исмларда ҳам ўз ифодасини топган. Мана шундай ишонч ва тасаввурлар ҳозирги даврда ҳам маълум даражада ўз кучини сақлаб турибди.

ИСМ ҚЎЙМОҚ МАСЪУЛИЯТИ

Фарзанднинг ота-она учун қанчалик азизлиги, улкан бахт ва қувонч экани ҳаммага маълум. Ҳар қандай ота-онанинг ўз ўғли ва қизига, улар дунёга келгач, ато қиладиган биринчи бебаҳо совғаси онанинг оқ сути-ю, унга қўйиладиган исмдир. Шу сабабли ҳеч бир ота-она боласига исм танлашга, уни ўша исм билан номлашга бефарқ қарамайди.

Этнограф Н.С. Ликошинь «Туркистонда ўтган ярим ҳаётим» номли асарининг «Маҳаллий халқ исмлари» қисмида Ўрта Осиёда яшайдиган халқлар, жумладан, қозоқ ва қирғизлар исмига тўхталиб, қирғизларнинг Бўрибой, Бўтабой, Арслон, Йўлбарс, Улуғой, Юлдуз, Қамар, Савсар каби исмларини «ўйламасдан қўйилган номлар» деб атайди¹.

Худди шунингдек, этнограф А. Диваев қирғизларда болани номлаш одатлари ҳақида гапириб: «Умуман бизнинг қўчманчилар ўзларининг чақалоқларига исм танлаш масаласига бефарқ қарашади»², деб ёзади. Ушбу муаллиф қирғиз исмлари орасида баъзи (маъноси хунук) исмларни келтириб, улар ҳам шаклан, ҳам маънан бемаъни, ярамас исмлар деб баҳолайди³. Келтирилган фикрларни тамоман тўғри деб бўлмайди. Чунки

¹ Ликошинь Н. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. — Петроград, 1916. — С. 26.

² Диваев А. К вопросу о наречении имени у киргизов. // Туркестанские ведомости, 1916, №206 (5550).

³ Ўша жойда.

ҳеч бир ота-она ўз жигаргўшасига бесабаб хунук исм бермайди. Одатда, бундай «хунук» исмлар замирида *энг эзгу мақсад* — оилада болаларнинг ўлаверишига сабабчи ёвуз кучларни чалғитиш, алдаш, болани кўз тегишдан асрашдек, пировардида чақалоқни касалликлар ва ўлимдан сақлашдек эзгу ният ётади. Биз уларга кейинчалик тўхталамиз.

Дунёда ҳеч бир халқ чақалоққа исм танлашга ҳеч қачон панжа орасидан қарамаган. Даврлар ўтиши билан исм бериш одоблари, болага бериладиган исмлар таркиби маълум ўзгаришларга учраб турган, аммо исм беришга жиддий қараш масъулияти ўзгарган эмас¹.

Уруғчилик даврида ҳам исм беришга қонун-қоидалар асосида ёндашилган.

1. Ҳар бир уруғнинг ўзига хос атоқли отлари захираси бўлган. Исм ўша номлар ичидан танланган.

2. Исмни чақалоқнинг онаси бошқа қариндошлар иштирокида таплаган ва қўйган.

3. Болага берилаётган исм ҳаёт бўлган бирорта ҳам қариндошнинг номига ўхшаш бўлмаслиги талаб қилинган.

4. Берилаётган исм кейинчалик қабиланинг алоҳида кечасида қўпчиликка маълум қилинган.

5. Бола икки марта номланган. Биринчи бор чақалоқлик даврида ва кейинчалик 16—18 ёшида. Иккинчи ном ҳам қабилadoшлар кенгашида эълон қилинган.

6. Ўғил бола иккинчи бор номлангач, эркаклик ҳуқуқига эга бўлган ва у бу исмни жангу жадалларда оқлаши, яъни ўша исмга муносиб эканини исботлаши талаб қилинган.

7. Ҳар бир қабиланинг ўзига хос номлари серияси (исм-оттонимлар) мавжуд бўлиб, боланинг исми ўша уруғ номига мос келган. Шу туфайли шахснинг исмига қараб унинг қайси уруғдан эканини аниқлай олишган² ва бошқалар.

Қайд қилинган мулоҳазаларни Рашид-ад-дин маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, турк ва мўғул халқларида исм қабила номидан ёки маъносига кўра уруғ ёки қабила номига мос тушадиган сўзлардан танланган. Масалан: Анчибой ва Анчин (исм) — анча (уруғ номи), Кютай (уруғ номи) ва Кюйчин

¹ Тэйлор Эд.Б. Антропология. — М. «Мысль», 1924. — С. 293—294.

² Морган Льюкс Г. Древнее общество. Перевод с английского М.О. Косвена. — Л.: 1935. — С. 467—48.

(исм) — Кюин (уруғ номи), Нерэтэй ва Неэрчин (исм) — Нерэйт¹ (қабила номи) каби. Худди шунингдек, қадимги Хитой манбаларида Дулукаген — Дулу, Чэби каган — чеби қабиласи номига мос келиши қайд қилинган².

Даврлар ўтиши билан тарихий ривожланишлар, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, диний ақидалар туфайли болани номлаш удумлари, одатларида ҳам ўзгаришлар юз бериб турган. Қадимда болани номлаш *тотемистик* эътиқодлар (ҳайвонлар ва жониворлар, масалан, сигир, илон, қалдирғоч, бўри) билан киши ҳаётидаги ҳодисалар орасида ғайритабиий алоқа бор деб ҳисоблашган, бундай ҳайвонларни ўлдириш гуноҳ саналиб, уларни муқаддас деб билиб, сифинишган. Инсон ҳаёти тотем билан боғлиқ деб ҳисобланган, *фетишизм* (баъзи жонсиз нарсаларни сеҳрли кучга эга деб билиш, масалан, тош, таёқ, кўзмунчоқларни муқаддас билиб эъзозлаш), *анимизм* (одамларни, ҳайвон ва нарсаларни жон, руҳ бошқаради, турли усуллар билан табиатни жонлантириш мумкин, киши вафот этса, унинг жони чақалоққа ўтади деб ишониш) билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик исми мардлик, жасурлик, ботирлик ва бошқа хил тушунчаларни ифода этувчи сўзлардан яшашган. Қадимий туркий исмлар орасида Барс, Йўлбарс, Буға // Буқа, Буқабой, Қора Чур (қора — қадимда қудратли маъносини аңлатган), Буграҳон (бугра — туянинг эркаги), Андалиб (булбул), Жағрибек // Чағрибек (чағри — лочин), Тўғрул (лочин), Турумтой (йиртқич қуш), Шербарс, Қоплонбек, Алп, Алпомиш каби номларнинг учраши бунга мисол бўла олади. Ҳозирги ўзбек исмлари орасида учрайдиган Арслон, Қоплон, Бургутбой, Лочин, Ботирбой, Чағрибек, Қарчиғай, Қарқара, Уккибой, Тўғрай каби ўғил болалар исмлари, Лочин, Майнахон, Туйғуной, Суксурой, Турнахон, Қалдирғоч, Ойтуйғун, Оқшунқор, Ойсўна (ўрдак), Соч // Сожой (қуш), Турумтой (қирғий), Кумри каби киз болалар исмлари ҳам генезисига кўра қадимий эътиқодлар билан боғлиқдир.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, кишилар болага исм бериш ишига жуда ҳам масъулият билан ёндашганлар. Бу, умум-

¹ *Рашид-ад-дин*. Сборник летописей. История монголов // Труды Восточного отделения археологического общества, часть 13, 1868.

² *Зуев Ю.А.* Из древнетюркской этнонимии по китайским источникам // Вопросы истории Казахстана Восточного Туркестана. — Алма-Ата, 1962. — С. 120.

ман, туркий халқлар, жумладан, ўзбекларга ҳам хосдир. Ўтмишда Фарғона водийсида яшовчи ўзбеклар болага уни бешикка солиш куни исм беришган¹. Исм бериш Сайрам ўзбекларида ҳам шунга ўхшаш. Чақалокқа исмни унинг отаси, бобоси ёки бувиси, ёхуд яқин қариндошларидан бири танлаган². Болага исм қўйиш муддати туркий халқларда, шунингдек, бошқа халқларда маълум фарқларга эга бўлган. Масалан, ўтмишда қирғизлар бола туғилгач, унга қирқ кундан кейин исм қўйишган. Исмни болага овулнинг эътиборли кишиларидан бири ёки мулла қўйган³.

Шуғнонлилар бола туғилгач, уч кундан кейин катта тантана қилишган, аммо уларда болани номлашнинг қатъий муддати бўлмаган. Боласи турмай ўлаверган оилаларда чақалок етти кунгача, ҳатто, ун ёшгача номсиз қолган ҳоллар бўлган⁴. Помир товларида яшайдиган язгулемлар бола туғилгач, унга икки кундан кейин исм қўядилар⁵. Карагаслар чақалок туғилгач, эртасига зиёфат уюштирадилар ва болага исм берадилар. Исм ҳаёт бўлган кишилар, яқин қариндошлар номидан танланади. Марҳумлар исми болага қўйилмайди, бундай қилиш гўдакка яхшилик келтирмайди, деб ўйлашади⁶.

Ўтмишда хиваликлар болага етти кундан кейин исм беришган. Туғилган бола вазирнинг ўғли бўлса, исмни хоннинг ўзи қўйган, борди-ю, чақалок мулланинг фарзанди бўлса, қози, муфтий, раисдан бирортаси номлаган. Оддий халқ вакиллари оиласида дунёга келган болага исмни ота-онаси ёки яқин қариндошларидан бири берган, баъзи ҳолларда бу масалага маҳалла оқсоқоли аралашган⁷.

¹ *Наливкин В.И., Наливкина М.* Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. — Казань, 1886. — С. 174.

² *Троицкая А.Л.* Первые сорок дней ребёнка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // Сборник В.В. Бартольда. — Т.: 1927. — С. 168.

³ *Ибрагимов И.И.* Этнографические очерки киргизского народа // Русский Туркестан. Вып. II. — М.: 1972. — С. 121—125.

⁴ *Зарубин И.И.* Рождение шугнанского ребёнка и его первые шага // В.В. Бартольд. — Т.: 1927. — С. 168.

⁵ *Моногарова А.Ф.* Материалы по этнографии язгулемцев // Среднеазиатский этнографический сборник. II. — М.: Издательство АН СССР, 1959. — С. 80.

⁶ *Васильев В.Н.* Краткий очерк быта карагасов // Этнографическое обозрение. №1—4, 1910. — С. 56.

⁷ *Самойлович А.* К вопросу о наречении имени у турецких племен // Живая старина. Вып. II. 1911. — С. 299.

Туркий халқларда исм бериш ишига қадимда уруғ ёки қабила бошлиғи, кейинчалик хоқои, хои, амир, подшоҳлар катта эътибор беришган. Масалан, фарзандларига шахсан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи исм қўйган. Бу ҳақда унинг қизи Гулбадан Бегим шундай ёзади: «... у киши (подшоҳ)нинг (яъни, Бобурнинг -- Э. Б.) муборак хотирларига малол етди, кўнгиллари олиниб уйкуга кетган эдилар, тушларида сабзаранг кийим кийган ва қўлида асо ушлаган бир азиз киши келиб: «Мардона бўл, ғам чекма», — деб ўз ҳассасини подшоҳнинг қўлларига тутқазиб, «худо таоло сенга бир фарзанд беради, номини Жалолиддин Муҳаммад Акбар қўйгин», — дебди. Ҳазрат исми шарифингиз нима деб сўраган эканлар, Жанда Фил (Зинда Фил бўлса керак, китоб изоҳи — Э.Б.) Аҳмаджон, — деб жавоб берибди ва у фарзанд менинг наслимдан бўлади, — дебди. Шу кунларда Биби Гулнур ҳомиладор эди. Ҳамма уни ўғил туғади дер эди. У жумоилаввал ойида, ўша Дўст мунший боғида киз туғди. Отини Бахшибону бегим қўйдилар»¹.

Қўринадики, ўғил ўрнига қиз туғилган бўлса-да, тушга кирган Жанда Фил Аҳмаджон бахши этди, деб исмини Бахшибону Бегим қўйишган.

Бобур шоҳ тушида учратган «азиз киши»нинг маслаҳатига содиқ қолади ва кейинчалик ўғилларидан бирини номлашда унга амал қилади: «Ҳамидабону бегим ҳомиладор эдилар. Ҳазрат кетганларидан кейин уч кун ўтгач, 949 йил ражаб ойининг тўртинчи куни якшанба эди, саҳар пайтида Ҳазрат Олампанох Жаҳонгир Муҳаммад Акбар подшоҳ Ғози туғилди. Ой асад буржида эди. Шу вақтда туғилган ҳар бир бола бахтли ва умри узок бўлади, дейдилар. Ҳазрат ўн беш курва узокда эдилар. Турди Муҳаммад хабар етказди. Ҳазрат жуда-жуда хурсанд бўлдилар: ...Лохурда кўрган тушларига биноан унга Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ деб ном қўйдилар»².

Заҳириддин Бобурнинг Бахтинисо исмини қандай қўйганлиги ҳақида Гулбадан Бегим қўйдагича ҳикоя қилади: «Ҳазрат (Бобур — Э.Б.) Бадахшонга кетган вақтларида Моҳи Чучук бегим киз туғдилар. Шу кеча Ҳазрат туш кўрибдилар. (Тушида) Бахтинисо момам билан Давлат бахт — иккалалари эшикдан ки-

¹ *Гулбадан Бегим*. Хумоюннома. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1959, 61-б.

² *Ўша асар*. 69—70-бетлар.

риб, бир нарса олиб келиб менинг олдимга қўйибдилар. Ҳазрат бу тушнинг таъбирини нима булар экан деб кўп ўйлабдилар. Сўнг қизнинг туғилганлиги туғрисида хабар эшитгач, уларнинг ҳар иккаласининг исмларидан, яъни бирларидан «нисо» сўзини, иккинчиларидан «бахт» сўзини олиб унга Бахтинисо бегим деб ном қўйибдилар»¹.

Ҳиндол исмининг қандай берилгани ҳақида «Бобурнома»да ҳикоя қилинган².

Қорахонийлар ҳукмрон бўлган даврда болага исм у бир ёшга тулганда берилган. Шу нарса ҳам характерлики, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима» асарида тилга олинган эгнотимларнинг деярли барчаси шаклан киши исмига мос келади³.

Дунёга келадиган чақалоқни умидланиб, зориқиб кутиш, у туғилгач, амал қиладиган удумлар, айниқса, унга исм бериш билан боғлиқ расм-русумлар дунёдаги барча халқларда ҳар доим энг муҳим воқеа, жараён деб қаралган. Шу сабабли болага исми ҳеч қачон тасодифий одам танлаган ва қўйган эмас. Исмни эса шунчаки оддий сўз, ном деб баҳолашмаган. Шу сабабли ҳар бир исми ижод қилишган ёки тилдаги номлар захирасига муносабатда муайян қонун-қоидалар, аждодлардан мерос бўлган анъана ва удумларга қатъий амал қилишган. Қўйидагилар бунга мисол бўла олади.

Жанубий Африкада яшайдиган *аканлар* чақалоқ туғилгач, 8 кундан кейин исм беришган, исми ота ёки она танлаган. Агар исми бирор қариндош танласа, у исм бериш маросимида нитирок этиши шарт ҳисобланган. Улар чақалоқнинг исми у туғилмасдан олдин маълум бўлади, деб ўйлашган. Болани, у туғилган кунни ҳисобга олиб номлаш кенг удум бўлган: Квасо (бозор куни), Кваджо (душанба), Аджуна (сешанба), Яо (пайшанба) каби (Система имён. 21 стр.).

Олтойликларда қизиқ одат бўлган, баъзан болани у туғилган нойда овулга биринчи қадам қўйган киши номлаган. Бу ҳолда у чақалоққа бирор нарса бериши ёки ваъда қилиши лозим бўлган. Агар ёнида ҳеч нарсаси бўлмаса, кийимидаги бирор тугмани узиб берган (Система имён 23 стр.). Бантуларда бола

¹ *Гулбадан Бегим. Ҳумоюннома.* — Т.: ЎзФА нашриёти, 1959. 90-б.

² *Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома* — Т.: ЎзФА нашриёти, 1960, 286-б.

³ *Копонов А.Н. Родословная туркмен.* — С. 41—44, 46.

тувилгандан сўнг 2—3 кун ўтгач исм беришади. Улар болани уч марта номлашади: гўдаклик пайтида, 12—13 ёшга тўлганда баловат ёшида ва кейинчалик 4—5 йил ўтгач, учинчи марта исм беришади. Болани ота номлайди, унинг рухсати билан она ҳам номлаши мумкин (Система имён. 71 стр.). Бирмаликларда исм қўйиш учун 5—6 кундан кейин астрологга мурожаат қилишади. У бола тувилган пайтни сониясигача ҳисоблайди ва исм танлайди. Шу сабабли *бирмаликлар* исмларининг асосий қисми чақалоқнинг тувилган пайтини англатади, холос (Система имён. 81 стр.). Бола тувилган пайтни ҳисоблаб, ўшанга мос исм танлаш одати *сингалларда* ҳам бор. Уларда болага исм бир йилдан кейин «биринчи эмизиш маросими» деб аталувчи йиғинда эълон қилинади. Йиғинда, албатта, гуруч ёки гуручли овқат бўлиши шарт, шунга кўра «батнома» — «гуруч исм» деб юритилади. Бола улғайгач, бошқа ном олади ва бу ном боланинг тувилган жойини ифодалайди ва бу исм умрининг охиригача сақланади (Система имён, 275 стр.).

Исм танлашда будда ибодатхонаси вакилига мурожаат қилиш, исмни белгилашда гороскопдан фойдаланиш расми *тайланликларда* ҳам бор. Астролог исмнинг бош (биринчи) ҳарфини аниқлайди. Кейин оила аъзолари бош ҳарфи ўшанга мос келувчи исм танлашади (Система имён. 296 стр.).

Кўпгина халқларда чақалоққа муносиб исм танлаш отанинг вазифасига киради. Бу масалада баъзан доя хотиннинг ҳам ҳиссаси, улуши бўлади. Масалан, **бошқирлар, қачинлар, кхмерларда** ана шундай. Чақалоқни унинг тувилган пайтини ҳисобга олган ҳолда номлаш кўпчилик туркий халқларда мавжуд бўлиб, бунда хосиятли кунлар, ҳафта, ойлар ҳисобга олинади: Душан, Душанба, Чоршанбиев, Пайшанов, Жумабой, Жумагул, Шанба, Шанбагул, Бозор, Бозорбой, Мухаррам (ой), Сафарбой, Ашур, Ашурой, Ражаббой, Қурбонбой, Қурбоной, Қавс, Қавсбой ва бошқалар. Жанубий Суданда яшовчи мандинголлар ҳамда вьетнамликлар ва бошқаларда ҳам бу одат бор.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўтмишда яшаб ўтган ҳар бир уруф, қабила, халқ чақалоқни ўз эътиқодига кўра, турли муддатларда номлаган. Булар орасида 1, 3, 6, 8 кун, бир ҳафта, бир йил ўтиши муддат қилиб олинган. Болани бир марта, турли сабабларга кўра 2—3 мартагача номлаш ҳоллари удум бўлган. Масалан, Қариоқ қишлоғи аҳолиси 3 кун ўтгач, болани мул-

ла ёрдамида қулоғига азон айтиб номлайди. Танланган исмда Аллоҳнинг исмларининг бирор ҳарфи бўлиши шарт. Кўпгина халқларда болага илк берилган исм унинг умри бўйи сақланган. Аммо бу исмни ўзгартириш, бошқаси билан алмаштириш ҳоллари кўп учраб туради. Бунга боланинг касалга кўп чалинавериши, исмни маълум муддатдан кейин янгилаш анъанаси, боланинг бирор қариндош билан отдош (адаш) бўлиб қолиши, асосий исмни ёмон кўзлардан яшириш, болалари турмасдан ўлаверган оилалардаги анъанавий удумлар, кейинчалик бола улғайгач, унинг ҳаёти, турмушида юз берган омадсизликлар, қўйилгаи исм болага «огирлик қиляпти» деб билиш, исм мархум қариндошлар арвоғига хуш келмаяпти, дейилган тасаввурлар сабаб бўлган.

Этнограф К.Л. Здыхинанинг Хоразмга экспедиция вақтида ёзиб олган ривоятга кўра, Қорахонийлар даврида болага 7 кундан кейин биринчи исм берилган¹. Қорахонийларнинг фарзандига Ўғуз (Увиз) исмининг берилишига оид ушбу ривоят ҳақида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк»,² Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима»³, «Нусратнома»⁴ асарларида ҳам баён этилган.

Қайд қилинган ҳолатларнинг барчаси асосида кишининг номига билан қандайдир махфий, сеҳрли алоқага эга, хосиятли исм ўз эгасини бало-қазолардан асрайди ва аксинча, номуносиб исм унга омадсизлик, бахтсизлик келтиради, дейилган қадимий тасаввурлар ётади. Бундай ишончнинг баъзи томонлари ҳозирда ҳам халқ орасида муайян даражада сақланиб турибди.

МОЗИЙ ҚАЪРИДАН ОҚИБ КЕЛГАН «ЖИЛҒА»ЛАР

Инсонларнинг ўзаро мулоқот қуроли бўлган тил жуда қадимий тарихга эга ҳодисадир. Тилнинг пайдо бўлиши юзасидан жуда кўп тахминлар, илмий назариялар, афсоналар, диний, этнографик, материалистик ва идеалистик қарашлар мавжуд. Аммо бундай нуқтаи назарлар орасида ҳақиқатга яқинроқ фикрлар ҳам, гамоман уйдирма афсоналар ҳам бор.

¹ *Здыхина К.Л.* Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции. — 1945—1948 г.г. // *Узбеки дельты Амударьи.* — М.: 1952. — С. 408—409.

² *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит-турк. I том, 1960, 30-бет.

³ *Абулғозий Баҳодирхон.* Шажарайи тарокима. — Т.: 1992. 17—118-бетлар.

⁴ *Тарихи гузида — Нусратнома.* — Т.: 1967, сах. 76.

Тилнинг пайдо булиши, бунга асос булган эҳтиёж, табиий, ижтимоий шароит, илоҳий омиллар ҳақидаги мунозаралар тарихи канча кўна бўлмасин, бизнинг давримизда ҳам давом этмоқда. Тил алоҳида шахснинг эмас, кишилар жамоасининг ижоди, эҳтиёжи маҳсулидир. Шу сабабли тилнинг ижтимоий ҳодиса эканини қўччилик тадқиқотчилар тан олади. Бундан қатъи назар, тилнинг қачон ва қандай пайдо бўлгани унчалик равшан бўлмаса-да, унинг жуда қадимий, кўна ҳодиса экани аниқ.

Тил табиат томонидан инсонга инъом этилган тенгсиз қобилият, буюк, мислсиз инъомдир. Тилнинг асосий вазифаси — кишилар орасидаги ўзаро алоқа, мулоқотни ўзининг хилма-хил восита ва имкониятлари воситасида таъминлашдир. Аммо ҳар қандай тилнинг бошқа улуғ, бетакрор вазифаси ҳам бор — бу унинг тилдан фойдаланган ўтмиш аждодларимизнинг шахсий ҳаёти, ижтимоий аҳволи, турмуши, маданий-маънавий қарашлари, этнографик, ахлоқий (этикавий), эстетик қарашларини, уларнинг ўйлари, орзу-умидлари, идеал ва армонларини, шахсий ички дунёси, бошидан кечирган ҳодисаларни, уларнинг ижоди, касби маҳсули бўлган тушунчаларни ўзида ифодалаб, тўплаб, келгуси авлодларга тарихий, маданий, фалсафий, диний мерос қилиб ўз бағрида сақлаб етказишдир. Шу сабабли биз қадимий аждодларимиз, улар ҳақидаги фикрлар, хабарлар ва маълумотларни тилдаги сўзлар, иборалар, матнлар орқали билиб оламиз. Мана шундай лисоний манбалар қаторига *жой номлари (топонимлар)*, *киши исмлари (антропонимлар)*ни ҳам киритиш мумкин.

Жой номлари ва киши номлари (исм, лақаб, тахаллус ва б.) ни бекорга «маданият ёдгорлиги» деб аташмайди. Жой номларини бекорга тарихий археологик ёдгорликлар, диний-маданий масканлар, тасвирий санъатнинг буюк намуналари билан қиёслашмайди. Чунки жой номлари, киши исмлари тарихий, маданий-маънавий, табиий-географик ва этнографик хабарлар ташийдиган ижтимоий-илмий дараклардан сира ҳам қолишмайди. Шу сабабли тилшунослардан бири тарихий топонимларни «Мозий қаъридан биз томон оқиб келган, ўтмиш аждодларимиз ҳақида бизга турли хабар элтувчи жилғалардир» деган эди¹.

¹ Қаранг: Всесоюзная научно-практическая конференция «Исторические названия — памятники культуры». Тезисы докладов и сообщений. — М.: «Наука», 1989, — С. 132.

Бошқа бир тилшунос эса, топонимларни «ўтмиш аجدодларимиздан бизга тарихий дараклар келтирувчи элчилардир», дея таърифлаган¹. Дарҳақиқат, табиий-географик объектларга мос келувчи жой номларини ижод қилган, қадимда яшаб ўтган кишилар аллақачон мангу уйкуга кетган. Аммо улар яратган жой номлари, киши исмлари тарихнинг турли долғали бўронларидан омон қолиб, бизгача етиб келган.

Хуш, юқорида мозий қаъридан биз томон оқиб келган «жилғалар», лисоний «элчилар» бизларга даврлар оша бағрида сақлаб олиб келган хабарлар, маълумотлар нималардан иборат? Бу хабарларнинг аҳамияти, қиммати нимада?

Куйида ушбу саволларга ўзбек тилидаги киши номлари (антропонимлар) мисолида жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Борди-ю, биз ўтмиш аجدодларимиз ёзиб қолдирган битикларни варақласак, уларнинг саҳифаларида шундай исмлар учрайдики, ҳозирда бу исмлар ўзбек антропонимлар таркибида мавжуд эмас, улар эндиликда унутилган, тарихнинг кўхна кучоғида қолиб кетган. Бу номлар туркий тилларда қадимда болага қандай исмлар берилганидан дарак бериб туради. Масалан, Алчоқ — камтарин, камсуқум маъносида (ДС, 34), Алп — мерган, жасур, баҳодир маъносида (ДС, 37), Аёз — чиройли, кўркам, меҳрибон, суюкли маъносида (ДС, 27); Ариф III — тоза, покиза маъносида (ДС, 51), Асан — тахт, эсон бўлиш маъносида (ДС, 60, 62), Атиш II — отиш (стрельба) маъносида (ДС, 67), Бахши — муаллим, мураббий маъносида (ДС, 83), Беги I — қаҳрамон маъносида — (ДС, 91), Бекру — мустаҳкам, маҳкам маъносида, Бектуз — маҳкам, иродали, химояга олинган; тўсилган маъносида (ДС, 94), Бергу — тухфа, совға маъносида (ДС, 95), Билгу — донишманд, доно маъносида (ДС, 101), Бури — қашкир ва кўчма маънода «ўғил» маъносида (ДС, 118), Буя II — буқа маъносида (ДС, 120), Бўйра — эркак туя маъносида (ДС-120), Сайри — лочин маъносида (ДС, 136), Чигил — қалъа, кўрғон маъносида, (ДС, 145), Чикан I — жиян — она уруғ томонидан, (ДС, 151), Эран III — эркак ва эгизак юлдузлар туркуми маъносида (ДС, 176) ва бошқалар.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида Барсон — йўлбарсга ўхшаш, йўлбарссифат — (ДЛТ, I, 262); Ту-

¹ Вторая научно-практическая конференция «Исторические названия — памятники культуры». Вып. 2. — М.: 1991. — С. 85.

румтой, ДЛТ, II, 423), Қатмиш — эрлар исми (ДЛТ I-428); Чиглон — Қорлуқ қатгаларининг исмидан (ДЛТ I-415), Бадрук — эрлар исми (ДЛТ I-423), Сукиш — қушлардан бири (ДЛТ III-376); Тўғрил — йиртқич қуш (ДЛТ I-446); Тутуқ — эркақлар номи (ДЛТ I-361); Қулбоқ — турклардан бир такводор киши исми (ДЛТ I-440) ва бошқалар.

Демак, юқорида келтирилган туркий исмларнинг ҳозирда учрамаслиги антропонимик тизимнинг ҳар бир тарихий даврда ўзига хос исмларга эга бўлганидан дарак беради.

Туркий, жумладан, ўзбек антропонимия тизимининг қадимий даврлардаги захирасини кузатсак, у даврда ҳайвонлар, қушлар ўсимликлар номларидан ясалган исмларнинг анча кўп бўлганига гувоҳ бўламиз. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, чунки қадимий туркий аجدодларимиз, ҳар бир қабила, уруғ ёки қавмлар ўзларини бирор ҳайвон, қуш ёки дарахт, ўсимликдан пайдо бўлганмиз деб ҳисоблашган ва ушбу мавжудот ёки нарсани муқаддас деб билиб, уни эъзозлаганлар, унга сиғиниб, мадад кутганлар ва ёрдам сўраганлар. Мана шундай мавжудот ва нарсалар номларини болаларига уни қўллаб-қувватлайди, унга мададкор, ҳимоячи бўлади, деган мақсадда исм сифатида қўйганлар.

Тарихий, фалсафий, этнография фанларида ҳайвонларни муқаддас билиб сиғиниш — тотемизм¹, жонсиз нарсаларни жонли деб билиш, уларнинг руҳи инсонга ўтади деб ҳисоблаш — анимизм² ўсимлик, дарахтлар ва бошқа нарсаларни муқаддас деб билиб, уларга сиғиниш фетишизм³ деб юритилади.

Ҳар бир қабила ва уруғнинг ўзи сиғинадиган, муқаддас деб билган *тотем* бўлган. Бу қадимда яшаган халқларда кенг тарқалган эътиқод эди. Шу ўринда этнограф А. Ашировнинг куйидаги фикрларини эслаш ўринлидир. «Тотемизм қадимий халқлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тотемизмда баъзи ўсимлик (дарахт) ва ҳайвонлар одамларнинг қўриқловчиси ва

¹ *Тотемизм* — эътиқоднинг илк шакли бўлиб, ҳайвонлар ва жонсиз нарсалар орасида қандайдир алоқа бор, бу нарсалар инсонга авлод, қариндош бўлади, деб билишган, тотем бўлган нарсани эъзозлашган, унга сиғинишган, унга зарар келтиришмаган. ЎЗМЭ, 8-жилд, 2004, 508-бет. Масалан, тоштаёк, қўзмунчок, тумор.

² Қадимий диний эътиқод бўлиб, одамлар, атроф-муҳитдаги нарса ва ходисаларни жонли деб тасаввур қилиш ва шунга сиғинишдир. // Морфологический словарь. — М.: «Просвещение», 1965, — С. 24.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд, 2008, 340-бет.

тангрилари ҳисобланган. Муайян қавм аъзоларининг бир хайвон ёки ўсимлик зотидан тарқалган деган тасаввур шаклланган. Шу боисдан ҳам тотем улар учун илоҳий (муқаддас) ҳисобланган. Илмий адабиётларда туркий халқларининг ўтмишда бўри, айик, бургут, илон, эчки, қўй, ҳўкиз, дарахт ва бошқа ҳоказо тотемларга эътиқод қилганликларидан гувоҳлик беради...¹ Масалан, бўри, от, айик, ҳўкиз каби хайвонларга нисбатан тотемистик ҳаракат ниҳоятда кучли бўлган. ...Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарида қайд этилишича², Ўғузхон даврида *шунқор, бургут, укки, қарчигай, турунтой, лочин, хумой, тўйгун, қарға* муқаддас қуш – тотем ҳисобланган³.

Туркий халқлар тарихи, асотирлари ҳақида ёзилган бир қатор эъза обидалар тилида тотем деб қабул қилинган ва улугланган хайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг номидан ясалган исмлар сақланиб, бизгача етиб келган: Масалан:

хайвонлар номи: Бўғра Бўри Темур, Қулан хотун, Қўчқор, Қўқбўри, Той, Тойчи, Тўғон, Сунқур. (Рашид-ад-дин I. УИ); Бука, Теке – эчкиларнинг эркаги, Қўчқорбўри (Рашид-ад-дин II. УИ); Қаз (ДЛТ, III, 163), Қабан (ДЛТ, I, 302), Бука (ДЛТ, 331), Барсған (ДЛТ, III, 424); Буврахан (ДЛТ, I, 397), Барс (йўлбарс, ДС-85); Буқа – буқа (ДС, 120). Бўри – қашқир (ДС-96); Бўғро – эркак туя (ДС, 120), Эрбўри – (ДС, 175), Арслан – Арслон, (ДС-75); Бароқ – сержун ит (ДС, 83), Барс – йўлбарс (ДС, 85); Қўзитегин (ДС), Арслонхон (ДС); Итўғли Итқули, Итбуқа, (Рашид-ад-дин, III, 128).

қушлар номи: Тўғрил (ДЛТ, I, 446); Турумтой (ДЛТ, II, 123); Ғоз (ДЛТ, III, 163); Чағри – Лочин (ДС, 136); Эл – лочинга ўхшаш қуш (ДС, 160), Лочин (Рашид-ад-дин, IV, 271); Тўғон (Рашид-ад-дин, II, 210); Чаған-Букай (Рашид-ад-дин, 67); Қорасунқур // Қорашунқор (Рашид-ад-дин, III, 40); Лочин (Т-мон, 83); Тунқуш (Т-мон, 83), Олақуш (Т-мон, 83); Бўзқуш (Т-мон, 83); Қорасунқур, Оксунқур Оққуш, Қорақуш, Бўзқуш (Т-мон, 83); Сунқурча (Т-мон, 83);

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Издательство МГУ, 1948, – С. 223–226.

² Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. – Т.: 1995, 48-бет.

³ Лширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: 2007. 12-бет.

Келтирилган куш номлари ўтмишда тотем бўлганига шубҳа йўқ. Бу куш номларининг баъзилари билан уруғ ва қабилалар ҳам номланган. Бу ҳол ўша куш ёки ҳайвон номи уруғ ва қабиланинг сифинувчи тотеми бўлганидан дарак бериб туради. Масалан: Барс — 1) йўлбарс; 2) Барс қабила номи (ДС, 46).

Шуни таъкидлаш керакки, ҳайвонларни тотем сифатида улуглаш, улар номини болага исм сифатида қўйиш, қадимий ва ҳозирги анъаналар ҳақида махсус мақоламизда гапирган эдик¹. Айниқса, туркий халқларда қадимдан ҳозирга қадар халқ орасида сақланиб келаётган тотемистик қарашлар юзасидан кўпгина олимлар ёзишгани маълум. Булар орасида тўпланган маълумотлар, айниқса, диққатга моликдир. А.Аширов, Мурод Ўрознинг² фикрига таянган ҳолда, бўрининг халқ орасида тарқалган номлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қадимги турк асотирларида бўри, рангига кура Кук бўри, Оқ бўри, Қизил бўри деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрга, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашкир, Қурт номлари билан юритилади»³.

Қадимий тарихий манбаларга чуқур назар ташлаганимиз сари кўпгина туркий қабила, уруғ ва қавмлар номларининг киши исмига кўчганини, аксинча, кўпчилик этнонимлар негизида киши атоқли отлари ётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «Девону луфотит-турк» асарида туркий этнонимлардан ясалган қуйидаги исмлар учрайди: Қангли (ДЛТ, III, 388), Турк (ДЛТ, 67); Арғу (ДЛТ, I, 65), Авшар // Афшар (ДЛТ, I, 89), Баёт (ДЛТ, 89), Туркман (II, 131), Қипчоқ — (ДЛТ, I, 65).

Абдулғозий Баҳодирхоннинг этнонимларни киши исми ёки лақабига боғлаб изоҳлагани маълум. Қуйида Абдулғозийнинг қуйидаги изоҳларини тўлиғича келтиришни лозим топдик: «**Чутлик** мерганнинг бир ўғли бор эрди. Қўнғирот отли. Барча Қўнғирот эли анинг насли турурлар. Қубайширанинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Инкирас ва кичигининг оти Алқанут. Икки уруғ ушбу иккисининг насли турурлар.

Тусбадайнинг икки ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Қоранут. Барча Қоранут эли анинг насли турурлар. Анинг икки ўғли бор

¹ *Бегматов Э.* Номлар ва одамлар // «Фан ва турмуш». 1965, 1-сон, 16–17-бетлар.

² *Мурод Ўроз.* Турк асотирлари // Сирли олам. 1991. 6-сон, 11-бет.

³ *Аширов А.* Ўзбек халқининг қадимий эътиқодлари ва маросимлари, 15-бет.

эрди. Улуғининг оти Курлас. Барча курлас уруғи анинг насли турурлар. Кичигининг оти Элчикин. Барча элчикин уруғи анинг насли турурлар. Бу вақтда ани Ўймовут деб турурлар. Барча ўймовут ул кишининг насли турурлар. Арлат бир кишининг оти турур. Барча арлат эли анинг насли турурлар. Бир Дўрмоннинг уч ўғли бор эрди. Улуғининг оти Барин. Барча барин эли анинг насли турурлар. Ўғлонга Суқут от қўйдилар. Қаён авлодини Қиёт тедилар. Элхоннинг ўғлини Қаён дерлар эрди. Қиёт қаённинг жамъи турур»¹.

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, тарихий манбаларда сақланган ва бизгача етиб келган исмларнинг тахлили бир қатор туркий ва мўғул этнонимлари номининг киши исм ва лақаблари билан боғлиқ ҳолда юзага келгани ҳақида қимматли хабарларни ўзида мужассам қилган. Бундай фикрлар шундан далолат берадики, ҳозирги ўзбек этнонимияси тизимида мавжуд бўлган бир қатор уруғ ва қабилалар номида ҳам келтирилган анъаналар ўз изини қолдиргани шубҳасиздир: Арғин, Барлос, Бахман, Баҳрин, Дўрмон, Нанай, Сарой, Сартбой, Туркқиз, Чиноз, Чигатой, Қўнғирот ва бошқ.

Қадимий тарихий ёзма матнларда бизгача етиб келган ва ҳозирда ҳам ўзбек антропонимияси тизимида яшаб турган бир қатор исмларда ифодаланган қимматли тасаввурлардан бири ўтмиш туркий аجدодларимиз муқаддас деб билган, унга сиғинган объектлардан бирини *космонимлар*, яъни осмон жисмлари ташкил қилади.

Қадимда ҳозирги Марказий Осиё халқлари ҳудудида яшаган уруғ ва қабилалар заратуштра динига эътиқод қилишган. Шу сабабли *массает*, *сак* қабилалари олов, сув, ер ва осмонга сиғинишган. Страбон «Массаетлар ўз худоси деб Қуёшни биледи, унга отларни қурбон қилади», деб ёзгани маълум².

Массаетлар бошлиғи Тамирида босқинчи Кирдан ўғлини озод қилишни талаб қилиб: «Агар шундай қилмасанг, қонга тўймаган сени қонга тўйдираман деярд экан, «қуёш билан қасам ичаман-ким» дейилган иборани ишлатади³.

¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Т.: Чўлпон, 1992, 192-бет.

² Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. III в.п.э.) — Т.: 1940. — С. 143.

³ Ўша асар. 32-бет.

В.В. Радлов асарларида учрайдиган номлар хақида Н.О. Катанов тузган «Атокли отларнинг алфавит кўрсаткичи»да Ой Ариф (Нурли ой, қиз)¹, Ойдан Ариф (Ойдан ёруғ, пари исми), Ойюлдуз (Ойюлдуз, баходир исми, Ойкун (Ойдин кун), Оймерган (Ой мергани), Оймуқу (Ой баходири), Ойтош, Кунтош (Ой ва тошдек мустахам, ака-ука баходирлар), Ойтўлик (Тўлиной), Оқой (Ой нури, баходир исми), Ойканот (Ойнинг қаноти) каби исмлар² учрайди.

Ҳозирги ўзбек исмлари орасида Тангриберди, Тангриберган, Тангрикул исмлари учрайди. Бу исмлар туркий тиллар тарихий антропонимиясида мавжуд бўлган. «Тангри» сўзи билан алоқадор исмларнинг пайдо бўлиши, осмонга сифиниш билан боғлиқдир. Будпарастлик, мажусийлик билан боғлиқ бўлган ушбу эътиқод Тангри — осмонни Худо деб билади. У ўзида «муқаддас ибтидони» қамрайди: Кун Тангри (Қуёш Худо), Ой Тангри (Ой Худо), Тонг Тангри (Тонг Худо)³. Мана шу каби эркаклар ибтидоси ҳисобланган — қуёш култи ва аёллар ибтидоси ер-сув култи яқин вақтларгача кишилар онгида сақланиб келди.

VIII асрда яшаган турклар шаманпараст бўлишган. П. Мелиоранскийнинг ёзишича, улар «Осмон» ва «Ер»ни худо деб, унга сифинишган. Аммо улар Осмонни буюк худо деб ҳисоблашган. Аммо Ер худоси Осмон худоси (Тангри)га нисбатан камроқ маъқега эга бўлган⁴.

VI—VII асрлар ёдгорлиги бўлмиш қадимий тошбитикларда *Тангри* кўп уринларда тилга олинади. Масалан, Мугилёнхон (734 йил вафот этган): «Тангри ёрлақагани учун, ўзимнинг бахтим борлиги учун қоғон (хоқон) бўлдим», дейди⁵. Яна: «Тепада турк Тангриси (Осмон) ва Ери»⁶ ва бошқ. Тошбитиклар

¹ Исмларни транскрипциясиз бердик. — Э. Бегматов.

² Алфавитный указатель собственных имен, встречающихся во втором томе «Образцы народной литературы тюркских племён, собранных В.В. Радловым. Составитель Н.О. Катанов. — Санкт-Петербург, 1888, — С. 2—15.

³ *Щербак А.М.* Огуз-наме. Мухаббатнаме. — М.: ИВЛ, 1959. — С. 70.

⁴ *Мелиоранский П.* Об Орхонских и Енисейских надгробных памятниках с надписями, С. 265—266.

⁵ *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. Тексты и переводы. — М. — Л.: Изд-во АН СССР, 1951. — С. 28—29.

⁶ Ўша асар, 29-бет.

матнида кўп ўринларда Тангри кишига бахт келтирувчи, душман билан курашда мадад берувчи, турли ёвузлик ҳамда бало-офатлардан туркларни асровчи илоҳий куч сифатида тушунилади ва улуғланади.

Таниқли тилшунос А.М. Щербак «Ўғузнома» асаридаги атоқли отлар, этнонимлар, жой номлари ва давлат тушунчаларига оид атамалар муайян тарихий кимматга эгаллигини тан олган ҳолда, киши атоқли отларининг аксарияти муайян тарихий прототивга эга эмас, чунки асарнинг мақсади аниқ тарихий шахсларни тавсифлашни мақсад қилиб олмаганини ёзган эди¹.

Туғри, асарда тилга олинган шахслар реал одамлар бўлмаслиги мумкин. Аммо уларнинг номланиши ва номларини тамоман нореал деб билиш ўринли эмас. Чунки уларнинг номи баён этилаётган даврда туркийлар болага исм беришда амал қилган мотивларга боғлиқлигини инкор қилиб бўлмайди. Чунки «Ўғузнома»да тилга олинган Кун, Ой, Юлдуз, Кук, Тоғ, Денгиз каби исмлар ҳозирги ўзбек антропонимиясида мавжуд ва улар бизнинг давримизда яшаган реал шахсларнинг атоқли отларидир: Кунибек, Кўки, Кўкимбек, Кўктемир, Кўкча, Ойбек, Тоғшар, Товбой, Денгизбой, Кунихон (эркаклар исми), Ойбадоқ, Ойбаланд, Ойбибиш, Ойбалқи, Ойдай, Ойзода, Ойжума, Ойжон, Ойхон, Юлдуз, Юлдузой, Юлдузқиз (аёллар исми).

«Ўғузнома»да айтилишича, хотини уч ўғил туққани, уларга Кун, Ой, Юлдуз исми берилгани, иккинчи хотини уч ўғил туққанда улар Кук, Тоғ, Тенгиз (Денгиз) деб номлангани айтилади². Уларни бундай номлашда ўша даврда туркийлар, аввало, Осмон жисмлари, қолаверса, ердаги реал табиий объектларни улуғлашгани, уларга сифинишгани акс этади. Буни Ўғузхон ўзи эришган барча муваффақиятларни «Тангрининг химмати», ўз ҳаракатларини «Тангри олдидаги бурч»ни адо этишдан иборат деб билишидан ҳам англаш мумкин³.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги образларнинг номлари «Ўғузнома»да тавсифланган шахслар номига яқин туради ва улар ҳам қадимий аجدодларимизнинг осмон жисмларига сифиниши натижасидир.

¹ Щербак А.М. Огузنامه, Мухаббатنامه. — М.: ИВЛ, 1959, — С. 88—89.

² Ўша асар, 29, 31-бетлар.

³ Ўша асар, 63-бет.

Н. Маллаев ўз вақтида «Қутадғу билиг»даги киши номларини ўзбек фольклоридаги қахрамонларнинг номлари билан қиёслаган ҳолда қуйидагиларни ёзган эди: «Достон қахрамонларининг номи ҳам халқ ижоди традициялари билан боғланган. Ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқларда «кун» ва «ой» сўзлари билан бирга ишлатиладиган номлар кенг тарқалган ва халқ эпосидан ўрин олган. Бунга, жумладан, ўзбек халқ достонларидан «Ойсулув»даги Ойсулув ва унинг ўғли Кунботир, «Кунтуғмиш» достонининг бош қахрамони Кунтуғмиш, «Юсуф ва Аҳмад» достонидаги Кунхон ва Ойхон, «Ойгул» эртагидаги Ойгул, қахрамонлар номига қўшиб айтиладиган «ой» қўшимчаси (Алпомишдаги Барчиной каби), «Ой десанг ой, кун десанг кун» каби образли сўзлар, «Ой бастини Ойпарча қиз» каби мисраларни яратган қозоқ халқ оғзаки ижодидаги «Ойман-Шўлпон» достони, «Қуникей қиз» эртагидаги ва бошқа асарларнинг «Ой» ва «Кун» номлари билан аталиши, қирғиз халқ қахрамони Манаснинг «Кун ва Ойдан пайдо бўлиши», «Манас»даги Ойгулек, Ойканаш, Тўлғоной образлари, Қорақалпоқ халқ ижодидаги Ойсанам («Ғариб ва Ошиқ»), Ойсулув («Қирқ қиз») ва бошқалар яқин бўла олади. Ўзбекистонда хотин-қизлар номига «Ой» сўзини қўшиб айтиш ҳозир ҳам кенг қўлланилади. С.П. Толстов фикрига кўра, «Кун» ва «Ой» билан боғлиқ номларнинг тарихий илдизи тотемларга бориб тақалади»¹.

Хуллас, тарихий антропонимлар осмон жисмлари номига нисбат берилган исмлар қадимий туркийларнинг тотемистик, аниимистик ва фетишизм билан боғлиқ тасаввурлари ҳақида дарак беради.

Исмлар ўтмишига назар солинса, ҳозирда ўзбеклар учун удум ҳисобланган, уларнинг исми бўлиб хизмат қилаётган қўпгина номлар аслида ўтмишда яратилган, узоқ даврлардан бери яшаб келаётган атоқли отлар экани ҳамда ўша исм боланинг номи сифатида танланиши мотивлари юзасидан бизга хабар берувчи қимматли манба экани маълум бўлади. Бу номлар қўп даврлардан бери кишиларнинг махсус номи — антропонимлар сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келмоқда. Бу қуйидаги тарихий исмларни ҳозирги ўзбек исмлари билан қиёслаганда яққол сезилади:

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. — Т.: «Ўқитувчи», 1963. 163—164-бетлар.

Ўтмишга оид тарихий исмлар	Ҳозирги ўзбек тилида учрайдиган исмлар
Бег (ДЛТ, III, 247)	Беги, Бегим, Бегимқул
Кумуштегин (ДЛТ, I, 391)	Кумуш, Кумушхон, Кумушой
Қутлуғ (ДЛТ, I, 431)	Қутлуғ, Қутлуғой, Қутлуғбека
Али-Эрхон (СБЛ., – II, 207)	Али, Алибой
Алтан (СБЛ., 33–47)	Олтин, Олтиной
Алтанхан (СБЛ., 17)	Олтинхон
Алтан хотун (СБЛ., 53)	Олтиной, Олтинбиби
Бекташ, Беклемиш (СБЛ., 267)	Бектош, Беркин, Беркиной
Джақсу (СБЛ., 29)	Яхшибой, Яхшиқиз
Джарук-Уга (СБЛ., 153)	Ёруғ, Ёркин, Жалкиной
Эл-Арслан, Элтемур, Элходжа, Элбеги, Элтурмиш (СБЛ., 96, 266, 204, 143, 237)	Арслон, Элхўжа, Элбеги
Қора, Қора-Арслон, Қорачахон (СБЛ., 276, 142, 198)	Қорабой, Қорахон
Бойкаро Мирзо, Қора Султон, Қорача, Қора Будут, Мангугой, Менгухон (СБЛ., II, 268, 54)	Бойқора, Қорабой, Булутбек, Мангубой, Мангуберди
Менгу Темур (СБЛ., II, 72)	Мангубой, Менгбой
Тойқора, Бойтемур (СБЛ., II, 77, 202)	Қоратой, Бойтемир
Бурилтой (СБЛ., II, 97)	Бурул, Бурулой
Жавқон (СБЛ., II, 74)	Жавқон, Жавқонбек
Эсан Темур (СБЛ., II, 17)	Эсон, Темурбек
Эсан (қиз), Эсон Буқа (СБЛ., II, 20, 130)	Эсон, Эсоной
Сарук, Сарук хотун (СБЛ., II, 104) Атласхон (СБЛ., II, 51)	Саруғбой, Сарикқиз, Атласхон
Элдор (СБЛ., II, 20)	Элдор
Ўлжай, Ўлжатой (СБЛ., II, 21, 65)	Ўлжабой, Ўлжахон
Чечак (СБЛ., II, 98)	Чечак, Чечаккой
Тутибиби (Арки Бухары, 65)	Тути, Тутинисо

Қутлуг Қадам (Сам. Док-ты. 224)	Қутлугқадам
Байрамбек (Матлаи, 115)	
Байрам Султон, Байрамхон (Б-нома, 226), Байрамхон (Х-нома, 71)	Байрам, Байраммурод, Байрамхон, Байрамбиби
Бешбек (Матлаи, 431)	Бешбек, Бешим
Севинжак, Севинхужа (Маглайи, 23, 314). Суяндуктурк Шохназор, Суяндук, Суянчакхон (Б-нома; 258, 273, 300)	Севинч, Севинчхон Суянбой, Суянч, Суянбек
Ўнжу (Инжу) – Т-мон)	Инжубека
Бекчучук (Абдуллонома, 219, Чучукмирзо (148). Мойчучук (Б-нома, 278)	Чучукбой, Чучуккиз
Суюнчи, Суюнч, (Абдуллонома, 114, 234)	Суюнч, Суюнчхон
Тиловберди (Абдуллонома, 148)	Тиловберди, Тиловберган
Ўроқхужа (Абдуллонома 219)	Ўроқбой, Ўроқкул
Эшибой (Абдуллонома, 204)	Эшбой, Эшпулат
Ўташ мирохур (Абдуллонома, 190)	Ўташ, Ўтабберган
Бароқ султон, Бароқхон (Б-нома, 67, 419)	Бароқбой
Бикабегим (Б-нома 83, 226)	Бекабегим, Бекажон
Катта, Каттабек, Катташоҳ (Б-нома, 725, 254, 427)	Каттабек, Каттагул, Каттабуви, Каттакул
Кичик Али, Кичикбек, Кичикбегим, Кичик Мирзо, Кичик мох, Кичкина тункатор (Б-нома, 127, 170, 217, 226, 222, 254, 425, 447)	Кичикбой, Кичикой, Кичикгул, Кичиккиз, Кичиктой
Минглибий оғача, Минглик кўкалтош (Б-нома, 251, 225)	Менглибой, Менглихон, Менглисулв, Менгелноз
Оппок, Оппоқбегим, Оппоқхон (Б-нома, 47, 226, 291)	Оппок, Оппоқойим, Оппоқхон
Оқбегим, Оқбутабек (Б-нома, 69, 80, 84, 33, 97)	Оқбегим, Оқбута, Ойбону

Тонготмиш Султон (Б-нома, 123)	Тонготар, Тонгсулув
Улугбек Мирзо, Улугбегим, Улуфудий, Улуф Мирзахоний (Х-нома, 25, 46)	Улуғбой, Улуғбек, Улуғой
Хоним, Хонкули, Хонжаҳон, Хонзодахоним, Хонзодабегим (Б-нома, 66, 67, 270, 326 ва б.).	Хонимой, Хонимкул, Хонзода
Чулибегим (Б-нома, 226), Чули (Х-нома, 76)	Чулибой, Чулиой
Эзгу Салим, Эзгу Темурбек (Б-нома, 78, 281)	Эзгулик, Эзгубой
Эсон Бугахон, Эсон Темур, Султон Эсонкул, Султон (Б-нома, 66, 67, 226, 263)	Эсон, Эсоной, Эсонкул, Эсонтурди, Эсонбуви
Кутлугқадам қоровул (Б-нома, 209)	Кутлугқадам
Хушкелди (Б-нома. 273)	Хушкелди
Худойберди, Худойберди барлос (Б-нома, 148, 175)	Худойберди, Худойберган

Келтирилган исмлар орасида шундай номлар ҳам учрайдики, улар ўтмиш аجدодларимизни болага исм танлаш ва номлашда амал қилиб келган урф-одатлари, орзу-умидлари ҳақида дарак беради. Улар болани олдинги турмаган бола эвазига (ўтаб берган) фарзанд деб билишган: Ўтамиш (ДЛТ, 1. 122), Ўтар (ДЛТ, 1. 349). Чақалоқ олдинги турмаган болалар ўрнига қайтиб келган чақалоқ деб ўйлашган: Қайтмиш, Келмиш (СБЛ., том 1. 182), Келмиш (СБЛ., II, 83), қадимда яшаган кишилар ҳам Тош, Темур каби каттиқ жисмларга хос мустаҳкамлик болага ўтади деб ишонилган (анимизм). Шу сабабли янги туғилган чақалоқни Темур, Тош каби каттиқ жисмлар номи билан аташган:

Темур, Темир қогон, Темир Малик (СБЛ., 1. 53, 69, 201, 272). Чақалоқнинг баданида бирор ортиқча ғайритабиий белги, аломатларни кўришганда бола ўшанга мос равишда номланмаса, бу аломат унинг ҳаётига хавф туғдиради, дейилган ишончнинг жуда қадимий эканини Менгли исмининг қўйилгани тасдиқлайди: Менглибой (СБЛ., том 1, 98); Чақалоққа кўз тегмасин деб уни хушук маъноли сўз билан аташ: Сассиқ (СБЛ., 11. 76) ёки

чақалоқнинг душмани бўлмиш ёвуз кучларни чалғитиш, алдаш мақсадида болани «сотиб олиш» удумини адо этиш орқали номлаш жуда қадимий экани ҳақида Сотти, Сотиболди, Сотилмиш (СбЛ., 111. 21, 128, 168) исмлари гувоҳлик беради.

Бир қатор қадимий исмларнинг танланиш мотивида худди ҳозирги пайтда бўлгани каби ота-оналарнинг фарзанди соғ-саломат бўлишини ишташ орзу-умиди ўз ифодасини топган. Чунончи: Тўхтой нуён (СбЛ., 1. 59), Тўхта Буға Султон (Б-нома, 263); Тўхта Буға (Х-нома, 45); Турди Муҳаммад, Турсун Муҳаммад (Б-нома, 294, 437); Борбул Мирзо (Х-нома, 28).

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкин: *биринчидан*, ҳозирда болани номлаш учун қўйилаётган исмларнинг аксарияти узоқ ўтмишда ясалган номлардир. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, яшаб келган анъанавий исмлардир. *Иккинчидан*, бу исмларда туркийларнинг болага исм беришининг қадимий ижтимоий, маданий-маънавий, этнографик ва диний мотивлари акс этган ҳамда бизнинг давримизгача сақланиб, етиб келган.

Хуллас, антропонимларни қадимий тарих қаъридан биз томон етиб келган, ўтмиш аждодларимизнинг болани номлаш билан боғлиқ орзу-умидлари ҳақида бизга қимматли хабарлар етказувчи лисоний восита деб билиш айни ҳақиқатдир. Биз юқорида мана шундай хабарнинг бир қисми ҳақидагина фикр юритдик. Холбуки, бу мавзу махсус тадқиқ қилишга арзийдиган муаммодир.

АЖДОДЛАРНИНГ ТАБАРРУК НОМИ

Ўтмиш аждодларимиз амал ва эътиқод қилган удумлар, расм-русумлар, ишонч ва тасаввурларда кўпгина қизиқарли мўъжизалар, ҳодисалар мавжуд. Мана шулардан бири этнография, тилшунослик, тарих ва этномаданият фанида *табу* деб юритилувчи эътиқод.

Табу, кўпгина илмий адабиётларда таҳлил қилинганидек, Полинезиянинг Тонго тилидан олинган бўлиб, *ман этмоқ*, *тақиқламоқ* тушунчасини англатади. Бирор нарса, объект номини тилга олишни ман қилиш, тақиқлаш дунёдаги кўпгина халқларда учрайди. Номини тилга олиш тақиқланувчи нарсалар, жонзотлар, асосан, қуйидагилар:

- баъзи ҳайвонлар номи;
- баъзи қушлар номи;

- баъзи жонзот ва ҳашаротлар номи (илоҳ, чаён, бий);
- баъзи дарахт ва ўсимликлар номи;
- баъзи табиий ва сунъий объектлар номи (тоғлар, дарёлар, булоқлар);
- баъзи азиз ва муқаддас деб ҳисобланувчи шахслар номи;
- болага исм сифатида қўйилган баъзи марҳумлар исми;
- оила, уруғдаги ёши улур кишилар, қариялар исми;
- аёллар, айниқса, келинларнинг оиладаги ва эрининг авлодидаги катта ва кичикларга исмини айтиб мурожаат қилмаслик;
- эр-хотин орасидаги муносабатда бир-бирининг исмини айтмаслик;
- шогирдларнинг ўз устози исмини тилга олмаслиги;
- олий тоифага мансуб, бой-бадавлат кишиларга уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмаслик;
- касб-ҳунар сирларига оид баъзи тушунчаларни ифода этадиган сўзлар бегоналар олдида тилга олинмай, у бошқа лексемалар билан алмаштирилади;
- чақалоқ баданидаги нотабиий белгини яшириш, уни бошқа ном билан аташ ва бошқалар.

Табу эвфемикасининг келтирилган кўринишлари А. Омонтурдиев томонидан кенг тадқиқ қилинган¹.

Ономастикада табунинг кўринишлари ҳақида ушбу сатрлар муаллифи 1965—1966 йиллар тўхтаган эди².

Марҳум қариндош номини болага қўйиш ўзбек, қирғиз, қозок ва тожикларда кенг удум бўлган. Этнограф Т.С. Андреевнинг эсинича, ушбу удум замирида, биринчидан, ўтмиш аждодларни эслаш, унутиб юбормаслик, унга ҳурматни англатса, иккинчидан, болага исми берилган марҳум аждоднинг руҳи, арвоҳи, чақалоқни қўллаб-қувватлайди, дейилган ишонч ётади³.

Ўтиб кетган қариндошлар номини болага исм сифатида қўйиш ўзбекларда ҳам қадимий удумдир. Масалан, бу одат ўзбек оилаларида, чунончи юқори табақа вакиллари ва оддий оилаларда

¹ Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. — Т.: 2000.

² Қаранг: Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. — Т.: Изд-во «Фан», 1965, — С. 9.; Уша муаллиф. Номлар ва одамлар. — Т.: «Фан» нашриёти; 1966,

³ Андреев М.С. Таджикиские долины Хуф (Верховья Аму-дарьи) вып. 1. Изд-во Таджикской ССР, 1953. — С. 83—84.

XVI асрда ҳам одат бўлган¹. «Хумоюннома» асарида Бобурнинг хотинларидан Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Маъсума Султон бегим бир қиз туккаии «...ўзи эса туғиш вақтида вафот этгани ва онасининг отини қизига қўйганлари айтилган².

Болага марҳум қариндошнинг исми қўйилса, бу исмга муносабатнинг ўзига хос қонун-қоидаларига амал қилиш лозим бўлган этнографик удумлар бор. Борди-ю, қизга марҳум бувисининг исми берилса, унинг номини айтиб чақирмайдилар. Бундай болани исмини айтиб қойиш ва уриш ҳам ман қилинади. Бунга амал қилинмаса, марҳум бобоси ёки бувиси (момоси)нинг руҳи ранжийди, бу болага бахтсизлик келтириши мумкин, деб ўйлашади.

Масалан, Бобожон Парпиевнинг исми Юнус бўлган. Юнус исми бобосига тегишли эди. Шу сабабли оиладагилар марҳум бобо ранжимасин деб болани Бобожон деб чақиритган. Натижада лақаб исми истеймолдан сиқиб чиқарган ва Бобожон деб аташ одат бўлиб кетган.

Марҳумлар исмини болага қўйиш доғистоиликларда, қозок ва қирғизларда³, тожикларда ҳам мавжуд. М.С. Андреев Хуфда яшовчи тожиклар марҳум аجدод номини олган болани тилга олишмайди, болага қайси қариндош исми берилган бўлса, уни ўшанга мос равишда, яъни Дадажон, Бобожон, Бибихон деб чақиритишади, деб ёзган эди. Баъзи халқларда гап юритилаётган одатнинг тескариси ҳам учрайди. В.Н. Васильевнинг ёзишича, карагасларда вафот этган кишилар номи болага берилмайди. Чунки, уларнинг тасаввурига кўра, марҳумнинг исми билан ўлим болага ўтиши ёки ўлган шахс аччиғланиши мумкин⁴. Белоруслар ўзлари истиқомат қилаётган жойдаги ёмон хулқли кишилар номини болага қўйишмайди, чунки ёмон хулқ исм билан болага ўтиб қолиши мумкин, деб билишади. Худди шунингдек, адаш бўлган кишилардан бири вафот этса, иккинчи тирик одам дарров ўз номини ўзгартиришга киришади⁵.

¹ *Гулбадан Бегим*. Хумоюннома. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1959, 90-бет.

² Ўша асар. 28-бет.

³ *Андреев М.С.* Таджики долины Хуф., — С. 83—84.

⁴ *Васильев В.Н.* Журнал «Этнографическое обозрение», №1—4, 1910, — С. 56.

⁵ *Щимкевич П.П.* Некоторые элементы из жизни гольдов и связанные с нею суеверия // Журнал «Этнографическое обозрение», №3, 1897, — С. 7.

Арманлар эътиқодича, ҳаёт бўлган қариндошлар исмини болага қўйиш мумкин эмас, бунда тирик қариндошнинг умри қисқариб қолиши мумкин¹.

Бу одат ўзбекларда ҳам бор. Ўзбеклар тирик қариндошлар исмини болага қўйишмаган. Тирик одам бундан ранжиб, «ҳали мен тирикман-ку!» дейди, деган мулоҳазага боришган. Қарноқликлар болага тирик қариндош исмини бериш унга зарар келтиради, унинг умрини қисқартиради, деб билишган. Қарноқлик Равшан опа бизга шундай деган эди: «Миркомил (чақалоқ отаси Э.Б.) ўғли исмини «Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома»да Шариф деб ёздирган. Мен Миркомилга нега ундай қилдинг? Саодат эшитса (қариндош Шарифнинг хотини — Э.Б.), хафа бўлади ва боланинг исми Ҳикматулла бўлсин дедим» (1962 йилги суҳбат).

А. Омонтурдиев чақалоқнинг, умуман, шахснинг асосий исмини ошқора қилмаслик удуми юзасидан қизиқ маълумотларни келтирган. Масалан, Аракун халқининг удумига кўра, шахс ўз исмини бегоналарга, тасодифий шахсларга ўз тили билан айтмайди. Бунга амал қилмаган одамнинг бўйи ўсмай қолади, деб ҳисоблашади. Эскимосларда қариялар кексайгач, ўз исmlарини ўзгартирадilar. Янги исм кексанинг умрини узайтиради, деб ўйлашади. Циебес оролида яшовчи талампу уруғи эътиқодига кўра, кишининг исмини қовозга тушириш унинг жонини олиш билан баравардир. Чили оролидаги одамлар бир-бирининг исмини бақириб-чақириб айтишмайди, агар шундай қилинса, қўшни оролдагилар исмини билиб олиб, унинг оила аъзоларига қасд қилади, деб ҳисоблашади².

Ўзбек тили эвфемикасини фундаментал равишда тадқиқ қилган А. Омонтурдиевнинг ёзишича, «Ота, боболар номини авлодлар (боласи, невараси, чевараси...)га қўйиш удуми аجدодларни унутмаслик, номини ёд этиш, сулола шажарасини сақлаш, шу орқали уларни шод этиш, руҳларига эҳтиром билдириш бўлади, деган воя асосида юзага келган.

Ҳамма халқларда ҳам мавжуд бўлган бу қадимий удум ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган»³.

¹ Лаянц Е.Л. Быт и этнография кавказского народа // «Сборник материалов кавказских народов», 1930, — С. 82.

² Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. — Т.: «Фан», 2006. 27—28-бетлар.

³ Ўша асар. 38-бет.

Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида яшовчилар марҳум қариндош номи қўйилган болага унинг асл исмини айтмай: Бобо, Ота, Амак (Амаки), Ката (Катта), Калон Бобо (эркалаб Бобойка), қиз бўлса Мома, Она, Амма (эркалаб Аммашка) деб мурожаат қилишади¹.

Ўзбек тилида Амма, Аммача, Онажон // Энажон, Бувинисо, Бувихон, Дадажон, Дадакул, Момобуви, Моможон, Бобомурод, Бобохон каби исмларнинг мавжудлиги мана шу удум билан боғлиқ.

Инсон исмини сеҳрли (магик) кучга эга деб билиш, чақалоққа берилган исмнинг унга мос келмаётгани, оғирлик қилаётганига ишонил, бола исмини бошқаси билан алмаштиришда ҳам ёрқин кўринади. А. Омонтурдиев ушбу удумнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: «Расмий ном билан яшаётган бола ёки ўсмир сурункали касал бўлаверса (хусусан, Аллоҳ, пайғамбар, авлиё ёки умуман, буюқлар номи билан атаган бўлса, номи ни кўтаролмайди, деб ҳисобланиб), исми ўзгартирилади ёки у камтарона эвфемик бир ном билан алмаштирилади. Натижада, бола қўшалок ном (бири расмий, бири эвфемик атама)га эга бўлиб қолди. Бу номнинг иккинчиси ҳимояловчи исм сифатида фаоллашиб кетади»². Одатда, болага оғирлик қилган исм буюқ авлиёларнинг, олимларнинг, шоир (адиб)ларнинг, шайху эшонларнинг исми бўлиши мумкин.

Умуман, табу ҳодисаси икки хусусиятни юзага келтиради: 1) ман этиладиган нарсанинг номи; 2) ман этилган номи ўрнига алмаштириладиган янги ном, сўзни туғдиради. Кейинги ном (сўз) эвфемизм деб юритилади. Ж. Вандресс бир вақтлар «Эвфемизм — бу ман этилган луғатнинг мулозимроқ ва маданиятлроқ формасигина, холос», деб ёзганди³.

Айтиш ман этилаётган ном (сўз) ўрнини алмаштирилаётган лексема, агар ном кўпол бўлса, уни силлиқроқ, майинроқ, маданийроқ маъноли ном билан алмаштиришга имкон беради. Шу сабабли баъзи тадқиқотчилар эвфемаллаштириш икки хил бўлишини ёзишади: «Демак, эвфемаллаштириш ҳодисаси айтилиши мутлоқ ман этилган (табу) тушунчалардан тортиб, айтилиши

¹ Ўша асар. 38–39-бетлар.

² Ўша асар. 27-бет.

³ Вандресс Ж. Язык. — М.: 1937. — С. 206.

сўзловчининг хулқий маданияти, субъектив қараш билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки факультатив характерга эга бўлган нутқий жараёни ўз ичига олади»¹.

Литропонимияда келтирилган ҳар иккала хусусият мавжуд: а) ман этилган исм қатъий равишда тилга олинмайди; б) ман этилган исми тилга олмаслик сўзловчининг нутқий одобидан дарак беради. Табу мураккаб ходиса ва тушунчалар синтезидан иборат бўлиб, унинг лингвистика фанига дахлдорлиги ҳақида А. Омонтурдиев ёзади: «Табуни ифода объектига кўра *социал ёки этнографик табу ва лингвистик табу* деб иккига ажратиш мумкин. Биринчи ҳолат кўпчилик тарихчилар, этнографлар, иккинчи ҳолат лингвистларнинг ўрганиш объектидир. Ташқи томондан булар ўртасида боғланиш йўқдек кўринса-да, аслида бундай эмас: *этнографик табу* термини остида тарихан шаклланиб одатга айланган, бироқ маълум сабабларга кўра ман этилган иктымол харажат, воқелик ёки одат тушунилса, *лингвистик табу* термини остида маълум сабабларга кўра бирор воқелик ёки предметнинг ўзи эмас, унинг номини тўғридан-тўғри тилга олиш ман этилади. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда этнографик табу лингвистик табунинг шаклланишига бевосита сабаб ҳам бўлади»².

Ўзбек антропонимларининг луғавий таркиби кузатилса, бу соҳада табунинг амал қилиши, яъни бола (шахс)нинг исмини тилга олмаслик, исми талаффуз қилишни ман этиш, асосан, кўйидаги ҳолларда кўринади:

1. Болага вафот этган шахс (аждоқлар) исми берилса, оиладаги ҳеч бир шахс (баъзан қари эркаклар бундан мустасно) бу исми ўзгалар олдида тилга олмайди.

2. Оилага келин бўлиб тушган аёл эрининг катта ва кичик қизилари (қайнилари, қайсингиллари, бошқа қариндоши болалари) исмини айтиб мурожаат қилмайди.

3. Оиладаги қариндошлар (уруғ давраси)даги кичик болалар авлоддаги ўзидан катта шахслар исмини айтиб мурожаат қилишмайди.

¹ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси. — Т.: «Фан», 2006. 10 бет.

² Ўша асар. 14-бет.

4. Мана шундай ҳолларда болага иккинчи бир ном беришган — боланинг асосий номини айтмай, унга иккинчи номини айтиб мурожаат қилишган. Туркман тилшуноси З.Б. Мухамедова «биринчи исми ростакам исм, иккинчисини ёлғон ном, лақаб деб атаган эди»¹. Келтирилганлар исми ман этишнинг антропонимик табуга хос ҳолатлардир.

Юқоридаги каби ман этишлар асосида қуйидаги қадимий эътиқод ва тасаввурлар ётади:

Биринчидан, болага исми берилган, вафот этган марҳум қариндош руҳини безовта қилмаслик, унга ҳурматни сақлаш.

Иккинчидан, боланинг исмини яшириш, тилга олмаслик орқали норасидага зарар етказадиган ёвуз кучларни чалғитиш, болани яшириш. Чунки одамнинг исмини билиб олиш орқали унга турли зарар етказиш мумкин, дейилган ишонч дунёдаги кўпгина халқлар удумида мавжуд.

Этнограф Д.К. Зеленин болага берилган аجدод номини тилга олмасликни, умуман, болага муносиб исм танлаш сабабини икки мотивга боғлаб изоҳлайди: 1) болага хунук маъноли исм қўйиш орқали уни ёвуз кучларни алдашга, чалғитишга ҳаракат қилинади; 2) муносиб исм берилса, бу исм боланинг тақдирига таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди. Фикр муаллифи иккинчи мотивни биринчига нисбатан қадимий деб билади².

Боланинг исмини тилга олишни ман этиш унга мурожаат қилиш усулини йўққа чиқаради. Аммо исми айтишни ман этиш кундалик турмушда болага мурожаат қилиш эҳтиёжини йўқота олмайди. Демак, бола исмини тилга олиш мумкин бўлмаса, унга қандай мурожаат қилиш (уни чақирриш, бирор нарсага ундаш, исмини айтиб эркалаш, эъзозлаш ва б.) лозим деган муаммони ўртага қўяди. Ўтмиш аждодларимиз бунинг иложини топишган, яъни боланинг исмини тилга олмасдан, унга бошқа йўллар билан мурожаат қилишган.

Исмини тилга олиш ман этилган шахсга қариндошликни аңглатувчи терминлар орқали мурожаат қилиш одат тусига кирган. Булар қуйидагилар:

¹ Мухамедова З.Б. К вопросу о личной ономастике у туркмен. // Труды ин-та языка и литературы АН Туркменской ССР, вып. II, 1957, — С. 34—48.

² Зеленин Д.К. «Табу слов у народов восточный Европы и Северной Азии // Сборник музея антропологии и этнографии, IX, — Л.: 1930. — С. 122, 125.

— бола мархум бобоси исми билан номланган бўлса: Бобожон, Бобоёр, Бободўст, Бобокатта, Бобокелди, Боботой, Бойбуви, Бува, Буваназар, Бувачол, Тўрабува, Холбобо ва х.к.;

— болага мархум бувиси исми берилган бўлса: Бувинисо, Бувиасал, Бувикиз, Бувқиз, Гулмомо, Ойбуви, Қизбуви, Қизларбуви, Қизлармомо, Хожибуви, Тўрабуви, Тўхтамомо, Холмомо, Холбуви, Шобуви; Момо, Момобека, Момобуви, Момогул, Момогузал, Момодол (бувиси ўрнига келган қиз), Моможон, Моможамол, Момокалон, Момософ, Момосулув, Момочучук, Момоқиз; Биби, Бибигул, Бибижон, Бибинисо, Бибиой, Бибинор, Бибисулув, Бибитож, Бибича, Бибибиш, Бибиқиз;

— болага мархум онаси исми берилган бўлса: Аяжон, Умрэна (Онабиби, Онабу, Онагул, Эна, Энагул, Энажон, Энамгул, Энақиз;

— болага мархум отаси исми берилган бўлса: Дада, Дадабой, Дадаасал, Дадажон, Дадахон, Дадаш, Отажон, Отабой, Отажон, Отам, Отахон, Отаяхши, Отақул, Отақўзи;

— болага мархум ачаси, аммаси исми берилган бўлса: Ача, Ачагул, Ачанисо, Ачақиз; Амма, Аммахол, Аммача, Аммақиз;

— болага мархум акаси исми берилган бўлса, унга мурожаат қилинганда: Ака, Акажон, Акамулла, Акакелди;

— болага опаси исми берилган бўлса: Ойтути, Тўтиқиз, Тўтигул, Тўтиби;

— бола исмини тилга олиш ман этилганда унга турли мансаб, унвон номлари орқали мурожаат қилишган. Чунончи:

— *ўғил болага мурожаатда*: Бекйигит, Бекжон, Бекқора, Бийтўра, Бойбек, Бойбола, Боййигит, Бойкишим, Бўлис, Оқбола, Қоражон, Окбой;

— *қиз болага мурожаатда*: Бекач, Бекойим, Бекпошша, Бибиқиз, Бибигул, Бика, Бикач, Бойбека, Бойбича, Бойқиз, Гулпошша;

— *боланинг исмини тилга олмасдан уни характерловчи, сифатловчи бирор сўз билан мурожаат қилинади*. Бунда: чиройли, гузал маъно ифода этадиган сўзлар танланади: Бибисулув, Бувисулув, Гулноз, Гулқиз, Кенжасулув, Менсулув, Норсулув, Ойсулув, Ойқиз, Ойқош, Қаламқош, Қорасулув, Сулугул, Сулувхон, Тотлисулув, Бойсулув.

— болага исмини айтмасдан унга ижобий муносабатни англатувчи сўзлар билан мурожаат қилинади: Жонйигит, Оййигит, Эрка, Эркагул, Эркаойим, Эркатой, Ювошбой, Яхшибек, Яхши-

бой, Яхшигул, Яхшитой, Яхшиқиз, Толли, Толлиқиз, Тўйбола, Тўйқиз, Холшакар, Холчучук, Чучук, Чучукгул;

— болага унинг туғилиши тартибини (оилада нечанчи бола эканини) англатувчи сўзларни айтиб мурожаат қилинади: Кенжабой, Кенжақиз, Кичикгул, Кичиктой;

— бола бирор жонзотга ўхшатилади ва унга ўшанинг номи айтиб мурожаат қилинади: Бойқўзи, Эрқўзи, Қулунтой, Қулунтой, Қумриқиз, Қўзибола, Қўзибой, Суксур, Суксурой, Тойбола;

— баъзи ҳолларда бирор суйиш, эркалаш маъносига эга бўлган ёки маъноси салбий бўлган сўзлардан ҳам фойдаланилган. Буни кўпроқ оиладаги келинларнинг ўз қайниларига мурожаатида кузатиш мумкин: Ёмонбола, Пакана, Қорабола каби.

Бола (шахс)нинг исмини тилга олишнинг қадимий мотивлари унинг исмини ошқор қилмасдан турли ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш бўлса, кейинчалик исми болага берилган аجدод руҳининг безовта бўлмаслигини ишташ юзага келган. Ҳар икки ҳолда ҳам қадимда одамнинг номи билан исм эгаси орасида қандайдир алоқа, илоҳий, рухий муносабат бор, исм шахс тақдирига таъсир қилади, уни бахтли ёки бахтсиз қилиши мумкин деган эътиқод ётади. Кишининг исмини билиб олиб, уни ахтариб топишга, унга зарар етказишга имкон беради деб билиш ҳам, исм эгаси аждод руҳини хафа, норози қилмасликни ишташ ҳам аслида сўз сеҳри (магия)га оид эътиқодларга таянади. Болага ўтмиш аждодлар (бобо, буви, амма, она, опа ва б.) исмини бериш замирида бола худди шулар каби узок умр кўрсин, бой-бадавлат яшасин, уларнинг руҳи болани қўллаб юрсин деган ният ётади. Аммо бундай ҳолда болага исми берилган марҳумни ранжитиб қўймаслик, эҳтиёт бўлиш, шундай қилинмаса, бу ҳол бола тақдирига салбий таъсир қилади, деган эътиқод ҳам мавжуд. Мана шу эътиқод болага аждоди исмини қўйиш баробарида, бу исми ҳаёт бўлган авлодлар эҳтиёт бўлиб тилга олишлигини тақозо этади.

Кундалик турмушда болани қойиш, танбеҳ бериш, ҳатто, баъзида ҳақорат қилиш, сўкиниш каби ҳолатлар юз бериб туради. Мана шундай ҳолларда боланинг исми, албатта, тилга олинади. Бу эса исмининг асл эгаси — марҳум шахс руҳини ҳам ранжитиши мумкин. Бунинг устига оила аъзолари, айниқса, ёши кичиклар, балоғатга етмаганлар бола исмини турли сал-

бий оҳангларда талаффуз қилиши (кискартириб, бузиб айтиш шаклларида ва б.) мумкин. Бундай ҳол нафақат мархумнинг исми билан аталган болага, балки исмнинг асл эгаси бўлган шахсга ҳам ҳурматсизлик деб қаралади. Шу сабабли болага қўйилган номни, асли мархум аجدоднинг исмини тилга олишни ман этиш, исми бирор бошқа сўз билан алмаштириш эҳтиёжи ҳувилган. Мана шу ҳол антропонимик табу (тақиқ)ни келтириб чиқарган. Натижада мархум аجدоднинг болага берилган исмини тилга олмаслик, унинг ўрнига болага бошқа номлар билан мурожаат қилиш одати юзага келган. Бунда икки ҳолат қузатилади:

1. Болага бошқа бирор исм қўйилган. Буни *лақаб-исм* деб ҳам юритишади. Масалан, боланинг асл исми Абдуқодир бўлса, унга боланинг юз тузилишини ифода этувчи Қозоқбой, Қирғизбой, ранги, сочи сариқ бўлса, Сарибай, Сариюз, Сарикбой каби. Боланинг асл исми тилга олинмай, унга кейинчалик берилган лақаб-исми айтиб унга мурожаат қилинган. Мана шундай ҳолларда борди-ю, боланинг исмини сўраб қолсангиз, оила аъзолари: «Асл исми Абдуқодир. Бу бобосининг исми. Аммо уни Қўзибой деб чақирамиз» дейишади.

2. Болага қўйидаги ҳолларда, мархум ёки мархуманинг қариндошлик муносабатини ифода этадиган сўзларни айтиш орқали мурожаат қилишган. Масалан «бобожон», «дадажон», «бувижон», «ачам», «онажон», «опажон» ва бошқ. Мана шундай ном-қариндошлик терминлари боланинг асл исми ўрнида кўп бор тилга олингани туфайли кейинчалик шахснинг исми атоқли от даражасига кўтарилган. Ҳозирги тилдаги Бобожон, Дадажон, Энажон, Акабой, Тўтихон (Тўти опа маъносида) каби исмлар ана шундай йўл билан юзага келган. Ҳозирда, ҳатто, бундай исмлар шахснинг фуқаролик паспорти ва бошқа ҳужжатларида унинг расмий номи сифатида қайд қилинган. Шахснинг дастлабки асл номи тилга олинмаслиги туфайли иккинчи ном томонидан истеъмоладан сиқиб чиқарилган. Аммо боланинг биринчи номини ота-она доимо эсда тутати.

3. Боланинг асл исми тилга олинмайди. Унга оила аъзолари (айниқса, келинлар) ўзлари ўйлаб топган сўз ва сўз бирикмалари орқали мурожаат қилишади. Масалан, Муллаийигит, Полвон бола, Қорақош, Сариксоч, Қаламқош ва бошқ.

Қайд қилинган ҳолатларда туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам қадимдан қатъий амал қилинган бу удум халқимизнинг менталитети даражасида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ҳаёт бўлган кексалар, ёши катталар исмини оиланинг ёш аъзолари тилга олмаслиги, унга қариндошликни ифода этувчи сўзлар орқали мурожаат қилиш ҳозирда ҳам мавжуд. Аммо бу қоида баъзан эр-хотинларнинг ўзаро муносабатида бузилиш ҳоллари учрайди. Масалан, авваллари оддий оилада эр хотинига «онаси» ёки бирор фарзанд исми билан «Ҳой Рисолат» каби, хотин эса эрига «ҳой отаси», «хўжайин», «адаси», бирор фарзандининг исмини айтиб «ҳой фалончининг отаси» каби мурожаат қилган бўлса, ҳозирда эркаклар хотинига унинг исмини бемалол айтадиган бўлган, хотин эса эри исмига «Фалончи ака» (Эрмат ака) ёки баъзан исмининг ўзини айтиб мурожаат қиладиган бўлди. Ҳар ҳолда оиладаги ўзаро муносабат маданияти устида ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди.

Авваллари бир авлодга мансуб ҳаёт бўлган кишиларнинг исмлари ўхшаш отдош, адаш, айнан бўлмаган. Болага исм беришда мана шу каби ҳолат юз беришига йўл қўйилмаган. Чунки бир авлодга мансуб кишилар исмининг айнан ўхшаш бўлиши уларни фарқлашга халақит берган. Бунинг устига туғилган болага нисбатан ёши катта қариндош исмини сўрамасдан болага қўйганларидан қариндош хафа бўлган, «мен ҳали тирикман-ку!», дея ранжиган. Бундай ҳолларда исмининг аввалги эгаси қаттиқ аразлаган, ҳатто қариндошлари билан гаплашмай қўйган ҳоллар бўлган. Ҳозирда бир уруғ, авлод болалари орасида адашларнинг кўпайиб кетаётгани ушбу қадимий ва фойдали удумга эътиборсизлик қилинаётганини кўрсатади.

ЧАҚАЛОҚНИНГ ДУШМАНЛАРИ — «ЁВУЗ КУЧЛАР» КИМ ЁКИ НИМА?

Жаҳондаги деярли барча халқларда, айниқса, туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳомиладор ёки кўзи ёриган аёлни, янгигина дунёга келган мурғак чақалоқни турли хавф-хатарлардан асрашга катта эътибор бериб келинади. Ҳомиладор аёлнинг ёки чақалоқнинг турли касалликларга чалинавериши, туғилган боланинг инжиқ бўлиб, яхши ўсавермаслиги ёхуд туғилган болалар

турмай, бирин-кетин нобуд бўлаверишининг сабабларини одамлар турлича тахмин ва талқин қилишган. Булар орасида учта тасаввур алоҳида ажралиб туради:

1. Чақалокнинг касалланиши ва ўлимига сабаб бўладиган қандайдир «ёвуз кучлар» бор, улар турли йўллар билан болага салбий таъсир ўтказишга интилади, деб ҳисоблашган.

2. Болага ёт, хосиятсиз, айниқса, бепушт одамларнинг кўзи тушиши, «кўз тегиши»га сабаб бўлади, натижада бола касалликка чалинади, яхши ўсмайди, ҳатто, бу ҳол болани ўлимга олиб келади, деб ишонишган.

3. Болага берилган исм унга оғирлик қилмоқда, исми болага қўйилган шахснинг арвоҳи норози бўляпти, шу туфайли бола турли касалликка дучор бўлмоқда, деб билишган. Айниқса, ўтмишда яшаган буюк мутафаккирлар, атоқли диний арбоблар ёки марҳум аجدодлар номи қўйилганда мана шундай мулоҳазаларга келишган ва чақалокнинг исмини бошқаси билан алмаштиришга ҳаракат қилишган.

Келтирилган тасаввурлардан энг кўп тарқалгани — чақалокнинг душмани бўлган ёвуз кучларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурдир. Хўш, боланинг касалланавериши, ҳатто ўлаверишига сабаб бўладиган «ёвуз кучлар» ким ёки нима?

Умумий тарзда олинadиган бўлса, булар: дев, ажина, пари, шайтон ва жинлар, ялмоғиз кампир, арвоҳлар, баъзи хосиятсиз жойлар, маконлар, хосиятсиз дарахт ва ўсимликлар, зурриётсиз аёл, ёмон кўзлар, кўз тегиш ва бошқалар.

Чақалокнинг душманлари ҳақида жаҳоннинг турли ҳудудларида яшаган маҳаллий аҳоли орасида хилма-хил нуқтаи назарлар учрайди. Масалан, Тошкентда яшовчи аҳоли она ва боланинг душманларини *ажина* деб билса¹, Қорамурд аҳолиси *ёвуз момо* деб тасаввур қилади². Қирғизлар хомиладор аёл ва чақалокни *алвастидан* ташқари *марту* — *басу*, *ялмоғиз кампирдан* ҳимоя қилишади³. Тожиклар тасаввурида *чилтанлар*, *алвас-*

¹ *Троицкая А.Л.* Первые сорок дней ребенка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // Сборник В.В. Бартольда. — Т.: 1977, — С. 349—350.

² *Андреев М.С.* Чилтаны в Среднеазиатских верованиях. // Сборник В.В. Бартольда. — С. 334—335.

³ *Ибрагимов И.И.* Этнографические очерки киргизского народа // Русский Туркестан. Вып. II — М. — С. 121.

ти, дев, парилар чақалоқнинг хавфли душманларидир¹. Жанубий Қозоғистонда яшайдиган ўзбекларда *шайтон, етак* (одамни адаштириб, бошқа йўлга бошловчи, етакловчи), *кинна кириши, қора босмоқ, ялмоғиз кампир, алвасти, инсу жинс, арвоҳ уриши, жин қоқиш, пари қоқиш, хосиятсиз дарахтлар тагида, чангалзорда* ухлаб қолиш каби тасаввурлар мавжуд.

Ўтмишда яшаган кишилар хомиладор аёл, кўзи ёриган аёл ёки чақалоқнинг турли хасталикларга учраши боланинг жисмонан баъзи нуқсонларга эга бўлиб, носоғлом туғилиши ёки вафот этиши, ёхуд келажак ҳаётида турли омадсизликларга дучор бўлиши чақалоқнинг душмани ҳисобланган бирор *ёвуз кучлар*нинг иши деб ҳисоблашган.

Бу каби ёвуз кучлар ҳаёлий, афсонавий, баъзи ҳолларда моддий (реал) нарсалар бўлиб, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ҳар хил тасаввур қилинган ва номланган. Уларнинг асосийлари, агар умумлаштирилса, халқ тасавбурида қуйидагилардир: дев, алвасти, шайтон, ялмоғиз кампир, жин, инсу жинс, пари, ажина, аёз, аждаҳо, чилтон, мастон кампир, қанотли тулпор, ўтган аجدодлар руҳи, арвоҳлар, шайтонлаш, ел қоқиш, хосиятсиз ўрин (жой), фарзандсиз аёлнинг тушига ёмон хулқли кишининг кириши, кишиларнинг назари, кўзикиш, ичкикиш, хосиятсиз кийимлар, болага мос тушмаган номуносиб исм ва бошқалар.

Қарноқ ўзбеклари тилида бола эсидан оғса, «шайтонлабди», бола нотўғри ҳаракат қилса «пари қоққанми сени», касалланса, «ел тегибди» каби иборалар мавжуд. «Дев» ва унинг ёвузлиги ҳақида фольклор ва бадиий адабиётда ҳам баъзи тавсифлар учрайди. Чунончи, «Ё асар қилдими *дев* билан *пари*?» (Алломиш, 1958, 136-бет); «Девни ўлдириб бўлмайдими, дейишади, шу ростми? Унинг қони тўкилган ердан минг дев пайдо бўлаверади, дейишади. Шу ростми?» (Мирмуҳсин. Меъмор. 1975, 197-бет). «Бундай мавридларда кампир ўзини ундай «шум болалардан қутқариш учун «Дев, пари ва ажиналар тўғрисидаги кўркинчли хикояларни айтишга киришарди». (С. Айний. Эсдаликлар. 1953, 43-бет.)

¹ *Зарубин И.И.* Рождение шугнанского ребёнка и его первые шаги // Сборник В.В. Бартольда. — Т.: 1927, — С. 361—373.

*На бўлди фарзанди жоним
Деву жиндан сенга асар тийдиму*

(Баҳром ва Гуландом. Ўзбек халқ ижоди. — Тошкент, 1998, 283-бет).

Матбуотда «Уйда «ажина» бор» мақоласи босилди. Мақола қизиқарли бўлгани учун тўлиқ келтирамиз:

Уйда «ажина» бор

Томсклик пенсионерлар Валентина Ивановна ва Алексей Ивановичларнинг кичик уйига «ажина» кириб олган. Бахтга қарши бу «ажина» жуда ҳам ёвуз. Уй соҳибларини кўрқитади, дахшатга солади. Қариялар унинг қилмишларига тоқат қилишолмай қолди. Чунки... Девор ёнида турган мебель кутилмаганда йиқилади, идиш-товоклар ўз-ўзидан ерга тушиб синади, кийим-кечакларни эса, «кимдир» йиртиб, булгаб ташлайди, деворда киши руҳиятига таҳдид солувчи ёзувлар пайдо бўлади, сўнгра қариялар кўз ўнгидан ўчиб йўқ бўлади, қандайдир тушуниб бўлмайдиган расмлар чизилиб қолади...

Ростданам дахшат-а? Бахтсиз қариялар табиатдаги биокувват ва аномал кўринишларни ўрганувчи мутахассисларга мурожаат этишди. Уйга ўнлаб одамлар — олимлар, журналистлар, экстра-сенслар ва шунчаки, қизикқан кишилар келиб-кетишди. Мутахассислар хоналарни диққат билан текширишди ва айланаси бир метрдан ортиқроқ доғ — «геопатоген майдон» борлигини пайқаб қолишди. Уй бекаси Валентина Ивановна ҳам худди шу жойда бир неча марта ҳушидан кетиб йиқилганини эслаб қолган экан, айтди.

Яқинда биокувватга эга бўлган икки хотин жинлар билан «алоқа»да бўлишди, нега тўс-тўполон қилишаётганини сўрашди. «Улар» эса тўс-тўполон фақат бу ерда эмас, шу уйнинг бошқа кваттирасида ҳам бўлаётганини, ҳатто уй рақамини «айтишди». Мутахассислар бориб кўришиб, у ерда ҳам кучли «геопотоген майдон» борлигига ишонишди.

Вақт ўтиб борапти. «Ажина» эса Валентина Ивановна ва Алексей Иванович уйини ҳалиям ағдар-тўнтар қилмоқда. Яқинда уйда бегона буюмлар пайдо бўлиб қолди. Бу ҳам ўша шайтонларнинг иши (газетадан).

Маълумки, ўтмишда кўпгина касалликларнинг сабаблари, уларни даволаш усуллари кишиларга маълум бўлмаган, чунки hozирги даврдаги каби тиббиёт хизмати йўқ эди. Касалликнинг сабабини билиш ва унинг олдини олиш учун табибларга, баъзи халқ таобатидан хабардор шахсларга мурожаат қилишган. Кўп ҳолда она ва болани хилма-хил сеҳру жоду расм-русумларига амал қилувчи момолар, кинначилар, бахшилар, «нафаси ўткир» эшон ва муллалар «даволашган». Бундай чоралар етарли самара беравермагач, ота-оналар ўзлари турли чораларни излаб топишган. Айниқса, ҳомиладор аёл, туғуруқдан кейинги қирқ кун (чилла давомида), шунингдек, чақалоқ улғайгунча каттиқ химоя остига олинган. Масалан, қарноқлик ўзбеклар чақалоқ туғилгач, беш оқшом, кичик қирқи, катта қирқи ва бошқа муддатларда ҳеч кимни чақалоқ ётган уйга киритишмаган, уни ёвуз кучлар, бегона кўзлардан асрашган. Борди-ю, кимдир янглишиб кириб қолса, унинг кийимидан намуна (тугмами ва б.) олиб қолишган. Бу удум, одаг ҳақида Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» асарида ҳам тилга олинган¹. Ҳамиша ёвуз кучларни чақалоққа яқинлаштирмасликка, болани химоя қилишга катта эътибор берилган. Ушбу мақсадда ёвуз кучларни чақалоқ ва у ётган хонадондан узоқлаштиришнинг турли чораларини кўришган. Мана шундай чоралар замирида ёвуз кучларни адаштириш, чалғитиш, алдаш, чўчитиш, кўрқитиш йўли билан боладан узоқлаштириш каби мақсад ётган.

Қайд қилинганларни амалга ошириш учун кишилар болани бало-офатлардан асрашнинг турли усулларини, расм-русумлар, удумлар, маросимларни амалга оширишган. Уларнинг баъзиларини келтирамиз:

— серфарзанд аёл доя қилинган;

— она, айниқса, чақалоқ ҳар қандай бегона, суқли кўзлардан яширилган. Бунга айниқса, чилла пайтида қатъий амал қилинган. Чунки «болага кўз тегиши», «кўзикиш» кўп халқларда кенг тарқалган ва у қадимийдир; Абдурахмон Жомийнинг «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин тизмалар») дostonидаги қуйидаги эпизод диққатга моликдир.

Унда бир кизнинг ҳабаш йигитга ошиқ бўлгани айтилади:

¹ Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом // «Ёшлик» журнали, 1982, 11-сон, 14-бет.

Уйқу, овқатни ҳам унутди қиз,
Кунгли чўғу, кўзи эди қирмиз.
Дояларга сира гапирмасди.
Дўстлар даврасига кирмасди.
Юз ўғирди у айшу роҳатдан,
Завқланиб қолди қайғу кулфатдан,
Хамма ҳайрон унинг бу қилмишига,
Гапу сўз юргизар унинг ишига.
Бири айтди:
— «Дев уни урган,
Макр била жиннилик томон бурган»
У бири дердики:
— **Паридандир,**
Барча заҳмат пари-маридандир.

Яна дерди биров:
— «Сехр-жоду,
— Богланмишдир томоқ ила уйқу».
Қай бири деди:
— Кун чиройли эди,
Шул сабабдан бу қизга кўз тегди»¹.

«Кўз тегиш»ни Шайх Нажмиддин Кубро шундай хазилнамо
ифодалаган:

Ул қилиғу қоши камон қурқитти,
Бир чимриб, аста биз томон қурқитти.
Эл қурқади, одатда, ёмон кўзлардан,
Биз бечорани яхши кўз ёмон қурқитти².

- она ва бола ётган жойга ҳар кимнинг кириши тақиқланган;
- болани бепушт аёлнинг кўриши ва қўлга олиши (кўтариш)
га рухсат берилмаган;
- болага ёмон хулқли одамларнинг яқинлашишига эҳтиёт
булишган;
- ёвуз кучлар ёруғликдан қурқади, қочади деб хисобланган
ва она-бола ётган уйда кечаси чироқ ёқиб қўйилган;

¹ Абдурахмон Жомий. — Т.: 1971, 165-бет.

² Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойилар. — Т.: Фафур
Бўлом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 64-бет.

— ёвуз кучлар баъзи ўткир қуроллар, аччик, бадбўй ёки хосиятли ўсимликларни, уларнинг мевасини ёқтирмайди, деб пичоқ, кўзmunчоқ, нон, саримсоқ, қалампир, калампирмунчоқ, хурмо данаги ва бошқаларни чақалоқ бешигига ёки кийимига қадаб қўйилган;

— ёвуз кучлар баъзи ҳайвонлар, жониворлардан чўчийди, қўрқади деб ишониб, гўдак бешигига, кийимига илоннинг калла суяги ёки пусти, балиқнинг умуртқаси ва бош суяги осиб қўйилган;

— ёвуз кучлар ёқтирмайдиган нарсалар қаторига турли дуолар, Қуръон суралари битилган туморлар ҳам киради, деб уларни чақалоқнинг бешигига, ёстиғи тагига қўйилган;

— бола турмасдан, ҳадеб ўлавергач, чақалоққа кекса ёшли одамларнинг кийими парчаларидан тикиб кийдирилган. Бола касал бўлаверса, унинг кийими алмаштирилган;

— бола касал бўлаверса ёки ўлаверса, боланинг туғилиш жойи (хоиадон) алмаштирилган. Шунга қўра, хомиладор аёл қариндошларининг уйида тукқан. Шу усул билан ёвуз кучлар чалғитилган, адаштирилган;

— боласи турмаган оилаларда, навбатдаги туғилган болани маълум муддат тарбиялаш учун бошқа одам (қариндош)га берилган. Болани бошқа аёл эмизиб тарбиялаган. Бу ҳам чақалоқни ёвуз кучлардан ҳимоялаш йўли ҳисобланган. Ушбу удум ўтмишда ўзбекларда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги «...хоҳи ўғил бўлсин, хоҳи қиз, менинг бахту толеим манга беринг, мен фарзандчилай сақлай», «...агар Дилдор оғача ўғул туғса, олиб асрасам нечуктур? Мен дедим: бисёр ҳўб тур» сингари жумлаларда ана шу одат ҳақида гап кетади¹;

— чақалоқ бешикка ҳар сафар тегишли дуолар, умид ва истаклар айтилган ҳолда беланган;

— чақалоқни турли офат ва ўлимдан асраш учун етти оқшом, катта чилла, бўри чилла, сулаймон чироқ, этакка солиш, телпакка солиш, изини кесиш, томдан юмалатиш, қазноқдан ўтказиш, бўри терисига ўраш, бўри жағидан ўтказиб олиш, ит қўйлак кийдириш каби удумлар адо этилган;

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1960. 286-бет.

— ёвуз кучларни чалғитиш учун «сотиб олиш», «топиб олиш» каби расм-русумлар амалга оширилган;

— чақалоқ соғ-омон яшаб кетса, кейинчалик маросим уюштириб кесамиз деган ният билан «хайдар кокил», «эргаш кокил» каби сочлар қўйилган;

— Аллоҳ таолодан мадад сўраб, болага исми Аллоҳ номи ва сифатларидан, пайғамбарлар, саҳобалар, азиз-авлиёлар ва бошқалар номидан танланган;

— болани азиз-авлиёлар, шайхлар, эшонлар, пирларга бағишлаш ва назр қилиш, ўқитиб юбориш, дам солдириш, ис чиқариш, кўчириш, исирик солиш удумлари адо этилган;

— муқаддас деб билинувчи қадамжоларга, қабрларга, улкан қоятошларга, булоқ, қудук, фор, дарахт ва бошқаларга сифиниб, улардан мадад сўралган;

— *энг характерлиси хосиятли ва хосиятсиз исмлар бор деб ишонилган* ва болага хосиятли исм беришга интилинган;

— чақалоққа узоқ умр кўрган кишилар исми берилган;

— чақалоққа бадхулқ, касалманд кишиларнинг исмига ухшаш ном қўйилмаган;

— чақалоқ исми бегоналардан яширилган;

— чақалоқни ёвуз кучлар танимасин деб, унга вақтинча исм қўйилмаган;

— баъзан боласи турмай ўлаверган аёл навбатдаги болани бирор қариндош уйига бориб туққан. Бу билан «ёвуз куч»ларни адаштирмоқчи бўлишган. Масалан, қарноқлик Мариянинг (асли Майрам бўлса керак — Э.Б.) айтишича, туққан болалари турмай ўлаверган. Кейинги ҳомиладорликда Тошкентга кетган ва у ерда ўғил туққан. Ўғилга Тошкентбой исмини беришган (1963 йилги суҳбат).

Ўзбек тилидаги кўпгина исмларнинг юзага келиши (ижод қилиниши) юқорида келтирилган ишончлар, тасаввурлар, расм-русумлар, удумлар, эътиқодлар билан узвий боғлиқдир. Кишилар боланинг соғлиги, яшаб кетиши, келгуси бахти унга *беришган исмга боғлиқ деб билишган, исм одамнинг руҳиятини, тақдирини ўзида мужассам қилади, киши ўз исмига ўхшайди* деб ишонилган.

Баъзан чақалоқни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш шу даражага бориб етганки, Хуф тожиклари агар боласи турмай ўлаверса,

унинг ўлимига сабаб бўлувчи алвастини алдаш, бу бошқа бола деган тасаввур туғдириш учун онаси чақалоқнинг кулоғи ёки лабидан кесиб еган ёхуд гўдакнинг лабини куйдиришган. Мана шу каби тасаввурлар туфайли замонлар ўтиши билан чақалоққа бериладиган исм кишиларни ўзаро фарқлаш, аташга хизмат қилувчи воситагина эмас, балки уни турли офатлардан асрайдиган, ҳимоя қиладиган, кутқарадиган, инсонга бахтли тақдир, нурли иқбол бахш этадиган воситага айлана борган. Демак, ҳар бир исмнинг ўзига хос генезиси, сабаби, асоси ва этнографик маъноси бор.

Шуни таъкидлаш керакки, чақалоқнинг касалланиши ва ўлимига сабабчи бўладиган қандайдир ёвуз кучлар мавжуд, дейилган фикр дунёдаги бошқа халқларда ҳам мавжуд. Масалан, араблар чақалоқни ёвуз кучлар ва кўз тегиши таъсиридан сақлаш учун болага Қабаҳа (бемаза, қабих), Мурра (заҳар, аччик), ал-Ханаш (илон), Шабот (тарантул); ёвуз кучларни чалгитувчи исм – Йамут (у ўлади) каби номлар қўйишади (Система имён, 47 стр.). Сенегаллик волофлар агар хомила ҳадеб ўлик туғилаверса ёки туғилган бола турмай ўлаверса, уй бўсагаси олдига бирор ифлос нарсани қўйишади ва она чақалоқни тарбиялаш учун бошқа аёлга беради. Бу аёл энди чақалоқнинг онаси ҳисобланади, ҳақиқий она болани йўқотдим, танимаяпман, дейди ва бу орқали ёвуз кучларни алдадим деб ўзига тасалли беради (Система имён, 95 стр.). Чақалоққа хунук исм бериш дунганларда ҳам бор. Хигу (қора кучук), Жиянбудий (ёқимсиз, бемаза) каби (Система имён, 114 стр.). Қалмоқларда Жав (ҳимояланган, асралган маъносида), Чон (бўри), (Система имён, 150 стр.) каби.

Бирманинг Качин штатида яшовчилар ишончига кўра эндигина туғилган чақалоқни руҳлар қўллаш олмайди, чунки ҳали унга исм берилмаган, унинг кимлиги номаълум (Система имён, 163 стр.). Чақалоқни «сотиб олиш» одати *марий*ларда ҳам бор. Чақалоқни бирор киши онага деразадан узатади, кейин бирор нарса бериб, сотиб олади. Бу ёвуз кучларни чалғитиш, адаштириш усулидир (Система имён, 208 стр.). Мана шундай удумнинг ёрқин кўриниши мўғулларда болага Энэбиш (бу бошқа бола), Хунбиш (одам эмас), Нэргуй (исмсиз), Хулгана (сичқон), Нохой (ит) исмларини қўйишда ҳам кўзга ташланади (Система имён, 214 стр.). Болага «хунук», «ёмон» исмларни қўяр экан,

бу орқали эвенликлар ёвуз кучларни алдамоқчи бўлишади (Система имён, 344 стр.). Чунки улар назарида ёвуз кучлар арзимас, хунук, ёмон нарсаларга эътибор бермайди ва чақалоққа яқинлашмайди. Боланинг хунук исмини эшитиши билан улар болага эътибор бермай, ундан узоқлашади.

ХУНУК НОМЛАР ХИЗМАТИ

Ўзбек ва барча қардош тиллар антропонимиясида шундай исмлар учрайдики, исм учун асос бўлган, сўз англатадиган маъно қўпол ва хунукдир. Нахотки ота-она ўз фарзандини — жигарбандини Ёмонбола, Итолмас, Итемас, Супургибек деб номласа? Ҳа, ўшандай исм қўйилган болалар бор. Бу исмлар фарзандлари турмай ўлаверган оилаларда учрайди. Чунки 5, 6, 7 нафар боласини тупроққа берган ота-онанинг аҳволини тушуниш мумкин. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида шундай эпизод бор: «Ахир у етти марта фарзанд ваъда қилиб, уйига мотам олиб келди»¹. Одамлар бундай ҳолатнинг сабабларини жуда қадим замонлардан ахтаришган ва шундай хулосага келишганки, улар назарида боланинг бундай увол бўлаверишига қандайдир сирли нарсаларнинг ҳаракати сабаб бўлган. Улар боланинг душмани, уни кўра олмайдиган ёвуз кучлар ажина, шайтон, дев, алвас-ти, жинлар, инсу жинслар деб тахмин қилишган. Хўш, улар еш гўдакка нима учун яқинлашади, унинг касал бўлишига ва ўлимига сабабчи бўлади деган саволга жавоб топмоқчи бўлишган. Натижада улар бола ёвуз кучлар диққатини чақалоқ ўзининг бирор хусусияти, кўриниши, чиройли экани билан жалб қилади. Шунинг учун муррак гўдакни ёмон, хунук бола деб таърифлаш билан ёвуз кучни чалғитишга, боланинг бешигидан (тўшагидан) узоқлаштиришга ҳаракат қилишган. Буни турли усул билан амалга оширишган. Шулар орасида болага ёқимсиз, хунук исмлар бериш ҳам асосий ўрин тутган. Мана шундай ишонч туфайли аста-секин илмий адабиётларда, ономастикада «хунук исмлар», «*тубан отлар*» деб юритилувчи номлар пайдо бўлди. Бундай номлар ҳам «*ҳимоя номлари*» деб юритилувчи исмлар қаторига киради.

¹ Саид Аҳмад. Уфқ. — Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 194-бет.

Чақалокқа хунук исмлар қўйиш икки мақсадни кўзда тутати. Биринчиси, болани хунук исм билан аташ орқали ёвуз кучларни чалғитиш, адаштириш, иккинчиси, болани кўз тегишидан, ёмон кўздан (назарлардан) асраш. Болага «*кўз теггади*», «*кўз теккан*», дейилган тушунча дунёдаги кўпчилик халқларда мавжуд. Ўзбекларда ёш болани кўтарган одамларнинг «*туф-туф*» деб қўйиши, «*илоҳо ёмон кўздан асрасин*», «*кўз тегмасин*» дейиши мана шу тушунчалар асосида пайдо бўлган.

Шундай қилиб, барча туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар боланинг кўп касал бўлавериши, инжиклиги, бевакт вафот этиши «*кўз тегиш*»дан деб ўйлашган. Шу сабабли чақалокни ёмон кўздан асраш учун турли чоралар кўришган. Бундай чораларнинг аксарияти болага бериладиган исм учун мотив ролини ўйнаган. Этнограф И. Иброхимовнинг ёзишича, козоқлар болани ёмон кўздан асраш учун унга диққатни тортмайдиган, кўп ҳолда хунук маъноли исмларни беришган. Жаманбола, Тентакбола, Жаннибола, Урибала (Ўғрибола)¹ ва бошқалар.

Ўзбекларда ҳам болани кўз тегишидан асраш удумига қатъий риоя қилишади. Боланинг касал бўлавериши, яхши ўсмаслиги, баданига кўз яра чиқиши, тинч ухламаслиги, бевакт вафот этиши кўз тегишидан деб билишади. Шу сабабли бегона кишилар, ҳатто қариндошлар ҳам ёш гўдакни қўлга олишар экан, *мунча хунук*, *мунча ёмон* бу бола деган ибораларни айтишади, болани онасига қайтаришар экан, «*туф-туф*», «*ёмон кўзлардан асрасин*» деб қўйишади². Качинлар боласи турмаган оилаларда навбатдаги гўдакка бемаза, жирканч номлар қўйишади: Адай — ит, Кўтен — йўғон ичак каби. Шундай қилинса, болага кўз тегмайди деб ишонишади. Ўтмишда козоқлар болани ёмон кўздан асраш, унинг душманларини чалғитиш учун исмни хунук, ҳатто ғоят кўпол маъноли сўзлардан танлашган. Бундай исмларни А. Диваев ўз мақоласида келтирган³. Хорканш (ўтин терувчи), Хоспалла (Йўлдош) исмлари мана шундай номлардир⁴. А. Ибрагимовнинг ёзишича, болага кўз тегмасин, у хунук кўринсин деб, унинг

¹ *Ибрагимов И.И.* Этнографические очерки киргизского народа // Сб. «Русский Туркестан» вып. второй — М.: 1972. — С. 121.

² Живая старина, вып. III, IV, 1895. — С. 322 — 323.

³ *Диваев А.* К вопросу о наречении имени у киргизов // Туркестанские ведомости. № 206 (5550).

⁴ *Андреев М.С.* Таджики долины. Хуф. — С. 83.

юзини атайлаб ювишмаган, билагига кўзмунчоқ тақишган, бошига уккининг патини тақиб қўйишган, кокил соч (хайдар кокил) қўйишган ва болага қирғиз тилида Бекмурун, Итбай, Кучукбай каби исмлар қўйишган¹.

С. Атаниязов туркманларда учрайдиган хунук маъноли Порсы, Тыррык, Чор, Кирли, Тезек, Дэли, Куре, Эшек, Тикен, Ўзган, Гарамык, Сарымсақ, Италмас номларини², Г. Саттаров тата, татар исмлари орасидаги хунук номларга: Ёмон, Ёмонбика, Аччиқ, Сўғон (пиёз), Саримсоқ, Басар (тоғ саримсоғи), Сассиғон, Сассықбош кабиларни келтиришган³.

Бошқирд тилидаги қуйида хунук маъноли исмлар қайд этилган: Букбаш, Букбин, Буксы, Килдибукбасар (бук — бу ўринда кал маъносида), Кэкэй (ифлос), Беткенэ (биткана), Селегэй (тупик, сўлакай), Сасықрил (Сассиқкул), Сассықбай (Сассиқбай), Яман, Ямантай, Яманбика, Ямакай, Ямак, Яманкыз⁴.

Боласи турмаган оилаларда навбатдаги болага хунук исм бериш ўзбекларда ҳам қадимдан мавжуд. Бундай исмларни болани «химоя қилишда»ги хосияти ҳақида халқ орасида хилма-хил талқинлар мавжуд.

Ўтмишда Бухоро аҳолисининг болани тарбиялаш одатларида гўдакни «бегона кўз» ва жин-ажиналардан асрашга интилиш етакчи ўрин тутади. Мана шу мақсадда гўдакнинг бешигига нон, тумор, пичоқ сингариларни, шунингдек, саримсоқ ва пиёз қўйишарди. Бу одат кишилар аччиқ нарсалар ҳам гўдакни «ёвуз кучлардан» асрашига ишора қилади. Буни ўзбек тили ономастикасидаги Саримсоқ, Самсоқбиби, Пиёзбек, Сўғонбой, Какра каби исмлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Бу исмлар аччиқ ва кучли ҳидли ўсимликлар номидан олинган. Шунга ўхшаш ёвшан ҳам чидамли ва аччиқ ўсимлик бўлиб, унинг исмга кўчишига сабаб бўлган: Ёвшанбой каби.

¹ *Идрисов А.* Кыргыз тилиндеге исымдар. — Фрунзе. «Мектеп». 1971. 50-бет.

² *Атаниязов С.* Туркмен Адам атларынын душукдиришли созлуги. — Ашгабад: Туркменистан, 1992. 9—13-бетлар.

³ *Саттаров Г.Ф.* Татар антропонимикасы. — Казань. «Университет». 1990. 3, 92-бетлар.

⁴ *Кусимова Т.* Древнебашкирские антропонимы. Н.Д.А. — Уфа., 1975. — С. 13.

Ўзбек антропонимикаси юзасидан узоқ йиллар тўплаган маълумотларимиз шуни кўрсатадики, ёвуз кучларни чалвитиш, уларни бола бешиги ёнига яқинлаштирмаслик мақсадида қўйилган бир қатор хунук исмлар мавжуд: Дунбой (арзимас), Девона, Дигар (ўзга, бошқа), Дарвеш, Ёмон, Ямонбола, Жаман, Жаманбой, Жаманкул, Жунайд (гуваладек арзимас), Залил (тубан, паст), Занбур (қовогари), Занги (қорача), Зол (чол), Золия (кампир), Кирли, Кирмон (ифлос), Қўзан (сассиққўзан), Намат (кигиздек эътиборсиз), Подабон, Йилқичи, Супургибек, Талҳак (аччик, какра), Тасқара (хунук), Тупроқбиби, Туроб (тупрок), Туробқул, Чўтирбой, Забунбой (бечораҳол, арзимас), Марям (асл маъноси аччик, заҳар), Зеро (тубан, паст), Итолмас, Аффон (бадбўй, ифлос), Баттол (ярамас, бемаза), Бегона (ёт бола) ва х.к.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, болани кўз тегишдан асраш удуми жуда қадимий бўлиб, у бошқа диний тасаввурлардан ўзига хос томонлари билан фарқланади: «... бевосита алоқа юз берувчи сеҳргарликни ўзига хос кўз тегиш»га ишониш ташкил қилади ва у кенг тарқалган ва у кўпроқ юқори даражада тараққий этган халқларда учрайди, бошқа халқларда эса кам тарқалган»¹.

Белорусларда: Вачка (қарға), Вилейка (қулф) — Система имён, 75; Сенегалда яшовчи волофларда: Воту (ташландик), Сен (чиқинди — ахлат йиғиндиси), Бити (она болани бокмайман, барибир ўлади, деган удум), Бао (ранда), Тянг (искана бурғи), Этъ (курбака) — Система имён, 95, 99; дунганларда: Жяпбудий (ифлос) — Система имён, 114; комипермякларда: Ондрий (чўчқанинг боши), Гутов (чивин), Конев (мушук), Черан (ўргимчак), Торси (чўчка) — Система имён, 171; нгасанларда: Сеймит (қизик кўз), Симбя (пучук), Тустяку (тугма юз, юзи тугмадек ялпоқ) — Система имён, 224; ненецларда: Сюз (ташландик), Ябцо (дум, охирги бола), Пухуця (кампир), Хадаки (чол) — Система имён, 235; осетинларда: Ёндз (чивин), Шкуыр (ит) — Система имён, 249; селькупларда: Сепак (бурундуқ), Қыта (қумурска, чумоли), Курак (чўлок, оқсоқ), Сагал (қорабош) — Система имён, 271;

¹ Токарев С.А. Сущность и происхождение магии // Исследование и материалы по вопросам первобытных религиозных верований. — М.: Издательство АН СССР, 1959. — С. 33.

туваликларда: Багат оол (ёмон бола), Мьяк оол (тезак, тезак ўил) каби исмлар хунук маъноли номлар жумласига киради.

Хунук исмлардан бир гуруҳини ит номларидан ясалган исмлар ташкил қилади. Ит номи билан боғлиқ исмлар кўпчилик халқлар антропонимиясида учрайди. Мавжуд тадқиқотларда қадимда *ит* тотем бўлгани, уни ҳурмат қилиб сиғинганликлари ҳақида ёзилади. Ит номи билан боғлиқ исмларнинг қадимий туркий, мўғулларга оид тарихий ёзма ёдгорликлар тилида учраши бу фикрнинг тўғрилигини исботлайди. Итбуқа, Итқули¹, Итўғли; Иттурған каби² каби.

Академик С.П. Толстовнинг ёзишича, қадимда туркий халқларнинг кўпчилиги ёввойи ҳайвонлардан — айиқ, бўри, тулки, арслон, йўлбарс; уй ҳайвонларидан — туя, ит, қўй, эчки, буқа, сигир, эшак ва бошқаларни *тотем* деб сиғинган. Булар орасида энг кўп тарқалганлари от, хўкиз, бўри, қўй ҳамда эчки орқали болага ёмонлик қилувчи ёвуз кучларни чалғитмоқчи бўлишган. Чунки улар тасавурида ёвуз кучлар тубан, хунук нарсаларга эътибор бермайди, унга яқинлашмайди. Болани итга тенглаштириш орқали болани ёвуз кучлар назаридан узоклаштириш мумкин деб ҳисоблашган. Айниқса, боласи турмасдан ўлаверган оилаларда болага ит номига нисбатан берилган исмларни қўйиш удум бўлган. Ота-оналар болага хунук исм қўйдик, энди ажаб эмас, ёвуз кучлар чақалоқнинг бошига яқинлашмаса, хунук исм болани ёмон кўзлардан ҳам асраса, болага кўз тегмаса, у нобуд бўлмай яшаб кетса, дея умид қилишган. Бунда тасаввур ва эътиқодлар туфайли болага ит номи билан боғлиқ исмлар бериш ва исм беришга оид турли удумларни бажариш одатга айланган. Булар ҳақида мавжуд этнографик адабиётларда қизиқарли материаллар учрайди. Масалан, ўтмишда Қорамурт ва Сайрам ўзбекларида чақалоққа «ит қўйлак» кийдириш одати мавжуд эди. Бу удумга кўра, чақалоққа кийдириладиган биринчи қўйлак олдин ит боласи — кучукчага кийдирилади, кейин эса болага кийдирилади³. Бундай одат Зарафшон водийсида яшовчи тожикларда ҳам бўлган. Бунга кўра, болага ит қўйлак у тувилган

¹ Рашид ад-дин. Сборник летописей, Том II. — Л.: 1960. — С. 169.

² Ўша асар. Том III. — М — Л.: 1966. — С. 137.

³ Троицкая А.Л. Первые сорок дней ребенка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // Сборник В.В. Бартольда. V. — Т.: 1927. — С. 353—354.

кундан бошлаб кийдирилади. Аввал кучукка, кейин болага кийдириладиган бундай кўйлак «kurta saqah» («ит кўйлаги») деб аталади. Болага кўйлак кийдирилаётганда «Итнинг умри калта, боланинг умри узун» ёки «Ит каби тез, чаккон бўлсин» каби ибораларни такрорлаш одат бўлган. Қирқ кун ўтгач, бу кўйлакни ечиб олинади ва кейинги болага кийдириш учун сақланади¹.

Қирғиз, қозоқ тилларида учрайдиган Итоёк, Итбой, Итбош, Қорақучук исмлари ҳам болани ҳимоя қилиш билан боғлиқ номлардир². Ёқутларда ит номини исм сифатида қўйиш билан ота-она гўдакни ёвуз кучлардан сақладик, ўлим келтирувчи ажинани алдадик, деб хаёл қилишади³. Осетинларнинг назарида шайтонлар қора итдан қўрқар эмиш. Шу сабабли улар жисмонан ожиз бўлиб турилган чақалокқа «ит» сўзи билан боғлиқ исмларни қўйишади. Бу удум боласи турмасдан ўлаверган оилаларда айниқса одат тусига айланган: Адигейларда боласи турмасдан ўладиган оилаларда Кавдан (кучукча) — кенг тотемдир⁴.

Ўзбек тилида Итолмас, Итемас каби исмлар учрайди. Масалан: Итолмас Ўткиров, Эшбўй Итолмасов каби.

Болага ит номидан ясалган исмларнинг берилиши қадимдан уни муқаддас ҳайвон, тотем деб тушуниш билан боғлиқ бўлса, кейинчалик ўша тушунча замирида итни одамга қўмакдош, уни қўриқловчи, хосиятли ҳайвон деб ҳисоблаш туфайли юзага келган тасаввурлар пайдо бўлган. Одамлар ит хосиятли ҳайвон, инсонни қўллайди, унинг ўзи ва баъзи мучалари болани «ҳимоя қилувчи», «ёмон кўзлардан асрайдиган восита» дейилган хулосага келишган. Болага ит тушунчаси билан боғлиқ исмларни қўйиш удум бўлган.

Демак, одамларда боласига Итбой, Итемас, Итолмас каби исмларни бериш одат тусига кирган⁵. Черкас тилидаги бир қатор

¹ *Троицкая А.Л.* Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков долины Зерафшана. — С. 121–122.

Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — М.: Из-во АН СССР. — М — Л.: 1959. — С. 128–129.

² *Кустанаев Х.* Этнографические очерки киргизов. — Т.: 1894. — С. 37–38.

³ «Этнографическое обозрение» журнал. №1–2, 1913. — С. 199.

⁴ *Толстов С.П.* Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен // «Проблемы истории докапиталистических обществ». 1935. № 9–10. — С. 5–10.

⁵ *Зеленин Д.К.* Табу слов у народов Восточной Европы и Северной Азии // Сборник Музея антропологии и этнографии. IX, Издательство АН СССР. 1930. — С. 128.

исм ва фамилиялар таркибида қари қора ит, итоёк, итчўкки, итқулоқ сўзлари мавжуд. Кутаиси грузинларида бола касал бўлиб қолса, унга «ит номлари»дан ясалган исм беришади, гўё бу чора болани ўлимдан асраб қолади деб ишонишади. Ёқутлар боласи касалланиб қолса, уни *blm oroto* (менинг кучукчам) деб атай бошлашади ёки бевосита Майтрук, Бургас исмларини қўйишади. Уралда яшовчи бошқирдлар тилидаги *кучук*, олтой турклари тилидаги Иткэден (Иткўтан), қачин татарлар, мўғул ва бурятлардаги Кунохой (ёмон ит), ёқут тилидаги Тёгра ва шу каби номларни бериш ва расм-русумларни адо этиш ит ҳақидаги қадимий тасаввур билан алоқадордир¹.

Туркманлардаги Итолмас исмини Г. Васильева «маънодор, сеҳрли исмлар» деб атаса², К. Дийқанов қирғиз тилидаги Сарғучук исмини болани ўлимдан асрайдиган «хунук исмлар» қаторига киритади.

Ит ва унинг номи билан боғлиқ тасаввурлар туркийлар ва дунёнинг кўпгина худудларида қадимдан мавжуд. Қадимги Эронда итга жуда ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Заостризмга оид манбаларда ит молни, уйни қўриқловчи сифатида тасвирланади. Шу сабабли итни ярадор қилган ёки ўлдирган киши жазоланган, итга ёмон овқат бериш гуноҳ ҳисобланган. Ким бунга амал қилмаса, жони азобда қолади, қийналади дейилган. Ҳаттоки, итга қарши ҳаракат қилган кишилар қаттиқ жазоланган. Касалланиб қолган итга худди одам каби ғамхўрлик қилинган.

Қадимда ҳиндлар итни худди от шаклида тасвирлашган ва уни «осмон ҳайвони» деб улуғлашган. Қадимги Миср ва Америка қитъасидаги баъзи халқлар итни ўлимдан хабар берувчи ҳайвон деб билишган³.

Баъзи халқлар, жумладан, усмонли турклар тушунчасига кўра ит одамга бахтсизлик келтирувчи ҳайвондир: Қадимда ит хурса, уришса, ўша ерда ё ёнғин, ё ўлим, ёки қандайдир офат юз берган бўлади⁴ ва ҳ.к.

¹ Зеленин Д.К. Табу слов, 128.

² Дийқанов К. Кыргыз исемдеры боюнча колдонмо — Фрунзе. КМУ, 1988. — С. 23.

³ Миллер В.Р. «Значение собаки» в мифологических верованиях «Древности Восточные» // Труды Московского археологического общества. Том VI. — М.: 1876. — С. 193—210.)

⁴ Гордлевский В.Я. Османские суеверия о зверях. I—IV, 1910. — С. 178.

Бошқирд тилшуноси Т. Кусимова бошқирд исмлари орасида 20 га яқин ит номига нисбат берилган исмларни келтирган: Кобак (Кўппак), Карагобек (Қорақўппак), Барак (Бороқ), Косэк (Кучук), Аккосэк (Оққучук), Каракосэк (Қорақучук), Кэсэкэй (Кучукча), Кэсэкол (Кўсаққул), Этекей, Этбак, Этбека, Этаяк, Этемас, Эттегмас, Этбак каби. Худди шунингдек олтой тилидаги Иткўйлак (Система имён, 23 стр.), араб тилидаги Калб — ит (Система имён, 47 стр.), грузин тилидаги Дзаглика — ит, ит боласи (Система имён, 107 стр.), қалмиқ тилидаги Ноха — ит (Система имён, 150 стр.), осетин тилидаги Шкуыр — ит боласи (Система имён, 249 стр.) исмлари ҳам «ит» сўзидан ясалган шахс номларидир.

Таниқли номшунос Н.А. Никонов чиройли ва хунук исмларнинг фарқи ҳақида гапириб шундай дейди: «Исмлар гўзаллиги ҳақида тантанавор ибораларни айтиш осон, аммо аслида чиройли исмнинг чиройлимас исмдан фарқини фарқлаш қийин. Буни антропонимика ҳал қилиши керак. Масалани соддароқ қилиб кўйсақ, яхши исмни ёмон исмдан фарқлаш осон эмас»¹.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, турли хунук маъноли исмларнинг пайдо бўлиши ва болага берилишида аслида гўдакни турли офатлардан асрашдек орзу-истаклар, ҳаракатлар ётади. Демак, хунук номлар барча тилларда бежиз пайдо бўлмаган. Бу номлар кўпол маъноли, биринчи қарашда хунук, бемаза бўлиб кўринса-да, аслида улар ота-оналарнинг орзу-армонлари, фарзанд доғида кўйганларнинг болани касаллик ва ўлимдан асраш, олиб қолиш учун қилган яхши ният ва ҳаракатларини ифодалайди.

ТОШ ВА ТЕМИРЛАРГА БОҒЛАНГАН УМИД

Узоқ ўтмишда одамлар тувилган боланинг турмай ўлаверишини унинг инжик, ожиз ва иродасизлигидан деб билишган. Улар бола маҳкам, чидамли, иродали бўлса, унга ёвуз кучлар зарар етказа олмайди, бола ҳар қандай касалликларга бардошли бўлиб ўсади, деб ҳисоблашган. Шу сабабли улар болага мустаҳкамлик бағишловчи қаттиқ жисмлардаги маҳкамлик хусусиятларини ўтказишга ҳаракат қилишган. Буни болага бериладиган исм орқали амалга ошириш мумкин деб ҳисоблашган. Бундай фикр, бир томондан, сўзнинг сеҳрли кучига ишониш бўлса, иккинчи

¹ Никонов В.А. Имя и общество. — М.: «Наука», 1974. — С. 146.

томондан, жонсиз нарсаларни жонлантириш, унинг ҳам рухи, қандайдир пинҳоний кучи, қудрати борлигига ишониш (анимизм) натижасидир.

Ўзбек эртаклари, ривоят ва афсоналарида соҳибжамол қиз, қўп ўринда қирқ қизлар чорасиз қолганда ёки бирор сеҳргарнинг доми, нафаси туфайли тошга айланиб қолиши хақидаги хикояларда ҳам мана шундай эътиқодлар ўз ифодасини топган.

Мустаҳкам нарса номини исм сифатида фойдаланишда бола эътиборсиз, ёмон кўздан йироқ бўлади, деган хаёлга ҳам боришган бўлиши керак. Чунки исм сифатида хизмат қилган сўзларнинг аксарияти оддий, содда нарсаларнинг номларидир. Баъзи халқларда шундай эътиқод ҳам борки, улар болага жуда чиройли, кишининг ҳавасини келтирадиган исм берилса, одамлар унга диққат қилишади ва болага кўз тегади деб ўйлашади.

Бунинг устига баъзи мустаҳкам буюмлар ўткир ва кескир хусусиятга эга бўлиб, ундай нарсалардан ёвуз кучлар чўчийди ва қочади деб ҳисоблашади (масалан, пичоқ, қилич, ханжар, болға ва ҳ.к.).

Мустаҳкам жисмлар номидан ясалган исмлар этнографик адабиётларда «*ҳимоя қилувчи исмлар*», «*ҳимоя номлари*» деб юритиладиган исмлар сирасига киради ва бундай антропонимлар деярли барча туркий тилларда, шунингдек, жаҳондаги кўпгина халқларнинг ономастик тизимида мавжуд.

Қаттиқ, мустаҳкам жисмлар бўлмиш тош, темир, пўлат ва бошқа сўзларнинг қадимий тарихий бирликлар тилида учраши болага бу каби исмлар беришнинг ўз кўхна тарихи борлигидан далолат беради. Масалан, Рашид-ад-диннинг «Йилномалар тўплами» асарига Темир, Бойтемир, Бектемир, Буқатемир, Илоқтемир, Элтемир (аёл номи), Кучтемир, Мингтемир, Қўштемир, Қўктемир, Туртемир, Оқтемир; Пўлат, Қулпўлат, Пўлат оқо, Тоштемир, Бектош, Чинпўлат¹, Тоштемир², XVI аср ва ундан кейинги даврларда Қўштемир, Ойтемир, Темурхон, Темиртош³, Бекпўлад, Нўлад, Жонпўлат, Тошим девон⁴ каби исмлар учрайди.

¹ *Рашид-ад-дин*. Сборник летописей, том 11. Исмлар кўрсаткичи. — М.: 1960.

² Уша жойда.

³ *Юнусов А.* Таржимон XVI аср ёдгорлиги. — Т.: «Фан», 1980, 19—31, 119—120-бетлар.

⁴ *Сейди Али Раис*. Миръатул мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). — Т.: «Фан», 1963.

Этнографик адабиётларда қайд этилишича, қаттиқ жисмлар номининг исм сифатида болага берилиши хилма-хил расм-русумларни адо этиш билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, авваллари Қорамурт ва Сайрамда яшайдиган ўзбеклар чақалоқ тувилгач, уни ювинтириб кийинтиришар экан, доя кампирнинг қуйидаги ибораларни айтиши расм бўлганлиги кизиқарлидир.

Тошдек бўлсун.

Темирдек бўлсун.

Итдаёқ тишлаб турсин.

Тошдек қил.

Темирдек қил.

Сутига эга қил ва б.¹

Болага Болтабой исмининг қўйилиш сабаби ҳақида қарноқлик Умуш (Уммагулсун) опа қуйидагиларни айтган: «Болаларим турмай, бирин-кетин ўлаверди. Шу сабабли навбатдаги боламни отамнинг уйига бориб туғдим. Кичик қирқидан чиққунча ўша ерда бўлдим. Чақалокнинг киндигини бўсаға (уй остонаси)га қўйиб, болта билан кесишгандек ҳаракатлар амалга оширилди ва болага Болтабой исми берилди. Ундан кейинги ўғлимнинг исмини Болтабой қўйдик*. Чунки Болтабойнинг укаси Болтабой бўлсин дейишган. Болта исми қизларга ҳам берилади: «... аввал Болтақиз номли бир дилбар қизга уйландим» («Муштум» журнали, 1959 йил, 3-сон.).

Ўзбек исмларининг таркиби юзасидан кузатишларимизга кўра ўзбеклар қуйидаги мустаҳкам жисмлар — ўткир, кескир, зарбали қуроллар номини болага исм сифатида беришади: Тош, Тошбека, Тошберди, Тошбой, Тошбоб, Тошбош, Тошбуви, Тошбўл, Тошли, Тошлиқ, Тошмия, Тошмуқим, Тоштурди, Тоштурсин, Тоштурғун, Тоштўхта, Тошқиз, Тошқол, Тошкул, Бойтош, Келитош, Менгтош, Муқимтош, Нортош, Омонтош, Ойтош, Тўхтатош, Холтош, Эркатош, Эштош, Қоратош, Қўйтош, Эштош, Пўлаг, Пўлатгул, Пўлатой, Пўлаттурди, Пўлатшер, Бойпўлаг, Дурпўлаг, Жонпўлаг, Менгпўлаг, Нарзипўлаг, Норпўлаг,

¹ *Троицкая А.Л.* Первые сорок дней ребенка (чилья) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // Сборник В.В. Бартольда, V. — Т.: 1927. — С. 353—354.

* Хозирда Болтабой ҳам, Болгабой ҳам тирик (муаллиф изохи).

Нурпўлат, Тўхтапўлат, Олтинпўлат, Окпўлат, Ойпўлат, Сарипўлат, Бекпўлат, Тонгпўлат, Тухтапўлат, Хоспўлат, Чинпўлат, Холпўлат, Шерпўлат, Шопўлат, Уринпўлат, Қушпўлат ва бошқалар.

Пўлат маъносини англатадиган қадимий туркий сўздан ясалган Қуриш, Қуришбой исмлари ҳам учрайди.

Чўён сўзи асос бўлган исмлар: Чўён, Чўёнбек, Чўёнтурди.

Маъдан ва метин сўзлари асос бўлган исмлар; Маъдан, Маъданой; Метин, Метиной, Изора (қўрғошин) ва бошқалар.

Кузатишларимиз «тош» сўзининг 76 қўшма исмнинг биринчи компонентида, 73 исмнинг эса иккинчи компонентида, «темир» сўзининг 21 исмнинг биринчи компонентида, 21 исмнинг иккинчи компонентида, «пўлат» сўзининг 6 та исмнинг биринчи ва 47 исмнинг иккинчи компонентида, «метин» сўзининг 3 та исмнинг биринчи ва бир неча исмнинг иккинчи қисми бўлиб келишини кўрсатди.

Қуйида ўша исмлардан намуна келтирамиз:

«Тош»сўзи

I компонентда	II компонентда	I компонентда	II компонентда
Тошали	Амиртош	Тошмуҳаммад	Темиртош
Тошбадал	Анортош	Тошназар	Тиллатош
Тошбоқ	Асилтош	Тошниёз	Турдитош
Тошбека	Ашуртош	Тошновот	Турсунтош
Тошберди	Бектош	Тошой	Турғунтош
Тошбиби	Бибитош	Тошоҳун	Туратош
Тошбой	Бойтош	Тошпарда	Тухтатош
Тошбоб	Болтатош	Тошпўлат	Холтош
Тошбали	Бувтош	Тоштоқ	Хурсандтош
Тошболта	Бўритош	Тоштемир	Чинитош
Тошбон	Жонтош	Тоштилла	Шахритош
Тошботир	Жумагош	Тоштобон	Эркатош
Тошбош	Келтош	Тошбой	Эртош
Тошбу	Қўқалтош	Тоштурди	Эсонтош
Тошбуви	Маматош	Тоштурсун	Эштош
Тошбул	Мирзатош	Тоштўғон	Ўринтош
Тошбури	Муртозтош	Тоштўл	Ўролтош

Тошгул	Муҳаммадтош	Тошўхта	Ўфилтош
Тошдавлат	Назартош	Тошўфон	Қоратош
Тошжамол	Нортош	Тошхол	Қўштош
Тошжигит	Темиртош	Тошхон	Қурбонтош
Тошжон	Ойтош	Тошхўжа	Қўйсинтош
Тошим	Ортиқтош	Тошқаср	Хайиттош
Тошкан	Очилтош	Тошқиз	Ҳамротош
Тошли	Омонтош	Тошқобил	Халактош
Тошқарши	Рўзитош	Тошқол	Ҳосилтош
Тошқумуш	Сактош	Тошқора	Хуббиктош
Тошли	Сангилтош	Тошқори	Мелитош
Тошлиқ	Сафартош	Тошқувват	Менглитош
Тошлон	Болтатош	Тошқул	Менгтош
Тошлонкул	Ҳосилтош	Тошқули	Нарзитош
Тошлоқ	Мингтош		Олтинтош
Тошмарка	Тантош	Тошғулум	Хуббимтош
Тошмирза	Бултош	Тошмуҳаммад	Хуррамтош
Тошмия		Тошназар	Чиктош
Тошмомо		Тошниёз	Шертош
Тошмон		Тошноввог	Нарзитош
Тошқули		Тошой	Қизлартош
			Сотқинтош

«Темир» сўзи

I компонентда	II компонентда	I компонентда	II компонентда
Темиралӣ	Бектемир	Темиртой	Холтемир
Темирбек	Бийтемир	Темиртош	Хонтемир
Темирберди	Бойтемир	Темиргурди	Чинтемир
Темиргул	Бўзтемир	Темирфаёз	Шотемир
Темирмелиш	Кўктемир	Темирхон	Элтемир
Темирмирза	Миртемир	Темирхўжа	Эсонтемир
Темирниёз	Сайдтемир	Темиршо	Ўзтемир
Темирнўлат	Султонтемир	Темиркул	Ўрозтемир
Темирсайид	Тоштемир	Темирқутлуг	Қуртлитемир
Темирсултон	Тоғайтемир	Темирқўзи	Менглитемир
	Тўйтемир	Темиргози	Учтемир

«Пўлат» сўзи

I компонентда	II компонентда	I компонентда	II компонентда
Пўлатгул	Ажурпўлат		Устапўлат
Пўлатой	Бекпўлат		Хайрипўлат
Пўлаттурди	Бойпўлат		Хонпўлат
Пўлатхон	Бошпўлат		Хоспўлат
Пўлатхожа	Дурпўлат		Чупўлат
Пўлатшер	Ёзпўлат		Шерпўлат
	Истатпўлат		Шопўлат
	Кенжапўлат		Эрпўлат
	Мирпўлат		Эсонпўлат
	Ниёзпўлат		Эшонпўлат
	Норпўлат		Эшпўлат
	Нурпўлат		Ўтанпўлат
	Оқпўлат		Қорапўлат
	Сарипўлат		Қурбонпўлат
	Сойпўлат		Қутлипўлат
	Соҳибпўлат		Ҳасанпўлат
	Текпўлат		Ҳақпўлат
	Тикапўлат		Ҳожипўлат
	Тонгпўлат		Жонпўлат
	Тошпўлат		Мелипўлат
	Турдипўлат		Менгпўлат
	Турсунпўлат		Нарзипўлат
	Турғунпўлат		
	Турапўлат		
	Тухтапўлат		

Метин-мустаҳкам нарсалар номлари орасида турли қуроллар, уй-рўзгор буюмлари номига нисбат берилган исмлар ҳам учрайди. Улар мустаҳкамлик, чидамлилиқ ва жисмоний соғломлик рамзи сифатида қабул қилиниб, мана шу хусусиятлар исм орқали болага ўтади, деб тасаввур қилишади.

Ўзбек тилида тожикча санг (тош) сўзидан ясалган исмлар ҳам учрайди: Санги, Сангча, Сангин, Сангина, Санжир (катта тош), Сангмухаммад, Сангзор. Буларга арабча сўзлардан ясалган Жомад (тош, метин), Хожар (тош) исмларни ҳам киритиш мумкин.

Темир сўзидан ясалган исмлар: Темир, Темира, Темирберди, Темиргул, Темирниёз, Темиртой, Темиркутлуғ, Темиркул. Ҳадида сўзи ҳам араб тилида темир маъносини англатади.

Ўзбек тилида шундай исмлар ҳам мавжудки, улар микдоран унчалик кўп эмас ва мустаҳкамлик рамзи бўлган турли нарсалар номидан ҳосил қилинган: **Болта**, Болтавой, Болтагул, Болтабош, Болтамурад, Менгболта, Болтаназар, Болтагурди, Болтақўзи, Болтақурбон, Болташ, Эшболта; **чўт** ва **теша** сўзидан: Чўтвой, Чўтпўлат, Тешагул, Тешақўзи; **кетмон** сўзидан: Кетмон, Кетмоной; **чега** сўзидан: Чегабой, Чекабой; **занжир** ва **зулф** сўзидан: Занжир, Занжира, Занжирали; Зулфин, Зулфина; **чўқмор** сўзидан: Чўқморвой; **тўқмоқ** сўзидан: Тўқмоқбой; **қалқон** сўзидан: Қалқон, Қалқонбой; **қилич** сўзидан: Қилич, Қиличтурсин, Ёвқилич, Ёзқилич, Қурбонқилич, Қиличберди, Қиличниёз, Қиличтурсин, Қиличхон; **шамшир** сўзидан: Шамшир, Шамшира, Шамширой; **ханжар** сўзидан: Ханжара, Ханжарбой, Ханжарқул; **қамчи** сўзидан: Қамчивой, Қамчин, Қамчибек; **чўкиш** сўзидан: Чўкиш, Чўкишбой; **миқроз** (қайчи) сўзидан: Миқроз, Миқрозмирза; **совут** (уруш аслаҳаси) сўзидан: Совутбек; **тўқа** (темир ҳалқа, от анжومي) сўзидан: Тўқабой; **тунг** (мис идиш) сўзидан: Тунгбой каби.

Ота-оналар болани юқорида келтирилган мустаҳкам нарса ва қуроллар номи билан номлашар экан, чақалоқ ҳаётининг чидамли, мустаҳкам бўлишига битта нарсанинг ўзи кифоя қилмайди деб ҳис қилишган ва болани бирдан ортиқ нарса номи билан аташган. Шунда боланинг соғлиғи ва чидамлилиги янада ошади ва кучаяди деб ҳисоблашган. Натижада, исм бирдан ортиқ нарса номини қўшиш орқали ҳосил қилинган. Масалан: Болтапўлат, Болтаташ, Тошпўлат, Темирпўлат, Тошбодом, Тошболта, Тошметин, Темиртош ва б. Баъзан бир хил нарсанинг икки хил номи қўшилади: Сангилтош // Сангиртош.

Болани мустаҳкам нарсалар номи билан аташга баъзи ўсимликлар ҳам киради, чунки дарахт ва ўсимликлар танаси ёғочининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради ва улар ушбу хусусиятига кўра, чидамлилик ва узоқ умр рамзи ҳисобланади.

Мана шу хусусиятлар болага ҳам ўтсин, чакалоқ бардошли, соғлом бўлиб, узоқ яшасин деган истак билан улар номини фарзандларига исм сифатида қўйишади. Булар: ёвшан ўсимлиги: Явшон // Ёвшон, Ёвшонбой, Ёвшонкелди; янтоқ ўсимлиги: Ёнтоқбой; сазоқ (чўл ўсимлиги) Сазоқ, Сазоқбой; бурчақ ва нўхат ўсимлиги; Бурчок, Нўхат, Нўхатой; заранг ўсимлиги: Заранггул, Зарангқиз; чилон дарахти: Чилон, Чилонбой; шамшод (доимо яшил бўлиб турадиган дарахт): Шамшод, Шамшодой; зайтун дарахти: Зайтун, Зайтуна, Зайтунгул ва бошқалар.

Шу нарса ҳам характерлики, мустаҳкам жисм ва буюмлар номини болага исм сифатида бериш дунёдаги кўпгина халқларда мавжуд. Масалан, қўйидаги исмлар бунини тасдиқлай олади: **адигейларда** – Гучип (темиржон), Гучесхон (темирчининг кизи – Система имён, 12 стр.), **вьетнамларда** – Тхео (чандиқ, ямоқ – Система имён, 99 стр.), **мўғулларда** – Тумур (Система имён, 211 стр.), Очир (момақалди роқ овози – Система имён, 212 стр.), Балд (пўлат – Система имён, 213 стр.), **мордваларда**; Пичай (карагай), Тумай (болут, эман – Система имён, 217 стр.), **нихваларда** – Вытыкин (темир), Вытак (темирдек бўлсин – Система имён, 239 стр.), **нанайларда** – Гада (Копье), Гурэ (болта – Система имён, 219 стр.), Отан (тоғора – Система имён, 219 стр.); осетинларда: – Социел (темир – Система имён, 250 стр.); **тожикларда** – Санг (тош), Табар (болта – Система имён, 294 стр.); **чукчаларда** – Выксан (тош), Омрын (кучли – Система имён, 338 стр.); **эскимосларда** – Уйга (тошга эга) ва бошқалар.

ИСМИ ЎЗИ БИЛАН ТУФИЛГАЙЛАР

Маълумки, арабларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши, ерли халқларнинг ислом динини қабул қилиши туркий халқларнинг болага исм бериш одатларига кучли таъсир ўтказган. Бу халқлар исмлар фонди таркибини ислом дини тушунча ва тасавурларини ифода этадиган янги исмлар билан тўлдирган бўлса-да, ўтроқ халқнинг болага исм қўйиш билан боғлиқ удумлари ва ўша асосда қўйиладиган исмлар истеъмолдан тамоман сиқиб чиқарилмади.

Таниқли туркийшунос В.Я. Гордлевский ўтмишда ўғузларда болага исм қўйиш ҳақида шундай деган эди: «...гарчи улар (ўғузлар) кўринишда мусулмон бўлса-да, кўп даврга қадар кўш

исми бўлишган. Асосий исми арабча бўлса-да, туркча исми лақаб исм сифатида қўшиб айтилган»¹.

Мана шундай ҳолат бошқа миллатлар тарихида ҳам бўлган. Рус олими Л. Успенскийнинг ёзишича, болани «ёмон кўз»дан, «кўз тегиш»дан асраш русларда ҳам қадимдан мавжуд эди. Ушбу қадимий ишончга кўра ва болага жуда чиройли ёки мағрур маъноли исмлар бериш кўпчиликнинг диққатини тортиши мумкин. Уйдаги ёки атрофдаги бошқа одамлар болага хавас билан қарashi мумкин ва бу чақалокқа кўз тегишига олиб келади. Шу сабабли руслар ҳам болани турли ёмон кўзлардан асрашга ҳаракат қилишган ва турли чоралар қўришган. Л. Успенский ушбу эътиқод ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ушбу одат жуда қадимий бўлиб, фақат бизнинг халқ учун тегишли эмас. Христианликнинг биринчи асридаёқ черков пешвоси париларни адаштириш учун бола чўқинтириш пайтида битта исм билан, турмушда эса бошқа исм билан номлаш лозим»².

М.Я. Морошкиннинг қайд этишича, рус тилига христианча исмларнинг кириб келиши ва удум бўлиши аста-секинлик билан юз берган. Аммо христианча исмлар руслардан аввалги халқона исмларни тамоман сиқиб чиқара олмаган. Христианча исм билан аввалги анъанавий русча исмлар ҳам қўлланаверган. Улар параллел равишда шахсий ҳужжатларда барабар қайд этилар эди. Шахс номининг қайси бири ёзилиши ҳужжатларнинг характериға боғлиқ бўлган. Диний мазмунли ҳужжатларда шахснинг христианча исми, бошқа ҳужжатларда эса, унинг оддий славянча исми, яъни «ўзининг она исми» ёзиларди³. Аста-секин христианча ва славянча исмларнинг қўшилмасидан иборат бўлган Святослав, Любомир каби қўшма исмлар пайдо бўлган. М.Я. Морошкин: «Бундай исмлар икки диннинг ўзаро келишувига ўхшайди», — деб ёзади.

Шундай қилиб, тарихдан шу нарса маълум бўладики, тақдир тақозоси билан диннинг, диний қарашларнинг ўзгариши миллий тилнинг луғавий бойлигини истеъмолдан тамоман сиқиб чиқара олган эмас. Буни ўзбек тили антропонимиясининг тарихий ривожига ҳам тасдиқлайди. Масалан, маълумки, ўтмишда ҳукмрон

¹ Гордлевский В.Я. Избранные сочинения. Том 1. — М.: 1960. — С. 89.

² Успенский Л. Слова о словах. 1962. — С. 424—425.

³ Морошкин М.Я. О личных именах у русских славян // Известия Императорского археологического общества. — Санкт-Петербург, 1863. — С. 518.

синф ва ислом дини таъсири кучли оилаларда болага араб, форс ва тожикча исмларни бериш удуми кучли бўлган бўлса, оддий халқ, меҳнаткаш халқ орасида кўп ҳолларда қадимий миллий одатлар, орзу-истаклар, хоҳиш ва армонлар билан боғлиқ ва кўпроқ она тилидаги сўзлардан ясалган исмлар кенг тарқалган. Мана шу оддий тоифа миллий этник анъаналар маҳсули бўлган исмларни кўп асрлардан буён наслдан-наслга меърос қилиб қолдириб келган. Бундай исмлар ўзбек тилида ҳозирда ҳам сақланиб турибди. Бунинг ёрқин далили, чақалоқ дунёга келганда, унинг баданида мавжуд бўлган ҳар хил ортиқча нотабиий белгиларни тавсифлаш, ифодалашга хизмат қиладиган исмлардир. Бундай белгиларга чақалоқ баданида мавжуд бўлган қора ва қизил холлар, боши ёки баданининг бирор жойида кўриниб турадиган тўмтоқлик, боланинг қўл ёки оёқ бармоқлари 5 тадан ортиқ бўлиши, қўли, қулоғи ёки бошқа бирор жойида сирғадек шалвираб турадиган осилчоқ гўштчанинг мавжудлиги, баъзи ҳолларда боланинг бирор қўлида билагидан кейинги қисмининг йўқ ҳолда туғилиши, баданида қўшалок белгининг бўлиши, бола организмнинг бирор қисми одатдагидан каттароқ туғилиши, чақалоқнинг кўр ёки соқов бўлиб туғилиши, кўзи ва сочининг ранги, юз ҳолати; боланинг она қорнидан пардали бўлиб туғилиши, боланинг муддатидан олдин туғилиши, бадандаги бирор мучанинг ёки бола овозидаги нуқсонлар ва ҳ.к. Мана шундай ҳолларда ота-оналар болаларга исм беришнинг анъанавий шаклланган удумларига қатъий амал қилиш ва болага ўшанга мос равишда исм бериш керак деб ўйлашган. Бунда икки мақсад кўзда тутилган: 1) бола баданидаги нуқсонларни йўқотишга интилиш; 2) болага мос исм қўйилмаса, ундаги нуқсонлар катталаниб, авж олиш ва яида кўпайиб, чақалоқнинг ҳаётига хавф солиши мумкин деб ҳисоблашган.

Қайд қилинганлар асосида болани номлаш, уни хавф-хатардан ҳалос этиш, болани юз бериши мумкин бўлган бало-қазолардан қутқариш ҳисобланади. Шу сабабли қайд қилинган эътиқодлар асосида қўйиладиган исмлар ҳам «*химоя номлари*», «*асровчи исмлар*» гуруҳига киради.

Чақалоқ баданидаги турли белги ва нуқсонлар, шубҳасиз, кишиларни ажаблантирган, таажжубга солган. Бу нуқсонларнинг сабабларини билолмай, анъанавий ишончга кўра, буларни Аллоҳнинг иродаси, Яратганнинг қудрати эканига амин бўлган

ҳолда чақалокқа берган исмда уни ифодалашган: Қудрат, Қудратилло, Ҳикмат, Ҳикматой, Ҳикматилло ва бошқалар.

Чақалок туғилганда унинг ҳолатини ҳисобга олиб исм бериш анъанасига қатъий амал қилишган ва халқ орасида бу қоида даражасига кўтарилган, ҳаттоки, бундай болани «исми ўзи билан туғилган», «номи ўзи билан» дейилган иборалар ҳам пайдо бўлган.

Бадиий ва этнографик адабиётларда номи ўзи билан туғилган болага исм бериш удумлари ҳақида анчагина маълумотлар бор. Уларнинг баъзиларини келтиришни лозим топдик.

Ёзувчи Шухратнинг «Шинелли йиллар» романида шундай эпизод бор: «Ракитин билан Йўлдош обдан ювиниб, ҳаммомдан чиқар экан, Йўлдошнинг кўзи комиссарнинг тўшидаги тангадек қора нарсага тушди. Қайин супургидан ёпишган барг деб ўйлади-да, олиб ташламоқчи бўлди. Ракитин қаҳ-қаҳ солиб кулди.

— Хол-ку!

— Баргми деб ўйлабман.

Ракитин ўнг кўкраги остига кафтини қўйиб, уни сал юқори кўтарди-да, холни таранг қилиб кўрсатди.

— Яхши-а? Мени йўқотган киши бу холимдан кидириб топса бўлади.

Йўлдош термилиб қараб, унинг оиоқ баданига ярашганини айтди:

— Бизда бундай одамга Холдор деб от қўйишади.

— Қандай? Холдор? Демак, менинг ўзбекча отим Холдор экан-да.

— Ракитин ўзича икки-уч марта «Холдор», деб таъкидлади-да, — Яхши исм. Оғзингни тўлдириб айтасан, — деди¹.

Яна бир мисол: «Турдиев ўз қишлоғига бориб қайтаётганида йўлда аммасининг невара кўрганини эшитди:

— Невара муборак бўлсин, амма, — деди эшикдан кира солиб.

— Қутлуғ, қутлуғ, ўғлим ўзингга жиян муборак бўлсин.

— Холвами, ўғилми? — деди кулиб Турдиев.

— Холва, ўғлим. Холва бўлса ҳам омон-эсон қутулиб олганига шукур. Энди киздан ўксимаса ҳам бўладиган вақт. Ўғил ёққан чирокни киз ҳам ёқади...

¹ Шухрат. Шинелли йиллар. — Т., 1959. 69-бет.

— Туғри, амма. Қиз бўлганда ҳам қанақа қизки, тетиккина. Бирам серсоч, сочи нақ тақимига тушадиган қиз бўлади. Отини нима қўйдингиз?

— Ўз оти билан туғилди, Тожи.

— Тожи бор эканми?

— Ҳа, елкасида уч мирилик тангадек тожи бор. Тожи бизнинг уруғга мерос, — деди-ю, Тўти амма нечукдур гапининг ортини ямлаб қолди ва бирдан жонланиб деди: — Ҳа, айтгандек, синглинг Мастуранинг ҳам тожи бор эди. Менинг катта кизимнинг оти Тожи бўлганидан Тожи қўёлмай Мастура қўйган эдик. У вақт Тожи қизим тирик эди.

— Қаерида эди? — кўзлари яшнаб бирдан сўради Турдиев.

— Адашмасам икки курагининг ўртасида эди, бир чўмилтирганимда кўзим тушган эди.

— Тожи киши катта бўлганида ўчиб кетмайди-а?

— Ўчса тожи бўладими, ўғлим»¹.

Қуйида чақалоқ бирор жисмоний нуқсон билан туғилганда унга бериладиган исмларнинг асосий типларини келтирамиз.

«Хол» сўзи билан боғлиқ исмлар. Бола туғилганда унинг бирор жойида қора ёки қизил рангдаги холи бўлади. Борди-ю, болага муносиб исм берилмаса, ўша катталашиб ёки кўпайиб кетиши мумкин деб ҳисобланади. Қарноқ қишлоғидан ушбу сатрлар муаллифи ёзиб олган материаллар (1963 й.) орасида шундай маълумотлар бор: Марҳила исмли қизнинг юзида холи бўлиб, у кейинчалик катталашиб кетган. Қизнинг онаси фикрича, қизга Анорхол исми берилмагани учун шундай бўлган. Шунингдек, қарноқлик Турахон ака ва Захро опаларнинг қизининг исми асли Санобар бўлган, унинг холи бўлгани учун кейинчалик унга Анорхол исмини беришган. Шу сабабли болага Холдор, Холжон, Холнисо, Холбозор, Донохол, Холбиби, Холберди, Холбодом, Холгўзал, Холйигит, Холбахт, Холжамол, Холмурод, Холтожи, Холтош, Холчучук, Холшакар, Холқиз каби номлар беришади. Хол сўзи баъзи исмларнинг иккинчи қисмида келади: Гулхол, Ёрхол, Жумахол, Ойхол, Олтинхол, Ортиқхол, Рузихол, Пардахол, Турнахол, Тўтихол, Тўхтахол, Умрхол, Хўрозхол, Чиройхол, Шодихол ва бошқалар.

«Менг // Менгли» сўзи билан боғлиқ исмлар. Қадимий туркий тилда «менг» хол маъносини билдирган ва баданида хол

¹ Ўша асар. 269-бет.

билан туғилган чақалоққа Менг, Менглибой исми қўйилган. Бизнингча, «Менг» сўзи ҳам қизил, ҳам қора, ҳам оқ холни англатади. Ҳозирги ўзбек тилида «менг» сўзи билан боғлиқ қуйидаги исмлар учрайди: Гулменгиз, Гулменгли, Ёзменгли, Менганор, Менгберди, Менгбека, Менгбону, Менгул, Менгдона, Менгжамол, Менгзиёд, Менгзиёда, Менгли, Менглибахт, Менглибек, Менглибека, Менглиберди, Менглигул, Менглиёр, Менглижамол, Менглизиё, Менглинур, Менглихол, Менглисулув, Менглитурсун, Менглиэш, Менглиюз, Менглинор, Менглиоға, Холменгли.

«Тожи» сўзи билан боғлиқ исмлар. Жуматож, Кумуштож, Ойимтожи, Ойтожи, Олтинтож, Омонтож, Ортиқтож, Сафартож, Тожи, Тожибой, Тожинор, Тожихон, Тожибуви, Тожианор, Тожиаъло, Тожибор, Тожигўзал, Тожинисо, Тожинор, Тожихол, Тожиқиз, Тожили, Тождурсун, Тожиқул, Тонгтож, Тувоқтож.

«Тожи» сўзи исмлар таркибида, одатда, қизил рангдаги холни ёки бадандаги қизил белгининг ортиқчалигини ҳам англатади. Чунки хўрознинг тожи қизил рангда бўлади. Бола баданидаги белги ўшанга қиёсланади. Ўзбек тилидаги Жонхўроз, Норхўроз, Хўрозхол исмларининг ҳам мавжудлиги шундан далолат беради.

«Нор» сўзи билан боғлиқ исмлар. Бундай исмлар чақалоқ баданида мавжуд бўлган хол ёки бошқа хил белгиларнинг қизил рангда эканига ишора қилади. Ўзбек тилида бу сўз билан боғлиқ қуйидаги исмлар учрайди: Нораччик, Норбадан, Норбегим, Норбека, Норберди, Норбодом, Норбош, Норгул, Норгўзал, Нордоно, Норжамол, Норжиға, Норйигит, Норли, Нормели, Норменг, Норой, Норсулув, Нортожи, Норхол, Норхўроз, Норчучук, Норқиз, Норқушок, Ойнор, Оқнор, Тожинор, Тожианор, Холнор, Яхшинор, Гулнор ва бошқалар.

«Анор» сўзи билан боғлиқ исмлар. Анор сўзидан ясалган исмлар чақалоқ баданидаги ортиқча белгининг қизил рангда эканлигига ишора қилади: Анор, Анорбой, Анора, Аноргул, Анориддин, Анортош, Анорхол, Гуланор, Менганор, Анормат, Анорқул.

«Олти» сўзи билан боғлиқ исмлар. Олти сўзига нисбат берилган исмлар бола қўли ёки оёғидаги бармоқлар 6 та бўлиб туғилганидан ёки баданида бирор нотабий ортиқчаликдан дарак беради: Олтибой, Олтимурод, Олтиёр, Олтиқул, Ортиқбой.

«Парда» сўзи билан боғлиқ исмлар. Парда, Пардагул, Парданисо, Пардахол, Пардақул, Пардош, Тошпарда, Тожипарда, Бойпарда, Ойпарда, Муллапарда ва х.к.

Бу исмлар чақалоқ пардали бўлиб, яъни қоғонок ичида — оиланинг корнидан парда билан қопланган ҳолда тушганини англатади. Мана шундай болалар, масалан, Қарноқ кишлоғида ўғил бўлса Парда, қиз бўлса Фариза (Париза) деб номланади. Қўйлак, Қўйлакли, Махжуба (Пардаланган), Тувоқбой, Тувоқтош, Ойтувоқ (Пардали) номлари ҳам мана шу маънодадир.

«Парпи» сўзи билан алоқадор исмлар. Баъзи ҳолларда боланинг томоғида, бошида қандайдир нуқсонлар мавжуд бўлади. Шунингдек, бола миясининг бош олди қисми юмшоқ бўлиб, у тез қотавермайди. Мана шундай ҳолларда болага Парпи, Парниддин, Парпимомо, Парпиназар, Парпинисо, Париихўжа каби исмлар қўйилади. Шундай қилинса, бу нуқсонлар бартараф бўлади, деб ўйланади.

«Садаф» сўзи билан боғлиқ сўзлар. Баъзи ҳолларда чақалоқнинг милқларида оқиш белгилар, яъни «тиш» мавжуд ҳолда туғилади ва кишилар «тиш билан туғилди» деб болага Садаф, Садафой, Гулсадаф, Ойсадаф, Садафхон, Хурсадаф каби исмлар берилади.

«Очил» сўзи билан боғлиқ исмлар. Очил, Очила, Очилди, Очилой, Очилмурод, Очилгул, Очилиддин, Очилниёз, Очилтош, Очилтурди, Очилқул ва х.к. Ушбу исмлар чақалоқнинг кўзи, кулоғи, бурнида баъзи касалликлар учраганда берилади. Масалан, баъзи ҳудудларда тўрт ҳолда қўйилади: а) боланинг кўзида ғубори бўлса ёки бола кўр туғилганда; б) чақалоқнинг бурни битавериб, манқалик аломати сезилса; в) томоғи хириллаб сўзлашга халақит берса; г) чақалоқ олти кунгача кўзини очмаса.

Этнограф А.Л. Троицкаянинг маълумот беришича, Зарафшон водийсида яшовчи тожикларда Очилди, Очилдибой исмлари мавжуд. Бу номларни улар болани бевақт ўлимдан химоя қилиш учун беришади ва бу исмлар ўзбеклардаги мана шундай исмлар англатадиган маънолардан фарқланади¹.

Мана шу каби ҳолларда болага «Бури» сўзи билан боғлиқ исмлар ҳам берилади. Бунга биз Бури номи билан боғлиқ исмларни таҳлил қилганимизда тўхталамиз. Борди-ю, чақалоқ 9 ойга стмай, муддатидан олдин 7—8 ойлигида туғилса, унга Чалабой исми қўйилган ва бола махсус кузатув остида бўлган. Масалан,

¹ Троицкая А.Л. Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков долины Зарафшана. — С. 119.

қарноклик Хотира она қиз тукқан. Чақалоқ етти ойлик бўлиб, муддатига етмай чала туғилган. Одатга кўра чақалоқни телпақка солиб осиб қўйишган. Бола уч кундан кейин овоз чиқариб йиғлаган. Бу Манзура исмли қиз эди.

Шоир Фафур Фулом қуйидаги мисраларида чала туғилган чақалоқни телпақка солиб қўйиш удумини кўзда тутган бўлса керак:

*Юртимизнинг девлари, давлатлари, савлатлари,
Телпагу қалпоқда ўсган баччажиш авлодлари!*

Шундай исмлар ҳам борки, улар чақалоқнинг юзи, кўзи, сочи, кулоғи ва бошқаларнинг ҳажми, кўриниши, рангига ишора қилади. Масалан, сочига кўра: Зулфинисо, Зулфия, Зулфизар, Кокил, Кокила, Кулола (жингалак соч), Кумуш соч, Марғула (қўнғироқ сочли), Олтин соч, Оқбош, Патила (пахмоқ соч), Сарисоч, Сарикбош, Толим (серкокил), Чинди (жингалак сочли), Қорасоч; кулоғига кўра: Чиноқ (кулоғи кичкина); кўзига кўра: Мовийкўз, Олакўз, Умъё (кўзи ожиз), Чакан (мовий кўзли), Чағир (кулранг), Шахло (катта қора кўз), Қорақўз, Чарос (катта қора кўзли); қошига кўра: Ойқош, Суннат, Суннатилло (чақалоқнинг суннат қилингандек бўлиб туғилиши); рангига кўра: Сарикбой, Сиёхбой, Сиёҳа, Маллавой, Маллабиби, Малламурод, Маллатой, Маллақиз, Қорабой, Қорача, Қорақош ва х.к.

Баъзан бола баданидаги жисмоний нуқсонлар умумлашма ҳолда аталади: Ортиқ, Зиёд, Зиёда, Бувизиёда Нишонбой, Гулнишон, Ойнишон каби.

Бола бирор жисмоний ёки руҳий касаллик билан туғилганида бериладиган исмлар каторида ўзбекларда ҳозирда ҳам удум бўлган номлар учрайди: Ижоза (мўъжиза, каромат), Ишора (белги), Ишорат, Каромат, Кароматулло, Киноят (ишора), Машраб (онаси қорнида овоз чиқарган бола), Машраббуви, Машрабхон, Мафтума (нишонли), Мухур, Мухурбой, Мухринисо (баданида бирор белги билан туғилган), Ортиқ, Ортиқтан, Ойқўшок, Савди (қорача), Сехрли (ғайритабиий белги билан туғилган), Сирға, Сирғабош, Сирғаш, Сирғашкул (баданида бирор осилчок белги билан туғилган бола), Туйма // Тугма (тугдадек бирор

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1997 йил 31 январь, 6-бет.

белги билан туғилган бола), Қўшша (қўш белгили), Ҳайрат, Хужжатилло (Аллоҳ бирор белги билан ато қилган бола) каби.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, чақалоқ туғилган пайтда унинг баданида кўринган турли ҳил нуқсонларни болага муносиб исм бериш орқали бартараф қилишга, мурғак жонни турли офатлардан ҳимоялашга қаратилган бўлиб, аслида бу ҳаракат сўзнинг (бу ўринда исмнинг) сеҳрли кучидан мадад сўрашдан иборатдир.

СОТИБОЛДИ ВА ТОПИБОЛДИ

Ушбу сатрлар муаллифининг «Ўзбек исмлари маъноси» китобида ўзбеклар эркакларга берадиган Сотиболди, Сотилган // Сотилғон, Сотим, Сотимхон, Сотилбек, Сотлик, Соттимирзо, Сотил, Сотим, Сотинкул, Соттимат, Сотиш, Соттикул, Сотқин, Сотқинали, Сотқинтош, Сотқинча, Соткул, аёлларга бериладиган: Сотқиной, Сотима, Сотимбека, Соттибону, Соттихон, Сотқинбиби исмлари учрайди ва уларга берилган «*Сотиб олинган бола*», «*Сотиб олинган қиз*» каби изоҳлари мавжуд¹.

Хўш, сотиб олиш қандай одат, болани сотиб олиш мумкинми? Бу «савдо қандай амалга оширилади? Бола ниманинг эвазига кимдан сотиб олинади? Биров тукқан болани сотиб олиними? Ёки ўз боласиними? Бу одат қачон пайдо бўлган ва нега удумга айланган? деган қизиқарли саволларнинг туғилиши табиий.

Этнографик адабиётларда ва номшуносликда қайд қилинган исмлар «*ҳимоя номлари*» қаторига киритилади. Шундай экан, мурғак гўдак кимлардан ва нималардан ҳимоя қилинади?

Ўтмишда яшаган кишилар боланинг ҳадеб касал бўлавериши ёки турмасдан ўлаверишини қандайдир ёвуз кучларнинг иши деб тушунишган. Бу ёвуз кучлар чақалоқнинг ашаддий, шафқатсиз душмани бўлиб, улар ҳар доим чақалоқ туғилган хонадонни ахтаришади, топгач, гўдакнинг турли касалликларга чалиниши, бевақт вафот этишига сабабчи бўлишади. Шу туфайли ҳам қадимий даврлардан бери ота-оналар ўз фарзандларини мана шу ёвуз кучлардан яширишга, бу кучларни чалғитиш, алдаш, турли удумларни адо этиб, уларни турли балолардан узоқлаштиришга ҳаракат қилишган.

¹ Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. — Т.: ЎзМЭ, 2010. 343–349-бетлар.

Боласи бирин-кетин турмасдан ўлаверган оилаларда кишилар ёвуз кучлар бу хонадонни билиб олган, шунинг учун доимо болани ҳалок қилади. Кейинги чақалоқ бизнинг боламиз эмас, биз уни ўзгалардан «сотиб олганмиз», дея ирим қилиб, ёвуз кучларни алдашга уринишган.

Ёвуз кучларни алдашнинг, чалғитишнинг усул ва шакллари кўп бўлган. Бешиқни жихозлаш, чақалоқнинг кийимлари, чақалоқ баданига атайлаб туширилган белгилар ва бошқаларда бундай ҳаракатлар ёркин намоён бўлган. М.С. Андреевнинг ёзишича, Хуфда яшовчи тожикларда боласи ҳадеб ўлаверган оилаларда ўлимнинг сабабкорларини чалғитиш учун чақалоқнинг лабини куйдириш одати мавжуд. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, она янги туғилган гўдакнинг кулофидан тишлаб олиб ейишгача борган¹.

Ўтмишда Туркистон ўлкасида яшовчи ўзбеклар борди-ю, боласи турмасдан ўлаверса, «**сотиб олиш**» удумига амал қилишган. Ушбу удумга кўра, чақалоқ туғилгач (хоҳ у ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин), тарозининг бир палласига чақалоқни қўйишган, иккинчи палласига озиқа солиб, уларнинг овирлиги тенглаштирилган, гўёки болани сотаётган доя хотин ёки бирор яқин қариндош билан баъзан онаси ўртасида «савдолашишган». Тарозига қўйилган озиқа дояга берилган ва бола сотиб олинган деб ҳисобланган. «**Сотиб олиш**»да тўланадиган нарса, унинг миқдори шароитга кўра ўзгариб турган. Масалан, Қарноқ қишлоғида яшовчилар ўтмишда, йўқсил бўлса, тарози палласига чалма (тезақдан қилинган ёқилғи) қўйган, ўша қишлоқлик Хатира она эса ўғлини сотиб олишда пул берган. Ушбу удумни бажариш жараёни ўзбекларнинг ўзида ҳам ҳудудий жиҳатдан баъзи шаклий фарқларга эга², аммо бу одатнинг моҳияти ва мақсади битта.

«Сотиб олиш» жараёни ниҳоясида болага ушбу одатни ифода этувчи *Сотиболди*, *Сотқин*, *Сотқиной* каби исмлар берилган. Қарноқлик ўзбеклар ҳам «сотиб олиш» одати жараёнини юқорида келтирилган тарзда бажаришади. Қарноқлик Хадича она мен билан қилган суҳбатида шундай ҳикоя қилади: «Олдин беш болам нобуд бўлди, қиз туғдим. Олдингилари 3 та ўғил, 2 та қиз эди.

¹ Андреев М.С. Таджики долины Хуф. (Верховья Аму-Дарьи), вып.1; Изд-во Таджикской ССР, 1913.

² Наливкин В.И., Наливкина М. Очерки быта женщин оседлого, туземного населения Ферганы. — Казань, 1986. — С. 171.

Янги кизимга киндик момо Марям опа бўлди. Янги чақалоқни тарозининг бир томонига қўйиб, иккинчи томонига олти хил донни (буғдой, арпа, жўхори, нўхат, бурчок, тарик) боланинг оғирлиги билан тенг қилиб солдик. Мен «сотиб олдим» дедим. Донни ўшанча бердик ва қизга Сотимка (Сотимбека) деб исм қўйдик».

Этнограф Д.К. Зеленин фикрича, «сотиб олиш одати» жуда қадимий бўлиб, унда икки ҳолатни фарқлаш мумкин: 1) болани ҳақиқатан ҳам сотиб олиш ва 2) ўз боласини бировга бериб, уни кейинчалик сотиб (қайтариб) олиш¹.

Дарҳақиқат, ушбу одат, эътиқоднинг қадимийлигини тарихий маибаларда бизгача етиб келган исмлар ҳам тасдиқлай олади. Масалан, Рашид-ад-диннинг «Йилномалар тўплами» асарида *Сотилмиш*, *Сотди* исмлари учрайди². XIV асрга оид манбада *Сотилмиш*, *Сотти* исмлари қайд қилинган³, ушбу исмларни, жумладан, *Сотмаз* исмини тилшунос А. Қуришжонов ҳам қайд қилган. «Абдулланома» асарида *Сотиганбий* исми мавжуд⁴.

Сотиб олиш одатининг қадимийлигини бу удум барча туркий халқларда мавжудлигини тадқиқотчи С.М. Абрамзон ҳам қайд қилган⁵. Мана шу каби мулоҳаза В.К. Магницкий тадқиқотларида ҳам учрайди⁶.

Сотиб олиш одатини бажариш жараёнида ижтимоий тенгсизлик — бой ёки камбағаллик ёрқин ифодаланган. Баъзилар тарози палласига озиқа қўйишган, ҳеч вақоси йўқлар эса чалма қўйишган, бадавлатлар тилла қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Этнограф О.А. Сухареванинг ёзишича⁷, ушбу удумнинг энг қадимий шакли тожикларда сақланиб қолган.

Туркий халқлар антропонимиясини тадқиқ қилган бир қатор муаллифлар ўз ишларида сотиб олиш удуми ва ўшанга мос ҳаракатлар ҳақида маълумот беришган.

¹ Зеленин Д.К. Табу слов у народов Восточной Европы и Северной Азии // Сборник Музея антропологии и этнографии, IX. — Л.: 1980. — С. 131.

² Рашид-ад-дин. Сборник летописей, 11 том, — М.: — Л.: 1960, С. 55; 111 том, 1946. С. 59.

³ Юнусов А. Таржимон XIV аср ёдгорлиги. — Т.: «Фан», 1980, 84-бет.

⁴ Хофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома, II жилд, — Т.: «Фан», 1969. 246-бет.

⁵ Абрамзон С.М. Рождение и детство киргизского ребенка // Сборник Музея антропологии и этнографии. — М., — Л.: 1994. — С. 104.

⁶ Магницкий В.К. Чувашские языческие имена. — Казань, 1905. — С. 11.

⁷ Сухарева О.А. Иран, 1929, — С. 131—141.

Киргиз тилшуноси А. Идрисов сотиб олиш одати кўпроқ козоқ, киргиз ва ўзбекларда учрашини ёзади. Унинг айтишича, киргиз оилаларида ота-оналар чақалоқ ётган хонадонни пойлаб айланиб юришади ва иложи борича ёвуз кучларни адаштириш лозим деб ҳисоблашади ҳамда чақалоқни вақтинча бировга тарбия қилишга беришади. Кейинчалик уни сотиб олиб, Сотиболди, Соттим исмларини қўйишади¹. Ш. Жапаров қайд қилинганлардан ташқари *Адашган* ва *Адашма* исмларини ҳам келтиради ҳамда бу исмларни «теонимик адаштирама» деб атайд². Г. Саттаров татарлардаги Сатилмиш, Сатыш, Сатиболди, Сатип, Сатылган, Сатмыш, Сатубай, Сатубика, Сатый исмларини келтирган³.

Сотиб олиш одати дунёдаги бошқа халқларда ҳам учрайди. Чунончи, А.М. Селищев рус исмлари орасида учрайдиган *Найден*, *Продан*, *Краден*, *Куплен*, *Ненаш* номларини келтириб, улар келиб чиқишига кўра, болани топиб олиш, сотиб олиш, ўғирлаш удуми билан боғлиқлигини айтган⁴.

Ушбу одат грузин ва украинларда ҳам тарқалган. Ушбу халқлар болага русча *Продан* (*Сотилган*), грузинча *Наския* (*Сотиб олган*) исмларини беришади. Шунингдек, бу удум белорусларда, сойотларда ҳамда олтой турклариди ҳам кенг тарқалган⁵.

Сотиб олиш одатига яқин турадиган яна бир удум борки, уни амалга ошириш ҳаракатига кўра шаклан биров фарқланса-да, моҳиятан унга яқин туради. Кишилар ёвуз кучларни чалғитиш, алдаш учун ўз фарзандини аввал вафот этган болаларимизнинг давоми эмас, бу бизнинг бола эмас, у ўзга бола, биз уни сотиб олганмиз дейишади. Демак, бу удумга кўра, янги чақалоқни топиб олганмиз деб ҳисоблашади. Болани топиб олиш удуми турли шаклларда амалга оширилган.

Киргиз тилида ушбу одат билан боғлиқ ҳолда Тапалды, Тапылды исмлари мавжуд⁶. А. Идрисовнинг маълумотига кўра, киргизларда сотиб олиш удуми бажарилгач, *Алыпсатар*,

¹ *Идрисов А.* Кыргыз тылындагы исымдар. — Фрунзе. Мэктэб, 1971. — С. 56.

² *Жапаров Ш.* Кыргыз адам аттары. — Фрунзе. «Илим», 1989. — С. 47—48.

³ *Саттаров Г.Ф.* Татар антропонимикасы. — Казань. Изд-во. Казунта, 1990, 80—81, 93-бетлар.

⁴ *Селищев А.Н.* Происхождения русских фамилий, личных имен и прозвищ // Избранные труды. — М.: 1968. — С. 116.

⁵ *Зеленин Д.К.* Келтирилган мақола, 131—132-бетлар.

⁶ *Жапаров Ш.* Келтирилган асар. 48-бет.

Таабалды исмлари берилади. Ушбу муаллиф топиб олди удумига тўхталиб, русларда боланинг онаси чақалоқни кўтариб уйдан кўчага чиқишини ва «бола топиб олдим» дея баланд овоз билан уйга қайтиб киришини, бундай чақалоққа *Ненаш*, *Найден* исмлари берилишини ёзади¹.

Татар тилшуноси Г. Саттаров Тапилдик, Тапилар, Ташландық, Келмешек номларини чақалоқнинг оила ёки авлодига қандай келиб қўшилганини ифода этувчи исмлар қаторига киритади².

Сибирда яшайдиган баъзи халқлар болани қайиққа ўтқазиб, дарё оқими томон олиб кетишган ва қайтиб келишгач, унга «*топиб олинган*» бола маъносини берадиган исмлар қўйишган. Бошқирдларда *Тапылди*, *Табыш* исмлари мавжуд³. А.М. Селищев *Продан*, *Краден*, *Ненаш* исмларини магик удумлар қаторига киритади⁴.

Ўзбек тилида Топди, Топдик, Топиболди, Топила, Топилган, Топилди, Топилдик каби исмлар мавжудлиги ҳақида ушбу сатрлар муаллифи ҳам қайд этган эди⁵.

Одамларда ёвуз кучларни алдаш ва чалғитишнинг усул ҳамда чоралари кўп бўлган. Чунончи, С.М. Абрамзоннинг ёзишича, баъзи халқларда қўғирчоқ ясалади ва бола унга қиёсланади ҳамда қўғирчоқни деразадан отиб юборилади. Баъзи халқларда чақалоқни ўлган деб тасаввур қилиб (иммитация) қўғирчоқни ерга кўмишади⁶.

Кишини ўлим ва касалликлардан муҳофаза қилишда унга қўйиладиган исмдан бунчалик кенг ва ҳар томонлама фойдаланишга интилишнинг юзага келиши атоқли отларнинг баъзи бир ўзига хос функционал томонларига эгаллиги билан изоҳланса керак. Маълумки, исм кишига ёшлигида берилади ва унинг номи бир умр шу одамга ҳамдам, ажралмас бўлиб қолади. Одатда, устбош, кийим-кечак, ҳаттоки, уй-жой алмаштирилиб, ўзгартириб турилади. Аммо одамга берилган ном, кўп ҳолда, бир умр ўша шахс ҳаёт экан, у билан бирга яшайди, унинг қандайдир аж-

¹ *Идрисов А.* Келтирилган асар. 51-бет.

² *Саттаров Г.Ф.* Келтирилган китоб. 183-бет.

³ *Кусимова Т.* Древнебашкирские антропонимы. АДД. — Уфа, 1975. — С. 11.

⁴ *Селищев А.М.* Келтирилган мақола. 116-бет.

⁵ *Бегматов Э.* Антропонимика узбекского языка. Автореферат. — Т.: 1965. 59—60-бетлар. Ўша муаллиф. Номлар ва одамлар. — Т.: Фан, 1966.

⁶ *Абрамзон С.М.* «Туль» // Сборник «Белек С.Е. Маловун». — Фрунзе, 1946. — С. 5—6.

ралмас ва мустаҳкам қисмига айланиб қолади. Демак, яхши исм бутун умр кишига йўлдош ва яхшилик келтиради-ю, ёмон исм инсонни бутун умр бахтсиз қилиши мумкин деб ўйлашади. Шу сабабли исм айрим кишиларнинг, ҳатто балоғатга етиб, катта ёшга борганда ҳам исмларининг Топиболди, Сотиболди ёки Маҳкам, Тўхта, Турсин эканлиги туфайли ўзларига тасалли бериб юришлари бежиз эмас. Баъзи ўзбек оилаларида фарзанди катта ёшга етиб, ҳаётида баъзи етишмовчиликлар юз берган ҳолларда буни унга берилган исмга ва исми хосиятли исм бўлмаганига боғлашади.

БЎРИБОЙ ВА БЎРИНИСО

Ўғил болани бўрига тенглаштириш, қизни Бўринисо — «бўрихотин» деб аташ галати, қолаверса, кишини хайрон қолдирувчи ҳолат! Йўқ, шошилманг, қадим ўтмишда яшаган уруғ ва қабилаларнинг «бўри» ҳақидаги тасаввурлари, эътиқодларидан беҳабар кишигина ана шундай ҳаёлга бориши мумкин. Холбуки, мавжуд кўпгина ёзма манбаларда қадимда яшаган кишиларнинг бўри тўғрисидаги тушунча ва тасаввурлари сақланиб қолган.

Қадимий туркийлар тарихини тадқиқ қилган олим Л.Н. Гумилевнинг ёзишича, қадимий турклар бўрини муқаддас ҳайвон деб ҳисоблаганлар. Ҳатто улар ўзларини бўридан тарқалган, аجدодимиз бўри деб ҳисоблашган. Шу сабабли турк раҳнамоларидан бирининг исми Ашина бўлиб, маъноси «бўри» демакдир. «Ашина» сўзи «олийжаноб бўри» деган маънони билдиради¹.

Л.Н. Гумилевнинг ёзишича, «Бизнинг ҳозирги билимимиздан келиб чикқан ҳолда Ашина хонларининг — тотемчи эканлигини аниқлаш қийин, бироқ IV аср турклари учун «бўри» тушунчаси жуда катта аҳамиятга эга эканлигига шубҳа йўқ»². Шу сабабли ўша даврда «Турк хоқони» ва «Бўри» тушунчалари синоним бўлган ҳамда Н.Я. Бичурин айтганидек, «Турк байроқларига бўрининг олтин калласи зеб бўлиб турган»³. Турклар қадимда горларда яшаган, ўзлари тарқалган деб ҳисоблайдиган бўри ҳам горда яшаган, деб ўйлашган. Мана шундай маълумот бир неча манбада қайд этилган бўлиб, Н.Я. Бичурин шундай хулосалар

¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. — Т.: «Фан», 2007, 27-бет.

² Ўша асар, 27—28-бетлар.

³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Том 1. — С. 229.

чиқаради: «шундай экан, бўри — аждодга тотемистик муносабатнинг қайд этилган унсури бир манбадандир, деб тахмин қилишга имкон беради. Уйгурлар ва ашин уруғи соф тотемчилар деб ишонч билан айтиш қийин, бинобарин, бирон-бир манба уларнинг бўриларга махсус бир муносабатда бўлганлигини акс эттирмайди. Аммо бу ўринда, яъни биз тадқиқ қилаётган замонамизда: аждодларни эъзозлаш кўринишини олган, қадимда эса ушбу ҳайвонга тотемистик топиниш бўлганлигига ишора қилувчи изларни кўрамиз»¹. Яна шуни таъкидлаш керакки, Л.Н. Гумилев ўша даврда — кўпхудолилиқ даврида бўри, оққуш ва рознинг тасвири туширилган тўқа тақиб юришган², шунингдек, исмдан кўра, кўпроқ исм-лакабга яқинроқ бўлган хитой, форс, юнон манбаларида учрайдиган Арсила — Арслон, Були — Бўри, Иби — Ивирс — Илварс (Қора йўлбарс)ни англаган.

Қозоқ мутафаккири Ч. Валихонов туркий халқларнинг бўри ҳақидаги тасаввурлари юзасидан қуйидагиларни ёзган эди: «Бу ривоят характериға кўра жуда ҳам кўхна. Марказий Осиё халқларининг ривоятлариға кўра, улар қандайдир ҳайвон ва йирткич ҳайвондан пайдо бўлган. Хитой солномаларининг гувоҳлик беришича, ГАО — ГЮЙ аждоди бўри бўлган. Тюгулар она томонидан урғочи бўриға мансубдир, Турфанлар эса итдан тарқалган. Мўғул хонларининг уруғ бошлиғи, асосчиси манбалар маълумотиға кўра, «Кўк бўри» ёки «Гўзал оху» бўлган. Тибетликлар, маълумки, ҳозир ҳам ўзларини «маймун»нинг авлоди, деб ҳисоблайди. Ушбу уруғ кўчманчилар орасида энг қадимий ва тахминға кўра мўътабар ҳисобланган». Буларнинг бари қадимий эътиқодлардир»³.

Қадимий туркий ёзувларни ўқиш ва табдил қилиш бўйича таниқли тадқиқотчи Насимхон Раҳмоннинг қайд этишича, қадимда ҳар бир қабила келиб чиқишини бирор буюм, ўсимлик ёки ҳайвонга боғлаган. Шунга кўра, бўри, буғудан келиб чиққанмиз деган эътиқодлар ҳам бўлган⁴. Бўрини муқаддас деб билиш, унга сифиниш, у ҳайвон ҳақидаги ишончлар, тотемизм қарашлари

¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. 90—91-бетлар.

² Ўша асар. 91-бет.

³ Валиханов Ч. Собрание сочинений в пяти томах, том 1, Алма-Ата, 1961. — С. 351.

⁴ Насимхон Раҳмон. Турк хоконлиғи. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 41—42-бетлар.

мана шундан юзага келган. Бу ҳақда Н. Рахмон қисқача маълумот келтирган¹.

Шундай қилиб, чақалокқа бўри сўзи билан боғлиқ исмларнинг қўйилиши худди *бўри тотем* ҳақидаги тасаввурлар каби жуда қадимий. Бунинг исботи Бўри исмининг қадимий битиклар матнида учрашидир: Бўри, Бўритемур, Бўритой, Кўкбўри².

Туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг бўрини муқаддас ҳайвон деб, инсонга кўмакка келувчи халоскор деб эъзоллаши, унга эътиқод қилишига ўзбек халқининг «Чўлоқ бўри» эртаги ва 1951 йилда археологик қазилмалар чоғида Тошкент вилояти Бекобод туманидан топилган ва унда Чўлоқ Бўри ҳайкалчаши орасидаги мазмуний ўхшашлик ҳам борлиги тасдиқлайди³. Ушбу эртақ ҳамда «Паҳлавон ва аёл мингашган чўлоқ бўри» ҳайкалчаши ҳақидаги мақола «Мактабгача таълим» журналида эълон қилинган⁴. Эълон қилинган ушбу материаллар юзасидан академик А. Муҳаммаджонов эълон қилган мақолада бўрига хос баъзи сифатлар шундай таърифланади: «Чунки бўрилар зоти мазкур туркум йиртқичлар орасида энг кучлиси, удабурон, олғир ва ўта айёрлиги ҳамда сезгиру эҳтиёткорлиги билан ажралиб туради»⁵.

Мана шундай ҳайвонни қадимий туркий уруғ ва қабилалар муқаддас деб билган ва отаси ҳам, онаси ҳам гўё бўри ёки феъл-атвори табиатан бўрисифат хислатли бўлган деб талқин этилган.

Бўридаги хислатларни кўзлаган қадимий туркий овчи ва чорвадорлар, аввало, бўрига эътиқод қилиб, «...уни уруғининг бош ибтидоси — **ўнгани**» деб қабул қилишган. Мана шу тушунчани асослаш мақсадида А. Муҳаммаджонов анчагина қизиқарли далиллар келтирган. Улар орасида қадимий туркларнинг бўрини қўлга ўргатгани, ундан вафодор қўриқчи сифатида фойдаланганликлари ҳам айtilган. Бўри туркий уруғлар қўлга ўргатиб асраган илк ҳайвонлардан бири бўлган. Мақола муаллифи фикрича, топонимия ва антропонимия таркибида бўрининг номига нисбат берилган бир қатор атоқли отлар мавжуд бўлиб,

¹ Ўша асар. 60, 89, 112–113-бетлар.

² *Рашид-ад-дин*. Сборник летописей, том 1. — М.: — Л.: 1952. — С. 63–76.

³ *Ҳоди Зариф*. Фольклор ва археологик материалларни қиёсий ўрганиш масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1958, 1-сон. 11–13-бетлар.

⁴ «Мактабгача таълим» журнали, 2010 йил, 1 (174)-сон, 12–15-бетлар.

⁵ *Муҳаммаджонов А.* Ихлос қўйилган ва кишилар исмида шарафланган // «Соғлом авлод учун», 2010. 7-сон, 29-бет.

улар бизгача етиб келган. Масалан, топонимлар — Бўрижар, Бойбўрисой (Бийбўри — Каттабўри маъносида). Мана шундай фикрлар бўри билан боғлиқ исмлар тўғрисида ҳам айтилган. Бу фикрлар биз таҳлил қилаётган мавзуга дахлдор бўлгани учун уни тўлиқ келтиришни лозим топамиз: «Этнологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, чорвадорлар ўз уруғларида бўрининг терисидан пўстак — ўсик жунли ошланган теридан иборат тўшак қилиниб, у ниҳоятда эҳтиётлик билан сақланган. Чунки янги меҳмон — чақалоқнинг бу дунёга келишига, яқинда хомилали бўладиган онанинг дардини енгиллаштириш ниятида, уни бўри пўстинли тўшакка ўтказилган. Ёвуз назар гўдакка зарар етказмаслиги учун бўри тиши ва ошиғи бешикнинг икки куббасига кўзмунчоқдек ипга тизиб тақиб қўйилган. Она ва гўдакни муҳофаза этувчи тотемнинг бош суяги эса, хатто ўтов эшигининг манглайига осиб, намойиш этилган.

Гўдак тишли туғилса, қадимги одатга кўра, соғ, бўридек абжир, барваста ўссин деб унга Бўрибой, Бўри, Бўрибек, Бўритой, Бўримат, Бўрикул ва Бўриберди, яъни Бўри инъом қилган яшовчан бола, Бўрий, Бўрихон каби исмлар билан кулоқларига азону такбир айтилган. Гўдак қиз, яъни ҳолва бўлса, Бўригул, Бўрижамол, Бўринисо, Бўрибиби, Бўритожи, Бўрия, Бўрихол ва Бўритош, яъни жони тошдек маҳкам қиз бўлиб вояга етсин»¹, деб ният қилинган.

Чақалоққа бўри сўзи билан боғлиқ исмларнинг қўйилиши худди *бўри тотеми* ҳақида тасаввурлар каби жуда қадимийдир. Бунинг исботи Бўри исмининг қадимий туркий битиклари матнида учрашидир: Бўри, Бўри Темур, Бўритой, Кўлбўри.

Ўрхун-Энасой ёдномалари тилида Бўри, Барс (Йўлбарс), Буға (Буқа), Шубуш (Чибич) каби номлар мавжуд².

Бўри сўзидан ясалган исмлар ўрға аср ва ундан кейинги даврларда битилган асарларда ҳам мавжуд.

Бўри номидан ясалган ёки таркибида бўри сўзи келган исмларнинг барча туркий тиллар антропонимиясида учраши у хайвон тўғрисидаги қадимий туркий халқлар тасавури ва эътиқоди асосининг — генезисининг бири бўлганлигини тасдиқлайди.

¹ *Муҳаммаджонов А.* Келтирилган мақола. 30-бет.

² *Малов С.Е.* Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы: — М.: — Л.: Изд-во, АНССР, 1952. — С. 34—39.

Ҳозирги давр туркий тиллардаги исмларни ўрганган кўпчилик тилшунослар бу тилларда Бўри исмининг мавжудлигини қайд этишган. Чунончи, О. Шайхулов ёзишича, бошқирд ва татар тилларида¹ бу исм мавжуд. Ш. Жапаровнинг маълумот беришича, қирғизлар чақалокни турли хавф ва бало-қазолардан сақламоқчи бўлганида Бўри исмидан фойдаланишган². Т. Жонузоқов қозоқларда ҳайвон номларидан ясалган исмлар кўп учрашини қайд этар экан, бошқа исмлар қаторида Бўрибой, Байбўри исмларини тилга олган³. С. Атаниёзов туркманларда Бўри исми боланинг узоқ умр кўришини тилаш билан боғлиқ деб билади⁴.

Татар тилшуноси Г.Ф. Саттаров тотем маъноли номлар қаторида Бўри исмини тилга олган⁵. А. Идрисов Бўру исмини Бука, Арслон, Йўлбарс, Барс исмлари каби туркий халқларнинг хун даври (III–IV асрлар)га оид ном деб изоҳлайди⁶. Қадимий бошқирд исмларини тадқиқ қилган Т.Х. Кусимова бўри номидан ясалган исмларни қадимий туркий ном деб ҳисоблайди ва Бурбай, Ақбуре, Байбуре исмларини келтиради⁷.

Бўрининг «хосиятли ва муқаддас» ҳайвон эканлиги тўғрисидаги ўтмишда яратилган турли-туман афсона ва ривоятлар туркий халқларда ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Уларда айтилишича, қадимда яшаган туркий халқлар, шунингдек, мўғуллар бўрини муқаддас ҳайвон деб билишган ва уни бизнинг ўтмиш аجدодимиз, ота-боболаримиз, деб тушунишган. Бўри уларнинг назарида кишини барча бахтсизлик ва офатдан сақловчи ҳайвон — кучдир. Шу сабабли ҳам қадимда яшаган турк хоқонлари ўз ҳузурига келган элчиларни қабул қилишдан олдин бўри тасвир этилган байроққа бош эгиб таъзим қилишни талаб этишарди. Бўрини эъзозлаш қадимдан жаҳоннинг бир қатор халқларида учрайди⁸.

¹ Шайхулов О. Келтирилган мақола, 138-бет.

² Жапаров Ш. Келтирилган китоб, 147-бет.

³ Жонузоқов Т. Қазақ исмдерининг тарихи. 33-бет.

⁴ Атаниёзов С. Туркмен адам атларини душунтиришни сўзлуги. — Ашхабад: «Тюркменистан». 1992, 15-бет.

⁵ Саттаров Г.Ф. Татар антропонимикасы. — Қозон, 1990. 15–17-бетлар.

⁶ Идрисов А. Қирғиз тилиндаги исмдар. — Фрунзе: Мэктэб, 1971, 23-бет.

⁷ Кусимова Т.Х. Древнебашкирские антропонимики. АКД. — УФА, 1975. — С. 5–6, 21.

⁸ Зеленин Д.К. Табу слов, — С. 126–128., Чурс Г. Амулеты и талисманы кавказских народов // Сборник материалов для описания племен и местностей Кавказа, вып. 46. — Махачкала, 1929. Успенский Лев. Ты и твоё имя. — Л.: 1962. — С. 401–402.

Масалан, Кавказда яшовчи арман, грузин, абхаз, саван, авар халқлари, шунингдек, руслар, украинлар, руминлар, серблар ва немисларнинг исмлари орасида бўри билан боғлиқ тасаввурлар мотив бўлган исмлар мавжуд: серблар олдинги фарзандлари турмаса, кейингисига Вук (Бўри) деб ном беради. Серб тилидаги Вукас, Вукаслава (Бўри, Бўрисимон) исмлари сеvimли отлар саналади. Ном қўйишда бундай одатга Букавина руминлари ҳам амал қилади. Уларда боласи турмасдан ўлаверган ота-она ўз фарзандига lupul (Бўри), Uzul (Айиқ) исмларидан бирини танлайди. Руслардаги Волк (Бўри), немислардаги Joter Wolf («Қизил бўри»), Адольф – олийжаноб бўри ёки Вольфанг (бўри одими) исмлари ҳам ўшанга ўхшаш номлардир¹.

Бўри тушунчасини англатадиган, бўрининг номидан ясалган исмлар жаҳондаги бир қатор халқлар антропонимиясида мавжуд. Чунончи, адигей тилидаги Тугуз², араб тилидаги Ду`б, Зияб, Зиб³, бурят тилидаги Шоно⁴, грузин тилидаги Мгелика (бўри боласи, бўрича)⁵, қалмиқлардаги Чон⁶, корякларнинг Игиклы исми⁷, осетинларнинг Уархг, Епхи исмлари⁸ бўри маъносини англатади.

Демак, Бўри исмининг берилиши, асосан, учта мақсадни кўзда тутати:

- Фарзандсиз аёлнинг ҳомиладор бўлишига кўмаклашади.
 - Чақалокни турли бало-қазолардан асрайди, боланинг душмани бўлган ёвуз кучларни, хосиятсиз кўзларни чақалокдан узоқлаштиради.
 - Чақалоқ туғилганда унинг организмида кўзга ташланган баъзи нуқсон ва камчиликларни бартараф қилади, болага улар зарар етказмаслигининг олдини олади, деган мақсадни англатади.
- Бўрига сиғиниш билан боғлиқ эътиқодлар аста-секин унутилган, даврлар ўтиши билан у махлуқни кишилар ўзларининг, чорванинг ашаддий душмани деб баҳолайдиган бўлиб қолганлар,

¹ Бегматов Э. Номлар ва одамлар, // «Фан ва турмуш» журнали, 1965. 1-сон. 16–17-бетлар; Ўша муаллиф. Номлар ва одамлар. – Т.: «Фан», 1966. 18–19-бетлар.

² Система личных имен народов мира. – М.: «Наука», 1986. – С. 12.

³ Ўша асар. 50, 55, 57-бетлар.

⁴ Ўша асар. 87-бет.

⁵ Ўша асар. 107-бет.

⁶ Ўша асар. 150-бет.

⁷ Ўша асар. 181-бет.

⁸ Ўша асар. 249-бет.

бирок болага Бўрибой, Бўриой сингари исмларни қўйиш ҳамон давом этиб келмоқда. Бунга сабаб халқ ҳаётига, маънавий қарашлари, урф-одатларига чуқур сингиб кетган тушунчалар, ходисалар, амаллар асрлар давомида унутилмайди. Бу ҳақда туркий халқларнинг ҳикматли гаплари мавжуд, буни Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» асарида келтирган.

Эл (шаҳар) ташланур,

Расми (урф-одат) ташланмас¹.

Яъни: Мамлакатлар йўқ бўлса-да,

Урф-одат йўқолмас², эсга тушади. Мана шу фикрнинг қанчалик тўғрилиги бўри сўзидан ясалган исмларнинг ўзбек антропонимияси тизимида қайд қилинганидек, ўзбек тилида ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам истеъмолда бўлганини тўла тасдиқлайди. Бўри исми ни олган болалар, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари аҳолиси орасида кўпроқ мавжуд.

Этнограф Л.П. Потаповнинг ўтган асрнинг 1928—1930 йиллари мобайнида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан тўплаган материаллари ўзбекларнинг бўри ҳақидаги қадимий тотемистик тасаввурларини белгилашга ва ушбу тасаввурнинг баъзи жойларда ҳозирда ҳам сақланиб турганлигини тасдиқлайди³.

Ҳайвонлар номи билан боғлиқ тотемистик тасаввурлар турк ва ўзбек, мўғул халқлари орасида узоқ вақт сақланиб келди: бурят, ёқут, хакас, качин, олтой, кумук, қозоқ, татар, ғағавуз ва бошқаларда бўри сўзи ва удуми билан боғлиқ исмларнинг мавжудлиги буни исботлайди.

Қадимий турклар бўрини муқаддас ҳайвон, халоскор деб тушунганликлари учун, улар фарзандсиз ёки ҳомиладор аёлни ва чақалоқни турли офатлардан асраш учун бўрининг териси, тиши, туқлари, калла суюгидан ҳар хил усулларда фойдаланишган. Масалан, М. Шамсиевнинг ёзишича, Бўри, Бўринисо исми туғилганда милклари оқариб турган, яъни «*тиш билан туғилган*» деб ҳисобланган чақалоқларга берилади⁴. Д. Абдурахмонов ўз

¹ Кошғарий Маҳмуд. «Девону луғотит-турк», 2-том. — Т.: ЎзФА нашриёти, 171-бет.

² Ўша асар, 2-том. 240-бет.

³ Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков // Краткие сообщения ин-та этнографии, вып. XXX. — М.: Изд-во АН СССР. 1958 — С. 139.

⁴ Шамсиева М. Кишиларга атаб қўйилган номлар // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 4. — Т.: ЎзФА нашриёти, 1962, 457-бет.

вактида ўзбек тилининг Бешкент шеvasи (Қашқадарёнинг Бешкент тумани)да Бўри, Бўрибой, Бойбўри, Бўритош исмлари анча сермахсул эканини қайд этар экан, қуйидагича ёзади: «болани косадаги иссиқ сувда ивигилган бўри оғзи (териси) дан ўтказиб оладилар», «Ва чақалоқни бўрининг оғзидан олиб қолдик, энди умри узоқ бўлади, деган ният билан чақалоққа қиз бўлса — Бўритош, Бўриой, ўғил бўлса Бойбўри, Бўрибой деган ном қўйганлар»¹.

Бўрини муқаддас, қудратли хайвон деб билиш, ўзбек уруғлари орасида кенг тарқалган. Масалан, баъзи худудларда фарзандсизликдан халос бўлиш ниятида, бўрининг латтага ўралган жинсий аъзосини белларига боғлаб юришади, бу одат қашқадарёлик авоғли ўзбекларда учрайди. Шунингдек, уйшун ўзбеклари ҳомиланинг туғилишини осонлаштириш мақсадида ҳомиладор аёлнинг ёстиғи тагига бўри туқларини қўйишса, қанглилар аёл панжасига бўрининг тиши ёки жағини боғлашади. Бундай расм-русумлар андижонликларда ҳам учрайди. Улар ҳомиладор аёл осон қутулиши учун бўрининг қуритилган юрагидан тайёрланган кукунни сувда эритиб, аёлга ичиришади, чақалоқ бешигига эса, бўри жағини илиб қўйишади ва х.к.

Ўзбеклардаги мана шу каби одатлардан бир қатори болага қандай исм танланиши билан ҳам алоқадордир. Масалан, уйшун, найман, юз, қўнғирот ўзбекларида чақалоқни бўри жағидан ўтказиш одати мавжуд. Баъзи жойларда эса болани бўрининг терисига ўрашади ёки ундан ўтказиб оладилар. Бундай удумга сабабчи бўлган чақалоққа Бўрибой, Бўритош, Бўриой, Бойбўри исмларида бири берилади.

Келтирилган расм-русумга амал қилувчи кишилар одатда чақалоқни «Бўри оғзидан олиб қолдик», энди унга «Ўлим яқинлашмайди», «Умри узоқ бўлади» деган эътиқодга таянадилар ва ўзларига тасалли беришади.

Хуллас, Бўрибой, Бўринисо, Бўрибек, Бўрикул, Бўригул, Бўрихол, Бўринисо исмларининг пайдо бўлиши ва болага қўйилиши бежиз эмас.

Даврлар ўтиши билан кишиларнинг бўри ҳақидаги тасаввурлари ўзгарган. Ҳозирда одамлар бўрини чорвага зарар келтира-

¹ Абдурахмонов Д.П. Ном қўйиш // «Фан ва турмуш» 1960, 6-сон, 36-бет.

диган йирткич хайвон сифатида билишади. Туркий халқлардаги бўри ҳақидаги қарашлар ва шунга таянган ҳолда болани номлаш удумлари баъзи миллатларнинг этник маданияти учун кутулмаган ҳол бўлиши мумкин. Қуйида газетада босилган лавҳага эътибор беринг:

Бу ўзимизнинг Бўриой, асли, Англиянинг Бристоль шаҳрида яшовчилар тишли туғилган чақалоқни кўришмаган экан. «Кўйлак»ли, оғзида (ҳатто) олтин қошиқча билан дунёга келган гўдакларни кўрган бристолликлар чақалоқнинг «бўри» бўлиб туғилганидан ёқа ушлаб ўтиришибди. Уни Алишия деб аташди. 21 ёшга кирган Сэлли Кольер қизалоғининг пастки милкидаги 2 та миттигина тишни кўриб қўрқиб кетди.

Докторлар ёш онани «Бу тишлар тез кунда тушади, ўрнига сут тишлар чиқади, ташвишланма» дея тинчлантирган бўлишди. Қаёқда, уч ойдирки, Алишиянинг тишлари бинойидек ўсяпти. Афсуски, қизалоқ атрофдаги товуш, нарсаларни англай олмади. Тиши ғашига тегса керак, зўр бериб қўлчаларини сўради. Баъзан эҳтиётсизлик қилиб, чирқиллаб қолади. «Алишияни овқатлантиришга кўрқаман, тўғри келган нарсани тишлайди, — дейди Сэлли. — Бахтимга уни сунъий боқишга тўғри келяпти». Алишия — Бўриой нақд Европанинг юрагидагиларни ҳайратга солиб, не-не ақл бовар қилмас воқеалардан заррача ажабланмаганларниям шошириб қўйди. «Файритабий бола!» Шундай деб Алишия ҳақида шов-шувлар ёзишяпти. Бизга эса уларнинг оддийгина Бўриой — тишли туғилган болага ажабланишларининг ўзи ҳайратли. Тўғри-да. Билмадик агар бристоллик оилада Суннатилла туғилса, нима қилишаркан¹. Таҳлилларимизнинг ушбу бўлимини «Муштум» журналида босилган битта кулгили, ҳазилнамо сатрлар билан тугаллаймиз: «Колхоз раиси исмингиз Бўривой экан, сизни қўй фермасига мудир қилолмаймиз, деб кулди. Аттанг, исмим Қўзивой бўлганда фермага мудир бўлар эканман» («Муштум» журнали, 1967 йил 16-сон, 15-бет). Бўри ҳақидаги туркий халқлар амал қилган тушунча, тасаввур ва эътиқодларнинг моҳияти эндиликда унутилди, аммо болага бўри мотивли (асосли) исмларни қўйиш ҳамон давом этмоқда. Исмларга хос мўъжизаларнинг бири ҳам шунда!

¹ «Ўзбекистон овози», 1998 йил 21 апрель, 3-бет.

УМИД ВА АРМОН ТУҒДИРГАН ИСМЛАР

Киши атокли отларини, жумладан, исмларини лисоний ва этнографик жихатдан тадқиқ қилишга бағишланган ишларда **истак ифодаловчи исмлар** ёки **исм-истаклар** дейилган тушунча мавжуд ва исмлар мана шу тушунча доирасига кирадиган номлар алоҳида гуруҳга ажратиб таҳлил қилинади. Албатта, бу ўринда ота-онанинг ёки яқин қариндош-уруғларнинг янги туғилган чақалокқа бағишланган тилаклари, истак ва хоҳишлари ифодаланади.

Янги туғилган чақалокқа истаклар, тилаклар кўп қиррали ва хилма-хил эканлиги аниқ. Бу истакларда:

— боланинг турли бало-қазолардан йироқ бўлиб, соғ-саломат улғайиши;

— болани ҳар хил кўнгилсизликлардан, айниқса, ўлимдан ҳимоя қилиш;

— боланинг ақл-хушли инсон бўлиб улғайиши;

— болага узоқ ва бахтли умр тилаш;

— боланинг келажакда ризқ-рўзли, насибали инсон бўлиши;

— боланинг билимдон, доно, маърифатли одам бўлиши;

— боланинг меҳрибон, одамохун, ёқимтой ва дилкаш инсон бўлиши;

— боланинг мард, жасур, шижоатли, бақувват бўлиб улғайиши;

— боланинг чиройли, келишган, жозибали одам бўлиб улғайиши;

— боланинг сахий, саховатли, очиқ кўлли, жўмард бўлиши;

— боланинг бир сўзли, вафодор, садоқатли одам бўлиши;

— боланинг иродали, чидамли, жисмонан бақувват бўлиб улғайиши;

— боланинг омадли, бахтли инсон бўлиши;

— боланинг шодон, бахтиёр, қувноқ шахс бўлиб ўсиши;

— боланинг меҳнаткаш, омилкор, тадбиркор одам бўлиши ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Кўринадикки, падари бузруквору волидаи меҳрибон дунёдаги барча яхшиликлар, фазилату хислатларни ўз фарзандларига иштадаи ва истаклари ижобат бўлишига умид қилишади. Ушбу фазилату истаклар ҳар қандай мукамал комил инсонга хосдир. Шу сабабли бу истакларнинг бирортасидан воз кечиб бўлмайди. Аммо ушбу истаклар орасида ота ва онанинг ўз фарзандининг соғ-саломат ўсиши, бало-қазолардан, айниқса, бевақт

ўлимдан йироқ бўлишини хошлаш орзуси асосий ўрин тутди. Чунки, қолган ҳамма орзу-истаклар мана шу омилга боғлиқ. Бола соғлом ва тирик бўлсагина, қолган орзу ҳамда армонлар болага nasib қилиши мумкин.

Шу сабабли биз ота-оналар томонидан боланинг соғ-саломат бўлиши, бевақт нобуд бўлмасдан улғайишини орзу қилиб бериладиган исмларга тўхталамиз.

Чақалоқ туғилиши билан ота-она чақалоқни биз истаган, умид қилган бола келди, туғилди деб кутиб олишади: Умид, Умида, Умидбека, Умидтурсун (хоҳлаган, орзу қилган), Орзу // Орзи, Орзибек, Орзибиби, Орзиой, Орзинисо // Орзиниса, Орзуманд, Армонбой, Армонгул, Таманно (илтимос, илтижо натижасида бўлган бола), Тантиқ (тилаб олинган), Такдим, Такдима (орзуимизга кўра такдим қилинган, берилган бола), Тилабберди, Тилаган, Тиловбой, Тиловбека, Тиловберган, Тиловмурод, Тиловюз, Тилаболди (тилаб, сўраб олинган бола).

Боланинг соғлом улғайиб, оила аъзолари, ўзидан аввалги болаларга, ота ва онасига кўшилиб, уланиб, эргашиб улғайишини хошлашади: Улан, Улансин, Улаш, Улфат, Чирмал, Чирмаш, Эргаш, Эргашкул, Эргашой, Шерик, Шерикбой, Шерикбўл, Тенглаш, Тиркаш, Тирков, Тирмаш, Эшбек, Эшберди, Эшбола, Эшбўл, Эшбўлди, Эшбўлсин, Эшкул, Эшкелди, Эшмақсад, Эшмурод, Эшомон, Эштўлди, Эшбутун, Эштукқан, Эштўхта, Эштўхтар, Ялғош, Қўлдош, Ҳамдам, Ҳамдамкул, Ҳамро (Йўлдош), Ҳамроҳ, Ҳариф (дўст, улфат), Йўлдош, Йўлдошой, Йўлдошхон, Унсия (ўртоқ, улфат).

Чақалоқнинг эсон-омон улғайишини исташади: Омон, Омонбахт, Омонбека, Омонберди, Омонбону, Боғомон, Омонкелди, Омонгул, Омонжамол, Омонмурод, Омонниёз, Омонтурди, Омонтурсун, Омонкул, Эромон; Эсон, Эсонбўлди, Эсонкелди, Эсонмурод, Эсономон, Эсонпўлат, Эсонтемир, Эсонтош, Эсонтўти, Эсонтўра; Юрсин, Яйрасин, Яшар, Яшнар, Яшнарой, Яшнахон, Хушомон, Избос, Избосар, Қийбосар, Ўтбосар ва бошқалар.

Боланинг соғ-саломат улғайиб, узоқ умр кўришини исташади: Улғай, Улғайсин, Умрзоқ, Умртой, Умринисо, Умрой, Умрхол, Умркул, Умрсуюн, Қолдоим, Жовид, Жовида (умри узоқ), Юзяшар.

Болалари кўпайишини, уй болаларга тўлиб кетишини орзу қилишади: Уйтўл, Уйтўлди, Уйтўлар, Уйтўла, Уйтўлсин ва х.к.

Янги чакалоқнинг олдинги вафот этган болаларига ўхшаслигини, унинг яшаб кетиши, ўлимдан холи бўлишини истади: Ўлмасой, Бутунбой, Бўлак, Бўлакберди, Бектур, Товон, Товонтурди, Товонкул (аввалги турмаган болалар эвазига берилган), Тугал, Тугалбой, Тукал (тугал-гўлиқ қилиб берилган, умри узок бола), Туроқ, Турғун (собит), Турди, Турдибека, Турдини-со, Турдинос, Турдипўлат, Турдитош, Турғон (турадиган, яшайдиган бола), Турғонбек, Тўхтасин, Тўхтаҳон, Янгибой, Янгибола, Янгиберди, Янгигул, Яхшимурод, Қоим (турғун, собит) каби.

Янги туғилган бола олдинги туғилган болалардан фаркли равишда мустаҳкам иродали, чидамли, ёвуз кучларга бас кела оладиган чакалоқ деб умид қилишади: Фотик (шифо топувчи), Ҳазора (турғун, собит), Беркбой, Бердитош, Енгади, Енгилмас (касалга бардошли), Ёвқочар, Ёвқочди, Ёвқоч (ёвуз кучлар кочади, чўчийди), Истода (турғун, саботли), Муқаррар (турғун), Ойбўлак (бу бошқа қиз), Маҳкам, Маҳкамой, Маҳкамтош, Ра-сих (мустаҳкам), Ратиба, Садид, Садида (собит, мустаҳкам), Пухта, Пухтапўлат, Салим, Салима (соғлом), Саина (маҳкам), Собит, Собита, Собиттурғун (мустаҳкам), Субутой (барқарор), Таслим, Таслима, Таслимой, Таслимкул (хавф-хатар чекинади, чекинди), Чайр (маҳкам), Қайрағоч (қайрағочдек мустаҳкам), Ханифа (мустаҳкам), Ходисо (бошқа, ўзга қиз) каби.

Ота-оналар олдинги фарзандлари турмай ўлаверган бўлса, янги туғилган чакалоқни қандайдир илоҳий, диний, табиий нар-салар томонидан ҳимоя остига олинган деб ҳисоблашади ва бу боланинг яшаб кетишига умид қилишади: Жавдад, Мурувват (ҳимоя остига олинган), Изолат (ҳимоя қилинган), Имин (хавф-сиз), Кафила, Кафолат (яшаб кетиши кафолатланган), Кўкан, Кўканой (кўканга боғлаб қўйилган, ўлмайдиган), Кўсак (тушов-ланган), Махфия (яширин, пинҳон), Махруз (ҳимояга олинган), Мусаттар (яширин, пинҳон), Нўхта (нўхталаб қўйилган), Осим, Осима (қўриқланган), Сақлаған, Сирбай (махфий тутилувчи), Фония (яширин), Хофият (сирли, яширин), Ҳимоят (муҳофаза қилинган), Ҳисор, Ҳисора (қўрғондек мустаҳкам, ҳимояланган), Ҳолия (қўриқланган) ва бошқалар.

Кишилар чакалоқ омадли, яхши хулқли, қувонч олиб келадиган бола бўлсин деб, унга қўйиладиган исмларга алоҳида эътибор қаратишади: Хушқадам, Хушкелди, Хушвақт, Хушмурод, Хушназар, Хушниёз, Хушомон, Хушсоат, Хушқадам ва х.к.

Бола аввалги турмаган болалар ўрнига ато этилган, улар ўрнини тўлдириш учун тўланган чақалок, ўшалар ўрнини ёки вафот этган отаси ё онаси ўрнини босади, дея умид қилишади: Ўринбой, Ўринбадал, Ўринбосар, Ўрингул, Ўриной, Ўринмурод, Ўташ, Ўтаб, Ўтабберган; Тўлабберган, Тўлабберди, Тўламиш, Тўлак, Тўланди, Тўлов, Эваз, Халаф (ўринбосар), Халифа (ўринбосар, ёрдамчи), Қайтиш, Қайтган, Қайтим (аввалги болалар ўрнига қайтариб берган).

Аллоҳдан сўраб, илтижо қилиб эришган бу боламиз нобуд бўлмайди, яшаб кетади, дея ният қилишади: Ёрлақаб — Ёрлақоб, Ёрлақабберди, Илтифот, Иноят (хайрихоҳлик, эҳсон), Эсиргаб (п), Эсиргади, Эсиргап (Аллоҳ шафқат қилиб берган бола), Қўсамиш (кутиб юриб эришилган бола).

Ота-она боламиз бизга овунч бўлиб улғаяди, дея орзу қилишади: Овунч, Овунчи, Эрмак, Эрмакчи ва х.к.

Бола эсон-омон улғайиб бизга кўмакчи, суянчиқ, ёрдамчи бўлади, дея умид қилишади: Имдод (кўмак), Имод (таянч, кўмакчи), Кўмак, Кўмакберди, Кўмакмурод, Муъин (суянч, кўмак), Ноиб (кўмакчи), Носир (ёрдамчи), Рафид, Рафида (кўмакчи), Суянч, Суянчиқ, Таянч, Тирак, Тирсак (суянчиқ), Тўйтирак, Қирноқ (хизматчи, ёрдамчи), Қўштирак, Фиёс, Фиёсберди, Фиёскелди, Фиёстурди, Фиёсхон (кўмакдош) каби.

Болани ҳалок қилувчи ёвуз кучлар энди чақалокни тинч қўяр, уни эсламас дея умид қилишади: Зормас, Эсламас, Истамас, Қўйсин, Қўйсинтош, Қўшар, Қўшқин (уйдагилар сафига қўшилар), Ўнғар, Ўнғарсин каби.

ИЛАШЖОНГА ИЛҲАҚ УМИДЛАР

Ўзбек исмларининг бой ва серқирра материалларини кўп йиллар мобайнида тўплаш ва кузатиш шундан дарак берадики, ҳар қандай исм замирида ота-оналарнинг болага бўлган муайян истақлари, фарзандига ниятлари, армон ва орзулари ётади.

Исмларнинг танланиши болага ном қилиб, кўриб ўтганимиздек, берилишида ота-она эндигина дунёга келган норасиданинг турли касалликларга чалинмаслигини, соғ-омон улғайишини, ақлли, доно, меҳрибон, саховатли, жасур, мард, меҳнаткаш бўлиб ўсишини, келажаги, иқболи порлоқ, бой-бадавлат бўлишини чин дилдан исташади.

Ушбу тилакларнинг барчаси ота-онанинг болага бўлган тилаги, истагидир. Улар болага муносиб исм танланса, бу исм боланинг тақдирига таъсир ўтказди, исмда ифодаланган тушунча, хошиш ижобат бўлади, деб ишонишади. Бундай эътиқод сўз, помнинг сеҳрли (магиявий) кучига ишонишдан иборат жуда қадимий удум, тасаввурдир.

Бола сурункали касал бўлаверса, унинг исмини алмаштириш, чақалоқ исмини бегона одамлардан сир тутиш, болага мархум аجدод номи берилган бўлса, уни бу исмни айтиб чакирмаслик (табу — ман этиш), боласи турмай ўлаверса, кейинги болага эътиборсиз, маъноси эриш туйиладиган, хунук исмлар бериш, боланинг соғ улғайишига мадад бўлишини истаб Аллоҳга исм орқали илтижолар қилиш исмнинг сеҳрли кучига, унинг бола тақдирига ижобий таъсир этишига ишонишнинг ёрқин кўринишларидир. Аммо боланинг туғилиши, соғ-омон бўлиши ва бехатар улғайиши, айниқса, ўтмишда осон кечган эмас.

Оғир ижтимоий шароит, қишлоқнинг гигиеник талаби даражасида эмаслиги, тиббий хизматнинг йўқлиги, баъзи шахслар, объектларга кўр-кўрона сиғишиш, буни ягона чора деб билиш кўпгина чақалоқларнинг ҳаётдан бевакт кўз юмишига сабабчи бўлган. Ҳозирда қариялар, момоларнинг айтишича, баъзи оилалар 3—5, ҳатто, 8—9 тагача фарзандларини фарёд билан ерга қўйишган. Бундай оилалар навбатда туғилган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тинимсиз чора ахтаришган, баъзи удумлар, расм-русумларни амалга ошириб, ўзларига тасалли беришган. Мана шундай ҳолларда баъзан ўлмай яшаб кетган болани ўша удум, чоранинг самараси деб тушунишган. Аммо бундай ҳоллар кам бўлган.

Боланинг соғлом бўлиб ўсиши ва улғайишида унга қўйилаётган исмнинг аҳамияти муҳим деб билиш жуда кўхна эътиқоддир. Шу сабабли ўзбек исмларининг танланиши ва берилиши мотивлари кузатилса, деярли барча исмларда чақалоққа изхор қилинаётган тилаклар мужассам экани англашилади.

Бу каби истаклар орасида навбатда дунёга келган боланинг оиладаги аввалги болалар қаторига қўшилиб кетиши, соғ-омон улғайишини тилаш алоҳида ўрин тутади.

Биз ҳозирга қадар тўплаган исмлар орасида 40 дан ортик исмда мана шу истак ўз ифодасини топган. Ушбу исмларнинг барчасида янги туғилган боланинг оиладаги аввалги болаларга, оиланинг бошқа аъзоларига қўшилиб кетиши ва соғ улғайишини

орзу қилиш истаги ётади. Аммо мана шу асосий мотив (асос, сабаб) ушбу гуруҳга берилувчи ҳар бир исмда ўзига хос тарзда, исмга асос бўлган лексеманинг бирор схемасига боғланган ҳолда изхор қилинади. Қуйида ушбу исмларни келтирамиз:

Бирлаш — боланинг оиладаги бошқа фарзандларга қўшилиб, бирлашиб кетсин;

Қўшилбек, Қўшжон, Қўштой — мотивига кўра Бирлаш исмига яқин туради. Бу исмнинг Қўшар — Аллоҳ ушбу болани аввалгилар сафига қўшар маъносида, Қўшжон, Қўшим, Қўшмат — асли Қўшмуҳаммад, Қўшниёз илтижолар қилиб эришилган бола катталар қаторига қўшилсин. Қўшпўлат боланинг ҳаёти пўлатдан мустаҳкам бўлиб, оиладагилар сафига қўшилсин;

Ёндош — оиладаги болалар билан қўшилиб, ёнма-ён юрсин, соғ ўссин, Ёндош, Ёндошали, Ёндошмирза;

Йўлдош — оиладаги болаларга шерик, ҳамдам, ҳамроҳ бўлиб ўссин каби истаклар мужассам. Шерик, Ҳамроҳ, Ҳамдам исмлари ҳам мана шу маънода. Қарноклик Шарбон (Шахрибону) опа шундай ҳикоя қилади: вафот этган ўғлимнинг исми Миролим эди. Янги туғилган неварамни унинг руҳи шод бўлиши учун Миролим деб атадик. Лекин ўғлим Тўхтасин йиғлаб туриб олди: «Менга шерик бўлади, отини Шерикбой қўяй», деди. Кейин барчамиз майли Шерикбой бўлсин дедик (1965 йилги суҳбатдан).

Таҳлил этилаётган мотив (асос) билан боғлиқ шундай исмлар ҳам борки, уларда боланинг соғ бўлиб, оила аъзолари қаторига қўшилишини ишанишнинг турли усуллари ифодаланади:

Улан, Улансин — ўзидан олдинги ака-укаларига боғланиб, улашиб ўссин: Улан, Улансин, Улаш, Улашмирза;

Тиркаш — истагимиз ижобат бўлиб, бола аввалги болаларга тиркалиб кетсин;

Илаш, Илашсин, Чирмаш — бола аввалги болаларга болаларнинг кетидан боғланиб юрсин, уларнинг этагига илашиб, чирмашиб ўссин: Илаш, Илашхон, Илашкул;

Эргаш — бола ака ва опаларининг орқасидан, изидан борсин, уларга эргашиб юрсин: Эргаш, Эргашади, Эргашгул, Эргашой, Эргашқўзи;

Қурдош — бола бошқа қариндошларининг болаларига тенгдош, тенгқур бўлиб ўссин каби.

Ёлғош — лахжавий исм бўлиб мотиви Улан, Улансин исмларига яқин туради. Исмнинг қипчоқ шеvasида Жалғаш, Жалғасин шакли ҳам мавжуд.

Эш, Эшбўл, Эшбўлсин, Эшомон, Эштурсин, Эштурди, Эштўхта. Эш қадимий туркий сўз бўлиб, 40 дан ортиқ ўзбек исмлари таркибида келади ва «ўртоқ», «хамдам, «дўст», «йўлдош», «шерик» маъноларини ифода қилади.

Эш компонентли исмлар боланинг оиладаги болаларга, қариндошларнинг болаларига «хамдам, йўлдош» бўлиб ўсиши билан боғлиқ тилакни англатади: Эшбўлсин, Эшбўта, Эшгул, Эшпийёз, Эшнор, Эшноз;

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган ёр лексемаси (дўст, хамроҳ, йўлдош) билан боғлиқ номлар: Ёрбек, Ёрбой, Ёркул, Ёрсайд, Ёргул.

Жўра — ўртоқ, хамдам, хамроҳ: шакллари Жўрагул, Жўражон, Жўратой, Жўратурди, Жўракул, Жўрақўзи.

Биродар — дўст, ўртоқ, эш: Дўстберди, Дўстбўл, Дўстдор, Дўстёр, Дўсткелди, Дўстқобил, Дўстқул.

Араб тилидан кириб келган исмлар:

Анис, Аниса (қизлар исми) — оиладаги болаларга яқин дўст, хамдам, ҳамсухбат;

Жолис — дўст, улфат, фикрдош;

Муҳиб, Муҳиба (қиз бола) — суюкли, меҳрибон дўст, йўлдош;

Ҳабиб, Ҳабиба (қиз) — аввалги болаларга суюкли ўртоқ;

Нодим, Нодима (қизбола) — оиладаги болаларга ҳамсухбат, хамдам;

Унсия (қиз бола) — оила аъзоларига улфат, садоқатли, меҳрибон, хамдам;

Ҳариф — аввалги болаларга шерик, улфат.

Келтирилган исмларнинг берилиш мотивларидан кўринадики, ота-оналар ўзларининг эзгу тилаklarини ифода этадиган исмларни танлар эканлар, ўзларининг истак ва орзулари амалга ошиб, фарзандлари соғ-омон улғаяди, деб умид қиладилар.

Ўзбекларда «Болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор» деган ҳикматли гап бор. Ҳа, ўзбек халқи қадимдан болажон халқ. «Ўнта бўлса, ўрни бошқа» деган гап ҳам шундан қолган. Юқорида биз таҳлил қилган исмларни қўйишдан асосий мақсад оилада болаларнинг кўпайиши, бир-бирини суяб улғайишга қаратилган.

Ўзбек тилидаги келтирилган исмларнинг ҳар бири бу орзу-истакни ўзига хос ифодаласа, шундай исмлар ҳам борки, уларда асосий муддао умумлаштирилиб, лўнда изҳор қилинади.

Бундай номлардан 2 тасини келтирамиз; «Кўпайсин» — ота-она ўз фарзандларининг кўпайиши, барчаси соғ бўлиб ўсиб-унишини истайди. Ушбу исм турли шаклларга эга: Кўпай, Кўпайжон, Кўпайхон, Кўпаймирзо, Кўпайнисо, Кўпайхол, Кўпайқул.

Албатта, болалар кўпайса, хонадон болаларга тўлади. Мана шу тушунча Уйтўл, Уйтўла, Уйтўлди, Уйтўлсин исмларида акс этади.

ЖАСУР ВА ЖАСУРА

Инсон дунёга келибдики, у ярим ёввойи ҳолда яшаганда ҳам, жамоа бўлиб, уруғ ва қабила бўлиб бирлашганда ҳам, кейинчалик элат, халқ, миллат бўлиб шаклланганда ҳам уни ўлимга олиб келувчи фожиани бошидан кечирган ва унга муттасил чора излаб, курашиб, ўз жонини фидо қилиб келган. Одамлар жуда қадимдан, оддий жамоа бўлиб яшаган даврларда нафақат табиат офатларини, балки жамоаларнинг ўзаро курашини бошидан кечирган. Ҳар бир уруғ, қабила ўзи яшаётган ҳудудни қатъий, қон ва жони билан ҳимоя қилган. «Ватан», «она Ер» деган тушунчалар ана шу даврда юзага келган бўлиши керак. Чунки ўз юрти, қабиласини ҳимоя қилиб, ўз умрини шу йўлга бағишлаган Широқ, Тўмарис ҳақидаги афсонавий ҳикоялар мана шундан дарак беради.

Ижтимоий ҳаёт, тарихий ривожланиш босқичлари шунга олиб келганки, маҳаллий элат ва халқлар ўзаро доимо адоватда яшагани етмаганидек, қўшни давлатлар тожу тахт ва ҳудуд учун ўзаро шафқатсиз кураш олиб боришган. Бу аёвсиз курашларда ғолиб чиққан томон бутун бир қишлоқ, шаҳар аҳолисини тамоман қириб ташлаган. Мана шундай қирғин-баротда мўъжиза юз бериб, омон қолган гўдақдан кейинчалик пайдо бўлган баъзи уруғ, қабила, элатлар ҳақидаги афсоналар мавжудлиги буни исботлайди.

Ўзаро урушлар кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даражада фожиали бўлган. Минглаб асирлар ўзга юртга ҳайдаб кетилган. Жисмонан ожиз ва қари-қартанглар қиличдан ўтказилган. Босқинчилар шу даражага бориб етганки, одамларнинг терисини тириклайин шилиб, одам танасини тириклайин иккига бўлишган, ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, ҳомиласини олиб ўлдиришган, ваҳшийлик шу даражага бориб етганки, гўдакларнинг кўкрагини

ёриб, юрагини суғуриб олишган. Ўз душманининг бош суягини қадах қилиб, ундан май ичган ҳукмдорлар ҳам бўлган.

Душманнинг мана шундай чексиз ҳайвоний лазатланиши деярли юз берган барча урушларнинг «ғолиблик» шиорига айланган. Оддий халқ урушлардан чексиз моддий, руҳий, маданий-маънавий зарар кўрган. Хўжалик издан чиққан, кўплаб одамлар руҳий тушқунлик касаллигига дучор бўлган. Халқ асрлар давомида тиклаган меъморий обидалар вайрон қилинган. Қимматли китоблар ёндирилган, кўплаб одамлар ватангадо бўлиб, ўзга юртларда саргардон умр кечирган.

Биз юқорида келтирган барча фожиалар ҳақиқат ва у ўтмиш битикларида бизгача етиб келган.

Халқ бу фожиалардан қутулиш йўлини доим ахтарган. Албатта, урушда ғолиб келиш учун, энг аввало, ҳарбий салоҳият, ҳарбий куч лозим бўлган. Маълумки, ушбу қудратни одамлар (навкарлар) ташкил қилади.

Халқ ўз юртини босқинчилардан ҳимоя қилиш шу юртда яшовчи ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи деб билган. Халқ ватанни ҳимоя қилиш шунчаки истак, даъват билан амалга ошмаслигини яхши тушунган. Шу сабабли ҳам ҳар бир ота-она ўз боласини она юрт ҳимоясига тайёр турувчи, мард, жасур ўғлон бўлиб улғайишини орзу қилган. Ушбу тушунча халқ маънавияти миллий менталитетини ифода этувчи асосий шартга айланган. У халқ онгида жуда қадим замонларда шаклланган тушунча бўлиб, тилимизда Булға (ДЛС 123), Буға, Эрбуға (ДТС 121), Арслон, Барс (йўлбарс, ДТС 85), Бек Арслон (ДТС 91), Бойбўри (ДТС 89), Бўри (ДТС 118), Чағри – лочин (ДТС 136), Чигил (қалъа, кўрғондек маҳкам, ДТС 145), Ёран (эр, довюрак, ДТС 176), Эсон (соғлом, нуксонсиз, ДТС 183), Илбиз (арслон, ДТС 211), Кед (маҳкам, қудратли, ДТС 292), Лочин (кучли, зийрак, ДТС 332 ва б.), Ўғлон, Ботир, Баҳодир, Эран каби исмларда ўз аксини топган.

Эл-юрт ҳимояси, юртдошларини турли офатлардан ҳимоя қилиш энг асосий ҳал қилувчи муаммога айлана борган. Бу – халқимизнинг ўтмишда яратган «Алпомиш», «Равшан», «Гўрўғли» каби эртақ ва дostonларида, афсоналарида ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳам халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш дostonларнинг кўпини фольклоршуносликда «Қаҳрамонлик дostonлари» деб юритишади. Ушбу дostonларнинг асосий мазмуни (мотиви)ни она юрт ҳимояси ва қаҳрамонлик ташкил қилади.

Жасурлик, ботирлик ўғил боланинг асосий хислатларидан бири бўлиши қадимий туркий аждодларимиз қарашларида ўз ифодасини топган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, туркийлар болага икки марта исм қўйишган: Биринчиси — гўдаклик пайтида, иккинчиси — ўсмирлик (йигитлик) пайтида. Бола иккинчи исмга сазовор бўлиши учун жангда, албатта, қандайдир жасурлик, қахрамонлик кўрсатиши лозим бўлган, шундагина уни иккинчи исми олишга муносиб деб топишган.

Демак, болага исм танланганда унинг жасур, мард, ботир бўлиб улғайишини исташ қадимий ва асосий мотивлардан бўлган. Болага мана шу мотивга мос исм танлаш авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган. Қуйида биз уларни маъно-мотивига кўра маълум гуруҳларга ажратган ҳолда келтирамыз:

1. Исм бевосита мардлик, жасурлик тушунчасини ифода этувчи сўзларга нисбат бериш орқали ясалади: Ботир, Баҳодир, Бойботир, Ботиркелди, Ботирпўлат (довюрак бола, пўлатдек мустаҳкам бўлсин), Гижир (мард, довюрак), Бўкай (қадимий туркий ботир, қахрамон), Тошботир, Холботир (хол билан туғилган довюрак бола), Шоввоз (азамат, жасур), Шижоат (қўрқмас, шиддатли), Элботир (элнинг жасур фарзанди), Элбой (жасур бола), Элбуға (довюрак, баҳодир), Элбўл, Элбўлсин, Элийгит (мард, жасур бола бўлиб ўссин), Эржума (жума кунини туғилган довюрак бола), Ўғлон (қадимий туркий: мард, баҳодир), Қарбуға (енгилмас қахрамон), Қора, Қорахон, Қораўғлон (қора сўзининг маъноси қадимий туркий тилда: кучли, қудратли), Қурбек (жасур), Ғўч, Ғўччи (наследор кўчкордек бақувват) ва бошқалар.

Ғўч, Ғўччи исми одамга хос жасурлик, мардлик фольклорда ҳам мадҳ қилинади. Масалан: Хидир Бахши ёзади:

*Ғўз қўзидан дўнон қўзи гўч бўлур,
Ғўч йигитдан гўччоқ дўғар султоним.*

(Хидир Бахши. Хоразм дostonлари).

2. Бола жисмонан кучли, бақувват бўлишига истақ билдириб, шунга мос исм танланади. Аввало, бевосита ушбу тушунчаларни англатувчи исмларни келтирамыз: Миқли, (кучли, забардаст), Кучбек, Кучберди, Кучботир, Кучкелди, Кучтилак, Кучқувват, Кучназар, Паҳлавон, Ёвдил (довюрак), Серкабой (серкадек

кучли), Наймий (жасур, кўркмас) ва х.к. Хоразм фольклори тўпламида Наймий хақида қуйидагилар ёзилган: «Ҳасанхон урушни кўп кўрган Наймий эди».

3. Ҳозирги давр ўзбек исмларининг маълум қисмини ёввойи ҳайвонлар, қушлар номига нисбат бериб ясалган номлар ташкил қилади. Бу исмларнинг ҳам асосий мотивини боланинг жасур, довюрак, баҳодир, қудратли бўлиб ўсишини иташ, орзу қилиш тушунча ва тасаввурлари ташкил қилади. Чунончи: Арслон, Арслонбек, Арслонкул, Йўлбарс, Шербола, Шербек, Шергул, Шердил, Қоплон, Қоплонбек, Қоплонмирза. Келтирилган ҳайвонлар қадимда тотем бўлган, кишилар уларни эъзозлаб сифинишган. Бу исмларнинг генезиси, асли пайдо бўлиши ўша тасаввурларга бориб тақалса-да, эндиликда бу тасаввурларнинг баъзи қолдиқлари сақланиб қолган. Эндиликда бу ҳайвонларга хос қудратлилик, кучлилик хусусиятларини ифода этувчи сўз маъноси болага исм сифатида танлашга асос бўлган.

Ушбу фикримиз қадимий турклар тотем деб қадрлаган қушлар учун ҳам тегишлидир. Қушлар номига нисбат берилган исмларнинг болага қўйилиши анъана тусига кирган удумлар билан боғлиқ. Чунки бир қатор қушлар номи қадимги сўзлардан ҳосил қилингани ва уларнинг ҳозирги исмлар орасида учраши бунга далил бўла олади: Тўғон, Тўғонтуғди, Тўғонча, (тўғондек довюрак бўлсин), Уқоб (айнан: бургут; бургутдек зийрак бўлсин), Шаҳбоз (шунқор: шунқордек сезгир бўлсин), Шахин, Шахина (лочин: лочиндек абжир бўлсин), Шунқор (шунқордек чакқон, зийрак бўлсин), Қарчиғай (қарчиғайдек шижоатли бўлсин).

Юқорида тилга олинган исмларнинг баъзилари ўғил болага берилган унвонлар, мансаб ва лақаблар номини ҳам англатади. Чунки Л.Н. Гумилевнинг қайд этишича, туркийлар фарзанди эр етгач, у унвонли бўлган, агар у хон бўлса, унинг унвони поғонали улуш тизимига уйғун равишда ўзгариб борган¹.

В.И. Вербицкийнинг ёзишича, қадимий турклар бола туғилиши билан исм қўймаган. У исмланиши учун улғайиб, бирор жасурлик, қахрамонлик кўрсатиши шарт бўлган².

Қирғиз олими А. Идрисов бунга дадил қилиб Қўрқут бобонинг ўғлига исм беришини келтирган. Унга кўра, 15 ёшга тўлган

¹ Гумилев Л.Н. Қадимий турклар, 100—101-бетлар.

² Вербицкий В.И. Алтайские инородии. — М.: 1893. — С. 143.

Бамси ўғуз элига қайтиб келаётган савдогарларни ғайридиплар қўлидан қутқариб қолади ва жасурлик кўрсатади. Ушбу муносабат билан Қўрқут бобо элига тўй беради ва ўғлига Бемси — Бейрек (бўз айғир эгаси) исмини беради ва «исмини мен бердим, умрини Худо берсин» дейди¹.

ҚИЗЛАР ҚИСМАТИ ВА ИСМЛАР ХИЗМАТИ

Бизни ўраб турган бу кўхна олам табиатнинг мислсиз ва тенгсиз мўъжизаларига бой. Мана шулардан бири — жамики тирик мавжудотнинг яратилишида икки жинсга тааллуқли бўлишидир. Улар эркаклар жинси ва аёллар жинсидир. Мана шу икки жинсга жамиятнинг муносабати қадимдан турлича бўлиб келган ва сиру синоатларга ғоятда бойдир. Мана шу мўъжизалардан бири — ушбу икки жинснинг дунёга келишига муносабатнинг баъзи қирралари болага бериладиган исмларда ўз ифодасини топган ва исмлар маъносида, болани номлаш одатлари расм-русумлари мазмунида асрлардан-асрларга ўтиб ҳозиргача етиб келган.

Жаҳондаги кўпгина халқлар ономастика фондида шундай исмлар ҳам учрайдики, у номларда дунёга келган чақалоқнинг қайси жинсга мансублигига қараб, исм берувчиларнинг муносабати ифодаланган. Эндигина ёруғ дунёни кўрган чақалоқнинг ўғилми ёки қиз экани, унга исм танлаш ва бериш жараёнига таъсирини ўтказган. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, қуйида шулар ҳақида мухтасар фикр юритамиз.

Тарихий манбаларда қайд қилинишича, қадимий туркий халқларда қиз боланинг туғилиши ҳеч ҳам камситилмаган, худди ўғил боланинг таваллудидек қадрланган. Умуман, аёлнинг кундалик турмушдаги, ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақида кўпгина афсоналар, ривоят ва эртақлар, мифлар, мемуарлар, археологик ёдгорликлар, йилномаларда кўпгина маълумотлар сақланиб қолган. Уларда аёл табиатининг турли мўъжиза ва хусусиятлари вужудга келтирилган илоҳий куч сифатида тасвирланади ҳамда бунёдкорлик, гўзаллик, барака ва мўл-қўллик раҳнамози деб таърифланади².

¹ Идрисов А. Кыргыз тилиндеге ысымдар. — Фрунзе; «Мектеп», 1971. 26-бет.

² Мифологический словарь. Издание 3, Дополнение. — М.: «Просвещение». 1965.

Туркий халқларда осмон ва ердаги турли ижобий ва салбий ҳодисаларга аёл сабабчи деб ҳисобланади. Аёлни ажина, алвас-ти (олмос хотин), Анбарона, Асил, Бибисешанба, Қирққиз деб аташади¹.

Қадимги туркий аёллар жасур, довжорак бўлишган. Улар оила, ўчоқ, оловнинг эгаси ва она бўлиш билан бирга, учкур отлар устида эркаклар каби моҳир суворий жангчи бўлишган ҳамда чет эл босқинчларига қирон келтиришган. Масалан, массагетлар юртига бостириб кирган Ахоманийлар шоҳи Кир-II нинг устидан ғолиб келган қаҳрамон аёл Тўмарисни ёки қалмоқларнинг «пахлавонлари» курагини ерга теккизган Барчинойни хотирланг. Ўзбек эртак ва афсоналаридаги кураш, олишувларда ғолиб чиққан аёлларни эсга олинг. Ошиқ йигитларга мардлик кўрсатиш шартларини қўйган соҳибжамол қизлар, қирққизлар-чи? Аёллар шоҳлар, амиру хонларнинг, қўпгина ҳукмдорларнинг, оилада эрининг яқин маслаҳатчиси, кўмакдоши бўлган. Аёллар керак бўлса, ҳукмдорларни тахтдан ағдарган, баъзан уларни тахтга эриштирган зотлардир! Аёлларнинг уддабуронлиги, моҳирлигига кўп холларда эркаклар тан беришган. Ўз турмуш ўртоғини, севган йигитини, ўғлини оқ йўл ва зафарлар тилаб жангларга отлантирган, унга мадад ва омад тилаган ҳам аёлдир!

Ўтмиш аждодларимизнинг аёлларга муносабати доимо юксак бўлган ва бу тарихий йилномаларда ўз аксини топган. Бу ўринда Насимхон Раҳмоннинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: «Аёлларга нисбатан ҳурмат жуда баланд эди. Ўғил уйга кирганда, аввало онасига, кейин отасига таъзим қилган. Табарийнинг ёзишича, аёлларнинг мавқеи шунчалик бўлганки, туркийлар ҳамма нарсага хотини орқали эришган. Ўзини она уруғидан ҳисоблаганлар катта ҳурматга сазовор эди. Қонун аёлларни қаттиқ ҳимоялаган. Агар бирор эркак аёлнинг номусига тегса, эркак ўлимга маҳкум этилган ёки ўша эркак номуси поймол қилинган аёлга уйланиши шарт эди.

Бу турк хоқонлиги давридаги қонун-қоидалар. Хоқонлик ташкил бўлгунга қадар манзара бошқача эди. Жангда ғолиб чиққан томон, айниқса, аёлларни кўпроқ қул қилиб олиб кетар ва бу одат кенг тарқалган эди. Гарчи қул бўлса ҳам аёллардан оғир

¹ Женщины в мифах и легендах. Автор составитель *О.П. Валянская*. — Т.: ГРЭ., 1992. — С. 15—22, 26, 43.

ишларда фойдаланиш қатъий ман этилган. Аёлларга мос бичиш-тикиш, тўқиш ишларида фойдаланилган. Қул, у эркакми, аёлми — барибир, агар у майиб-мажруҳ бўлмаса ва имкониятини қилса, қочиб кетаверган. Қочганда ҳам айнан хўжайиннинг отида қочиб кетган. Қочиб кетган қул таъқиб қилинмаган. Қул тушунчаси умуман йўқ эди»¹.

Тарихий манбаларда бизгача етиб келган антропонимия материаллари шуни кўрсатадики, умуман туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ўрта асрлар ва ундан кейин ҳам қизлик бўлиш оилада қувонч билан кутиб олинган, уларга муносиб, чиройли, мазмунли исмлар берилган. Масалан, бу удум тарихий манбалардан олинган қуйидаги аёллар исмида равшан кўринади: Эл Қутлуғ, Қутлуғ хотин, Менглиқош, Менглихон, Ўлжатай, Тўғон Чечак, Ширин, Эгачи, Эсон², Ойтуғмиш, Олтун, Олтун хотун, Юлдуз³, Гавҳар, Кумуш, Оққуш, Оксўнкур, Ойтуғди, Ойтуғмиш, Гулчечак, Бинафша, Ойгина, Навбахор, Гулбахор, Марварид⁴, Кумуш⁵, Оқча, Ойсулув, Инжу, Гулчечак, Оққуш, Қутлуғбека⁶, Ошиқтой, Ошиқтой хотин, Билгахотин, Дургагин, Инжу хотин, Қутли хотин, Ширин оқо⁷, Дилхох, Менгчехра, Нобод хотин⁸, Орзу хотин, Бибисаодат, Гулбахт, Гулшакар, Гулнор, Кимё хотин, Нигорбека, Меҳрсултон хотин, Тоҳирасултонбегим, Ширин хотун⁹.

Қиз болага азиз фарзанд сифатида ижобий муносабатда бўлиш унинг дунёга келишидан қувончларга тўлиш, шунга кўра унга муносиб исмлар танлашга ҳаракат қилиш ўзбек тилида ўз ифодасини топган. Ўзбеклар қизларни улуғловчи, уларнинг ижобий ҳислатларини тавсифловчи гўзал исмларни танлашган¹⁰. Мана бу

¹ *Насимхон Раҳмон*. Турк хоқонлиги. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 50-бет.

² *Рашид-ад-дин*. Сборник летописей. Том III. — С. 125–210.

³ Ўша асар, 1-том. — М—Л.: 1952, 63–756-бетлар.

⁴ *Юнусов А.* Таржимон XIV аср ёзма обидаси. — Т.: «Фан», 1980. 82–84-бетлар.

⁵ *Маҳмуд Кошгарий*. Девону луғотит-турк. Индекс. 150-бет.

⁶ *Қуришжонов А.К.* Исследование по лексике «Турко-арабского словаря». — Алма-ата. 1970. — С. 164–165.

⁷ *Рашид-ад-дин*. 1-том. 92, 98, 164-бетлар.

⁸ *Чехович О.Д.* Бухоро ҳужжатлари. XIV аср. — Т.: «Фан», 1965. 7–12-бетлар.

⁹ *Чехович О.Д.* Самаркандские документы 15–16 вв. — М.: 1974.

¹⁰ *Бегматов Э.* Ўзи ҳам, исми ҳам гўзал // «Соғлом авлод учун» журнали. 3-сон. 2011.

исмларда ҳам ўзбекларнинг қиз болани қанчалик қадрлашгани ва унга бериладиган исмлар орқали англатишга ҳаракат қилишгани ўз исботини топади: Шодия, Суюма, Давлатой, Унсун, Тансиқа, Жасура, Олима, Муқаддас, Муниса, Мушфиқа, Меҳрибон, Меҳриой, Дилбар ва бошқалар.

Қиз боланинг туғилишига мана шундай ижобий муносабат ва унинг исмларда ифодаланиши барча туркий халқларда ҳам учрайди.

Бошқирд исмлари тадқиқотчиси Т. Кусимова қадимий бошқирд исмлари ҳақида фикр юритар экан, қизларга берилган Арслонбика, Қоплонбика, Тойбика, Қарлуғас, Йандуғас (булбул), Тўрғай (қарға), Аққуш (оққуш), Тангбика (Тонгбека), Айбул, (Ойбўл), Ойсуле (Ойшуўла), Конбика (Кунбика) исмларни келтирган¹. Мана шундай исмлардан баъзилари, шунингдек, Қиздават, Қизбека, Қизсафар каби номлар ҳозирда ҳам мавжуд².

Ш. Жапаров қирғиз тилидаги Аёз исмининг қизларга берилиш сабабини тавсифлар экан: 1) у улғайиб соф кўнгил бўлсин ва аёздай чакнаб турсин; 2) аёздек маҳкам ва умри узок бўлсин; 3) турмушда қаттиқ совуқ (аёз)дек чидамли, маҳкам, қирчиллама қиз бўлсин; 4) табиати чилла совуғидек мустаҳкам ва собит бўлсин, дейилган истаклар ётади деб ёзади³.

Қиз болага ижобий исмлар бериш жаҳондаги бошқа халқларда ҳам мавжуд. Масалан, адигейларда – Сидыш (менинг олтиним), Дэхнеф (нурли, равшан), Дехезаг (гўзал) (Система имён, 14 стр.) Жанубий африкалик аканларда – Сика (олтин) (Система имён, 21 стр.), арманларда – Мусип (ой), Астхик (юлдуз), Мунушак (бинафша), Вард (қизилгул), Асмик (Жасмин), Чаргарит (гавҳар), Алласт (олмос, Система имён, 69 стр.), бантуларда – Ебенга (кабутар) (Система имён, 71 стр.), бирмаликларда – Зе Бе (оқгул), Нинзи (қизилгул), Лён (ақлли), Вин (равшан) (Система имён, 66–67 стр.), вьетнамларда – Куки (хризантема), Луа (шойи), Лиед (тол), Лоан (феникс, қакнус), Суан (бахор) (Система имён, 97 стр.); дунганларда – Гуахуар (қизилгул), Шондан (нилуфар), Хуби (янтарь), Санху // Саху (маржон) (Система имён, стр. 113); яхудийларда – Бейяс (гўзал), Вите (хаёт), Буним (саховатли), Голде (олтин), Либе (суяк-

¹ Кусимова Т.Х. Древнебашкирские антропонимики. АКД. – УФА, 1975. – С. 6–7.

² Ўша автореферат, 24-бет.

³ Жапаров Ш. Қирғиз адам аттары. – Фрунзе: Илм, 1989. 75-бет.

ли), (Система имён, 117); испанларда Диаманте (бриллиант), Перлас (марварид) (Система имён, 139); корейсларда Чинджу (мунчок), Ишпун (сохибжамол, гўзал), Ёнок, Хонён), (Система имён, 176); кхмерларда — Кулап (қизил гул), Сок (бахтли), Мисх (олтин), Прак (қумуш) (Система имён, 187); латишларда — Абелеа (олма), Алнис (буғи), Балсо дитис (кабутар), Озолс (дуб) (Система имён, 194); мўғулларда — Баума, Гарма (тақдир), Цэрэн (олтин ҳаёт) (Система имён, 212) ва бошқалар.

Кўринадики, дунёдаги бирор халқ қиз туғилишига ҳар доим ҳам салбий муносабатда бўлган эмас.

Аммо, афсуски, аёл жинсининг эркаклардан қолишмайдиган хислатларни намоён қилиши имконияти тарихда ҳар доим бир хилда кечган эмас. Даврлар ўтиши билан эркакнинг аёлга нисбатан мавқеи ортиб борган. Аёл зоти аста-секин тор ҳовлига қамалди. Уни номаҳрам деб ўзгалардан тамоман бегона қилишди, ҳатто аёлга ожиза, заифа, сочи узун, ақли калта каби таъналар айтилди. У, асосан, ҳалол хотин, меҳрибон волида ролига тушиб қолди. Оилада ўғил туғилишини ижобий баҳолаб, уни қиз боладан устун қўядиган бўлишди.

Ўғил боланинг жамиятдаги, оила ва хўжаликдаги ўрни, имконияти ва ролини тан олмай ҳам илож йўқ, албатта. Аввало, ўғил бола авлодни давом эттирувчи, авлод унинг номи билан юритилувчи, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминловчи ва қўриқловчи, элни, ўлкани турли босқинлардан ҳимоя қилувчи, жасурлик, мардлик кўрсатувчи жангчи, хўжаликда оғир ишларни бажарувчи, тижорат ишлари билан (авваллари бу муҳим бўлган) дунёдаги турли ўлкаларга эркин бора олувчи, кўчада бемалол ва очик юра олувчи шахс сифатида ўз ижтимоий мавқеига эга зотдир.

Мана шундай ижобий, жисмоний фазилатлар туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда Х асрдан кейин то XX асргача ижтимоий ҳаётда ва оилада эркаклар ролининг ошиб боришига, бу масалада аёлларга нисбатан устунликка эга бўлишига олиб келди.

Мана шундай ижтимоий амалий мезонлар туфайли қиз ёки ўғилнинг туғилишига оила ва жамиятнинг муносабати ўзгара борди.

Оилада ўғил туғилиши қиз туғилишига нисбатан устунликка эга бўла бошлади. Ушбу масалага оид баъзи эпизодлар, нуқтаи назарлар, ўтмишга оид асарлар саҳифаларида бизгача етиб келган.

Академик В.В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» номли асарида қайд қилинишича, Сароймулк хоним Улуғбек

туғилганлигини хабар бериш учун Амир Темурга элчи юборади. Амир Темур ушбу хушxabарни эшитиб, қувончга тўлади ва тор-мор қилинган шаҳар аҳолисига шафқат кўрсатади, ҳатто уларни белгиланган солиқдан ҳам озод қилади¹.

Гулбаданбегим «Хумоюннома» асарида ёзишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўғли Мирзо Ҳиндолнинг туғилганини эшитиб, бу хабарни келтиргани учун Турди Муҳаммаднинг гуноҳини кечириб юборади².

Ўша асарда қайд этилишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Хумоюннинг хотинлари бўлган Бека Бегим ва Меважонлар ҳомиладор бўлганида уларнинг қайнонаси Моҳибегим (Бобурнинг хотини) келинларидан бирортаси ўғил туғишини интизор бўлиб кутгани қуйидагича баён қилинади: «Охири онам икки хил яроқ тайёрлаб, қайси бирингиз ўғул туғсангиз, яхши яроқни ўшанга бераман дедилар. Бунинг учун усти нукул олтин ва нуқрадан иборат бўлган яроқ ва алоҳида йўроқ тайёрлаб, зораки иккаласидан биттаси *ўғил туғса деб интизор бўлдилар*»³.

Умуман, кўпчилик туркий халқларда бўлгани каби ўзбеклар ҳам чақалоқнинг ўғил бўлишини алоҳида хурсандчилик билан кутиб олишган ва унга Ўғилбой, Ўғилжон, Ўғилча, Ўғлон, Ўғлонбой, Бойўғил каби исмлар беришган. Дунёдаги кўпчилик халқларда ўғил боланинг туғилишини алоҳида шодлик билан кутиб олишган. Этнографик адабиётларда бу тўғрида анчагина маълумотлар мавжуд. Ўтмишда аждодларимиз ўғил боланинг туғилишини қиз болага нисбатан катта қувонч билан қарши олишган. Помирда Панж дарёсининг ўнг оқимида яшовчи язгулемларда ўғил кўриш улкан шодлик ва байрамга айланар эди. Бунинг шарафига милтиқдан ўқ отиш мусобақалари уюштирилган, ғолибларга мукофотлар берилган. Бундай одат Тожикистоннинг бошқа ҳудудида яшайдиган аҳоли орасида ҳам мавжуд бўлган. Нохурли туркманларда доя хотинга бериладиган совғанинг миқдори дунёга келган боланинг ўғилми ёки қиз эканлигига боғлиқ бўлган. Қиз боланинг туғилиши унчалик катта тантаналарга сабаб бўлмаган⁴.

¹ Записки Российской Академии наук. Том 3, №5, 1918, — С. 37—38.

² Гулбаданбегим. «Хумоюннома». — Т.: ЎзФА нашриёти, 1959, 70-бет.

³ Гулбаданбегим. Ўша китоб, 43-бет.

⁴ Среднеазиатский этнографический сборник. — М.: Изд-во. АН СССР, 1954, — С. 191—192.

Ўғил туғилишига ижобий муносабат ва эътиқод шу даражага бориб етганки, гўёки қиз бола ўғил туғилишига «тўсқинлик қилувчи» омил деб тасаввур қилинган. Натижада икки ҳолат юзага келган:

1. Қизнинг туғилишига қаршилик қилмоқчи бўлишган ва қиз боланинг дунёга келишини исташмаган. Мана шу эътиқод қизга берилаётган исмда ифодаланган. Ўзбеклар исми орасида Басбиби, Басгул, Басой, Гулларбас, Сабила, Касофат, Қизетар, Қизтамом, Қизларбас, Қизлартамом, Қизтуғмас, Гултамом, Гулқайд, Задагул, Етаргул, Етарой, Ифрат (керагидан ортиқ), Касир (кўп, беҳисоб), Керакмас, Кифоя, Кифоят, Мухтасар (охирги қиз), Басанда (етарли), Басия (қиз туғилиши етар), Басти (етади), Бастихон, Басмомо, Бибихотима, Ойбас, Ойларбас, Поён, Фазла (ортиқ, керакмас), Хатминисо (охирги), Хотима (қиз туғилишининг охири, хотимаси), Қизтуғмас ва б.

Қиз туғилишини маъқулламаслик тушунчасини ифода этадиган исмлар бошқа халқлар ономастикасида ҳам учрайди.

Татар тилшуноси А. Шайхулов навбатдаги фарзанди қиз бўлишини истаб бериладиган татар ва бошқирдлардаги Тўмакай, Тумас, Қызтумас (энди қиз туғилмайди) исmlарини келтиради¹. Т. Кусимова бошқирд тилида ўғил кўриш орзусида берилган Яныл (янглишгин), Бурул, Бурулча (қиздан ўғил томонга бурилсин), Жаныш (янглишгин, адашгин), Тоқтобиби, Огулкерек, Огулхэжет, Бесдир (қиз туғилиши бас бўлсин), Дондук² ва бошқа исmlарни келтиради. Қирғизлар ҳадеб қиз туғилаверишини ўзгартириш мақсадида қиз чақалокқа Жангыл (янглиш) деб ном беради³. С. Атаниязовнинг ёзишича, ўғил кўриш, у қиздан кейингиси ўғил бўлишини исташ ва умидланиш орзусида туркман қизларига Огулдуды, Огулдолан (кейингиси ўғил бўлсин), Огулдонди (ўғилга айланади), Огулсапар (сапар ойида туғилган ушбу қиздан кейингиси ўғил бўлади), Огулсапды (кейинги бола ўғил бўлсин) каби исmlарни беришади⁴.

Қиз туғилишини қайтариш мақсадида бериладиган исmlар дунёнинг барча халқларда учрайди. Баъзи мисолларни келти-

¹ Шайхулов А. Татарские и башкирские личные имена тюркского происхождения. — УФА, 1963.

² Кусимова Т. Древнебашкирские антропонимики. Автореферат, — УФА, 1975. — С. 15.

³ Идрисов А. Кыргыз тилиндегі ысымдар. — Фрунзе: Мектеп 1971. 51-бет.

⁴ Атаниязов С. Туркмен адам атларынын душундиришлы созулгу. 15-бет.

рамиз: адигейларда — Рамыше (кутилмаган) (Система имён, 13 стр.), озарбайжонларда Бэсти (Баст), Гызбэсти (Қизбаст), Гызгайыт (Қизқайтсин), Гызтамам (Қиз етарли), Кифоят (етар) (Система имён, 20 стр.), сенегаллик волофларда — Бугума (мен қизни хоҳламайман) (Система имён, 95 стр.), марийларда — изакай (охирги кенжа қиз), Изудырь (кенжа) (Система имён, 206 стр.), Камчаткада яшовчи корякларда — Етнэ (қайтиб келган аёл) (Система имён, 181 стр.), нганасанларда — Хомбупте (жуда зиёд бўлиб кетди, қиз кўпайиб кетди) (Система имён, 124 стр.).

2. Тилда шундай исмлар ҳам мавжудки, уларда қизнинг туғилиши инкор этилмайди, балки туғилган қизга қўйиладиган исм орқали ўғил орзуси ва исм эгасига аталган яхши ниятлар ўз ифодасини топади. Қизга мана шундай исм берсак, исмда ўғилли бўлиш орзуимиз акс этади ва Аллоҳга етиб боради ҳамда кейинги фарзанд ўғил бўлиб туғилади, деб умид қилинади. Ана шундай исмларнинг асосини «ўғил» сўзи ташкил қилади. Бу ўринда сўзнинг қудрати, сеҳрли, магик таъсирига ишониш, кучига сифиниш (сўз култи) ётади. «Ўғил» сўзининг маъноси навбатдаги фарзанд руҳига ўтади (анимизм), чунки ўғил сўзида «эркак» маъноси мавжуд деб ишонишади. Мана шу ишонч туфайли ўзбек тилида «ўғил» ва унинг лаҳжавий варианты бўлган «ул» сўзидан ёки унинг қўшилмаси ёрдамида ясалган 100 дан ортиқ исмлар мавжуд. Ўғил сўзи исмлар таркибида номнинг бош қисмида ва иккинчи қисмида (Ойўғил, Юзўғли) келади. «Ўғил» сўзи баъзи ҳолларда «ўғлон» шаклида ҳам учрайди: Ўғлон, Ойўғлон, Бўзўғлон, Қораўғлон ва бошқалар.

Ўғил сўзи битта семаси билан «Эр бола, ўғил, фарзанд» маъносини англатса, унинг тарихан «ёш ва жасур йигит, кўркмас, ботир», шунингдек, атоқли отлар билан келиб, шахснинг шох, султон авлодидан эканлигини «билдиради»¹, «Ўғил» сўзи ўтмишда «ўғлон» сўзи ифодалаган маъноларга яқин маъноларда қўлланганини кўрсатади. Қуйидаги исмлар бунга мисол бўла олади: Қора Ўғил, Малик Ўғил, Мука Ўғил, Ўғил Қайтмиш, Ўғил Текин, Ўғил Тутмиш, Чапат Ўғил², Башмак Ўғил, Қипчак Ўғил³.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. — Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2008, 194-бет.

² Рашил-ад-дин. Сборник летописей. Том-2.

³ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том-3.

Ўзбек тилидаги таркибида ўғил сўзи келган қизлар исми-ни англатадиган номлар маъносини ўрганиш бу маъноларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини берди:

1. Қиз бола тўғридан-тўғри «ўғил» деб аталади: Ўғил, Ўғилжон, Ўғилкелди, Ўғиломон, Ўғилтой, Ўғилтош, Ўғилча.

2. Туғилган қиздан кейингиси ўғил бола бўлишини орзу қилишади: Ўғилберсин, Ўғилбўлсин, Ўғилкерак, Ўғилмурод, Ўғилниёз, Ўғилтуғар.

3. Кейинги фарзанд ўғил бўлишини орзу қилиш билан бирга, исм берилаётган қизга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилашади: Ўғилтурди // Ўғилдурди, Ўғиломон, Ўғилтош, Ўғилтурсин, Ўғилюрсин.

4. Ўғил исташ билан бирга исм эгалари қизларининг бахтли ва бадавлат ҳаёт кечиршини тилашади: Ўғилбахт, Ўғилдавлат, Ўғилнур, Ўғилбод, Ўғилшод.

5. Ўғилли бўлиш орзуси билан бир қаторда қиз яхши хислатлар ва фазилатлар эгаси бўлиб ўсишини орзу қилишади: Ўғилбека, Ўғилғўзал, Ўғилдоно, Ўғилжамол, Ўғилзайнаб, Ўғилзебо, Ўғилнозик, Ўғилчевар, Ўғилшакар, Ўғилширин.

6. Ўғил хоҳлаш орзуси билан бирга, исмда қизнинг туғилган вақти муддати, баданида кўзга ташланиб турган бирор белгиси, нишони қайд қилинади: Ўғилбор, Ўғилжума, Ўғилсапар, Ўғилюр (син), Ўғилтош, Ўғилхол ва ҳ.к.

Келтирилган исмлардан маълум бўладики, улар асосида ўғил исташ, навбатдаги фарзанд ўғил бўлишини хоҳлаш тушунчаси ётган бўлса-да, умуман олганда, исм берувчилар чақалокқа ёмонлик исташмайди, барча умидни навбатдаги боладан кутишади.

«Ўғил» сўзидан ясалган қизлар исми ўзбек шеваларида — қипчоқ тип шеваларда «Ул» эга ва маъно жиҳатдан исмининг адабий шакли (ўғил) билан айнандир. Қуйидаги исмларни қиёслаш буни исботлайди:

«Ўғил» сўзидан ясалган исмлар	«Ул» сўзидан ясалган исмлар
Ўғил	Ул
Ўғилбеги	Улбеги
Ўғилбека	Улбека
Ўғилбиби	Улбиби
Ўғилбу	Улбу

Ўғилбувиш	Улбувиш
Ўғилбўлди	Улбўлди
Ўғилбўлсин	Улбўлсин
Ўғилдавлат	Улдавлат
Ўғилдоно	Улдоно
Ўғилжамол	Улжамол
Ўғилжон	Улжон
Ўғилжума	Улжума
Ўғилзебо	Улзебо
Ўғилкелди	Улкелди
Ўғилмурод	Улмурод
Ўғилниёз	Улниёз
Ўғилнор	Улнор
Ўғилнур	Улнур
Ўғилой	Улой
Ўғилпошша	Улпошша
Ўғилсора	Улсора
Ўғилтой	Ултой
Ўғилтош	Ултош
Ўғилтурди	Ултурди
Ўғилхон	Улхон
Ўғилча	Улча
Ўғилчахон	Улчахон
Ўғилширин	Улширин
Ўғилшод	Улшод
Ўғилюр	Улюр

Келтирилган исмлар орасида адабий тилга мослаш қийинлари ҳам учрайди: Улбия, Улбор, Улдошой каби.

«Ўғил» сўздан ясалган қизлар исмининг тарихий асосларини, ўтмишини кенг тасвирлаш имконияти чегаралидир. Чунки, тарихий ёзма битикларда аёллар исми тилга кам олинган, тилга олинган исмларнинг кўпи оддий халқ исмлари бўлмасдан, асосан хукмрон синф, таниқли сулолаларга мансуб аёлларнинг атоқли отларидир. Шу сабабли гап бораётган гуруҳ исмлар асосан, халқ

оғзаки тили, шевалари ҳамда этнографик манбалар оркали бизгача етиб келган.

Хуллас, аёлларга бериладиган баъзи исмлар ўтмишда ўзига хос қисматни бошидан кечирган, ўз навбатида, ота-оналарнинг ўғилли бўлиш орзуси билан боғлиқ бўлган турли маъноларни ўташга хизмат қилган. Қизларни ўғил сўзидан ясалган исмлар билан аташ эътиқоди ҳозирда ҳам анъанага кўра сақланиб қолган.

Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, туғилган қизни ўғил сўзидан ясалган исм билан номлагандан кейин туғилган фарзанд ўғил бўлган. Ҳаттоки, оилада 5 нафардан 8 нафаргача киз туғилгач, охиргиси ўғил бўлиб туғилган. Буни ота-оналар олдинги қизга берилган исмнинг таъсири ёки Аллоҳга илтижоларимиз етиб боради деб ишонишган ва Ўғилой, Ўғилбас каби исмларга эътиқодлари мустаҳкамланиб борган. Бундай номларни улар «хосиятли исмлар» қаторига киритишган.

ИСМЛАРДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН НАФОСАТ

Инсоннинг баркамоллигини белгилайдиган фазилатлар, меъёрлар, талаблар ғоятда сермазмун ва кўпқирралидир. Аммо мана шу белгилар орасида гўзалликни қалбан ҳис қила олиш, уни кадрлай билиш ўзига хос ва асосий ўрин тутаети. Олим ва файласуф Ч. Дарвин «Эстетик диддан маҳрум бўлиш бахтдан маҳрум бўлиш билан баробардир», — деган эди.

Дунёда табиий гўзаллик ва нафосатнинг ўзи бўлган ёки унинг тимсоли ҳисобланадиган нарсалар, мавжудотлар, ўсимликлар етарлидир. Аммо жаҳонда ҳеч нарса гўзалликда инсон билан тенглаша олмайди. Чунки инсонни Яратганнинг ўзи ғоят мукамал ва гўзал қилиб яратган. Шу сабабдан инсон гўзалликни ҳис қила олади ва уни ярата олади.

Инсон гўзаллиги ҳақида гап борганда, кўп ҳолларда, аёлларни эслаймиз. Чунки япон мақолида айтилганидек: «Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида, ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади». Абдулҳамид Чўлпонни бир кўришдаёқ мафтун қилган гўзаллик — бу аёл чехрасидир.

*Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Аёл бўлмаса, ҳеч қачон биз гўзалликни мукаммал ҳис қила олмаган, эстетик дидимизни тўлиқ камол топтира олмаган бўлардик. Атоқли адиблардан бири айтганидек: «Ердаги барча гўзалликлар аёлга муҳаббат туфайли юзага келган». Дарҳақиқат, *аёлни эъзозлаш инсон ахлоқининг гултождир*. Бу эъзоз эса чексиз ва сарҳад билмайди.

Қиз туғилиши биланок, бу ёруғ оламга гўзалликнинг кўркем тимсолини олиб келади ва дунёга тортиқ қилади. Шу сабабли ўзбекларда қиз туғилса, уни ҳалвога, тотли нарсага қиёсланади, онанинг чехраси гул-гул очилади. Қизалоқ бу ёруғ, мусаффо оламни ўзига мафтун ва маҳлиё қилиб балоғатга етиб боради, унда қизларга хос барча гўзал фазилатнинг мафтункор кўринишлари ва қирралари мужассамлашади ҳамда у ўз тенгини топиб, унга ноёб нафосат сирларини тақдим этишга интилади. Аёл она бўлар экан, оналик меҳри товланиб, бешик олдида шоирага, бахшига, гўдагига барча инсоний фазилатларни тиловчи, уни бахтли келажакка тайёрловчи мўътабар зотга айланади. Аёл ёши улғайғач, невараларига энг ғамхўр, меҳрибон хатто 70—80 ёшида ҳам уларни опичлаб, орқалаб юриб суядиган, эртақлар, ривоят ва афсоналар айтиб, инсоний хисларга, яхшиликка ундаб, уларни мард, жасур, оқила, авлод-аждодаларини, она юртини севувчи қилиб тарбиялайдиган мўътабар фаришта — бувига айланади. Бувининг оғуши қанчалар илик, бағри эса меҳрга тўла эканини ёшлиқда барчамиз ҳам ҳис қилганмиз. Демак, аёл — бу, гўзаллик, беғубор ёшлик тимсоли бўлмиш қиз, севимли рафиқа, бизни ёруғ оламга келтириб, оқ сут бериб вояга етказган она, меҳридарё бувидир. Аёл — бу, бизнинг онамиз, опа ва синглимиз, меҳрибон рафиқамиз. Шоир Н.А. Некрасов айтганидек: «Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мавжуд». Ёки адиб Стендаль: «Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади», — деганда ҳаққоний гапни айтган.

Аёлни тушуниш, унинг инсоний фазилатларини кадрлай олиш инсон маънавияти ва маданиятининг, одамийликнинг асосий мезонларидан биридир. Аёлни эъзозлаш шахснинг қалбан поклиги, мардлик ва жасоратидан, эстетик диди ва тарбиясининг юксаклигидан дарак беради. Муқаддас «Ҳадис»да: «Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қила олади» деб бежиз таъкидланмаган.

Олам сирларини инсон ҳали тўла-тўқис билолмагани каби, аёлнинг туганмас сиру фазилатларини, аёл зотининг мохиятини ҳеч қачон охиригача кашф қила олмасак керак. Аммо бир нарса аёнки, аёл олдида шоҳу гадо, буюк зотлар, олиму файласуфлар, адиблару шоирлар, ошиқлар доимо бош этганлар, аёл зотини таърифлаб, кадрлаганлар.

Бизнинг буюк аждодларимиз аёлни доимо бошга кўтариб эъозлаб ўтишган. Соҳибқирон Амир Темур: «Аёлларга имкон қадар илиқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилдим» дея эътироф этган бўлса, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

*Сен гулсен-у, мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласан-у, ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқдур деб ижтиноб айлама ким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен, —*

дея тан олган.

Аёл нафақат гўзаллик ва нафосатни, мунислик ва меҳрибонликни, вафо ва садоқатни, мардлик ва жасоратни ўзида муҷассам қилган улуғ зот, балки фарзандларига, турмуш ўртоғига, ака ва укаларига ушбу фазилатни сингдирувчи, ушбу хислатларга ҳавас уйғотувчи тенгсиз тарбиячи, мураббийдир. Дарҳақиқат, эркак зоти аёлга ёқиш, уни мафтун қилиш учун қўлидан келган барча ишларни қилади, аёл зотидан намуна олади, тарбия топади. Эркак зоти борки, ўз юриш-туришини, кийиниши ва орасталигини, муомаласи ва сўзини аёлнинг истагига қараб мослайди. Аёл — инсоний фазилатларнинг ўлчови ҳамда мезонидир. Шу сабабли ҳам адиб А. Франс: «Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир» деб бекор айтмаган. Алишер Навоий Фарҳодни қуйидагича таърифлаган:

*Демонким, кўнгли поку кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.*

Ахир, Фарҳодни ҳам она тарбия қилган.

Қуйидаги фикрлар ҳам эркакларнинг аёллар ҳақидаги мислсиз эътирофдир: «Ҳамма овозлар ичида энг ширини — бу, севган аёлнинг овозидир» (Женде Лабройер). Ушбу сўзларни ким эътироф этмайди, дейсиз: «Дунёда севимли кишининг чехрасидек ажойиб томоша, севимли кишининг овозидай майин куй йўқ».

Дархақиқат, севгилингизнинг сизга айтган сўзи, шивирлашлари юрагининг энг тубидан сизиб майинлашиб, меҳр пардасига ўралиб чиқади. Сиз ҳам бунга муносиб бўлишга интиласиз.

Адиблардан бири «Мен ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман» дегани маълум. Бу тўғри гап. Аммо бунга қўшимча қилиб эътироф этиш керакки, биз эркаклар ўзимиздаги жамики ижобий хислатлар учун аёл олдида кулдук қилиб, бош эгишимиз лозим.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, ўзбек қизларида аёлга хос бўлган барча ижобий, мўътабар фазилатлар ўз мужассамини топган. Ўзбек аёлидаги мардлик, жасурлик, дадиллик ва удабуронлик, мунислик ва меҳрибонлик, фидойилик ва вафодорлик, камтаринлик ва одоб, мулойимлик ва фасоҳат, андиша ва уят, ҳаё, назокат ва нозанинлик, кишига ҳайрат ва мафтункорлик бағишлайдиган сиру синоатлар бунинг ёрқин далилидир.

Юқорида аёл зотини эъзозловчи фикрларни келтирдик. Аммо шуни алохида таъкидлаш лозимки, аёлни қадрлаш, уни энг мўътабар, қадрли сўзлар билан таърифу тавсиф қилиш унинг туғилиши, чақалоқлик давридан бошланади.

Мурғак қизалоқ дунёга келиши биланоқ уни ноёб икки насиба кутиб туради. Бири — *онанинг оқ сути* ва иккинчиси — *муносиб исм*. Она сути фарзанд учун вақтинчалик озиқа, аммо бу оқ сут қарзини оқлаш — ҳар бир фарзанд учун бир умрга татигулик ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ўдакка аталган иккинчи, илк насиба бу болага бериладиган мислсиз совға — мазмунли исмдир. Дархақиқат, исм нодир ва бетакрор совғадир. Исмни ота-она чексиз меҳр ва масъулият билан танлайди. Исмда уларнинг болага бўлган барча эзгу тилаклари, орзу-умидлари мужассамланади. Ота-оналар болага яхши, хосиятли исм берсак, бу унинг ҳаёти, тақдири ва келажагига таъсир қилади, деб ўйлашади, фарзанд исм мазмунида ўз ифодасини топган истакларга эришади, исмига мос бўлиб улғаяди, деб ишонишади. Исм болага умрбод йўлдошдир.

Бола улғайгач, она Ватани ва халқига астойдил хизмат қилса, ўз исми орқали дунёга машҳур бўлади, тарих саҳифаларида қолади. «Қоғозда ёзилиб қолган яхши ном тамом бўлмайдиган умрдир», дейилган халқ ҳикматида улуғ ҳақиқат ифодаланган. Исм билан у ўзгалардан фарқланади, оиладагилар унинг исмини айтиб чақиришади, эркалашади, суйишади, мақташади, танбех

беришади. Исм расмий ҳужжатларда — туғилганлик гувоҳномаси, паспорт, турли гувоҳномаларда қайд қилинади. Балобатга етгач, ошиқу бекарор бўлган йигит қизнинг исмини сўрайди ва севиқлисининг исмини тилга олганида юраги хаприкиб кетади. Қиз ўзининг гўзал исми билан гурурланади, унга муносиб бўлишга интилади. Хуллас, инсон исми бир олам сир-асрорларга тўла.

Ўтмиш аждодларимиз қадимдан чақалоқни номлашга катта масъулият билан ёндашган. Исм сеҳрли кучга эга сўз, инсон номи унинг тақдири, иқболига таъсир кўрсатади, деб ҳисобланган. Шу сабабли болага юксак орзу-истаклар билан боғлиқ, мазмунли, чиройли исмлар қўйишга ҳаракат қилишган. Мана шундай тасаввурлар асосида «чиройли исм», «гўзал исм», «яхши исм», «хосиятли исм», аксинча, «хунук исм», «хосиятсиз исм», «оғир исм» каби иборалар пайдо бўлган.

Қизларга исм танлашга алоҳида эътибор бериш ўзбек халқида қадимий анъанадир. Бунга кўра, қизлар исми гўзаллик, одоб-ахлоқ ва покизалик, мунис ва меҳрибонлик тушунчаларини ифода этадиган сўزلардан ёки ўша тушунчаларнинг рамзи бўлмиш нарсалар, ўсимлик ва ходисалар номидан танланган.

Ўзбек қизларига берилган исмларда одоблилиқ ва покизалиқ, мунису меҳрибонлик ва софлик, меҳру оқибат ва вафо, нафислик ва мулојимлик, очиқ кўнгиллик ва дилкашлиқ, боқиралиқ ва ҳаё, меҳнатсеварлик ва маҳорат, жасурлик ва матонат, илму маърифатга ташналиқ ва донолик, топқирлик, саранжомлик ва орасталлик, чиройлилиқ ва мафтунқорлик, нозик дид ва фаросатлилиқ, миллий урф-одатларга садоқат, гўзалликнинг нафис, ўзбекона сирларини эъозлаш мотивлари ўзининг бетакрор таърифу тавсифини топган.

Келтирилган тушунчалар ўзбек қизларига қўйиладиган минглаб номларда ўз тажассумини топган. Бу ўринда уларнинг барчасига тўхташ, уларнинг номланиш мотивларини изоҳлаш имконияти бўлмагани учун қуйида гўзаллик, чиройлилиқ — умуман эстетик дид билан алоқадор исмларга тўхталамиз. Ўзбек қизларига бериладиган мана шундай мазмунли исмлар биз тўплаган материалларда 450 дан ортиқдир.

Ушбу исмлар ўзбекларда қиз фарзандига муносабатнинг қанчалиқ ижобий бўлиб келганини ифодалагани қолмасдан, балки ўзбек ота-оналарнинг гўзалликни, нафосатни англаш, ҳис қила олиш, дидининг ниҳоятда юксаклигидан дарак бериб ту-

ради. Ўзбек қизлари исмининг асосий қисмини гўзаллик ва нафосатни улугловчи номлар ташкил этади.

Ўзбек қизларининг номлари орасида «Отигўзал», «Исмигўзал» деган исмларнинг учраши бежиз эмас.

Қиз туғилар экан, ота-она уни, аввало, ёруғлик ва нурга қиёс қилади. Нур, нурли ҳаёт аввало поклик ва кўркамликнинг, порлоқ келажакнинг нишонасидир. Қуйидаги исмлар ушбу тасаввурнинг далилидир. Ёркиной, Равшаной, Анвара, Зиёбуви, Зиёхон, Моҳинур, Нургул, Нургўзал, Нуржаҳон, Нуринисо, Нурқиз, Нурой, Нурюз, Ойдин, Мунаввара.

Қизалоқни ёғду ва нурга менгзашар экан, ота-онанинг истак ва умидлари сарҳад билмайди ҳамда она заминда туриб бепоён кўкка нигоҳ ташлайди, чексиз самонинг қадимдан гўзаллик ва нафосатнинг, юксаклик ва бахту иқболнинг беқиёс тимсоллари бўлган сайёралар кўкдан ерга, қизалоқнинг ёнига тушади, унга берилган исмда муҳрланади. Бу исмларда кишиларнинг ўз фарзандининг кўркамлигини мадҳ қилишигина эмас, балки унинг келажаги, иқболи ўша офтоб ва ой каби юксак бўлишини орзу қилиш маънолари ҳам ўз ифодасини топган. Бу исмлар гоятда гўзал ва мағрур, ҳар қандай дилни қитиқлайдиган даражада жозибалидир. Мана бу номларга эътибор беринг: Бадрия, Бибиқамар, Моҳбону, Моҳида, Моҳинахон, Моҳижамол, Моҳилиқо, Моҳина, Моҳинур, Моҳирўй, Моҳисулув, Моҳчехра, Моҳсиймо, Кунсулув, Ойбека, Ойбиби, Ойгул, Ойгўзал, Ойжамол, Ойқиз, Зухра, Қамара, Сурайё, Хулқарой, Хуршида, Шамсия, Шамсинур, Шамсирўй, Чўлпоной, Қуёшой, Қуёшхон, Қуной, Кунсулув, Офтоб, Кавкаб, Кавкабой, Юлдуз, Ҳилола.

Баъзи ҳолларда кишилар қизнинг хусну латофатини, одобли ва нафис фазилатларини ўша тушунчаларга мос келадиган сўзлардан ҳосил қилинган исмлар билан таърифлаганини кўрамыз: Барно, Бежирим, Бибисулув, Жамила, Жамола, Зебохон, Зебогўзал, Зебожамол, Зебонисо, Зебочехра, Латофат, Латифа, Кўркамой, Гўзал, Гўзалхон, Маҳлиё, Мунаққаш, Нафосат, Париваш, Сулув, Сулувбека, Тонгсулув, Элгўзал, Элсулув, Ҳусния каби.

Қадим-қадимдан ота-оналарни ўз фарзандларини шунчаки «чиройли», «гўзал», «мафтункор» деб қўя қолиш қониқтирмаган. Нагжидада кишилар болани номлаш учун бу оламда мавжуд бўлган жамики гўзал нарсаларнинг хусусиятлари номи билан

аташга интилганлар. Натижада гўзаллик тушунчаси аниқ ва ишончли, моддий, реал асосларга эга бўла борган, инсоннинг эстетик тафаккури бойиб, таъсирчан мазмун касб этган исмларда «чиройлилик», «нафосат» қирраларини, сирларини ифода этувчи тушунчалар доираси кенгайиб борган. Қизларни хилма-хил мафтунокор номлар билан аташ удуми асрлар оша тилимизда сайқалланган.

Қиз бола, унинг ҳусну тароватини, сарвдек қоматию нафис фазилятларини ҳар тарафлама тавсифу таърифлар қилувчи исмлар миқдоран кўпайиб, бойиб борган.

Энг аввало, аёл зотига энг яқин, энг қадрли нарсалар номи исм сифатида танланган. Қуйидаги исмларга разм солсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Исм нафосат рамзи бўлмиш гуллар ва бошқа хил ўсимликлар номидан танланган: Атиргул, Оқчагул, Бодомгул, Бўтагул, Аноргул, Гулдаста, Райҳоной, Гуллола, Гулмайса, Гулҳилол, Гулнора, Гулраъно, Гулсавсан, Гулсафсар, Гулчечак, Гулқаҳқаҳ, Дастагул, Чарос, Зарчечак, Зирагул, Нилуфар, Лола, Лолагул, Ниҳолгул, Раъно, Садбарнисо, Суманой, Тиниқгул, Зайтуна, Чиннигул, Чечак, Чечакгул, Шонагул, Қизилгул, Қўзигул, Фунчагул, Ёсуман, Жамбил, Жамбила ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги бир қатор аёллар исм таркибида гул сўзи иштирок этади. «Гул» аёлларга хос латофатни, майинлик ва нафисликни, ёқимлилик ва яқинликни, мўътабар совға ва садокатни бетакрор тарзда ифодалайди. Масалан, қуйидаги исмларда: аёлнинг кўриниши, жамоли гулга қиёс қилинади: Гулбарг, Гулбахор, Гулбезак, Гулгўзал, Гулдаста, Гулжамол, Гулзебо, Гулнасаб, Гулсара, Гулпари, Гулрафтор, Гулсифат, Гулсулув, Гулдаста, Фунчаҳон, Гулсаҳар, Тонгули, Бойчечак, Чаманой, Гулзор, Гулгуна.

— Қизнинг юзу ёноқлари гулга қиёсланади: Гуландом, Гулёноқ, Гулменгиз, Гулранг, Гулрухсор, Гулрўй, Гулҳанда, Гулчехра, Гулюз каби.

— Аёлнинг қадду қомати гулга, баъзи дарахтларга нисбат берилади: Гулбадан, Гулсиймо, Гулсийна, Гултана, Гулчирой, Раъноқад, Сарви, Сарвинисо, Сарвқад, Чинора, Шамшод, Шамшодой каби.

— Аёлларга хос беозорлик, нозик фазилятлар гулнинг майинлигига қиёс қилинади: Гулноза, Гулнозик каби.

— Қизнинг улғайиб, ҳаёти доимо гуллардек, гуллар чаманидек яшнаб туриши, турмуши бахтли, шодон, гулларга бурканган бўлиши орзу қилинади: Гулбездар, Гулбон, Гулбўстон, Гулзор, Гулистон, Гулпошша, Гулсевар, Гулсуяр, Гултерар, Гулфом, Гулханда, Гулчаман, Гулшайдо, Чаманой, Бўстонай.

— Ҳатто бола туғилганда унинг баданида мавжуд бўлган баъзи ғайритабиий белгилар ҳам қандайдир кўркемлик рамзи сифатида тасаввур қилинади: Зебохол, Менгул (менг — хол), Менгжамол, Менглижамол, Менглисулув, Менгличучук, Нозменгли, Норгўзал, Норсулув, Норчучук, Олтинсоч (сарик сочи қиз), Оқбилак, Октомок, Окхол, Қаламқош, Тожигўзал, Тожигул, Холгўзал, Холчучук, Холшакар, Холсулув, Шахло, Шахлохон каби.

— Қизларни чиройли исмлар билан номлаш орзуси кишиларни атрофдаги табиат ва инсон кўли билан яратилган гўзаллик намуналари номии қизларга исм сифатида танлашга олиб келган. Кишилар баъзи ҳайвон ва қушлардаги хусусиятларда чиройлилик қирраларини кўрган. Баъзи қимматбаҳо мато ва буюмлар, бойлик, бахту омад, энг муҳими кўзни ўйнатувчи товланишлар манбаи бўлган нодир ва ноёб жавоҳирлар номи исм вазифасига кўчган, аёллар номии янги-янги тушунчалар билан бойитган. Масалан, **ҳайвонларнинг номи:** Бўтакўз, Қуралай, Кийикжамол, Жайраҳон, Ғазола // Ғизола, Қундуз, Қундузой, Маралбиби, Маралжамол; **қушлар номи:** Булбулой, Тўрғай, Тўтибиби, Қалдирғоч, Қарқара, Ойтовус, Суксурхон, Сўна, Турнаҳон, Ҳумо, Ҳумогул; **матолар номи:** Атласхон, Бахмалой, Ипаксулув; **қимматбаҳо тақинчоқлар, безаклар, минераллар номи:** Ақиқ(а), Марварид, Маржоний, Маржонқиз, Гавҳарой, Ганжина, Қумуш, Жавҳар, Динора, Дурбиби, Дурнисо, Дурдона, Ёкутой, Ёмбихон, Жавоҳира, Зарқумуш, Зарсулув, Инжубека, Зарбиби, Заргул, Узукхон, Нигина, Биллурой, Тилла, Тиллаҳон, Қандолат, Олтиной ва бошқалар.

Кишилар аёлларнинг баъзи ўзига хос хислат ва табиатида ҳам кўркемлик қирраларини кашф қилишган ва қизларни мана шунга мос ва хос номлашга интиланган. Мана бу исмлар фикримизга ёрқин далилдир: Ҳаётхон, Гулҳаё, Дилбар, Дилкаш, Дилрабо, Дилқиз, Назокат, Нафиса, Нафосат, Нозанин, Нозли, Нозлисулув, Оқният, Оқкўнгил, Оқюрак, Садоқат.

Инсон фақатгина ташқи гўзаллик, латофат билан эмас, балки ички руҳий-маънавий гўзаллик туфайли ҳам мукам-мал, баркамолдир. Қизларнинг руҳий оламини, ички латиф туйғуларини озода, покиза, ҳалол ва мусаффо, саранжом-са-ришта бўлиш ташкил қилади. Бу — қизларнинг ички дунёси оламни мукамал ва гўзал бир тарзда ҳис қилишидан дарак беради. Шу сабабли ҳам ота-она фарзанди улғайганда унинг хислатларида мана шу фазилатларни кўришни орзу қилади ва жажжи қизалоқни мана шунга мос равишда номлашга интилади. Бу исмлар ниҳоятда кўркем ва бетакрордир: Беғубор, Гулбарра, Гултоза, Дилҳавас, Ойтоза, Зилол, Зилола, Иффатой, Маъсума, Мукамал, Мусаффо, Опоқой, Оқният, Озода, Покиза, Ораста, Оройиш, Сўлимбиби, Тиниқ, Тиниқбиби, Уфора, Холисхон каби.

Келтирилган фикрлар ва исмлар намунасидан кўринадики, ўзбек қизларининг исми маъно ва шаклига кўра гўзаллик ва нафосатнинг бетакрор гулшани, сўлим боғидир. Бу — ўтмиш аждодларимиз асрлар давомида ижод қилган маънавий, лисоний, эстетик бойликдир. Бу бойликка тўғри ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш, энг муҳими, ўз исмига муносиб бўлиш инсоннинг энг қадрли хислатларидан биридир.

Куйида ўзбек аёллари исмининг қанчалик мафтункор ва чиройли тушунчалар билан боғлиқ экани ҳақида ёрқин тасаввур қилиш учун ўзбек халқининг эстетик дидини тараннум этадиган исмлар рўйхатини келтирамиз. Бу билан танишган киши ўзини ўзбек аёллари исмининг нафосатли боғида сайр қилаётгандек ҳис қилишига шубҳа йўқ.

А

Анвара	Атласхон	Ақчагул
Аниса	Атиргул	
Асалгул	Ақиқа	

Б

Бадиулжамол	Баргинисо	Бахмалой
Бадрия	Баргихол	Бахтигул
Банот	Барно	Биллурой
Баҳринисо	Барчиной	Бонугул

Бежирим
Бегубор
Бибиайна
Бибисулув
Бибисуман
Бибиқамар
Бибипари

Бинафша
Бодомгул
Бойсулув
Бойчечак
Бокира
Болчин
Болчучук

Бўстон
Бўстонгул
Бўстонғўзал
Бўстонтож
Бўтагул
Бўтакўз

В

Важхия
Висола

Вожиҳа

Восима

Г

Гавхарой
Ганжина
Гуламбар
Гуланор
Гулбарра
Гуландоз
Гуландом
Гуланор
Гуласал
Гулафшон
Гулафрўз
Гулбадан
Гулбаёз
Гулзиё
Гулзода
Гулзор
Гулзухро
Гулинисо
Гулирайҳон
Гулистон
Гулиҳандон
Гуллола
Гулмайса
Гулменгиз
Гулбарг

Гулбарно
Гулбарра
Гулбарчин
Гулбахор
Гулбегим
Гулбезак
Гулбезар
Гулбека
Гулбиби
Гулбодом
Гулбон
Гулбор
Гулбоғ
Гулоро
Гулором
Гулпари
Гулпарчин
Гулпош
Гулрайҳон
Гулранг
Гулрафтор
Гулраёно
Гулрухсор
Гулрўй
Гулбўстон

Гулгавхар
Гулгуна
Гулғўзал
Гулдаста
Гулдом
Гулёноқ
Гулжабин
Гулжавҳар
Гулжамила
Гулжамол
Гулжаҳон
Гулзайнаб
Гулзебо
Гултерар
Гултовус
Гултоза
Гулфом
Гулҳанда
Гулҳумор
Гулчаман
Гулчечак
Гулчехра
Гулчирой
Гулшайдо
Гулменгли

Гулмоҳ
Гулмушкин
Гулнавоз
Гулнасаб
Гулнаҳор
Гулнисо
Гулнихол
Гулноза
Гулнозик
Гулнора
Гулнур
Гуллойим
Гулсабо

Гулсавсан
Гулсанам
Гулсапсар
Гулсахар
Гулсевар
Гулсиймо
Гулсийна
Гулсифат
Гулсулув
Гулсурур
Гулсуяр
Гултана
Гулшан

Гулширин
Гулшод
Гулшона
Гулюз
Гулқадам
Гулқамар
Гулқаҳқаҳ
Гулқиз
Гулғунча
Гулҳаё
Гўзал
Гўзалгул

Д

Дастагул
Диёра
Дилбар
Дилкашой
Дилнисо

Дилрабо
Дилфуза
Дилҳавас
Динора
Дурбиби

Дилқиз
Дурнисо
Дурсанам

Ё

Ёркиной

Ёсуман

Ёкут

Ж

Жавоҳира
Жавҳарой
Жайрахон

Жамила
Жамола
Жаркиной

Жаҳондагул
Жозоба

З

Зайнаб
Зайнигул
Зайния
Зайнура
Зайтунгул
Заркумуш
Заррин

Зебидахон
Зебохол
Зебо
Зебоғўзал
Зебожамол
Зебонисо
Зебонур

Зиёхон
Зийнат
Зиннатнур
Зирагул
Зулбаҳор
Зулфия
Зулфикоора

Заринжамол
Зарсулув
Зарчечак
Зебигул

Зеботож
Зебохол
Зебочехра
Зевар

Зурафо
Зухра

И

Ибогул
Ибоча
Иззатжамол
Илмисулув

Инжагул
Инжубека
Ипаксулув
Исмигузал

Иффатжамол
Иқболой

К

Кийикжамол
Кавкабой

Кокила
Кунсулув

Кўркамгул
Кўрмамой

Л

Лайлижамол
Лайликамар
Лайлинисо
Лайло

Лаъли
Латофат
Лобар
Лола

Лолагул
Лоланисо
Лутфи

М

Майдагул
Маралбиби
Маралжамол
Масрура
Мафтуна
Макбула
Махваш
Махвар
Мохируҳ
Махлиё
Менгул
Менжамол
Мензифо
Менглигул
Менглижамол

Менглинисо
Менгора
Менгсулув
Мехрибон
Мехринигор
Момогўзал
Моҳ
Моҳасал
Моҳбегим
Моҳбону
Моҳигул
Моҳида
Моҳижамол
Моҳижаҳон
Моҳзамон

Моҳикамол
Моҳила
Моҳилико
Моҳина
Моҳинисо
Моҳинур
Моҳпари
Моҳипора
Моҳирўй
Моҳсарвар
Моҳисора
Моҳисулув
Моҳитобон
Моҳчехра
Моҳия

Менглиой
Моҳлиқо
Моҳнигор
Моҳинисо
Моҳпайкар
Моҳпари
Моҳрўй
Моҳсанам

Моҳзевар
Моҳсимо
Моҳталъат
Моҳтоб
Моҳтобон
Моҳчучук
Музайян
Музаххаб

Н

Назиба
Назокат
Насрин
Нафиса
Нафосат
Неклиқо
Некрўй
Нигора
Низора
Нилуфар
Нихолгул
Нозанин
Нозгул
Нозжамол

Нозик
Нозикгул
Нозикжамол
Нозлигул
Нозли
Норгўзал
Нурлиой
Нурлиой
Нозпари
Нозлиой
Нозлисулув
Нозменгли
Норгўзал
Норсулув
Норчучук

О

Ойбарно
Ойбаҳор
Оқбека
Ойбиби
Ойбалқи
Ойбоғда
Ойбуви
Ойбулак
Ойбулсин
Ойбустон
Ойгул
Ойгузал

Оймарал
Ойменгли
Ойменгиз
Ойнагузал
Ойнажамол
Ойнуур
Ойнукра
Ойпарча
Ойпари
Ойрухсор
Ойсанам
Ойсийна

Моҳларойим
Мунаввар
Мунаввара
Мунаққаш
Мурувват
Муҳибжамол
Муҳлиса
Муҳида

Нурбадан
Нургул
Нургулшан
Нургузал
Нуржамол
Нуржаҳон
Нуринисо
Нурой
Нурония
Норсулув
Норчучук
Нурқиз
Нурюз

Ойсимон
Ойсифат
Ойсулгун
Ойсулув
Ойчехра
Ойшуъла
Ойюлдуз
Ойяхши
Ойқамар
Ойқиз
Олмагул
Ойдай

Ойдин
Ойдоно
Ойжамол
Ойжон
Ойзебо
Ойзода
Ойзухро
Ойимсулув
Ойкулча
Ойлола
Ойлўнда
Оймалак
Ойманглай
Ойсора

Париваш
Паригул
Парижаҳон

Раъно
Раъноқад

Сабиҳа
Сабоҳат
Садбарнисо
Садоқат
Сайёра
Сайқалой
Самангул
Самбит
Санобар
Санамгул
Сапсаргул

Оқният
Оқсулув
Оққўнгил
Ойсурат
Ойтан
Ойтовус
Ойтоза
Ойчаман
Ойчечак
Ойчин
Ойчулпон
Ойсарви
Ойсиймо
Олмагузал

Паринисо
Парируҳ
Паричехра

Рухсора

С

Сарвиноз
Сарвиравон
Сарвқад
Сафаргул
Сафсаргул
Сирожия
Ситора
Собида
Сорагул
Соҳибжамол
Судоба

Олмаҳон
Отигўзал
Олтинсоч
Оқбилак
Оққумуш
Оқманглай
Оқсулув
Оқтомоқ
Оқхол
Оқюррак
Оққиз
Оҳу

Пистагул

Рухшона

Сулувнисо
Сулувноз
Сулувхон
Сулувюз
Суманбар
Суманбўй
Суманой
Сумансо
Сумбул
Сурайё
Суксурхон

Сарагул
Сарвигул
Сарвижамол
Сарвинисо

Султонгўзал
Сулув
Сулувбека
Сулувгул

СўлимоЙ
Сўна

Т

Талъатой
Тиниқгул
Тожигул
Тожигўзал
Толгул

Толим
Тонгсулув
Тотлисулув
Тонгигул
Туби

Туйгуна
Туйгуной
Тўксулув

У

Улжамол
Унсин

Улбўлсин

Улфатой

Ф

Фариба
Фарина

Фаррухжамол
Фасиха

Фасохат
Фасхия

Х

Хиромон
Холгўзал
Холжамол
Холчучук
Холшакар
Холсулув
Хонсулув

Хубжамол
Хубнигор
Хубрўй
Хубчехра
Хуршида
Хушбарно
Хушгул

Хушжамол
Хушнаво
Хушнавоз
Хушрўй
Хушкадам

Ч

Чаманой
Чаросхон
Чечак
Чечакой
Чехрагул

Чинжамол
Чиннигул
Чинора
Чинсулув
Чирой

Чиройгул
Чиройхол
Чойгул
Чўлпоной

Ш

Шамсий
Шамсирўй
Шамсиқамар
Шамсижамол
Шамсинур

Шамсирўй
Шамсия
Шамшод
Шонагул
Шопари

Шоҳида
Шоҳпари
Шоҳсанам

Э

Элгўзал
Элсулув

Эркасулув

Энабиби

Ю

Юлдуз

Ў

Ўғилгўзал

Ўғилжамол

Қ

Қаламқош
Қаламқуш
Қамара
Қамаржамол
Қандила
Қизилгул
Қизларгул
Қизларой

Қизларсулув
Қизолтин
Қирмиза
Қоракўз
Қорасулув
Қорахол
Қорақош
Қуёшхон

Қумринисо
Қундуз
Қуралой
Қурбонсулув
Қутлижамол
Қўзигул
Қўйсулув

Ғ

Ғазола
Ғайнижамол

Ғайнинисо
Ғайния

Ғизола
Ғунчагул

Ҳ

Ҳаво
Ҳаётгул
Ҳаёхон

Хуржамол
Хуржахон
Хуржон

Хурсултон
Хурчехра
Хуршида

Хасана
Ҳашамхон
Ҳилола
Ҳубчеҳра
Ҳулқар
Ҳурбиби
Ҳургул

Ҳурзамон
Ҳуризод
Ҳуринисо
Ҳурия
Ҳурлико
Ҳурпари
Ҳурсанам

Ҳуркиз
Ҳуснибону
Ҳуснигул
Ҳуснижамол
Ҳусникамол
Ҳусния
Ҳусноро

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИДАН ДОНОЛАР ДАВРАСИГА

Аввало, илму маърифатнинг улуғлиги ва беназирлиги ҳақида халқ ва буюк мутафаккирлар айтган баъзи фикрларни келтирайлик.

Олимга ўлим йўқ

(Халқ хикматидан)

Олимнинг сўзи жоҳилнинг олтинидан яхши.

(«Одоб бўстони» тўпламидан)

Бахт белгиси илм ва ақлдир.

(Маҳмуд Кошғарий)

Билим мезонида сўзинг ўлчаб ол.

Илмсиз гап бари шамолдир, шамол.

(Саъдий Шерозий)

Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

(Фаробий)

Олдинги саҳифаларда кўриб ўрганганимиздек, ота-она боланинг чақалоқ пайтидаги ҳаётининг омадли, беҳатар бўлиши учун ниҳоятда кўп куч сарфлайди. Шу билан бирга, ўша пайтда фарзандининг улғайиши, ўсмирлик даври, йигитлик даври, умуман, келажак ҳаётида ҳам яхши хислатлар, шахсий фазилатлар эгаси бўлишини орзу қилади. Мана шуларнинг барчаси чақалоққа исм танлашда исмнинг асосини, мотивини белгилайди. Бундай мотивлар орасида фарзандининг улғайиб маърифатли (ўқимишли), билимли ва илмли бўлиши орзуси асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўтмишда халқнинг таълим олишдан маҳрумлиги, фақат юқори табақа, кучи етган оилаларнинггина болалари мактаб ва мадрасаларга қатнаш имкониятига эгаллиги, паст табақа вакиллари фарзандларининг маърифатсиз, бир умр саводсиз бўлиб ўтгани маълум. Аммо ота-оналарни фарзандларини маърифатли, ўқимишли қилиш истаги ҳеч қачон тарк этмаган. Бу орзу-истакларни амалга ошириш XIX аср охири — XX аср бошларига келиб жадидлар ҳаракатининг асосий ғоявий кураш шиориغا айланди.

Халқимизнинг қадимдан илм-маърифатга интилиши жамият тарихининг барча даврларида ҳам у ёки бу шаклда ўзини намоён қилиб келган. Шарқ мутафаккирлари илм-маърифат халқни хурликка, бахтли ҳаёт кечиришга, истиқболга олиб борувчи муҳим восита деб билганлар ва ўзларининг қимматли ғояларини олға суришган.

Халқ нимани орзу қилган бўлса, буни боланинг чақалоқлик давридан ҳамроҳ бўлишини истаган. Бу ҳол боланинг келажакда илм-маърифатли, билимли, оқил бўлиб етишишини орзу қилишларида ёрқин ифодаланган. Бу эса болага бериладиган исмларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ота-оналар фарзандларининг чакқон, омилкор, юксак дидли, зукко инсон бўлиб улғайишларини истаб: Жўшқин, Жўшқиной, Илдам, Чакқон, Моҳир, Моҳира, Чевар, Чевара, Зийракхон, Шиддат, Шиддатой каби исмлар қўйишади.

Бир қатор исмларда боланинг келгусида жасур, қўрқмас, мард бўлиб улғайиши орзу қилинади: Ботир, Баҳодир, Қаҳрамон, Жасур, Жасура, Мард, Мардон, Мардона, Тоймас, Қайтмас.

Қайд қилинган истақлар боланинг етук, мукаммал инсон бўлиб етишиши мотиви билан боғланиб кетади: Мукаммал, Муфассал, Мунтазам, Комил, Комила ва бошқалар.

Келтирилган исмларда болани кўпроқ жисмоний томонлама баҳолаш кучли ифодаланган. Аммо боланинг мукаммал инсон бўлиши учун шу хусусиятлар етарли деб ҳисобланмаган. Ҳақиқий комиллик бу — инсоннинг ақлли бўлиши, ақл билан иш юритиши, унинг маърифатли, илмли, доно одам бўлиб улғайишидир. Шу сабабли бир қатор исмларнинг танланиши ва болага қўйилиши ақлий фаолият билан боғланган: Ақл, Ақлбек, Ақлой, Оқил, Оқила, Доно, Доногул, Фарзона (ақлли, доно), Фаҳима, Фикрия, Заки, Закия, Заҳина (зукко), Зубайда (ақлли, доно), Фик-

рат (идрокли, зукко), Басир, Басира, Басират (ўтқир зеҳли), Эсбўлсин (эсли бўлсин), Фаросат (фаҳмли), Фасиха, Фасохат, Фасхия (нотик, сўзга чечан), Бадиҳа (диққатли, топқир), Даросат (илм соҳиби) ва бошқалар.

Шунингдек, болага танланаётган исмларда унинг келгусида илмли, маърифатли, ўқимишли ва саводхон бўлиши истаги асосий ўрин тутади: Илмдор, Илмий, Илмия, Илмбека, Илмикамол, Илминисо, Илминоз, Илминоза, Илминур, Илмисулув, Мактаб, Муаллима, Маърифат, Балоғат, Валиулло (ўқимишли), Домлажон, Зоҳиддин (динни изоҳловчи), Мулла, Муллабек, Муллажон, Муллакелди, Муллабой, Муталлиб, Муталлим (илм ахтарувчи), Нотик, Нотика, Ношира (ўқимишли), Охун (мулла, муаллим), Толиб, Толиба (билим истовчи, билим олишни кўмсовчи), Толибиддин.

Баъзи муаллифларнинг кузатишларича, Куръони каримда илм сўзи 754 жойда тилга олинган, «ёмон кўз» эса 7 жойда. Демак, муқаддас динимиз исломнинг илм ва уни эгаллашга муносабати ўз-ўзидан аён бўлади.

Боланинг билимдон, илм-фан соҳиби, ёзувчи, олим бўлишини орзу қилиш асосий ўрин тутади. Бутун дунёга машхур фан даргаларини тарбиялаб етиштирган халқимиз учун бу орзу-умид табиий интилишдир: Донишманд, Адиб, Адиба, Адабия, Шоира, Олим, Олима, Олимбўл, Олимбой, Олимхол, Олимгул, Саидолим, Саидориф, Ориф, Орифа, Лукмон, Лукмоной, Аълам (барчадан кўп билувчи), Набиға (даҳо), Нубувват (ақлли, доно), Аллома, Сино (донишманд, ҳаким), Фозил, Фозила, Фония (билимли, доно), Фуад (фаросатли), Хабир, Хабира (билимдон, доно), Элдоно (элнинг билимдони, улуғи), Элфан (элнинг билимдон фарзанди) ва ҳ.к.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, кишилар ўз фарзандининг саводхон, маърифатли бўлиши билан бирга маърифий манзилларда тўхтаб қолмасдан олимлар, донолар даврасига муяссар бўлишини исташади.

ИСЛОМ ВА ИСМЛАР

Ҳар қайси тарихий давр ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, талабларига кўра болани номлаш одатларига ҳам таъсир кўрсатган, унга ўзгартиришлар киритган, ўз қарашларига

мос равишда исм бериш қоидаларини яратган ва кишилардан унга амал қилишни талаб этган. Чунончи, Марказий Осиё халқларининг араблар истилосидан кейинги даврда юзага келган болани исмлаш одатларида юз берган ўзгаришлар бунинг яққол далилидир.

Араблар Марказий Осиё ерларини босиб олгунга қадар қўйилган исмларда кўпроқ ботирлик, жасурлик рамзи бўлган тушунчалар ифодаланган. Чунончи, исмлар кўпроқ чақалоқнинг ҳаёти, унинг соғлиғи ва комил инсон бўлиб улғайиши орзусидаги сўзлардан танланган. Шунингдек, бу даврда гўзаллик, ўқтамлик, чеварлик билан боғлиқ бўлган қарашлар, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилиқнинг, моддий турмушнинг бошқа кўпгина қирраларини англатувчи тушунчалар таъсирида исм қўйиш удум бўлган. Мана шундай исмларнинг бир қисми ўзбек атоқли отлари орасида ҳозир ҳам сақланиб қолган: Эшбўл, Уйтўл, Туртой, Улғай, Унсин, Турсин, Ариқ (гўзал), Ойариқ, Ойхон, Эрдон, Тиркаш, Эргаш, Толмас, Тотлик, Тошбек, Тоштемир, Эркин, Эрбўл, Ўлмас, Тўхта, Тўхтамиш, Тилов, Қувондиқ, Суюн, Ойгул, Алпон, Йўлбарс, Арслон, Қоплон, Тилаш, Улуғжон, Ўсарбой, Қанотбой, Юрсин, Юрсиной, Кумушой, Оппоқ, Ойюз, Қиличбой, Бургутбой, Лочин ва бошқалар.

Ислом динининг Марказий Осиёда кенг тарқалиши ва сингиши бу ерда яшовчи халқлар маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, уларнинг болани номлаш одат ва анъаналарига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Бу даврга келиб исм беришнинг ислом динигача бўлган туркийча (ўзбекча) расм-русумлари «исломчасига, мусулмончасига номлаш» одатлари билан алмаша бошлади. Чақалоққа ном бериш ислом дини ҳомийлари — эшонлар, муллалар қўлига ўтди. Чақалоққа ном бериш ислом динининг маълум талабларини адо этиш асосида (масалан, чақалоқнинг қулоғига азон айтиш, чақалоққа диний тушунчали исм танлаш ва ҳ.к.) амалга ошириладиган бўлди.

Шу сабабли ўзбек исмлари фондининг таркибий қисмларидан бирини асли арабча бўлган исмлар ташкил қилади. Бу номлар ўзбек тилига Марказий Осиёга ислом дини кенг тарқалгач, маҳаллий аҳоли мусулмончилик расм-русумларига амал қила бошлагач кириб келди. Арабча исмларнинг бунчалик кенг удум бўлиб кетиши сабабларини англаш учун ислом динининг болани номлашга оид кўрсатмалари ва қоидаларини билиш лозим бўлади.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ инсонни яратган, унга ҳаёт бахш этган, шунингдек, инсониятнинг кўпайиб, ўсиб боришига шароит яратувчи Аллоҳ таолонинг ўзидир. Демак, фарзандни Аллоҳ ато этади. Шу сабабдан туғиладиган чақалокнинг ҳолати ва тақдири ёлғиз Аллоҳгагина маълумдир. «Фақат Аллоҳгина ҳар бир аёлнинг кўтариб юрган ҳомиласини ўғилми-қизми, расоми-норасоми, чиройлими-хунукми эканини ҳамда бачадондан (муддатидан илгари) ташлайдиган болани ҳам, (тўққиз ойдан) ортиқроқ туриб қоладиган болани ҳам билур» («Қуръони карим, Раъд сураси, 8-оят»).

Аллоҳ дунёга келажак чақалокнинг ризку рўзини, турмуши, соғлиғи ва ҳаётини, бахту омадини, яшаш муддати ва ўлимини ҳам белгилувчи зотдир. Шундай бўлгач, мусулмонлар ўз фарзандларининг бутун борлиғи, тақдирини Аллоҳга боғлашган, ундан ёрдам, мадад кутишган. Мана шундай илинж, умид чақалокқа берилувчи исмларда ҳам ўз ифодасини топган.

Исломда кишилар ижтимоий, маънавий ҳаёти ва турмушининг барча соҳалари каби бола тарбиясига оид ибратли кўрсатмалар мавжуд. Бунда бола тарбиясининг илк онлари унга исм қўйишдан бошланишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ислом чақалокни номлашга оид баъзи аниқ қоида ва кўрсатмаларни жорий қилган бўлиб, унга амал қилиш мусулмонлар учун фарз ҳисобланган. Шу сабабли ислом динининг қонун-қоидаларини шарҳлаш ва тушунтиришга бағишланган бир қатор адабиётларда бу масалага алоҳида эътибор қилинган. Чунончи, «Муошарот одоби» асарининг муаллифи шундай ёзади: «Бола дунёга келганда, энг аввало, эшитган товуши Аллоҳ таолонинг исми бўлиши лозим. Шунинг учун унинг қулоғига азон айтилади. Ундан сўнг асал ёки бошқа нарса билан боқа бошланади. Еттинчи кунда сочи олиниб, сочи оғирлигида кумуш ёки олтин садақа берилади. Шу куни исм берилади. Бўлажак исм яхши ва таъсирли бўлиши лозим. Шунинг учун болага бериладиган исми чол, кампирлар эмас, олим-имомлар сайлаб қўядилар ва яна шу еттинчи кунда эр бола учун икки, қиз бола учун бир қўй қурбон қилинади. Буни эса «Ақиқа қурбони» деб атайдилар. Бу қурбоннинг бутуни кекса бобога берилади, қолганини фақирларга тарқатилади. Ҳеч нарса синдирилмай, балки бўғинлардан ажратилади. Қурбонга дуруст бўлган қўй, ақиқага сўйилса ҳам дурустдур. Ақиқа қурбони боланинг саломат бўлмоғига сабаб

бўлар эмиш»¹. Қайд қилинган расм-русум исломда мусулмонлар амал килувчи шаръий ҳукмлар қаторига киради².

Мусулмонлар ўзларининг барча ишлари, ҳаракатларида бўлгани каби болани номлашда Қуръондаги қуйидаги фикрларга таяниб номлаш керак: «Аллоҳ чиройли амал қилғувчиларни севади» (Оли имрон сураси, 148-оят). «Аллоҳ таолонинг ўзи гўзалдир, гўзалликни яхши кўради»³.

Демак, Аллоҳ яхши ишлар, ҳаракатлар қилғувчиларни, чиройли сўзлар айтувчиларни, нафосатли тил эгаларини ардоқлар экан, инсонга берилувчи исм ҳам мазмунли ва кўркем бўлмоғи керак, дейилган хулоса келиб чиқади. Исломнинг бу масалада ҳам ўз йўли ва кўрсатмалари бор. Чунончи, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с а в) 300 та иш ва ҳаракатдан мусулмонларни қайтарганлар, яъни бу ишларни макруҳ деб ҳисоблаганлар. Булардан иккитаси: «Фарзандга маъносиз ва нафратли номлар қўйиш», «Фарзандга ортиқча мактовни эслатадиган исм қўйиш (Валиюллоҳ каби)дир»⁴.

Кўринадикки, исломнинг болани номлаш ақидаси асосларини исмнинг маъноли, мазмунли, кибру ҳаводан холи ва чиройли бўлиши ташкил қилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с а в)нинг Зайнаб исмини қандай қўйганлари хақида ҳадисда шундай дейлади: «Абу Рофиъ Абу Ҳурайрадан пақл қиладилар: Зайнабнинг исми аслида Барра (художўй, итоаткор) бўлган. Донг таратсин деб унга шу исми қўйишган эди. Жаноб Расулulloҳ (с а в) унинг бу исмини Зайнаб (хушманзара ва хушбўй дарахтнинг номи) деб ўзгартирдилар»⁵.

Шунингдек, қуйидаги ҳадисда ҳам Пайғамбаримиз (с а в)нинг инсон исми нафосатига муносабатлари равшан ифодаланган: «Агар менга бирор хабарчи юборсаларинг, ўзи кўркем ва исми ҳам чиройли кишини юборинглар»⁶.

Исломда инсонлар номининг маъноли ва кўркем бўлиши ҳақида гапирилар экан, кишиларнинг бир-бирига лақаблар,

¹ *Олимат ул Банот*. Муошарот одоби. — Т.: «Меҳнат», 1991. 17—18-бетлар.

² *Аҳмад Ҳодий Мақсудий*. Шаръий ҳукмлар тўплами. — Т.: 1990. 12-бет.

³ *Муҳаммад пайғамбар қиссаси*. Ҳадислар. — Т.: 1991. 66-бет.

⁴ *Аҳмад Ҳодий Мақсудий*. Шаръий ҳукмлар тўплами. 30-бет.

⁵ *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис, — Т.: 1992. 132-бет.

⁶ *Муҳаммад пайғамбар қиссаси*. Ҳадислар. — Т.: 1991. 55-6.

ҳақоратли номлар қўйишини ва одамни ўша лақаб билан аташни ниҳоятда қораланади. Ушбу фикрлар Қуръондаги ушбу оятда ёрқин ифодаланган: «Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга ёмон лақаблар қўйиб олманглар! Имондан кейин фосиҳлик билан номланиш (яъни мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосиҳона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир! Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар» (Хужурот сураси, II-оят).

Қуръондаги ушбу кўрсатма ҳадислар ва бошқа диний адабиётларда кенг шарҳлаб берилган. Масалан, Ҳадисда шундай дейилган: «Кимки бировни ўз номи ўрнига бошқа лақаб билан чақирса, уни фаришталар лаънатлайдилар»¹. Шу сабабли бировга лақаб қўйишдек ёмон одат шариатда қаттиқ қораланган ва ҳаром саналган — зулмий ҳаромлар жумласига киритилади ҳамда мусулмонларга «Одамларга лақаб тўқимангиз ва лақаблар билан чақирмангиз» деб буюрилади².

Ислом дини ҳам шахснинг номи кишининг ҳаёти ва тақдирида муҳим роль ўйнайди, яхши исм одамга омад, аксинча, ёмон ва ноқулай исм бахтсизлик келтиради деб ҳисоблайди. Бунинг Ҳадисда келтирилган қуйидаги ибратли воқеадан билиб олиш мумкин: «Ибн ал-Мусайяб оталаридан нақл қиладиларки, оталари жаноб Расулulloҳнинг ҳузурларига борганларида, ул зот: «Исминг недур?» — деб сўрайдилар. Оталари: «Исминим Ҳузн (ғам)» — дебдилар. Жаноб Расулulloҳ: «Сенинг исминг Саҳл (яъни Шодмон бўлсин!) — деб айтибдилар. Оталари: «Отам қўйган исмининг ўзгартира олмасман!» — дебдилар». Ибн ал-Мусайяб: «Шу-шу бўлди-ю, бошимиздан ғам аримай қолди, — дейдилар»³.

Аллоҳнинг номларини ёд олиш ва доимо дилда сақлаб, такрорлаб юриш, уларни айтиб тасбеҳ ўгириш мўмин-мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири саналади. Бунинг савоби ва фойдаси Ҳадисда шундай изоҳланади: «Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Аллоҳ таолонинг бир кам юз, яъни тўқсон тўққизта исми

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. — Т.: «Фан», 1990. 148-бет.

² Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Шаръий ҳукмлар тўплами, 16-бет.

³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV жилд. — Т.: 1992. 132-бет.

бўлиб, кимки уни ёддан билса, жаннатга киргайдир. У тоқ сонни яхши кўргувчи бўлиб, ўзи ҳам тоқ (ягона)дир»¹.

Ислом дини асосларини шарҳлашга ва ундан сабоқ беришга мўлжалланган диний адабиётлар, шунингдек, изоҳли луғат ҳамда қомусларда Аллоҳ таолонинг 99 исми ҳақида атрофлича маълумотлар берилган.

Фарзандга исм танлаганда Аллоҳнинг ушбу номлари негизда ҳосил қилинган исмлардан фойдаланишга даъват қилинади. Лекин ислом талабига кўра, мусулмонларнинг фарзандларига қўйиладиган исм Аллоҳнинг номи билан мазмунан теппа-тенг келиб қолмаслиги, ундан устун турмаслиги лозим. Шу сабабли, одатда, Аллоҳнинг номидан ясалган исмлар таркибида арабча «абд» (қул) ва форсча «ғулом» ёки ўша маънога яқин тушунчаларни ифода қила олувчи сўзлар келади. Ҳозирги ўзбек тилида Аллоҳнинг гўзал номлари замирида ясалган кўпгина исмлар мавжуд ва улар ўзбек кишиларининг атоқли отларидир. Бу қўйидаги далиллардан кўриниб турибди.

Аллоҳ таолонинг номлари ва уларни англатадиган маънолари	Аллоҳ номидан ясалган исмлар
Аллоҳ – Тангри, Худо.	Абдулла – Аллоҳнинг қули.
ал-Раҳмон	Абдураҳмон – меҳрибон, меҳрибоннинг қули
ал-Малик – подшоҳ	Абдумалик
ал-Қуддус – нуқсонлардан холи	Абдуқуддус – нуқсонлардан холининг, мислсиз, муқаддаснинг қули
ас-Салом – офат ва балолардан саломат	Абдусалом – бало-офатлардан саломатнинг ёки бало-офатлардан сақловчининг қули
ал-Муъмин – омонли ва омонлик берувчи	Абдумўмин – омонлик, нажот берувчининг қули
ал-Азиз – иззат ва қудрат соҳиби	Абдуазиз – иззат ва эъзоз соҳибининг қули
ал-Жаббор – бандалари ишини ислоҳ этувчи	Абдужаббор – куч-қудрат соҳибининг; бандалари ишини ислоҳ қилиб, жабрловчининг қули

¹ *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. IV жилд. – Т.: 1992. 194-бет.*

ал-Холик — яратуви; халқ қилувчи	Абдухолик — яратувчининг, дунёга келтирувчининг қули
ал-Бориъ — яратувчи	Абдубори — яратувчининг, дунёга келтирувчининг қули
ал-Мусаввир — махлуқот ва мавжудотларга сурат ва шакл берувчи	Мусаввир, Мусаввирқул, Мусаввара
ал-Фаффор — бандаларнинг айбу нуқсонлари ва гуноҳларини фош қилмай ёпиб турувчи, кечирувчи	Абдуфаффор — кечирувчининг, кечира олувчининг қули
ал-Қахҳор — барчани бўйсундирувчи, ғолиб	Абдуқахҳор — барчани мағлуб эта олувчининг, доимо ғолибнинг қули
ал-Ваҳҳоб — ўз неъматларини текин ато этувчи	Абдуваҳҳоб — барча ноз-неъматларни берувчи, уларни текин ато этувчининг қули.
ар-Раззоқ — барча тирик мавжудот ризқини етказиб берувчи	Абдураззоқ — барчанинг ризқу рўзини, насибасини етказиб берувчининг қули
ал-Фаттоҳ — ҳукм этувчи; раҳмат хазиналарини очувчи	Абдуфаттоҳ — раҳмат хазиналарини очувчи ва унга йўл кўрсатувчининг қули
ал-Алийм — билувчи, илм соҳиби	Абдуалим — билим ва донолик соҳибининг қули
ал-Босит — бандаларига кенг ризқ берувчи, руҳ бахш этувчи	Абдубосит — ризқ ато этувчи, руҳ бахш этувчининг қули
ал-Рофиъ — мўминлар мартабасини кўтарувчи	Абдурафи — ўз бандаларининг мартабасини кўтарувчининг қули ёки олий мартабалининг қули
ал-Самий — махфий ва ошқора гап ва шарпаларни; ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи	Абдусами — барча нарсалардан хабардорнинг қули, эшитувчининг қули
ал-Адл — ўта адолатли	Адлбой, Адлғози, Адлқул — ўта адолатли, ҳақғўйнинг қули
ал-Хабир — ҳамма махфий ва ошқора ишлардан хабардор	Абдухабир — барча нарсани билувчи ва хабардорнинг қули
ал-Ҳалим — жазолашга шошмайди-ган, ҳилм билан яхшилик қилиб турувчи	Абдуҳалим — жазолашга шошмовчининг қули
ал-Азим — улуг, буюк, катта	Абдуазим — улуг ва буюкнинг қули

ал-Ғафур — гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи	Абдуғафур — гуноҳларни кечирувчининг қули
аш-Шоқир — оз ишларга кўп мукофот берувчи	Абдушоқир — хайрли ишларни тақдирловчи, мукофотловчининг қули
ал-Алий — улуғ мартабали, буюк	Абдуали — олий мартабалининг қули
ал-Рақиб — ҳамма нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчи	Абдурақиб — барча нарсани кузатиб, асраб турувчининг қули
ал-Мужиб — дуоларни қабул этувчи	Абдумужиб — дуо ва тавбаларни қабул қилувчининг қули
ал-Восиъ — мулки, раҳмати ва қудрати кенг бўлган зот	Абдувоси — қудрати чексиз ва барча нарсанинг эгаси бўлган зотнинг қули
ал-Ҳаким — ҳикмат ва ақл соҳиби	Абдуҳаким — тенгсиз ақл ва ҳикмат соҳибининг қули
ал-Вадуд — дўст, хайрихоҳ, махбуб	Абдуводуд — дўст, хамроҳ, севгучининг қули
ал-Мажид — неъмат ва эҳсони бепоён	Абдумажид — атоқли, донгдор; неъмат ва эҳсон чексизнинг қули
ал-Ҳамид — ҳамду саного, мактовга лойиқ зот	Абдуҳамид / Абдулҳамид — мактов ва олқишларга сазовор зотнинг қули
ал-Ҳай — тирик, барҳаёт	Абдуҳай — абадий тирик, барҳаёт бўлган зотнинг қули
ал-Қайюм — ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни тургизувчи	Абдуқайюм — абадий мавжуд бўлиб турувчининг қули
ал-Вождид — хоҳлаган нарсасини топувчи	Абдулвождид — хоҳлаган нарсасини топувчи ва ярата олувчининг қули
ал-Можид — карамли ва шарафли зот	Абдумажид — шараф ва олқишларга сазовор бўлган зотнинг қули
ал-Боис — пайғамбарларни юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи	Абдубоис — қайта ҳаёт бахш эта олувчининг қули
аш-Шаҳид — ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи, шохид	Абдушоҳид — ҳамма нарсани кўриб турувчи ва унга гувоҳнинг қули
ал-Ҳақ — ҳақиқатан мавжуд зот	Абдулҳақ — ҳақиқатда мавжуд, ҳаққу ростнинг қули
ал-Вакил — ҳамма ишларни ўз зиммасига, қафолатига олувчи	Абдувакил — барча ишлар қафолатида бўлганнинг қули

ал-Кавий — ҳақиқий қувват ва қудрат эгаси	Абдулқавий — чинакам ва беқиёс қудрат эгасининг қули
ал-Матин — қувватли, матонатли	Абдуметин — матонатли ва мустаҳкамнинг қули
ал-Валий — дўстларга дўст, мададкор	Абдували — мададкор ва ҳомийнинг қули
ал-Воҳид — ягона, бир (Худо бир)	Абдувоҳид — биттаю битта, яккаю ягонанинг қули
ал-Самад — ҳожатбарор	Абдусамад — барча ҳожатларни чиқарувчи, ҳожатбарорнинг қули.
ал-Қодир — қудратли	Абдуқодир — мислсиз қуч ва қудрат соҳибининг қули
ал-Аввал — ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз	Авалиддин — оламнинг энг аввали бўлмиш, бошланиши чексиз зотнинг қули
аз-Зоҳир — борлиги ҳамма томонлама аён бўлмиш зот	Абдузоҳид — мавжудлиги ҳар томонлама шубҳасиз ва аён бўлган зотнинг қули
ал-Волий — барча ишларни тасарруф этувчи ҳоқим	Абдували — барча ишларнинг эгаси ва унга ҳомийлик қилиб турувчининг қули
ар-Рауф — ўта меҳрибон, раҳмати кенг	Абдурауф — ўта меҳрибон ва муруввати чексизнинг қули
ал-Жомий — тўпловчи, киёмат куни халойикни маҳшаргоҳга жам қилувчи	Абдулжами — барча нарсадан хабардор ва барчани бир жойда тўпловчининг қули
ал-Ғаний — бой, эҳтиёжсиз	Абдуғани — барча нарсага эга, ҳеч нарсага эҳтиёж сезмовчи зотнинг қули
ал-Нур — ўз-ўзидан борлиги аён ва борликни ҳам аён этувчи	Абдунур — ўз-ўзини ва борликни аён этиб, равшан қилиб турувчининг қули

Юқорида келтирилган далиллардан кўринадики, ҳозирги даврда ўзбекларнинг атоқли отлари бўлмиш кўпгина исмлар Аллоҳнинг гўзал номларидан ҳосил қилингандир.

Диний руҳдаги ўзбекча исмларнинг иккинчи манбаи — бу пайғамбарларнинг номларидир. Маълумки, тарихда бир қатор пайғамбарлар ўтган бўлиб, уларнинг аниқ сони мавжуд диний

манбаларда етарли равишда белгиланган эмас. Баъзи манбаларда уларнинг сони 24 минг дейилса, бошқа адабиётларда бундан ортиқроқ ёки камроқ адад келтирилади. Куръони каримда 25 та пайғамбарнинг исми аниқ кўрсатилган бўлиб, улар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Якуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зулкафл, Юнус, Мусо, Хорун, Шуайб, Илёс, Ал-Ясваъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яхё, Исо ва Мухаммаддир¹.

Баъзи адабиётларда Куръони каримда 28 та пайғамбарнинг номи тилга олинган дейилади ва Уъзайир, Лукмон, Алсайъларнинг номлари келтирилади. Пайғамбарларнинг адади ва номлари юзасидан диний қарашлардаги ихтилофлар ушбу фикрлардан ҳам маълум бўлади: «Ушбу зикр қилинган пайғамбарлар ичинда ихтилофликлари бордур. Баъзи уламоларимиз ҳазрати Уъзайирни пайғамбар, ҳазрати Лукмон ва Зулқарнайинни авлиё демишлар»². Шунингдек, юқорида тилга олинган номларнинг имлосида ҳам ихтилофлар мавжуд: Исмоил – Исмоъил, Зул-кафл – Зулкафл, Алсайъ – Ал Ясаъ, Закариё – Закарийё каби.

Пайғамбарларнинг тилга олинган номларининг аксарияти ўзбек кишиларининг атоқли оти сифатида ҳам келади. Шунингдек, бу номларга бошқа исмлар ёки сўзлар қўшилган ҳолда анчагина янги номлар ҳосил қилинган: Одамбек, Одамбой, Одамтой, Одамкул; Идрис, Идрисали, Идрисмирза, Идрискул; Солих, Солихбой, Солихжон, Солихбўта, Солиххўжа, Солихкул; Иброҳим, Иброҳимали, Иброҳимбек, Иброҳиммирза, Иброҳимча, Иброҳимкул, Исмоил, Исмоилжон, Исмоилшо; Исҳоқ, Исҳоқали, Исҳоқжон, Исҳоқназар, Исҳоқтўра, Исҳоқкул; Яъқуб, Яъқуббек, Яъқубжон; Юсуф, Юсуфали, Юсуфжон, Юсуфаҳмад, Юсуфжон, Юсуфвали; Юнус, Юнусали, Юнусжон, Юнусмирза, Юнускори, Юнускул; Мусо, Мусоали, Мусоёр, Мусомуҳаммад, Мусомурод, Мусобой; Илёс, Илёсали, Илёсиддин, Илёскул; Исо, Исобек, Исоёр, Исожон, Исомухаммад, Исомурод, Исотилла, Исотой, Исохон, Исокул ва бошқалар.

Баъзи диний антропонимларнинг этимологияси ва маъноси ҳақида ҳар хил мунозарали фикрлар учраб туради: Одам, Ҳаво, Юсуф каби номлар бунга далил бўла олади.

Мирзо Улуғбек Одам номининг келиб чиқиши ҳақида икки хил фикр (арабча, ибрийча, яъни яҳудийча) мавжудлигини

¹ *Абдулазиз Мансур, Баҳманёр Шоқир*. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. – Т.: 1992, 13-бет.

² Ислом динининг асослари. 1-китоб, – Т.: 1991, 9-бет.

таъкидлайди ва бу сўзни арабча деб изоҳлайди¹. Абдулғозий Баходирхон Одам сўзини арабча ҳисоблайди². Одам сўзининг арабча эканига етарли асослар бор³. Ҳаво исмининг ҳам келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Рабғузий Ҳавони араб тилига боғлайди: Тавротда сўнгра Одам хотини исмини Ҳаво қўйди (яъни «барҳаёт» қўйди дейилган. У ҳамма ҳаёт эгаларининг онаси)⁴.

Н. Хусанов яҳудийча дейди. Ҳаво исмининг араб тилидан олинганлиги ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқин⁵.

Пайғамбарлар, уларнинг яқинларининг асосий исмларидан ташқари, уларга хос хусусият ва фазилатларни ифода қилувчи номлар — кунъялар, лақаблар, рамзий номлар ҳам мавжуддир. Масалан: Ал-Амин (Муҳаммад пайғамбар (с а в)нинг сифати. Маъноси тўғрисиўз, жасур, аслзода), Тоҳира (Муҳаммад пайғамбар (с а в)нинг хотинлари Ҳадичанинг лақаблари), маъноси: покдомон, мусаффо, Масих (Исо пайғамбарнинг лақаблари), маъноси: асли «май суртилган», кейинчалик «худо тайинлаган» ва ҳ.к.

Имом ат-Термизий «Шамоилю Муҳаммадийя» асарида «Жаноби Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ном ва лақабларидан баъзилари» деб қуйидаги икки маълумотни келтиради:

«Ҳазрат Жубайр Мугъим розиёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноби акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар. Менинг бирмунча номларим бордур. Мен Муҳаммаддурман, Аҳмаддурман, Моҳиддурман, Аллоҳ таоло мен билан дунёдан куфрни мавҳ этур. Ман Хоширдурманки, одамлар менинг измимдан хашар этилулар ва мен Оқибатдурман. Оқибат маъноси ҳаммадан кейин келгувчи бўлур. Яъни Жанобдан кейин пайғамбар келмас. «Яна: «Ҳазрати Хузайфа розиёллоҳу анҳу дебдурлар: Мен Мадина кўчаларининг бирида жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам ила мулоқот этиб қолдим. Ўшал вақтда Жаноб дебдилар: Мен Муҳаммаддурман, Аҳмаддурман. Набийу-р Раҳматдурман, Набийу-т Тавбадурман ва Муқаффи-дурман ва Хоширдурман ва Набийу-т Тавба пайғамбари ва Муқаффи маъ-

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. — Т.: Чўлпон, 1994. 16—17-бетлар.

² Абдулғозий. Шажараи турк, 1992. 13-бет.

³ Холмонова Зулхумор. Диссертация, 106-бет.

⁴ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. II китоб. — Т.: «Ёзувчи», 1991, 68-бет.

⁵ Холмонова З. Диссертация. 106-бет.

носи ҳамма пайғамбарларга итбоъ қилгувчи ва Набий-ул Малойим ҳам урушлар пайғамбари демакдур»¹.

Ҳозирги ўзбек тилида учрайдиган: Муҳаммад, Аҳмаджон, Ҳоширмағ, Набижон сингари киши номларининг юқорида қайд қилинган номлар билан алоқадорлигини инкор қилиб бўлмайди.

Ислом таълимотини шарҳлашга бағишланган адабиётларда ёзилишича, «Аллоҳ таолонинг 99 исми бўлгани каби жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳам 99 номлари бор»².

Мана шу номларнинг айримлари ўзбек кишиларининг исми сифатида ҳам келади. Бунда пайғамбарнинг номи якка ҳолда ёки бошқа бир исм ёхуд сўз билан биргаликда киши номи ва-зифасини ўтайди:

Пайғамбаримизнинг номлари ва уларнинг маънолари	Пайғамбаримиз номларидан ясалган киши исмлари
Муҳаммад — мақталувчи	Муҳаммад, Муҳаммадберди, Муҳаммадёр, Муҳаммадмурод, Муҳаммаднаби, Муҳаммадрасул, Муҳаммадкул ва бошқ.
Аҳмад — Аллоҳга кўп ҳамд айтувчи	Аҳмад, Аҳмадёр, Аҳмаднур, Аҳмадкул ва бошқ.
Ҳамид — Аллоҳга ҳамду сано айтувчи	Ҳамид, Ҳамидкул, Абдуҳамид
Маҳмуд — мақталган	Маҳмуд, Маҳмудмурод, Маҳмудназар, Маҳмудулла, Маҳмудкул
Ҳошир — ўз умматларини қиёмат куни маҳшаргоҳга йиғувчи	Ҳошир, Ҳоширбой, Ҳоширмуҳаммад
Тохир — тоза, пок	Тохир, Тохиржон (э.и.), Тоҳира (а.и.)
Таййиб — пок, хуштабиат	Тоййиб, Тоййиббой, Тоййбча
Сайид — Хожа	Сайид, Сайиднаби, Сайидназар, Сайидкул ва бошқ.
Расул — элчи, пайғамбар	Расул, Расулберди, Расулназар, Расулкул (э.и.), Расула, Расулой (а.и.)
Набий — пайғамбар	Наби, Набибулла, Набиддин, Набикул

¹ *Имом ат-Термизий*. Шамойили Муҳаммадийя. — Т.: «Меҳнат», 1991. 87-бет.

² Мусулмончиликдан илк сабоқлар. 14-бет.

Комил — етук	Комил, Комилшер
Абдуллоҳ — Аллоҳнинг бандаси	Абдулла
Ҳабибуллоҳ — Аллоҳнинг суюклиси	Ҳабибулла, Ҳабибназар, Ҳабибраҳмон
Сафийюллоҳ — Аллоҳнинг танлагани	Сафий, Сафийулла (э.и.), Сафия (а.и.)
Нажиюллоҳ — Аллоҳнинг сирдош дўсти	Нажибулла, Нажибдўст, Нажибёр (э.и.), Нажиба, Нажия (а.и.)
Носир — ёрдам берувчи	Носир, Носириддин, Носирқул (э.и.), Носира (а.и.)
Мансур — ёрдам берилган, душманлари устидан зафар топган	Мансур, Мансурхон (э.и.), Мансура (а.и.)
Маълум — ҳаммага маълум	Маълумбой (э.и.), Маълума (а.и.)
Шоҳид // Шаҳид — гувоҳ	Шоҳид, Шоҳидбек (э.и.), Шоҳида (а.и.)
Башир — хушхабар берувчи	Баширулла (э.и.), Башира (а.и.)
Мубашшир — хушхабар берувчи	Мубошир (э.и.), Мубошира (а.и.)
Назир — азоблардан огоҳлантирувчи	Назириддин. Назирқул (э.и.), Назира, Назиртош (а.и.)
Нур — ёруғлик, ёвду	Нуриддин, Нурберди, Нурмурод, Нурмухаммад, Нурназар, Нурниёз, Нурилла (э.и.), Нурия, Нуртош, Нурхон (а.и.)
Сирож — чирок, куёш	Сирожиддин, Сирожтой (э.и.), Сирожия (а.и.)
Мисбоҳ — чирок	Мисбоҳ, Мисбоҳиддин
Мухтор — танлаб олинган	Мухториддин, Мухторбек (э.и.), Мухтора (а.и.)
Абул-Қосим — Қосимнинг отаси	Абулқосим, Қосимбой, Қосимтўра, Қосимқул
Солиҳ — яхши ишларни қилувчи. Аллоҳнинг буйруқларини адо этувчи	Солихтўра, Солихқул (э.и.), Солиҳа (а.и.)
Муслиҳ — ислоҳ этувчи, тузатувчи	Муслиҳиддин (э.и.), Муслиҳа (а.и.)
Содиқ — ростгўй	Содиқжон, Содиқшо
Сидқ — ростгўй	Сиддиқ, Сиддиқали, Сиддиқназар (э.и.) Сиддиқа (а.и.)

Вакил — вакил, ишонч эгаси, кафил	Вакил, Абдувакил (э.и.), Вакила (а.и.)
Шафик — шафқатли, меҳрибон	Шафик, Шафикали (э.и.), Шафика (а.и.)
Болиғ — олий даражаларга етган	Болиғбой, Боликбой (асли Болиғбой)
Восил — етишувчи (Аллоҳнинг розилиги ва дийдорига)	Восил, Восилбой (э.и.) ва Восила (а.и.)
Ҳодий — тўғри йўлга бошловчи	Ходи, Ходимуҳаммад, Ходикул, Ходиқурбон (э.и.), Ходия (а.и.) ва б.

Пайғамбаримиз (с а в) ўз номларининг мусулмон фарзандлари учун исм бўлиши ва бунинг баъзи шартлари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Расулulloҳ: «Фарзандларингизга исминми қўйинглар, *Абулқосим* деб кунямни қўйманглар!» деганлар¹. Яна у киши: «Болаларингизга исминми қўйинглар!»² деб айтганлар.

Бу ўринда Пайғамбаримиз (с а в) «лақабим» деб ўзларининг кунялари Абулқосим номини қўзда тутмоқдалар. Чунки бола Абулқосим деб аталса ёки чақирилса, у «Қосимнинг отаси» маъносини беради ва мазмунан бола Расулulloҳ билан тенг бўлиб қолади. Шу сабабли исломнинг шаръий ҳукмларида бундай номлашни Пайғамбаримиз қайтарганлар, яъни ман қилган (макрух) ишлар жумласига киритилган ва «Муҳаммад исмини олган кишини пайғамбаримизга ўхшатиб Абулқосим деб чақиритиш» тақиқланган³. Лекин мусулмонлар орасида бу шаръий ҳукмдан беҳабарлик ёки уни тушунмаслик орқасида, шунингдек, баъзан лоқайдлик туфайли болани Абулқосим деб номлаш ҳоллари ўтмишда ва ҳозирда ҳам учраб туради. Мана шундай ҳолатлардан бирини Муҳаммад пайғамбар (с а в)нинг ўзлари қуйидагича тўғрилаганлар. Бу ҳақда Ҳадисда шундай дейилади: «Ибн ал-Мункадир Жобирдан нақл қиладилар: Орамиздан бир киши ўғил қўриб, унга Қосим деб ном қўйди. Биз «Сени Абул Қосим деб атаётган бўлмайми!» — дедик. Шунда у Жаноб Расулulloҳга бо-

¹ *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис, I, — Т.: 1991. 43-бет.

² Ўша муаллиф. Ҳадис, IV, — Т.: 1992. 131-бет.

³ *Аҳмад Ходий Мақсудий*. Шаръий ҳукмлар тўплами. — Т.: 1990. 30-бет.

риб айтган эрди, у зот: «Ўғлингга Абдурахмон деб ном қўйгил!» дедилар¹.

Ҳозирги ўзбек исмлари орасида халифаи барҳақлар (чаҳорёрлар): Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон ва Алининг номлари ёки уларнинг номлари иштирокида ясалган исмлар ҳам тез-тез учраб туради: Сиддик, Сиддиқжон, Сиддиқназар (э.и.), Сиддика (а.и.); Умар, Умарали, Умаррасул, Умартой, Умархон, Умаршо, Умаркул, Умарқўзи; Усмон, Усмонали, Усмонтой, Усмонхон, Усмонча, Усмонкул; Али, Алидарвеш, Ализод, Ализода, Алимардон, Аликул, Алихон, Алисаид, Алиқувват, Алимухаммад² каби.

Кўп ҳолларда ўзбек тилида пайғамбарлар ва халифаи барҳақларнинг исмлари лақаб номлари биргаликда қўша қўлланишини ва натижада тилимизда янги-янги қўшма исмлар ҳосил қилинганини кўрамиз: Алимухаммад, Муҳаммадали, Алиумар, Умарали, Алишер, Шерали, Алихайдар, Ҳайдарали, Ахмадали, Валимухаммад, Муҳаммадвали, Иброҳимали, Идрисали, Муҳаммадумар, Муҳаммадусмон, Муҳаммадюнус, Муҳаммадмусо, Муҳаммадюсуф, Муҳаммадяъқуб, Муҳаммадисо, Исомухаммад, Муҳаммадисоҳ, Усмонали ва бошқалар.

Ўзбекларда фарзандли бўлиш, унинг келажак бахту иқболини Аллоҳга, унинг амру қарори ва иродасига боғлаш ҳамда ўшанга мос равишда исм қўйиш етакчи удумлардан биридир. Мана шу эътиқодга кўра дунёга келган чақалоқ Аллоҳ таолонинг марҳамати, тухфаси, ота-оналарига кўрсатган меҳр-шафқати деб тушунилади: Аллоберди, Аллоберган, Худойберган, Худобахш, Тангриберди, Тангриберган, Азизберди, Каримберди, Азимберди, Мавлонберди, Бердимавлон, Бердирахим, Раҳимберди, Бердишукур, Бердирахмон, Раҳмонберди, Атоулло, Бахшиулло, Иноятилла, Лутфулла, Инъомулла, Тухфатулла, Тухфанисо, Эҳсон, Ҳадияхон, Ҳадиятулла, Инобат ва бошқалар.

Баъзи ҳолларда фарзандли бўлишнинг сабабини пайғамбарлар, халифа ва саҳобаларнинг муруввати, эҳсони, кўмаги деб тушунилганини ҳам кўрамиз: Бердимухаммад, Бердинаби, Бердирасул, Расулберди, Бердиали, Муродали, Расулмурод, Муҳаммадниёз, Ниёзали, Алиниёз, Бахшиали, Эҳсонали, Инъомали ва бошқалар.

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, IV, – Т.: 1992. 131-бет.

² Идрисов А. Чаҳорёрлар. – Т.: 1993.

Пайғамбарлар, халифаларнинг фарзандлари, оила аъзолари ёки қариндошларининг оилалари ҳам мўътабар исмлар сифатида эъзозланган ва ўзбекларнинг фарзандлари учун сеvimли атоқли отга айланган: Фотима, Марям, Ҳадича, Ҳалича, Ҳасан, Ҳусан, Зайнаб, Ойша, Ойшахон, Сафия, Ҳабиба ва бошқалар.

Фарзандсиз бўлган ёки болалари турмасдан ўлаверган оилаларда ўтмишда муқаддас қадамжоларга, авлиёлар, эшону шайхларга сифиниш, улардан кўмак сўраш, нажот ахтариш одати кучли бўлган. Мана шундай илтижою эътиқодлардан кейин бола кўришганда ота-оналар навбатдаги фарзандига ўлмасин, соғ-саломат юрсин деган ният билан Авлиёниёз, Авлиёқул, Авлиёзода, Баховуддин, Валиназар, Валиёр, Султонмурод (Ҳазрати Султон – Аҳмад Яссавий кўзда тутилади), Обиддин, Пиримназар, Пирназар, Эшонниёз, Эшонназар, Остона, Остонақул, Остонберди сингари исмларни беришган. Бу исмларда ота-оналарнинг илоҳий кучларга миннатдорчилиги ва чақалоқнинг келажак бахтини таъминлашга интилиши ўз ифодасини топган. Кўп йиллар «тирноққа зор бўлган» ёки бир қанча жигарпораларини ерга берган оилаларда қандай қилиб бўлмасин навбатдаги чақалоқнинг ҳаётини, мурғак жонини сақлаб қолишга чоралар ахтаришган. Натижада ўз фарзандларини муқаддас қадамжолар, авлиёлар, шайху эшонларга бағишлаш, уларнинг паноҳига топшириш, амалда ва рамзий маънода «назр қилиш» одати юзага келган. Мана шу каби одатлар чақалоққа берилувчи ўзбекча исмларда ўз ифодасини топган: Назир, Назирали, Назиржон, Назиртош, Назрулла, Назирхон, Назирқул (э.и.), Назира, Назирой, Назиртош (а.и.) ва бошқалар.

Болага берилувчи исмларда ота-оналарнинг фарзандли бўлишига руҳан «кўмаклашганлар»га миннатдорчилиги, фарзанднинг эса келажакда улар учун содиқ «қул», «ғулом», «мўмин банд» бўлиши сингари фикрларнинг изҳор этилганини кўраимиз. Чунончи: Авлиёқул, Эшоиқул, Қулаҳмад, Қулжума, Қулмуҳаммад (Қулмат), Қулмиддин, Қулмўмин, Қулсоат, Алиқул, Муҳаммадқул, Усмонқул ва бошқалар.

Ислон дини ва унинг ақидалари асрлар давомида ўзбек халқининг маданий, маънавий ҳаётига чуқур сингиб борди. Кишилар ўзларининг кундалик турмуши, ишлари, эзгу ният ва амалларини, орзулари, омад ва бахтларини динсиз тасаввур қила олмас эдилар. Айниқса, фарзанд кўриш, чақалоқнинг ҳаёти,

соғлиги, уни турли касофатлардан муҳофаза қилишдек муқаддас ва нозик ишда диннинг шарофати ва қўмагига қаттиқ ишонишдек эътиқоди чуқур илдиз отди. Натижада чақалокқа берилувчи бир қатор номлар ислом динининг муқаддас, хосиятли ойлар, кунлар ҳақидаги ва исломнинг турли тушунча, тасаввуф ва тасаввурлари ҳақидаги ғояларини ифода қилувчи сўзлардан ясалди. Чунончи: Сўфи, Сўфиқиз, Вали, Валия; Шайх, Шайхулла; Хўжабек, Хўжанисо; Ҳожи, Ҳожиқул, Ҳожинисо; Қори, Қория, Қорияхон; Эшон, Эшонхон, Эшонхўжа, Эшоной; Махсум, Махсума; Имом, Имомкул, Имомиддин; Ислом, Исломкул; Аълам; Дарвеш, Дарвешали; Шохид, Шохида; Қаландар; Мусулмон, Мусулмонкул; Ғози, Ғозибой, Ғозия, Ғозинисо, Ғозихон; Халиф, Халифа; Муслим, Муслима; Тиловатхон, Туморхон; Зоҳид, Зоҳида; Девона, Девонакул, Зикриё, Намоз, Намозбой, Намозбуви; Умнат, Умматали, Тавфиқ, Жаннат, Жаннатбу, Жаннатхон; Кавсарой, Кавсархон, Мадина, Арофат ва бошқалар.

Ушбу гуруҳга мансуб бўлган бир қатор исмлар исломда муқаддас, хосиятли ҳисобланган кунлар, ойлар, байрамлар номидан ясалган. Бундай исмларда, бир томондан, чақалокнинг туғилган вақти, пайтига ишора қилиш мавжуд бўлса, иккинчи томондан, мана шу каби номлар чақалокқа яхшилик келтиради, унинг соғсаломат ва бахтли бўлиб ўсишига гаров бўлади, дейилган умид ва ишонч мужассамлашган. Чунончи, *кунлар номидан ясалган исмлар*: Пайшанба, Жума, Жумакелди, Жумамурод, Жумабой, Жуматош, Жуманазар, Жуманиёз, Жумақилич, Жумагул, Жуманор, Жумасултон, Жумахон, Жумақиз, Шанбагул, Одина, Анна, Аннамурод, Аннамухаммад ва бошқалар. Хосиятли, муқаддас деб юритилувчи *ойлар номидан ясалган исмлар*: Мухаррам, Ражаб, Ражаббой, Ражаббека, Сафар, Сафарали, Сафартурди, Сафарой, Сафарнисо, Ашур, Ашура, Ашурбиби, Рамазон. Диний байрамлар номидан ясалган исмлар: Ҳайит, Ҳайитбой, Ҳайитбуви, Ҳайитгул, Байрам, Байрамали, Байрамой, Байрамгул ва бошқалар.

Ислом дини ва араб тилининг таъсири остида ўзбек тилида пайдо бўлган исмлар ва исм бериш одатларига оид юқорида таҳлил қилиб ўтилган мулоҳазаларни жамлайдиган бўлсак, исломнинг болага исм қўйишга оид қуйидаги қоидалари ва талаблари мавжудлиги маълум бўлади.

1. Мусулмонлар ўз фарзандларини гўзал маъноли исмлар билан номлаши лозим.

2. Мусулмонлар ўз фарзандларига қўядиган исм ном эгаси бўлган шахсни ҳаддан ортиқ мадҳ қилувчи, мағрурлантирувчи бўлмаслиги керак.

3. Болага исмни Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан ясалган номлардан танлаш ва бериш лозим ёки болага берилган ҳар қандай исмда Аллоҳ таоло номининг бир ҳарфи (товуши) бўлиши керак.

4. Мусулмон кишининг исми маъно ва шакли жиҳатига кўра Аллоҳ таолонинг исмига айнан тенг келиши ёки ундан ортиқ туриши мумкин эмас.

5. Мусулмонлар ўз фарзандларини пайғамбарларнинг исмлари билан аташлари мумкин. Аммо Муҳаммад пайғамбар (с а в) нинг лақабларини (Абулқосим) исм сифатида қўйиш мумкин эмас ва болани Абулқосим деб чақириш ҳам мумкин эмас.

6. Мусулмонларнинг исмларида уларнинг Аллоҳ таолога, унинг пайғамбарига, исломга бўлган эътиқоди, ҳурмати, тобелиги, сидқу садоқати ифодаланиб турмоғи керак.

7. Мусулмон кишилар бир-бирларининг исмларини тўлиқ айтиб чақиришлари ва мурожаат қилишлари лозим.

8. Мусулмонларнинг бир-бирларига масхаралаб лақаб қўйишлари, бир-бирларини хунук лақаблар билан атаб, чақириб камситишлари, масхара қилишлари гуноҳи аъзимдир.

Умуман, мусулмонлар, жумладан, ўзбеклар исломнинг бола ни номлашга оид юқорида қайд қилинган талабларига асрлар давомида амал қилиб келганлар. Шу билан бирга ўтмишдан то ҳозиргача ўтган давр ичида чақалоқни номлашнинг исломий қоидаларидан маълум даражада четга чиқиш, чекинишлар, ҳаттоки, бу қоидаларни қўпол равишда бузиш қоидалари юз бериб турганини кузатиш мумкин. Улар қуйидагиларда кўринади.

Аллоҳ таолонинг номларидан ясалган исмларнинг аксарияти амалда шаклан тўлиқ (Абдулқодир) ёки қисқартирилган, нотўлиқ (Қодир, Қодирбой) ҳолда қўлланиши одат тусига кириб қолган. Чунончи: Абдуазиз — Азиз, Абдуазим — Азим, Абдулахад — Аҳад, Абдуваҳоб — Ваҳоб, Абдумавлон — Мавлон каби.

Бундай исмларнинг қисқарган нотўлиқ вариантлари баъзан мустақил ҳосил бўлган номдек тасаввур қилинади. Буни кўпгина ота-оналарнинг чақалоқни ҳозирда Иззат, Жалол, Карим, Каримжон каби номлашида кўриш мумкин. Шунингдек, ўзининг тўлиқ шаклидан узилган баъзи исмлар англатадиган маънолар

нисбатан ижобий ва янги бўлиб, номнинг тўлиқ шакли ифода қилувчи илк маънодан фарқ қилади. Азиз — қадрли, қимматли, мўътабар (аслида Абдуазиз), Асад — арслон, кучли, бақувват (аслида Асадулло), Вафо — содик, садақатли, вафодор (аслида Абдувафо), Жалил — атоқли, доигдор, машхур (аслида Абдужалил), Жалолулуг — кўркем, шавкатли (аслида Абдужалол), Манноф — олийжаноб, химматли (аслида Абдуманноф), Рахим, Рахимжон — марҳаматли, меҳрибон, шафқатли (аслида Абдурахим) ва бошқалар. Демак, исмларнинг қисқарган шаклларида аслида Аллоҳ таолога тегишли бўлган сифат ва хусусиятлар унинг бандаси бўлган шахсларга мансуб белгиларга айланиб қолмоқда. Бу ҳолат исломнинг болани номлаш талабларига зиддир.

Қисқариш туфайли юзага келган ўзбекча номлар орасида шундай исмлар ҳам учрайдики, бунда ном ифода қилувчи хусусият ва маъно фақат Аллоҳ таолога ва унинг пайғамбарларига тегишли бўлиб, бу белги ва сифатнинг оддий бандаларга нисбатан берилиши мантиқан ёпишмайди ва қўпол туюлади. Чунончи: Воҳид — яккаю ёлғиз, ягона (аслида Абдувоҳид), Ваҳҳоб — гуноҳларни кечира олувчи, кечирувчи, афв этувчи (аслида Абдуваҳҳоб), Жаббор — гуноҳ учун жазо берувчи, азобловчи (аслида Абдужаббор), Қаҳҳор — гуноҳ учун раҳм-шафқатсиз, кечирмайдиган (аслида Абдуқаҳҳор), Мавлон — яратувчи, бор қилувчи (аслида Абдумавлон), Раззоқ — бандаларига ризқ-рўз берувчи, насиба улашувчи (аслида Абдураззоқ), Наби — пайғамбар, элчи (аслида Абдунаби, Набиулла), Расул — Аллоҳ ва пайғамбаримизнинг номлари ва сифатларига тенг бўлиб қолганини кўраимиз. Бурҳон — далил, исбот (асли Бурҳониддин), Восит — ўртада турувчи, холис, (аслида Абдувосит), Ибод — бандалар, қуллар (аслида Ибодулла), Мифтоҳ — очкич, калит (асли Мифтоҳиддин) ва бошқалар.

Ўзбек исмлари орасида баъзан маъносига кўра ғоят қўпол ва ноқулай ҳолатга келиб қолган Худо-ев, Олло-ев, Наби-ев, Расул-ев сингари фамилияларни учратиш мумкин. Бу фамилиялар аслида Худойберган, Худойберди, Худойназар, Оллоберди, Оллоҳназар, Абдурасул, Расулберди каби тўлиқ номларнинг қисқаришидан юзага келган тўмтоқ исмлардир.

Аллоҳ таолонинг исмларига, шунингдек, бошқа муқаддас номларга тўғри муносабатда бўлиш ҳақида гап борар экан,

Ҳадислардан олинган қуйидаги фикрни келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: «уч тоифа бадбахт одамлар бор, уларнинг ҳолидан сўрамай қўя қолай:

1. Аллоҳдан улуғлигини талашган одам (яъни ўзига бино қўйган одам).

2. Аллоҳдан азизлигини талашган одам (яъни иззатталаб киши).

3. Аллоҳнинг исми, сифатларига шак келтирган ёки раҳматидан умидсиз бўлган одам»¹.

4. Мухаммад пайғамбар (с а в)нинг мусулмонларга қарата: болаларингизга исмиمنى ном сифатида қўйишингиз мумкин, аммо лақабимни қўйманглар, деган насиҳатларига ҳам етарли равишда амал қилиб келинади деб бўлмайди. Чунончи, Пайғамбаримиз (с а в)нинг Абулқосим деган кунялари туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда исм ва фамилия сифатида учраб туради. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз (с а в) аввал ҳам таъкидлаганларидек, бу куняни исм сифатида қўйиш ман қилинган. Худди шунингдек, исломда мусулмонларнинг бир-бирига лақаб тўқишлари гуноҳдир, деган ақидасига ҳам амалда етарли эътибор берилмайди. Туркий тилларнинг барчасида жуда кўп сонли лақаб номлар мавжуд бўлиб, улар юзасидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лақаблар (диний талаблардан қатъи назар) кундалик, табиий эҳтиёж туфайли пайдо бўлган. Чунки ўтмишда ҳозиргидагидек фамилиялар ва отаисмлар бўлмаган, шу сабабли бир хил исм эгаси бўлиб қолган (адаш) отдош шахсларни ўзаро фарқлашда лақаблар жуда қўл келган. Шунингдек, лақаблар баъзи оилада айтилиши ман қилинган исмлар ўрнини босиши лозим бўлганлиги учун яратилган. Қадимий табу ва эвфемистик анъаналарга кўра, юқорида айтиб ўтганимиздек, оилада келин ўз эрининг, бошқа қариндошларининг номини тилга олмаган. Уларга ўзи ижод қилган махсус лақаб ном билан мурожаат этган. Худди шунингдек, чақалокқа марҳум бувиси, бобоси, аммаси, холаси ёки бошқа кекса қариндошлар номи берилган бўлса, бундай болага унинг номини айтиб мурожаат қилишмаган. Чунки бунга амал қилмаслик номнинг асл эгаси бўлмиш марҳумга нисбатан ҳурматсизлик бўлади, деб тушунилган. Номнинг асл эгаси бўлмиш бобо ёки бувининг, амма ёки амакининг норозилиги эса

¹ Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. — Т.: 1991. 80-бет.

чақалоққа омадсизлик келтириши мумкин деб ўйлашган, мана шундай ҳолларда болага кўшимча исм-лақаблар берилган ва унга ўша лақабни айтиб мурожаат қилишган. Кўп ҳолда боланинг лақаби унинг асосий исмига айланиб кетган.

Мусулмонлар бир-бирларининг исмларини шаклан бузмасдан тўлиқ айтиб мурожаат қилишлари лозимлиги қондасига доимо ҳам риоя қилинмайди. Ўзбек лаҳжа ва шеваларида Аллоҳ таолонинг, пайғамбарларнинг номларидан ясалган исмларнинг турли қисқарган ва шаклан ўзгарган ҳолатларда учраши бунинг гувоҳидир. Чунончи: Мамат, Мамад (Мухаммад), Мамашукур, (Мухаммадшукур), Матниёз (Мухаммадниёз), Марасуд (Мухаммадрасул), Оллон (Оллоназар), Облоқул (Оллоқул), Абжал (Абдужалил), Абиш (Абдушукур), Сайфан (Сайфулла) каби.

VIII—XI асрларда қадимий туркий (ўзбекча) исмлар ва ўзбек тилига араб тилидан кирган номлар ўртасида ҳаёт-мамонт кураши борди. Бундай кураш ўша даврдаги ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг болани номлаш одатларида ва ўша асосда чақалоққа қўйилган исмларда ёрқин ифодаланади. Мана шу курашнинг тарихий ҳамда қонуний натижалари ҳозирги ўзбек тилидаги исмларнинг луғавий таркибида ёрқин кўриниб туради. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги баъзи қизиқарли жиҳатларни қайд этишни лозим топдик.

Биринчидан, ўзбекча ва арабча исмларнинг ўзаро курашида кўп ҳолда арабча ном голиб чиққанини кўрамиз. Чунки ўша даврда ўзбекларнинг ном бериш расм-русумлари қатъийлик билан ислом дини талабларига бўйсундирилган эди. Исм қўйишнинг диний, яъни исломий усул ва қоидалари ўша даврда ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланар эди. Натижада голиб келган асли арабча исмлар ўзбек тилида мустаҳкамланди, аксинча, мағлубиятга учраган баъзи қадимий туркий исмлар истеъмолдан чиқиб кетди. Мана шу сабабли ҳам исломгача удум бўлган бир қатор туркий исмлар, шунингдек, қадимий туркий ёдномалар тилида ва бошқа хил манбалар тилида учрайдиган бир қатор исмлар ҳозирги давр ўзбек исмлари орасида учрамайди. Ҳозирги тилимизда мавжуд кўпгина асли арабча исмлар ўша даврдаги атоқли отлардир.

Иккинчидан, ўзбекларнинг болани номлаш одатларида ислом дини таъсирининг кучайиши ва ҳукмронлиги барибир

Ўзбекларнинг болага ном бериш билан алоқадор кўпгина қадимий расм-русумларини йўққа чиқара олмади. Айниқса, мардлик, ботирлик, жасурлик тушунчалари, этик ҳамда эстетик тасаввурлар билан алоқадор бўлган, боланинг туғилиш шароити билан боғлиқ бўлган, шунингдек, исломгача амал қилган қадимий, диний, маҳаллий анъаналарнинг ифодачиси бўлмиш кўпгина ўзбекча исмлар ислом дини тарқалган даврдан кейин ҳам қўйилишда давом этди ва арабча исмлар билан курашда ўз мавқеини сақлаб қола олди. Ўзбекча исмлар орасида ҳозирда мавжуд бўлган куйидаги номлар фикримиз далилидир: Тошбой, Турғун, Турғуной, Сотиболди, Топиболди, Йўлдош, Эргаш, Кўпай, Кўпайсин, Тоштемир, Бўронбой, Яйловбой, Қўйбоқар, Товбой (Тоғбой), Товошар (Тоғошар), Авазжон, Бўрибой, Олтибой, Менгой, Тўқсонбой, Кўкламай, Болтабой, Бўтабой ва бошқалар.

Учинчидан, ўзбекларнинг қадимдан амал қилиб келган болани номлаш одатлари билан диний қоидалар ўртасида аста-секин қандайдир ўзаро келишиш, бирлашиш ходисаси юз берганини кўрамиз. Бунга кўра чақалоққа иккита: бири ўзбекча (тожикча ҳам бўлиши мумкин) ва иккинчиси арабча бўлган диний исмлар берилган. Бундай номлар кейинчалик ўзаро бири-киб, қўшалок ҳолда айтиладиган бўлди. Натижада ўзбек тилида қисмлари ўзбекча ва арабча, арабча ва ўзбекча бўлган кўпгина қўшма исмлар пайдо бўлган. Ўзбек тилидаги Турдимухаммад, Мухаммадтурди, Турсунали, Фуломали, Эшмухаммад, Алишер, Шерали, Эрмухаммад, Эрали Йўлдошмухаммад, Жумаали, Дехқонали, Эргашали, Турдинисо, Турдиали, Ботирали, Оймурод, Ойнисо, Бўринисо, Мухаммадбўри, Қутлуғмухаммад сингари исмлар ушбу жараёнга далил бўла олади.

Тўртинчидан, даврлар ўтиши билан ўзбекларга қўйилган бир қатор арабча, диний исмлар ўзбек тилининг ўз ички қонуниятларига бўйсундирила борди, натижада халқ шева ва лаҳжаларида исмларнинг турли лаҳжавий кўринишларининг қисқартма шакллари юзага келди. Бу, айниқса, қисмларидан бири арабча бўлган ўзбекча қўшма номларнинг қисқарган шаклларида аниқ кўринади. Тошан (Тошназар), Бувирай (Бувиरोҳила), Тожимон (Тожимухаммад), Субҳон (Субҳонулла), Сулай (Сулаймон), Салой (Салоҳиддин), Сайдил, Саёла (Саёдулла), Роман, Раман (Абдурахмон), Ризомат (Ризомухаммад), Эгам (Эгамназар), Бахтин (Бахтинисо) ва бошқалар.

Ўзбек тилига кириб келган диний рухдаги бир қатор асли арабча бўлган номлар вақт ўтиши билан истеъмолдан чиқа бошлади. Ҳатто уларнинг кўплари унутилди ҳам. Тилимиз тарихида кўплаб учрайдиган бир қатор арабча номлар, ўзбекларни аташнинг бошқа хил арабча усуллари эндиликда ўзбеклар удумидан чиқиб кетган. Бу жиҳатдан баъзи қўшма исмлар таркибида биринчи қисм бўлиб ўзбекча номнинг келиши характерлидир: Турсунназар, Тўхтанисо, Турдимат, Эшмурод, Эшмухаммад, Ўрмонали, Эшқувват, Эрмаамат, Эгаммурод, Тўхтамурод, Келдимухаммад, Йигитали, Йўлдошали каби.

Диний тушунча ва тасаввурларнинг ифодачиси бўлмиш арабча исмлар билан бир қаторда, уларнинг худди шундай тушунчаларни англатувчи ўзбекча, тожикча калька ва таржималари параллел қўлланишини кўрамиз. Чунончи: Тангриберди — Оллоберди — Худойберди — Худойдод — Тангрикул — Оллокул — Худойкул — Абдулла ва бошқалар.

Таркибида кул, абд, гулом сингари сўзлар келиб айнан бир маъно англатувчи исмлар ҳам мапа шулар қаторига киради: Абдували — Аликул — Фуломали; Мухаммадкул — Мухаммадгулом — Абдурахим — Раҳимкул ва бошқалар.

Диний ақидаларга асосланган исмлар таъсирининг ўзбек тилида кейинчалик қисман сусайишига олиб келган омиллардан бири — арабча исмларнинг шаклан бузилиши, ном қисмларидан бирининг туширилиши ва кейинчалик унутилишидир. Абдуқодир исмининг Қодир, Қодиржон, Қодирбой, Қодирбек; Абдушукур исмининг Шукур, Шукуржон, Шукурбек, Шукурбой; Абдусатор исмининг Саттор, Сатторбек, Сатторжон; Абулқосим, Абдусамат, исмларининг Қосим, Қосимбой, Қосимжон, Қосимбек, Самад, Самадбой, Самаджон; Абдулфайзи исмининг Файзи, Файзибой, Файзикул; Сирожиддин исмининг Сирож, Сирожбой; Лутфулла, Лутфинисо исмларининг Лутфи, Лутфихон, Лутфижон тарзда қўлланилиши мана шундай ҳодисанинг қонуний махсулидир. Демак, кўп ҳолда арабча ном таркибида абд, -иддин / -уддин /, -улла, сингари унсурлар туширилади.

Профессор, таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов (илоҳим охирати обод бўлсин — Э.Б.) мен билан суҳбатлардан бирида «Ҳадеб арабча исмларни қўявериш тўғри эмас, болага ўзимизнинг ўзбек (туркий) исмларини бериш ҳақида ҳам ўйлаш керак», — деди. Бу тўғри фикр, исмларимизга ғамхўрлик.

Хўш, қандай қилиб бунга эришиш мумкин? Қадимий исмларни тиклабми? Ўзбекча янги исмлар ижод қилиб, ясабми? Исм қўйиш ҳақидаги тавсияларда (луғатлар, маълумотномалар, тавсияномаларда) арабча исмларни чеклабми? Бу масала мураккаб муаммо. Буни фақатгина халқнинг урф-одатлари янгиланиши, ўзбек исмларининг келгуси ривожига кўрсатади.

Аллоҳнинг муруввати, авлиёлар нафаси бахш этган бола

Болага исм танлаш ва бериш одатига диққат қилинса, унга қандай исм танлаш, исм бериш билан боғлиқ турли расм-русумларни адо этиш замирида эндигина дунё юзини кўрган мурғак жонни турли бало қазолар, касаллик ва ўлимдан асраш нияти ётади. Шундай исмлар сирасига турли диний мотивли номлар ҳам киради.

Бир қатор исмларда бола кўрмаган ёки туғилган болалари ҳадеб ўлаверган оилалар фарзандли бўлгач, уни интизор ва муштоқ бўлиб кутгани, ниҳоят илтижолари ижобат бўлиб, фарзандли бўлганликлари акс этган: Гадойгул, Гадоймурод, Гадойниёз, Гадойтурди, Гадойкул, Зорлик, Зорман, Интизор, Интик, Мақсад, Мақсадгул, Мақсадмурод, Мақсадой, Мақсадхон, Мақсуд, Мақсудой (орзу қилинган), Мухим, Мухима (зарур, кутилган), Музир (зарур, лозим, кутилган), Муштоқ (муштоқ бўлиб кутилган), Муяссар (орзу қилиб эришилган), Орзуманд, Орзулик, Орзунисо, Соғиндиқ, Соғинч, Таварик (кутилган бола), Тансиқ, Тансиқа, Тансиқбиби, Тансиқой, Тансиқкул, Умния (орзу, армон қилинган), Фарёд (фарёд қилиб эришилган), Чунон (кутилган, исталган бола), Чунонмирза, Ўтатилов, Ғалил, Ғалила (ташна бўлиб кутилган), Ғариб, Ғариба (ғариб бўлиб юриб эришилган), Ҳасрат (армон билан эришилган) ва ҳ.к.

Мана шундай илтижолардан кейин насиб қилган болани оналар ўша тилак ва ёлворишларимизнинг натижаси, самараси деб билишган ва болага мана шу тушунчани ўзида мужассам қилган исмлар қўйишган: Ижобат (орзу, тилак натижаси), Илтижохон (ўтиниб олинган), Инобат (маъкул топиб берилган), Ирода, Иродат (тилаб, орзу қилиб эришилган), Мутаваккал (орзу қилинган), Расида (орзу қилинган бола), Рағиб, Рағиба (сўраб олинган бола), Сийлабберган, Сийлабберди, Тавалло ва бошқалар.

Кишилар фарзандли бўлишганда Аллоҳдан, сифиниб боришган авлиёлар, эшонларнинг кўмагидан миннатдор бўлиб, болага исм беришда бу ҳолни ҳисобга олишган. Мана шундай қилинмаса, болани ато қилган, уларга туҳфа қилган илохий ва бошқа хил кучлар норози бўлади, бу эса чақалоқнинг ҳаёти учун ғоятда хавфли деб ҳисоблашган. Буни ўзида ифода этган исмлар ўзбек тилида анчагина бўлиб, уларни қуйида келтирамиз:

1. Энг аввало, кишилар фарзандини ва фарзандли бўлишини Аллоҳнинг уларга кўрсатган муруввати, туҳфаси, совғаси деб билишган ва исмда мана шу тушунчани ифодалашган. Таркибида берди, берган, ато, бахш, ниёз, қул, мурод, нафас, дод, назар, туҳфа, инъом, эҳсон сўзлари келган исмлар мана шу тушунчани ифода этади:

– Оллоберган, Оллоберди, Оллоберган, Олломурод, Оллоназар, Оллонафас, Оллониёз, Олломур, Оллошукур, Туҳфатилло, Худойдод;

– Худойбахш, Худойберди, Худойберган, Худойбок, Худоймурод, Худойназар, Худоймур, Худойшукур, Худойкул;

– Эгамберди, Эгамберган, Эгаммурод, Эгамназар, Эгамниёз, Эгамтой, Эгамшукур;

– Тангриберган, Тангриберди, Тангрикул;

– Субҳонберди, Субҳонназар, Субҳонкул;

– Ҳақберди, Ҳақдод, Ҳақёр;

– Нуриёздон, Ёздонбахш, Ёздонкул;

– Эзидбахш, Эзиддод, Эзиддин;

– Ўғанберди, Ўғанбахш.

2. Фарзанд ва унинг туғилишини Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси деб билиш, унинг турли сифатлари (атрибутлари)га нисбат бериб ясалган исмларда ўз ифодасини топган. Улар қуйидагилар: Жабборберган, Жабборберди, Раҳимбадал, Раҳимберган, Раҳимберди, Раҳимдод, Раҳиммурод, Раҳимназар; Раҳмонберган, Раҳмонберди, Раҳмонназар, Раҳмонниёз, Раҳмонкул; Саломберган, Саломберди, Саломкул; Самадтурди, Самадкул; Холиқберди, Холиқназар, Холиқниёз, Холиқмур, Холиқтурди, Холиқкул; Қодирберган, Қодирберди, Қодирмат, Қодирназар, Қодирниёз, Қодирхон, Қодиркул; Раззоқберган, Раззоқберди, Раззоқкул; Каримберди, Каримберган, Каримдод; Мавлонберди, Мавлонберган, Мавлонмурод, Мавлонназар, Мавлоннафас, Мавлонмур, Мавлонкул; Нурмажид, Нурфайёз, Нуршод, Нурниёз, Нурқувват, Нурҳақ.

Ўзбек исмлари таркибида учрайдиган **назар, ниёз, тухфа, эҳсон, инъом, лутф** каби сўзлардан ясалган исмларда ҳам, асосан, Аллоҳ кўзда тутилади: Назарберди, Назаргул, Назармурод, Назаркул, Назариддин; Ниёзбек, Ниёзбека, Ниёзберди, Ниёзбиби, Ниёзмурод, Ниёзой; Тухфа, Тухфахон, Тухфанисо, Инъом, Лутфулла, Иззатулла, Хадия, Насибулла.

3. Бепоштликдан қутулиш, фарзанд туғилгач, уни турли хавфлардан асраш, касалликлардан фориғ қилиш учун кишилар дин пешволаридан кўмак сўрашган. Улар Куръон оятлари ёки диний мазмунли хатлар битилган туморларни ёзиб бериш, дам солиш, «эзиб ички»лар, кўзмунчоқ, баъзи тақинчоқлар ва бошқаларни беришган. Мана шундай «нажоткор» воситаларга ишониш бошка халқларда ҳам бўлган¹.

Мана шундай ҳолларда кишилар миннатдорчилик рамзи сифатида болага дин пешволарининг унвон ва мансабларига нисбат берилган исмларни танлашган. Ёзувчи Ғ. Ғулом асарларида қуйидагича сатрлар учрайди. «... эр-хотин эшонга ҳурматан боланинг исмини «Остонакул» қўйдилар»², Яна: «... Худойи таоло унга бир фарзанди солих ато қилибди. Эшон бу ишлардан сўнг, дунёларга сифмай ўз ўғлининг отини табибга ҳурматан «Маликберди» қўйибди»³.

Ўзбек тилида дин пешволарининг фарзандга кўмагини ифода этадиган қуйидаги исмлар мавжуд:

— **Эшон** сўзи билан боғлиқ исмлар: Эшон, Эшонбек, Эшонберди, Эшонбуви, Эшонкелди, Эшономон, Эшонпўлат, Эшонхон, Эшонхўжа, Эшонназар, Эшонниёз, Эшоннафас;

— **Имом** сўзи билан боғлиқ исмлар: Имомбахш, Имомберган, Имомберди, Имомёр, Имоммурод, Имомназар, Имомнафас, Имомниёз, Имомкул;

— **Хўжа ва Хўжам** сўзлари билан боғлиқ исмлар: Хўжаберган, Хўжаберди, Хўжабиби, Хўжакелди, Хўжамберди, Хўжамкелди, Хўжаназар, Хўжанафас, Хўжаниёз, Хўжамсаид. Хўжамшукур, Хўжамқувват, Хўжанур каби.

— **Пир** сўзидан ясалган исмлар: Пирназар, Пирберди, Пирбобо, Пирбудак, Пирвали, Пиргули, Пиржон, Пиримназар,

¹ Горделевский Вл. Рождение ребенка и его воспитание. — С. 116-бет.

² Ғ. Ғулом. Фарзанди солих. Танланган асарлар. 3-том, 156-бет.

³ Ғ. Ғулом. Луқмон // Танланган асарлар. 3-том, 224-бет.

Пиримниёз, Пиримшод, Пиримқул, Пирмурод, Пирнафас, Пиршод;

— **Шайх** сўзидан ясалган исмлар: Шайхназар, Шайхрози;

— **Мулло** сўзидан ясалган исмлар: Муллаберди, Муллайўлдош, Муллакелди, Мулламурод, Муллонафас, Мулланиёз, Мулланур, Муллоэш, Муллаўтаб;

— **Вали** (азиз, авлиё маъносида) сўзидан ясалган исмлар: Вали, Валикарим, Валинафас, Валиниёз, Валинур, Валия;

— **Махтум** сўзидан ясалган исмлар: Махтумберди, Махтума, Махтумкелди, Махтумқилич,

— **Ота** сўзидан ясалган исмлар: Отаберди, Отаберган, Отаназар, Отавали, Отақул;

— **Сўфи** сўзидан ясалган исмлар: Сўфиосон, Сўфихон, Сўфий, Сўфиқул;

— **Саид** сўзидан ясалган исмлар: Саидберди, Саидбобо, Саидкелди, Саидмурод, Саидназар, Саиднафас, Саидниёз, Саидомон, Саидота, Саидэхсон;

— **Хизр, Хидр** сўзидан ясалган исмлар: Хизрали, Хидрберди, Хидрмурод, Хидрназар, Хидрниёз, Хидрнур, Хидрқул;

Пайгамбарларнинг исмлари ва сифатларини англатадиган, таркибида *ислом, нафас, ниёз* сўзлари келган исмлар ҳам диний, мотивли номлардир: Расулберди, Расулзода, Расулмурод, Расулназар, Расулқул; Нафасали, Нафаскелди, Нафасмат, Нафасой, Нафасқул; Исломберди, Исломия, Исломмурод, Исломхон, Нурислом.

Ўзбек тилида бош ёки охириги қисмида ёр сўзи келган анчагина исмлар бўлиб, уларда ҳам Аллоҳ ва пайгамбарлар ҳамда дин пешволарининг болага ёр, ҳамдам бўлиб, уни қўллаб, химоя остига олиб юришлари умид қилинган: Ёрулла, Оллоёр, Оллоёмёр, Худоёр, Холикёр, Эгамёр, Эзидиёр, Яздонёр, Ҳақёр, Исоёр, Набиёр, Сайидёр, Отаёр, Хўжаёр, Ёрнафас каби.

Одамлар фарзандсиз бўлсалар ёки болалари турмасдан ўлаверса, ёхуд чақалок бирор жисмоний, рухий касаллик билан туғилган пайтда нажот излаб муқаддас зиёратгоҳларга бориб сифинишган. У даргоҳлардан, қадамжолардан мадад кутишган. Бундай муқаддас жойлар баъзи авлиёлар кўмилган қабристонлар, қабрлар, масжид ва мадрасалар, хосиятли деб ҳисобланган булоқлар, баъзи харсангтошлар, ғорлар, тепаликлар, айрим дарахтлар ва бошқалар бўлган.

Ёзувчи Ф. Фуломнинг ҳикояларидан бирида шундай ўрин бор: «Ўғил туғилса, Зангиотага қўчқор сўямиз, — дедилар, бўлмади, — ўғлимиз бўлса оти Худойберган бўлсин дедилар, бўлмади»¹.

М.С. Андреевнинг ёзишчи, Хуф тожикларининг бола кўришдан олдин ёки болали бўлгач, мазорга бориб зиёрат қилиш ва болага исм беришда ўша ҳаракатни мотив қилиб олиш тез-тез учраб туради. Уларнинг исмлари орасидаги Назирой, Зиёрат, Зиёратмо, Зиёратбегим, Зиёратбиби (қизлар), Зиёратшо (эркаклар) номлари мана шу усул натижасидир. Шунингдек, Боостон исмидаги «остон» — остона сўзи мазор маъносини англатади. Демак, Боостон — мазор худуди, мазорларга зиёрат пайтида ёки мазор остонасида туғилган бола демакдир. Имомдод исми имом Зайн-ул-Обиддинга тавоб қилингандан кейин туғилган болага қўйиладиган исмдир².

Мана шу каби удум ўзбеклар ҳаётида ҳам мавжуд бўлган. Ўтмишда Бухоро аҳолиси орасида ҳам фарзандли бўлиш умидида мазорлар, турли қадамжоларни зиёрат қилиш, мана шундай расм-русумлар орқали фарзандли бўлишга умидланиш кенг тарқалган эди. Фарзандсиз аёл Бухоро шаҳридаги «Чашмаи Айюб» биносини 7 марта айланса, чашма сувидан ичса, албатта бола кўради деб ишонишган³.

Тошкент атрофидаги аҳоли Заркент қишлоғи яқинидаги «Муродбахш» авлиёнинг мазорини зиёрат қилиш орқали фарзандсизликдан халос бўлишга интилар эди⁴. Туркистондаги Аҳмад Яссавий қабрини, Шохимардон, Зангиота қабрларини зиёрат қилиб сифинишдан кейин фарзандли бўлганда ёки боласи касалдан фориг бўлганда (хар доим ҳам шундай бўлавермаган) Аллоҳга ва ўша муқаддас масканларга ҳурмат юзасидан, миннатдорчилик рамзи сифатида Зиёрат, Зиёратмомо, Зиёратхон, Тилаволди, Муродхосил, Остона, Остонақул, Шохимардон (Шойимардон), Султон, Султонмурод (Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилгач) исмларини қўйишган.

¹ *Ф.Фулом. Сабаб // Танланган асарлар, 3-том, 5-бет.*

² *Андреев М.С. Таджики долины Хуф. — С. 86.*

³ *Йўлдошев Н. Революциягача бухоролик тожик ва ўзбекларнинг бола туғилишига муносабати. 325-бет.*

⁴ *Худаярхон Н. Некоторые обычаи и суеверия у сартов, связанные с рождением ребенка и его воспитанием // Этнографическое обозрение, 1. — М.: 1909. — С. 36.*

ИСМЛАРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР, ФАРАЗЛАР

Ўзбек исмларининг ҳозирда амалда бўлган материаллари имконият даражасида тўпланди ва улар ўзбек исмларининг имло луғати¹, изоҳли луғати² шаклида нашр қилинди. Шу усулда ўзбек исмларининг бой жамғармаси, луғавий бойлиги маълум даражада бир жойга жамланди. Бу ишлар ўзбек исмлари фонди ғоятда бой, хилма-хил, ўзбек халқи этнографияси, этник маданияти, маънавияти ва тарихи ҳамда тилининг бетакрор мероси эканини кўрсатди.

Ҳозирда амалда бўлган ўзбек исмлари фонди бундан кейин ҳам истеъмолда қўлланаверадими? Бу жамғарма таркиби мустақиллик даврида ХХI асрда қандай ўзгаришларга учрайди? Истиқболда унда қандай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин деган саволлар замондошларимизни қизиқтириши, шубҳасиз. Бундай саволларга илмий жавоб топиш, исм бериш одатларида, исмлар таркибида юз берган янги ўзгаришлар, анъаналарни кузатиш, унинг ривожига ижтимоий, тарихий, сиёсий-мафкуравий, маданий-маърифий этик жараёнларини кўздан кечиришни, *исмларимизнинг истиқболи ҳақида баъзи фаразлар* қилишни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, топонимлар каби (шаҳар, маҳалла, кўча, қишлоқ номлари) антропонимлар ҳам мафкуравий қарашларга берилувчан бўлади. Буни ўзбек исмлари таркибида ХХ аср шўролар даврида юз берган баъзи ўзгаришларда ёрқин кўриш мумкин.

Биринчидан, шўроларнинг атеистик тарғиботи зарбасига учрамаслик учун болага диний мотивли исмларни бериш анча камайди. Болага исм беришда авваллари маҳалла имоми, мулласига мурожаат қилинган, у бола қулоғига азон айтиб, ислом дини талабларига мос исм қўйган бўлса, эндиликда бу удумга доимо ҳам амал қилинмайдиган бўлди, шаҳарда эса деярли унутилди.

¹ *Бегматов Э.* Киши номлари имлоси. — Т.: «Фан», 1970, Ўша муаллиф. Ўзбек исмлари имлоси. — Т.: «Фан», 1972; Ўша муаллиф. Ўзбек исмлари. — Т.: «ЎзМЭ». 1991.

² *Бегматов Э.* Ўзбек исмлари маъноси. — Т.: «ЎзМЭ». 1988.

Иккинчидан, шўроларнинг атеистик мафкураси зарбасидан қочиб, таркибида «Худо, Тангри, Ҳақ, Аллоҳ» келган исмлардан бу компонентлар онгли равишда тушириб, яшириб ёзиладиган ва айтиладиган бўлди. Ҳозирги ўзбек тилидаги Берди, Бердибой, Берган исмлари, улардан ясалган Бердиев, Бердиева, Берганов, Берганова фамилиялари аслида Худойберди, Тангриберди, Оллоберди, Оллоберган, Худойберган, Тангриберган шаклидаги номлардир.

Учинчидан, шўроларнинг бой-қулоқларни, уларнинг авлодларини она масканидан жудо қилиб, узоқларга сургун қилиш сиёсатидан ҳадиксираган оилалар болага берилган исмга *бой, хон, хоним, мирза, султон, эшон* каби сўзларни қўшмайдиган бўлди. Оила доирасида бундай исмлар келтирилган мансаб ва титуллар қўшилган ҳолда айтилса-да, расмий жойларда улар тилга олинмасди.

Тўртинчидан, ўтмиш аجدодлар асрлар давомида амал қилиб келган қадимий этнографик тушунча ва тасаввурларни ифода этадиган болага исм қўйиш билан боғлиқ баъзи маросимларни очикдан-очик ижро этишга кўрқкиш натижасида, баъзи оилаларда ўша маросим билан боғлиқ мотивли исмларни қўйиш ҳам камая борди. Айниқса, бу шаҳар жойларда аниқ кўринар эди.

Бешинчидан, шўролар олиб борган тил сиёсати бутун ўзбек тили лексикаси сатҳида бўлгани каби исм бериш одатлари ва исмларни ҳам ўзининг мафкурасига мослаштиришга ҳаракат қилди.

Ўзбек тили исмлари таркибига ўз вақтида «интернационал исмлар», «советизмлар», «лениниана»¹ деб ном олган, ҳатто, антропонимияга оид тадқиқотларда янгилик сифатида мадҳ қилинган исмлар кириб келди. Масалан: Ленина, Ленинза, Ленар (Ленинская армия), Октябрь, Ренат, Ревмир (революция мира), Маркс, Мелс, Эрнст, Тельман, Московбой, Гамлет, Светлана, Сталина, Бернора, Венера, Зоя, Клара, Марат, Артур, Эльбурус, Коммуна, Малина, Мира, Эльмира, Роза, Эра, Юлия, Фидель (Фидель Кастро), Индира (Индира Ганди), Гагарин (Юрий Гагарин), Колхозбек, Совхозбек, Сайловбой ва бошқалар.

¹ Қирғиз номшунноси Жапаров Шерали қирғиз исмларига бағишланган диссертациясининг бир бобини «Қирғиз Ленинианаси» деб номлаган: *Жапаров Ш.* Қирғиз адам аттари. — Фрунзе, «Илим», 17–19-бетлар.

Шўролар даврининг типик мафкуравий тимсоли бўлган юқоридаги каби исмлар хақида Саид Аҳмад «Шу йил туғилган кизларга Сталина, ўғилларга эса Мэлс, Марлен деган исмлар қўйиларди» деб ёзганди¹.

Кайд қилинган исмлар, бизнингча, икки хил хусусиятни ифодалар эди, биринчидан, одамлар шўро тизимининг коммунистик жамияти истиқболига ишонишарди, иккинчидан эса, фарзандини бу каби исмлар билан аташ шўроларнинг мафкуравий тазйиқидан қутулиш йўлларида бири эди.

Ўтган асрнинг 20—40-йилларидаги матбуот нашрларида, календарларда болаларга юқоридаги исмларни қўйиш тавсия қилинган.

Ўша пайтларда, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзбеклар орасида ўз исмларини русча шаклда ўзгартириб ёки русча шаклда ясаб айтиш (мурожаат қилиш) удумга айланган эди. Масалан, Мая (Муборак), Диля (Дилбар, Дилором), Эрик (Эргаш, Эркин), Миша (Муҳиддин, Муҳаммад), Нина (Назокат), Саша (Искандар), Шура (Шукур), Саша (Собир), Алик (Аҳмад), Дина (Динора), Гуля (Гулнора), Рая (Роҳила), Роза (Рўзинисо), Миша (Матназар) ва бошқалар.

Шоир Эркин Воҳидов шу ахволдан ранжиган ҳолда қуйидаги мисраларни ёзган эди:

*Мирзолар — Мишага айланган йиллар,
Сувонлар — Сашага айланган йиллар,
Алишер — Аликка, Камол — Коляга,
Муаттар — Машага айланган йиллар,
Мен сиздан ўқиниб яшайман.
Гулчехра исмини «Гуля» деганлар.
Зулхумор, Зумрадни «Зуля» деганлар,
Ростмана номини айтсанг ортингдан,
«Маданиятсиз бўлмай ўл-е» деганлар,
Мен сиздан ўқинаман.
«Боря» ёзганлардан Бобур хафадир,
«Толя» ёзганлардан Темур хафадир,
«Федя» ёзганлардан Фарҳод кўнгли гаши,
Қолганидан яна кимдир хафадир,
Мен сиздан ўқиниб яшарман.*

¹ Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1997 йил 31 январь, 6-бет.

Севара Тошалиева номзодлик диссертациясида «Тошкент оқшоми» газетасидан олинган куйидаги сатрларни келтирган эди:

«Теша қизик қўшнисининг қўлидаги игна билан ёзилган «Эрик» сўзини кўриб ажабланди.

– Эркиннинг русчаси. Поняли? – деди қўшни.

– Поняликка поняли-ку, аммо унда Ўринбойни «Ўрик», Эшматвойни «Эшик», каминаники «Тешик» бўлар экан-да, а?»

Олтинчидан, шўроларнинг маҳаллий халқларнинг антропонимларига муносабати, бундаги руслаштириш сиёсати Иттифоқда яшовчи туркий халқларни, жумладан, ўзбекларни русча шакл фамилия ва отчества (ота исм)га ўтказишида ёрқин кўринди. Ушбу ҳаракат ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланди, 40-йилларга келиб анча расмий тус олди, Иккинчи жаҳон урушидан кейин тамоман ҳуқуқий (юридик) кучга кирди. Бу масалада ҳукуматнинг махсус қарорлари қабул қилинди, йўриқномалар эълон қилинди. Ўша даврдаги «Туғилганлик ҳақида»ги гувоҳномаларда, паспорт ва бошқа ҳужжатларда ҳужжат эгасининг исми ва фамилиясини қайд қилиш учун биттагина жой (графа) ажратилган бўлиб, номни миллий шаклларда ҳам ёзиш графаси мавжуд эмас эди. Мана шу ҳол маҳаллий исмларни руслаштиришнинг мақсад ва усулини аниқ ифодалайди. Ўзбек исмлари, фамилия, ота исми бошқа шаклда ёзиш ман этилган эди.

Фуқароларнинг расмий ҳужжатларида исм, фамилия ва ота исмини қайд қилувчи, ёзиб берувчи идораларда, асосан, руслар ва бошқа миллат вакиллар, баъзи ҳолларда ўзбеклар ишларди. Улар ўзбек исмларининг тўғри ёзилишидан тамоман беҳабар, ўзбек тилидан чаласавод шахслар эди. Натижада бу шахслар ўзбек исмларини фуқароларнинг ҳужжатларида нотўғри, асосан, русча талаффузга мос равишда ёзишар эди. Бунинг устига у пайтда ўзбек исмлари имлосига оид бирор амалий қўлланма, имловий лугат мавжуд эмасди. Баъзи тилшунослар (масалан, Зокир Маъруфов ва Н. Маматовлар) мана шундай лугатни нашр қилишга уринишган, ўша даврдаги тегишли ташкилотлар бу лугатни чиқаришга рухсат беришмаган, ундаги исмларнинг аксарияти диний маъноли исмлар эканини рўқач қилишган.

Ўзбекча исм ва фамилияларнинг русча ёзилиши ўша пайтда аҳоли орасида турли ноҳушликлар, норозиликларга сабаб бўлар эди. Матбуотда эълон қилинган бир қатор мақолалар бунинг ёрқин

далилидир¹. Исмлар имлосига беписандлик муस्ताкилликнинг дастлабки йилларида ҳам юз бериб турди. Ушбу сатрлар муаллифи мана шундай ҳоллардан бирига мақола бағишлаган².

Фуқароларнинг шахсий ҳужжатларида исм ва фамилияларнинг фақат русча ёзилиши, хоҳлаганча имловий нуқсонлар билан рақам қилиниши ўзбекларнинг исм ва фамилияларига менсимаслик билан муносабатда бўлиш, миллатчиликнинг ёрқин кўринишларидан бири эди. Мана шу даврда йўл қўйилган имловий нуқсонлар эндиликда болалар, невараларнинг шахсий ҳужжатларига ана шу ҳолда нуқсонли бўлиб ўтмоқда ҳамда шўролар давридаги ономастик зуғум ва зўравонликдан дарак бериб турибди. Масалан, фуқаро паспорти шўролар даврида олинган бўлса, ундаги имловий нуқсон, русча талаффуз шаклида ёзилган исм ва фамилиялар ҳеч бир ўзгаришсиз шахсий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда.

Паспортга ёзилган (Шўролар даврида)	Ҳозирги янги ҳужжатда ёзилган	Асли тўғри шакли
Камил	Камил	Комил
Худайберген	Худайберген	Худойберган
Муясар	Муясар	Муяссар
Халтюра, Халтура	Халтюра, Халтура	Холтўра
Иргашев, Ирматов	Иргашев, Ирматов	Эргашев
Гульнар, Гюлнар	Гульнар, Гюлнар	Гулнор
Гюльчехра	Гюльчехра	Гулчехра
Мамедов, Ахмедов	Мамедов, Ахмедов	Маматов, Ахмадов

¹ *Орипов М.* Бузилган исмлар // Совет Ўзбекистони. 1970 йил 9 сентябрь, 3-бет; *Хушвақтов Э., Жўраев Э.* Исмбузарлар // «Муштум» 1970, II сон. 3-бет; *Нуриддинов Ф.* Исмбузарлар // Тошкент окшоми. 1967 йил 28 июль, 3-бет; *Курбонов И.* Исмбузарлар // Муштум. 1965 йил, 19-сон; *Лутфуллаев Р.* Тўла маъқуллаймиз // Тошкент бинокори. 1971 йил 1 февраль, 4-бет; Бузилган исмлар (редакция фикри) // Совет Ўзбекистони. 1970 йил 23 сентябрь, 2-бет; *Содиқов С.* Айни муддао бўлар эди // Тошкент бинокори. 1970 йил 9 апрель; *Маъруфов. З. Шарикбоев эмас Шарифбоев* // Тошкент окшоми. 1970 йил 17 август, 2-бет; *Маликов Қ.* Исм ҳам ҳусн // Тошкент бинокори. 1971 йил 12 март, 4-бет; *Нуриддинов Ф.* «Мавлянова» эмас, Мавлонова // Тошкент окшоми. 1970 йил 17 июнь, 3-бет.

² *Бегматов Э.* Холисхон ҳақми? «Тошкент окшоми» газетаси, 1990 йил 29 июнь, 3-бет.

Джураев	Джураев	Жўраев
Кабулова	Кабулова	Қобулова
Юлдашев	Юлдашев	Йўлдошев
Кульдашева	Кульдашева	Қўлдошева
Ниязов	Ниязов	Ниёзов
Мавлянов	Мавлянов	Мавлонов
Гиясов	Гиясов	Гиёсов

Дарҳақиқат, мана шундай нуқсонлардан қутулиш қийин бўл-
япти, чунки асосий ҳужжат — паспорт шўролар даврида берил-
ган. Ундаги исм ва фамилия кейинги ҳужжатларда йўл қўйилган
имловий нуқсонларни тўғриламадан тўлдирилмоқда.

Исм ва фамилияларнинг паспортда нотўғри ёзилгани фуқа-
роларнинг кундалик ҳаётида бир қатор нохушликларни кел-
тириб чиқармоқда. Одамлар талаб қилинадиган хат, пул ва
жўнатмаларни почтадан олишда изтироб чекаётгани, овораю сар-
сон бўлаётгани барчага аён.

Ҳозирга қадар матбуотда ўзбек исмлари ва болага исм қўйишга
бағишлаб ёзилган мақолаларда фарзандларимизга «*чиройли исм*»
бериш ҳақида гапирилади. Бунда болага бериладиган исмнинг
маъноси чиройли тушунчаларни ифодалаш, исм шаклан ихчам,
талаффузда жарангдор бўлиши кўзда тутилади. Мана шундай
нуқтаи назар туфайли ўзбек исмлари орасида Дилбар, Дилором,
Феруза каби номлар кенг удум бўла бошлади. Қизларга берила-
диган исмлар охирига -а, -я (-ия) қўшимчаларни қўшиш орқали
исмлар талаффузини юмшатиш, майинлаштириш кенг тарқалган
удум бўлди. Қуйидаги исмлар рўйхати бунга далил бўла олади:
Акрама, Анора, Банона, Баҳора, Газлина, Гулизора, Дилдора,
Дилора, Зарина, Кокила, Мастона, Машхура, Муаззама, Мукар-
рама, Мунаввара, Мусаввара, Мухаррама, Мухтарама, Назина,
Нафиса, Озода, Очила, Райҳона, Таслима, Ташрифа, Турғуна,
Тўлқина, Шамшира, Эркина, Ўткира, Ҳилола, Лутфия, Шўхия
ва бошқалар.

Назаримизда, чақалокқа бериладиган исми фақат чиройли-
лик мезони билан ўлчаш тўғри бўлмаса керак. Чақалокқа бе-
риладиган исм ота-оналар хоҳишига ўтмиш аждодларимизнинг

исм танлашда амал қилиб келган тарихий анъаналарга ҳам мос келиши керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳозирги пайтда -а, -я (-ия) қўшимчаларининг анча фаоллашгани ва улар ёрдамида бир қатор янги номлар ясалганига қуйидагилар мисол бўла олади. Аҳрора, Бобура, Гулгуна, Даврия, Дадила, Жалола, Заррина, Ихлоса, Мажида, Кокила, Маъкула, Муҳиддина, Уфора, Ханжара, Чинора, Шукура, Шўхия, Қадима, Қосима, Қуддуса, Вохида, Ҳасана ва бошқалар. Бу қўшимчаларнинг фаоллашганига сабаб, биринчидан, анъанага қўра қизлар исмини ўғил болалар исмидан шаклан фарқлашга интилиш бўлса, иккинчидан, -а, -я (-ия) қўшимчаларининг номнинг ундош билан тугаган сўз (исм) охири бўғинини юмшатиш, талаффузда мулојимлаштиришга хизмат қилишдир. Бундай ҳолларда бу қўшимчалар янги ном ясади ҳамда исмнинг талаффузи ва оҳангига мусикий мулојимлик киритади.

Аммо -а, -я (-ия) қўшимчаларидан ногўғри ва ноўрин фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунончи, баъзи номлар бу қўшимчаларсиз ҳам қизлар номи бўлиб келади. Шу сабабли улар таркибида қўшимчаларнинг ноўрин тиркалгани, аслида у ҳеч қандай вазифа бажармаслиги маълум бўлиб қолади. Мана бу мисолларда у равшан кўринади: Баҳора, Анора, Гулноза, Дилдора, Дилшода, Жамола, Муҳаррама, Хонима, Хумора, Шаҳноза, Қамара, Ёдгора ва бошқалар. Фикр юритиладиган қўшимчалар кўпроқ асли арабча ёки форс-тожикча бўлган сўзлардан ясалган исмларга тиркалади. Лекин бу қўшимчаларнинг баъзи ҳолларда сунъий равишда ўзбекча исмларга ҳам қўшилганига дуч келамиз: Темура // Темира, Тўлқина, Тўлагана, Ойдина, Ириса, Баҳодира, Ёлқина, Эркина, Ўткира, Қирмиза каби.

Жинсни англатадиган -а, -я қўшимчаларининг имкониятини чексиз деб ўйлаш ва бу қўшимчаларни дуч келган исмларга қўшиб қизлар номини ясашга уриниш ўринсиздир. Чунки тилимизда Адабия, Атира, Банона, Холия, Шарофа сингари сунъий равишда ҳосил қилинган исмлар кўпайиб кетиши мумкин.

Тилга олинган қўшимчалар вазифасининг ўринсиз равишда кенгайишига ўзбек номлари орасига кириб келган охири -а ёки -я билан тувовчи Венера, Офелия, Лилия, Эленора, Эльвира, Флора, Элмира сингари исмлар таъсир этган бўлиши ҳам мумкин.

Болага бериладиган исмнинг ҳар бир ота-онанинг истагига, анъанавий удумлар талабига, чақалоқ дунёга келган пайтдаги шароитга мос равишда танланиши тилга олинган хавфни камайтиради. Исмларга мана шу талаблар асосида ёндашиш антропонимия миллий фондининг миқдоран бой, исмларнинг хилма-хил бўлишига олиб келади. Баъзан матбуотда ўғил ва қизларга бериш тавсия қилинган рўйхатдаги исмлар 100, 200 дан ошмайди. Бундай тавсиялар бериш 1930 йиллардан бошланган эди. Масалан, «Ёрқин турмуш» журналининг 1937 йил 9-сонида 107 та ўғил ва қиз болалар исмлари тавсия қилинган (27-бет), «Ўзбекистон хотин-қизлар» журналининг 1964 йил 6-сонида 76 та ўғил, 56 та қиз болалар (31-бет), «Саодат» журналининг 1962 йил 2-сонида (29-бет) 68 та қиз, 35 та ўғил болалар исмини, 1970 йил 6-сонида 159 та ўғил, 159 та қиз болалар (29-бет); «Гулистон» журналининг 1967 йил 9-сонида 68 та ўғил ва қиз болалар (25-бет), «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 1978 йил 11 февраль сонида 157 та ўғил болалар исми тавсия қилинган. Бундай тавсиялар бир қарашда лозим ва аҳамиятлидек кўринади. Аслида бундай қилиш *салбий ҳодисадир*. Чунки 30 миллионлик ўзбеклар учун бундай кам миқдор исми тавсия қилиш мумкин эмас. Русларда «Иван»лар ҳар қадамда учраганидек шаклдош исмли одам (адаш)лар кўпайиб кетишига олиб келади. Ўзбекларда боланинг қайси кунда, қайси пайтда туғилганини ифода этувчи (Чоршанба, Пайшанба, Бозор, Ҳайит, Рамазон), чақалоқнинг баданида баъзи белгиларни ифода этувчи (Холбой, Холнисо, Анортой, Нишонбой, Сарибош), хатто аждодларимизнинг қадимий удум ва эътиқодларини англатадиган (Сотиболди, Топиболди) исmlарини «чиройлилик» мезони билан ўлчаб инкор қилиш мумкинми?

Демак, болага қўйилаётган исми «чиройлилик» мезони билан баҳолашдан ташқари, «исмнинг мослиги», «муносиблиги» нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш ўринлидир.

Исм — бу халқ ижоди, унинг истак ва орзуларининг ифодачиси. Исм минглаб оилалар даврасида туғилади, танланади, баҳоланади ва болага қўйилади. Шундай экан, ҳамма кишиларни бир типдаги, бир хил номлар билан аташ миқдоран кўпайиб кетиши мумкин. Бундай ҳол антропонимик тизимнинг функционал табиатига зиддир. Шундай экан, болага берилётган исмнинг қандай бўлиши кераклигини битта мезон орқали ўлчаш тартибини сақлашга интилиш қутилган натижани бермайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болага қўйиладиган исмни фақат битта мезон — «чиройлилик» мезони билан ўлчаш унга мос тушадиган бир гуруҳ исмларнинг кенг удум бўлишига, бир хил исм билан номланган шахсларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Болаларни Алишер, Бобур, Фурқат ёки Дилором, Феруза, Динора, Дилором, Гулчеҳра, Муҳаббат, Муқаддас каби номлаш бир синфда бир неча Бобур исмли ўғил болаларнинг ёки Дилором исмли қизларнинг номланишига олиб келмоқда. Бу ушбу исм эгаларини ўзаро фарқлашда муайян қийинчиликлар туғдиради. Чунки болага исм беришдан мақсад шахсларни ном бериш орқали ўзаро фарқлаш, ажратишни кўзда тутати, уларни бирлаштиришни эмас.

Демак, болага берилаётган исмга фақатгина «чиройлилик», «гўзаллик» нуқтаи назаридан эмас, «мослик», «муносиблик», «анъанавийлик» нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, яна бир масалага тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Ўтмиш аждодларимиз жуда қадимдан амал қилиб келган қоидага кўра бир авлодга мансуб қариндошларнинг ҳаёт бўлган болаларига бир хил исм берилмаган. Бунга иккита сабаб эътиборга олинган. Биринчидан, бир авлод фарзандлари орасида бир хил отдош (адаш)лар бўлса, уларни фарқлаш қийин бўлади деб ҳисоблашган. Иккинчидан, ҳаёт бўлган қариндош исмини бошқа бир қариндошига қўйиш мумкин эмас, деган удумга амал қилинган. Афсуски, ҳозирда мана шу кўҳна удумга амал қилмаслик ҳоллари учрамоқда. Буни бир авлод фарзандлари — аммаваччалар, холаваччалар, тоға ва жиёнлар фарзандлари орасида адаш болалар учраши тасдиқлайди.

Исм қўйиш удумларимиз исмларнинг келажақ ривожига қандай таъсир қилади, келажақда исмлар соҳасида қандай ўзгаришлар юз бериши мумкин деган фикрлар кўпчиликни қизиқтирса керак. Бу масалада бирор фараз қилиш осон иш эмас. Аммо ўзбек антропонимлари ривожига баъзи бир тенденцияларни, аҳолининг болага исм бериш одатларидаги кўзга ташланувчи ўзгаришни кузатиш орқали баъзи илмий фаразлар қилиш мумкин. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, ҳозирги ўзбек антропонимияси лексикасининг асосий қисмини қадимдан удум бўлиб келган исмлар ташкил қилади. Мана шу исмлар мажмуи бундан кейин ҳам истёмо-

да бўлиши кутилади. Айниқса, кишлок жойлардаги ахолининг исмларини мана шу анъанавий номлар ташкил қилади. Ушбу исмлар фондига кириб келган баъзи янги исмлар бу фондни тамоман ўзгартира олмайди.

Иккинчидан, исм беришда амал қилинадиган бир қатор расм-русумлар, эътиқодлар ва шунга мос равишда исм танлаш ҳали анча вақтгача сақланиб қолса керак, чунки Маҳмуд Кошғарий айтганидек:

*Эл (шаҳар) ташланур,
Расми (урф-одат) ташланмас¹.*

Учинчидан, болага ўтмишда ҳукмрон табақаларнинг мансаб ва унвонларидан ясалган исмлар (Мирзо, Султон, Пошша, Малик, Хонзода ва б.) ёки таркибида мана шундай сўзлар келган номларни бериш камайиб боради.

Тўртинчидан, ислом динига бўлган эътиқоднинг ўзбек халқи маънавиятининг таркибий қисми деб тан олингани, диний удумларга амал қилишнинг кучайгани диний тушунча ва тасаввурларнинг номи бўлган сўзлардан ясалган исмларнинг узоқ давр яшашига йўл очади.

Бешинчидан, болага берилаётган исм маъносидан ташқари шаклан содда, ихчам бўлишига эътибор қилиш анъанаси янада кучаяди. Исмнинг шаклан соддалашуви, унинг талаффузи кулай, енгил бўлишини таъминлаши аниқ. Шу муносабат билан баъзи қўшма исмларнинг бирор компонентини тушириб айтиш, қисқартириш жараёни янада фаоллашуви кутилади. Масалан, Ашурали эмас Ашур, Гулнафиса эмас — Нафиса, Зебинисо эмас — Зеби ва бошқалар.

Олтинчидан, болага бериладиган исмни миллийлик нуқтаи назаридан ҳам баҳолашга интилиш кучайса керак. Шу муносабат билан ўзбек исмлари жамғармасида асли туркий исмлар миқдори орта боради деб ўйлаймиз. Ҳозирда ҳам баъзи мана шу каби исмларни қўйишга интилиш сезилмоқда: Ёлқинбой, Ёркиной, Турғуной, Ёлқина, Учқун, Ботир, Севара, Ёркиной ва ҳ.к.

Еттинчидан, халқ эстетик дидининг ошиб бориши, болага чиройли исм беришга интилиш қўйидаги тип исмларнинг миқдори

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону лувотит турк. II том, 32-бет.

кўпайишига, функционал жихатдан фаоллашувига асосий сабаб бўлади: Сабоҳат, Мунаввара, Диёра, Оқила, Адиба, Маърифат, Донохон, Сурайё, Хулкар, Феруза, Гавҳарой, Комил, Комила. Бундай исмлар ҳақида китобнинг олдинги саҳифаларида ҳам фикр билдирган эдик.

Саккизинчидан, миллий ўзликни англашга интилиш, у билан боғлиқ ўзбек миллий кадриятларини ўрганиш, қайта кашф қилиш, халқимизнинг тарихий битиклари фольклор, бадиий меросидаги қаҳрамонларнинг исмини болага қўйиш удумининг ортишига йўл очади деб ўйлаймиз. Кейинги пайтларда болага Алишер, Бобур, Улўғбек, Темур, Жамшид, Нодира, Бехзод, Ширин, Фарход, Науфал, Искандар, Отабек, Зулхумор, Авазхон, Рустам, Гулойим, Барчиной каби исмларни бериш кўпаяётгани фикримизнинг далилидир.

Тўққизинчидан, шундай исмлар ҳам борки, исм учун асос бўлган сўз истеъмолдан чиққан бўлса-да, сўз исм сифатида яшаб турибди ва кишилар бундай номларни исм (киши номи) сифатида қабул қиладилар ва ўз фарзандларига қўяверадилар. Бу удум мана шу тип номларнинг тилда ҳали ҳам анча вақт яшаб туришига кафолат бўла олади: Елдириш, Салорбой, Тошбон, Удайчи, Тўпчи, Черикбой, Навкарбой, Жория, Жиғабой, Совут, Чўқмор, Қалқонбой, Тўқоч, Васиқа, Ўлпон, Дарвеш, Қаландар, Ўрдабой, Қўшчи, Қўшчибой ва бошқалар.

Ўнинчидан, мустақиллик даврида фуқароларга ўз исмлари, фамилияларини эркин танлаш ҳуқуқи берилгани ўзбекча фамилия ва ота исмларнинг русча шаклда ёзилишида хилма-хиллик келтириб чиқарди. Ҳозирда баъзи фуқаролар русча -ов, -ова, -ева, -овна, -евна қўшимчалари ёрдамида ясаладиган фамилиялардан воз кечилмоқда ҳамда исм ва отасининг ёки бобосининг исмини ҳеч бир қўшимчаларсиз ёнма-ён келтириш асосида ёзмоқдалар: Карим Жўра ёки фамилияни «ўғли», «қизи», «зода» сўзлари ёрдамида ҳосил қилишмоқда. Чунончи, Абдулла Эшқобул ўғли, Гулчехра Эркинбой қизи каби. Аммо ушбу шакл ном бобо исмидан ясалганида фамилия маъносида, ота исмидан ясалганда ота-исм шаклини ҳосил қилмоқда. Ҳар ҳолда ўзбекларнинг фамилия ва ота исмларида хилма-хиллик, чалкашлик мавжудлигини тан олмай илож йўқ. Келажакда бу масалада бирор усулни қабул қилиш ва фуқароларнинг фамилия ва ота исмларини маъқул бўлган муайян тизимга келтириш муҳим вазифалардан биридир.

Матбуотда бу масалада баъзи фикрлар учраб турибди. Масалан, Абдуқодир Муталов ёзишича, кишиларни, уларнинг фамилияларидан қайси миллатга мансублигини билиб олса бўлади. У давом этиб ёзади: «Мен истардимки. Бизларни юқоридагилар каби қаерданлигимиз айтилмай турибок, катта-катта жаҳон анжуманларида исм фамилияларимизнинг шаклидан Ўзбекистондан эканлигимизни дарҳол танишса. Билишса...

Фикримча, мустақиллик шароитида бунинг унчалик қийин жойи йўқ. Биз ўзбеклар ҳам фақат ўзимизгагина хос бўлган исм фамилияларимиз шакллари қандай бўлиши кераклигини ўзимиз тегишли танловлар, муҳокамалар ўтказиш йўли билан аниқлаб олишимиз мумкин.

Бу ҳолат миллий ўз-ўзлигимизни танишда, дунёга яна кенгрок танилишимизда яна бир восита бўлиши аниқ. Мен шундай деб ўйлайман»¹. Айтилганлар, шубҳасиз, долзарб ва яхши фикр, аммо ўзбекча фамилия қандай шаклда бўлиши лозимлиги ҳақида бирор аниқ таклиф йўқ.

Ҳозирги ўзбекларнинг фамилия ва ота исмлари шўролар даврида расмийлаштирилган номлар ва ҳозирда русча шаклдаги фамилияларни ихтиёр қилаётган фуқароларнинг русча шаклдаги фамилия ва ота исмлари ҳисобига миллий шакллардан устунлик қилиб турибди.

Ўн биринчидан, маълумки, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси орасида исмларни баҳолаш, болага қандай исмни танлаш борасида баъзи фарқлар сезилиб туради. Кейинги пайтларда бу фарқ маълум даражада қисқариб бормоқда, шаҳарлик ва қишлоқ болаларининг исмлари орасидаги ўзига хосликлар камайиб, муштараклик ортмоқда. Шунга қарамадан, фикр юритилаётган масала юзасидан фарқлар хали ҳам маълум давргача сақланиб турса керак. Унга сабаб қишлоқ аҳолиси орасида исм бериш билан алоқадор қадимий анъанавий удумлар кучлидир.

Биз юқорида ўзбек исмлари истиқболи ҳақида фикр юритдик. Баъзи тахминлар, фаразлар қилдик. Тўғри, ушбу фаразларнинг баъзиларига вақт ўзгартиришлар киритиши мумкин. Аммо илмда истиқболга оид тахминлар қилиш бор гап, бу айб ҳисобланмайди.

¹ «Ўзбекистон овози» газетаси. 1997 йил 21 июнь, 2-бет.

ҚИСҚАРТМАЛАР

Б-нома — Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1960.

Гумилев — Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 2007.

ДЛТ — Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. I том. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1960, II том, 1961, III том, 1963.

ДЛТ индекс — луғат. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. Индекс-луғат. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1967.

Древние авторы — Древние авторы о Средней Азии (VI в. — до н.э., III в. н.э.). Хрестоматия. — Т.: 1940.

ДС — Древнетюркский словарь. — Л.: «Наука», 1969.

ИзЛ — Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдик. — Т.: ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти, 2006–2008 йиллар.

История Абулфейзхана — Абдурахмони Талиъ. История Абулфейзхана. — М.: Из-во АН, 1959.

Катанов Н.О. Указатель — Катанов Н.О. Алфавитный указатель собственных имен верчающихся во втором томе «Абразцы народной литературы тюркских племён, собранных В.В. Радловым. Спб. 1888.

Матлаи — Абдурахмон Самаркандий. Матлаи саъдайн ва матлаи баҳрайн. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1969. Шахсий номлар кўрсаткичи, 431–443-бетлар.

Мукимханская история — Мухаммед Юсуф Мунши. Мукимханская история. — Т.: Изд-во «Фан» АНУз., 1956.

С6Л, УИ — Рашид-ад-дин. Сборник летописей, том I. — М., — Л., 1952. том II, 1960, том III, 1946.

Система имен — Система личных имен у народов мира. — М.: «Наука», 1986.

Т-мон — Юнусов А. Таржимон XVI аср ёдгорлиги. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1980.

Убайдуллонаме. — Мир Мухамед Амини Бухари. Убайдуллонаме. — Т.: Изд-во АНУз, 1957.

Шажараи тарокима — Абулғозий Баходирхон. Шажараи тарокима. — Т.: «Чўлпон» нашриёти, 1992, Исмлар кўрсаткичи.

Ўзбек исмлари — Э. Бегматов. Ўзбек исмлари маъноси. — Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 1988.

Х-нома — Гулбадан Бегим. Хумоюннома. — Т.: ЎзФА «Фан» нашриёти, 1959.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Атоқли отлар олами	5
Исмимиз ва жисмимиз	12
Исм қўймоқ масъулияти	20
Мозий қаъридан оқиб келган жилғалар	27
Аждодларнинг табаррук номи	40
Чақалоқнинг дупманлари — «ёвуз кучлар» ким ёки нима?	50
Хўнук номлар хизмати	59
Тош ва темирларга боғланган умид	66
Исми ўзи билан туғилганлар	73
Сотиболди ва Тошиболди	81
Бўрибой ва Бўринисо	86
Умид ва армон туғдирган исмлар	95
Илашжонга илҳақ умидлар	98
Жасур ва Жасура	102
Қизлар қисмати ва исмлар хизмати	106
Исмларда эъзоз топган нафосат	116
Маърифат манзилидан донолар даврасига	132
Ислол ва исмлар	134
Исмларимизнинг истикболи хақида ўйлар, фаразлар	162
Қисқартмалар	174

Илмий-оммабон нашр

Э. БЕГМАТОВ

ИСМЛАРНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

Мухаррир *А. Зиядов*
Бадий мухаррир *К. Васихова*
Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*
Техник мухаррир *Л. Хижова*
Кичик мухаррир *Д. Холматова*
Мусаххих *С. Салохутдинова*
Компьютерда саҳифаловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.09.

Босишга 2014 йил 17 январда рухсат этилди.

Бичими 60×84¹/₁₆. Офсет қоғози. «Virtec Peterburg Uz» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 10,23.

Нашр табоғи 10,12. Адади 2000 нусха. Буюртма № 13-326.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

КИТОБ ОЛАМИ



Исмларнинг сирли олами
9789943019928

Цена 11 925 сум

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-992-8



9 789943 019928